

БЎРИБОЙ АҲМЕДОВ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ МАНБАЛАРИ

(ҚАДИМГИ ЗАМОН ВА ЎРТА АСРЛАР)

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
тарих муаллимлари, талабалар ва юқори синф
ўқувчилари учун қўлланма сифатида тавсия этган*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 2001

Ушбу китоб — «Ўзбекистон тарихи манбалари (қадимги замон ва ўрта асрлар)» «Ўзбекистон тарихи» дан қўлланма сифатида ёзилган бўлиб, Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта аср тарихини ўрганишда ёрдам беради.

Китобда қадимги Эрон, юнон, Рим, Хитой, араб, форс ва қадимги ҳамда ўрта аср туркий тилларида ёзилган ва бизнинг замонимизгача етиб келган қўлёзма манбалар таҳлил қилинади.

Қўлланма тарих муаллимлари, олий ўқув юртлири тарих факультетларининг талабалари, умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган.

Тақризчилар: тарих фанлари доктори, проф. **Қ. Усмонов**, тарих фанлари доктори **Азамат Зиё**, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 9-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси **М. Тўраева**.

0503020904—64
А ————— Буюрт. вар.—2001
353(04)—2001

ISBN 5-645-03607-7

© «Ўқитувчи» нашриёти,
1991 й.

© «Ўқитувчи» нашриёти,
2001 й. Қайта ишланган
ва тўлдирилган нашри

СЎЗ БОШИ

Тарих фани кишилик жамияти босиб ўтган тарихий йўлни қонуниятли бир жараён тарзида атрофлича ўрганиувчи фан сифатида ижтимоий фанлар (адабиёт, сиёсий иқтисод, ҳуқуқшунослик, фалсафа, иқтисодиёт ва б.қ.) тизимида муҳим ўрин тутади ва кенг халқ оммасини, айниқса ёш авлодни ўз Ватани ва халқига садоқат руҳида тарбиялаш ишига хизмат қилади. Айниқса, улуғ аждодларимизнинг ҳаёти, турмуш тарзи, дини ва эътиқодини ўрганишда бу фаннинг роли бениҳоят катта. Бошқача қилиб айтганда биз, биринчи навбатда, кимлигимизни, халқимизнинг «ўқ томири» қаердалигини, унинг шаклланиш жараёни қандай кечганлигини билишимиз зарур. Лекин, тарихни яхши билмай туриб бунга эришиб бўлмайди. Муҳтарам Президентимиз И.А. Каримов кўп бор таъкидлаб ўтганларидай, «ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур»¹.

Маълумки, ҳозиргача Ўзбекистоннинг холис, мукаммал ёзилган тарихи яратилмаган. Илгари, хусусан шўролар тузуми ҳукмрон бўлган йилларда тарих китоблари бир томонлама, миллатимиз ҳамда руҳимизга ёт бўлган марксизм-ленинизм деб аталмиш гоё таъсирида ёзилди. Юз берган воқеа ва ҳодисалар бирёқлама ёритилди, буюк олимларимиз, маърифатпарвар бобокалонларимизнинг пешонасига «динпараст», «тескаричи», «бидъатчи» деган тамғалар босилди; қадриятларимиз, бой ва бемисл маънавиятимиз «ерга урилди»; бебаҳо китобларимиз диний ёки хонлар, подшолар саройида

¹ **И.А. Каримов.** Тарихий хотирасиз келажак йўқ. «Мулоқот», 1998, №2, 2—3-бетлар.

ёзилган китоблар деб қораланди; улуғ ўтмишимиз ҳақида озми-кўпми фикр юритмоқчи бўлганлар эътиборда бўлмади, улар билан ҳеч ким ҳисоблашмади.

Миллий мустақиллик ва истиқлол шарофати билан ҳақиқий тарихимизни ўрганиш ва ёзиш имкониятига эга бўлдик. Қувончлиси шу бўлдики, ҳукуратимиз мамлакатимизнинг ҳолис ва мукамал тарихини яратиш йўлида тарихчи олимларга барча зарур шарт-шароитларни яратиб бераётир. Мамлакат Олий Мажлиси таълим ҳақида махсус қарор қабул қилди, Президентимиз Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш ҳақида махсус фармон эълон қилдилар (1997 й.).

Бу ва бошқа расмий ҳужжатларда, шунингдек Президентимизнинг тарих, маънавият ва кадриятларимизни ўрганишга бағишланган маъруза ва маҳаллий матбуот саҳифаларида эълон қилинган мақола ва суҳбатларида асосий диққат-эътибор тарихимизни атрофлича ва чуқур ўрганиш, ҳолис ёзилган дарслик ва қўлланмалар яратишга қаратилган.

Олий Мажлис ва республика ҳукуратининг махсус қарорларида, шунингдек, Президентимизнинг маъруза ва суҳбатларида мактаблар, олий ва ўрта ўқув юртлари учун тарихдан юқори савиядаги дарсликлар ва қўлланмалар яратиш зарурлиги рўй-рост айтилди; бу иш зиёлилар, хусусан тарихчи олимларнинг кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўқувчининг фан асосларини пухта эгаллаб олиши, ўз Ватани тарихини яхши билиши кўп жиҳатдан ўқув-тарбия ишларининг қандай ташкил қилинишидан ташқари, кўп жиҳатдан дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг сифати ва савиясига ҳам боғлиқдир.

Яна шуни ҳам айтиш лозимки, иморатни мустаҳкам пойдеворсиз қуриб бўлмагандек, тарихни манбасиз ёзиб бўлмайди. Худога шукр, манбаларимиз, ашёвийлари (қ.) ҳам, маънавийлари (қ.) ҳам ўзимизда етарли. Мустамаклачилик тузуми даврининг миллатчилик ва улуғ давлатчилик сиёсати,

аёвсиз ва беҳисоб талон-торождлар, қатағонлар, турли «маданий инқилоб»ларга қарамай, тарихий манбаларимизнинг бир қисми бизнинг замонимизгача етиб келди. Улар мамлакатимизнинг ҳолис ва пухта тарихини яратиш учун етади.

Мазкур қўлланманинг қисқа варианты бундан 15 йил муқаддам ёзилган ва 1991 йил бошида нашр этилган эди¹. Лекин у, биринчидан, маълум даражада марксизм-ленинизм ғоялари ва шўролар мафкураси таъсири остида ёзилган; иккинчидан, унга бир талай тарихий ва географик асарлар, тазкиралар, маноқиблар, ҳуқуқий ҳужжатлар ва расмий ёзишмалар кирмай қолган эди. Ушбу нашрда бу хато ва камчиликлар тузатилди. Ундан ташқари, китобга учта янги боб: 1) «Ҳуқуқий ҳужжатлар ва расмий ёзишмалар», 2) «Биографик ва мемуар асарлар», 3) «Элчилар, ҳарбий мутахассислар ва сайёҳларнинг эсдаликлари» боблари қўшилди.

Яна бир муҳим гап. Мазкур қўлланманинг хронологик чегаралари қадим замонлардан то XIX асрнинг ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олади. Мустамлакачилик ва мустақиллик даври тарихи манбалари алоҳида ёзилиши лозим.

Яна бир таъкид. Ушбу китобга қадимги давр тарихимизни ўрганиш учун асосий манба бўлиб хизмат қилувчи ашъвий (археологик) манбалар кирмай қолди. Бу манбалар, биринчидан, маълум тартибга, тизимга солиниши ва алоҳида ўрганилиши лозим. Бу тадқиқотни ўз соҳасининг мутахассиси, яъни археолог олим ёзгани дуруст. Имоним комилки, бундай китоб — «Ўзбекистон тарихининг ашъвий (археологик) манбалари» номли китоб яқин келажакда албатта ёзилади. Чунки, Ўзбекистонда академик Я.Ф. Фуломов яратиб кетган ўзбек археологлари мактаби мавжуд. Ва ниҳоят, яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, тарихий, географик асарлар ҳамда ҳужжат ва ёзишмалардан келти-

¹ Б.А. Аҳмедов. «Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари». Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1991.

рилган парчалар, ўқувчининг имкониятини ҳисобга олиб, эркин таржима қилинди.

Мазкур қўлланма — «Ўзбекистон тарихи манбалари»ни яратиш йўлида қўйилган дастлабки қадамлардан бўлгани учун у айрим хато ва камчиликлардан холи эмас. Шу сабабдан, мутахассис олимлар, айниқса тарих муаллимларининг мазкур қўлланма хусусида айрим эътироз ва иштаклари бўлиши табиий. Улар билдирган фикр ва мулоҳазалар келажакда қўлланмани янада такомиллаштириш ва унинг илмий савиясини ва қимматини ошириш ишига ёрдам беради, албатта.

Муаллиф

**1 боб. ТАРИХИЙ МАНБАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ,
УЛАРНИ ТУРКУМЛАШ, ТАНЛАШ ВА ИЛМИЙ
ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ПРИНЦИПЛАРИ**

Манбашуносликнинг мавзуи ва вазифалари. Манбашунослик тарих фанининг асосий ва муҳим тармоқларидан бўлиб, турли (моддий — ашёвий, этнографик, ёзма ва б.қ.) манбаларни ўрганиш ҳамда улардан илмий фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганади.

Тарихий манба нима? Тарихий манба деганда узоқ ўтмишдан қолган, инсониятнинг табиат ва жамиятнинг маълум тараққиёт босқичидаги кечмишини ўзида акс эттирган моддий (ашёвий) ва маънавий ёдгорликларни тушунамиз. Моддий ёдгорликлар туркумига кўҳна манзилгоҳ ва мозорлар, шаҳарлар, қасрлар ҳамда қалъаларнинг харобалари, ўша жойлардан топилган ишлаб чиқариш ва уруш қуроллари, уй-рўзғор ҳамда зеб-зийнат буюмлари, қадимий суғориш иншоотларининг қолдиқлари, олтин, кумуш ва мис тангалар, шунингдек, ибтидоий одамлар ва ҳайвонларнинг қоя тошларга ўйиб ишланган суратлари, умуман тош ва бошқа қаттиқ буюмлардаги ёзувлар киради. Маънавий ёдгорликлар туркумига эса узоқ ўтмишдан қолган кўлөзма асарлар ҳамда одамларнинг турмуши ва урф-одатларини ўзида акс эттирувчи материаллар, шунингдек, кишилар онгида сақланиб қолган урф-одат ва анъаналар киради. Хуллас, табиат ва жамиятнинг кечмиши билан боғлиқ бўлган ҳар бир нарса тарихий манба бўлиши мумкин. Табиат ва жамият эса маълумки бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Тарихий манбалар инсон ижтимоий фаолияти натижасида пайдо бўлган. У ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонларини, бўлиб ўтган воқеаларни ўзида акс эттиради. Шунинг учун тарихий манбаларсиз қадимий одамларнинг турмуши ва

ижтимоий фаолияти қай тарзда кечганлигини билиб ва ўрганиб бўлмайди.

Манбалар устида иш олиб борганда шуни ҳам эсда тутиш зарурки, ҳар бир тарихий даврнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, у аввало ижтимоий-сиёсий тузумнинг табиати, ишлаб чиқариш усуллари, ўша даврда мавжуд бўлган моддий маданият ва ниҳоят, ёзув техникасининг умумий даражаси билан белгиланади. Шу билан бирга, баъзи даврларда фан ва маданият жамиятнинг моддий тараққиётидан бирмунча илгарилаб кетиши, ёки орқада қолиши ҳам мумкин. Бу ҳолни биз қадимий Хоразм ва Бақтрия маданияти, Ўзбекистон халқларининг X ва XV асрлардаги маданияти юксалиши мисолида кўришимиз мумкин.

Манбашуносларнинг вазифаларига келсак, тарихий манбаларни топиш, уларни туркумлаш, чуқур ва атрофлича тадқиқ этиш, манбада ўз аксини топган ёки баён этилган воқеалар, келтирилган далилларнинг тўла ва ҳаққонийлигини аниқлаш уларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Тарихий манбаларни, уларнинг умумий табиати, ўтмишни ўзида акс эттиришига қараб, қуйидаги беш асосий туркумга бўлиш мумкин.

1. Моддий (ашёвий) манбалар. Маълумки, кишилиқ жамияти тарихи кўп минг йиллик даврни ўз ичига олади, лекин ёзув пайдо бўлганига эса кўп вақт бўлганича йўқ. Масалан, цивилизациянинг илк ўчоқларидан бўлмиш Марказий Осиёда дастлабки ёзув арамейча хат негизида тахминан милoddан аввалги биринчи минг йиллик ўрталаарида пайдо бўлган. Лекин, афсуски, кўҳна тарихимизни ўзида акс эттирган ёзма манбаларнинг катта қисми, юқорида қайд этганимиздек, бизнинг замонимизгача етиб келмади. Уларнинг кўпчилиги босқинчилик урушлари вақтида, қолаверса, табиий офатлар оқибатида йўқ бўлиб кетган. Илк тарихнинг айрим лавҳалари ўтмишдан қолган ва инсоннинг ижтимоий фаолияти билан боғлиқ бўлган моддий ёдгорликларда, аниқроғи, уларнинг бизгача сақланган қолдиқларида етиб келган.

Моддий (ашёвий) манба деганда ибтидоий одамлар истиқомат қилган ва дафн этилган жойлар, уларнинг меҳнат ва уруш қуроллари, бино ва турли иншоотлар (қалъа ва қасрлар, ҳаммом ва қарвонсаройлар, ҳунармандчилик устахоналари ҳамда сув иншоотлари ва бошқалар) нинг қолдиқлари, уй-рўзғор ва зеб-зийнат буюмлари тушунилади.

Моддий ёдгорликларни қидириб топиш ва ўрганиш ишлари билан археология илми (юнон. *архео* — қадимий, *логос* — илм; ўтмиш ҳақидаги илм; кишилик жамиятининг узоқ ўтмишини ўрганувчи илм) шуғулланади.

2. Этнографик манбалар. Халқларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган материал ва маълумотлар, масалан, халқ, қабила ва уруғ номлари, инсон кўли, ақл-заковати билан яратилган қурол ва буюмларнинг, нақш ва безакларнинг, кишилар онгида, шунингдек оғзаки ва ёзма адабиётда сақланиб қолган (урф-одат ва анъаналар) маълумотлар, кишиларнинг турмуш тарзи этнографик манба ҳисобланади.

Буларнинг барчасини этнография (юнон. *этнос* — халқ, *грапхо* — ёзаман — халқ ҳақида маълумотлар, халқшунослик) илми текширади ва ўрганади.

3. Лингвистик манбалар. Тилимизда, аниқроғи унинг лексик таркибида узоқ ўтмишдан қолган, ижтимоий-иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий атамалар: *хирож* (ўрта асрларда аҳолидан олинадиган даромад солиғи), *ушр* (солиқ турларидан; даромаднинг ўндан бир қисмини ташкил қилган), *закот* (чорва ва кўчмас мол-мулкдан йилига бир марта олинадиган жарима; молнинг қирқдан бир қисмини ташкил этган), *суюрғол* (шаҳзодалар ва йирик амирларга тожу тахт олдида кўрсатган катта хизматлари учун берилган ер-сув, мол-мулк), *тансуқот* (камёб, эътиборга молик буюм, мато; подшоҳлар, хонлар ва мўътабар кишиларга қилинадиган тухфа), *черик* (кўшин), *қоровул* (кўшиннинг олд ва ён томонларида борадиган махсус ҳарбий бўлинма), *ҳалифа* (Муҳаммад пайғамбарнинг ўринбо-

сари, ўрта асрларда араб мусулмон мамлакатларида катта ер эгалиги давлатининг бошлиғи), *миришкор* (тўғрироғи — мири шикор, подшоҳ ва хонларнинг ов қушлари ва ҳайвонларини тасарруф этувчи мансабдор; ов мутасаддис), *мироб* (сув тақсимоги билан шуғулланувчи мансабдор), *қози* (шариат асосида иш юритувчи ҳакам), *ёрлиқ* (ўрта асрларда олий ҳукмдор тарафидан бериладиган расмий ҳужжат; фармон), *вақфнома* (ер-сув ёки даромаднинг маълум қисмини масжид, мадраса ва мозорларга тортиқ этилганлиги ҳақида тузилган махсус ҳужжат); жой ҳамда халқ, қабила ва уруғ номлари: *Аравон*, *Кампирравот*, *Нукус*, *Хўжайли* (Хўжа эли), *Чинос*, *Найман*, *Манғит*, *Сарой*, *Кўнғирот* ва бошқалар жуда кўп учрайди. Бу ва шунга ўхшаш терминлар шубҳасиз қимматли тарихий материал бўлиб, узоқ ўтмишда аждодларимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганишга ёрдам беради. Уларнинг келиб чиқиши ва этимологиясини лингвистика (лотин. *лингва* — тил) фани ўрганади.

4. Халқ оғзаки адабиёти. Оғзаки адабиёт маданиятнинг энг қадимги соҳаларидан бўлиб, унинг илдизи қадим-қадим замонларга бориб тақалади. Оғзаки адабиётнинг айрим намуналари қадимги юнон тарихчилари (уларга сал қуйроқда алоҳида тўхтаб ўтамиз), шунингдек, Табарий, Масъудий, Беруний, Фирдавсий, ибн ал-Асир каби Шарқ олимларининг асарлари орқали бизгача етиб келган. Кайюмарс, Жамшид ва Сиёвуш ҳақидаги афсоналар, Аморт ва Спаретра, Тўмарис ва Широқ ҳақидаги қиссалар шулар жумласидандир. Бу давр тарихини, айниқса ўша замонлардаги ижтимоий муносабатларни ўрганишда «Алпомиш», «Гўр ўғли» каби дostonлар, шунингдек, халқ эртаклари, маросим қўшиқлари, матал ва топишмоқларнинг роли бениҳоят каттадир. Ёзма адабиётдан аввал пайдо бўлган бу халқ дурдоналари турли ижтимоий табақага мансуб кишиларнинг турмуши, маънавий қиёфаси, урф-одати, айниқса узоқ ўтмишда ҳукм сурган ижтимоий муносабатлар ҳақида қизиқарли маълумотлар беради.

Тарихий манбаларнинг бу тури билан фольклор (нем. *фольк* — халқ, *лоре* — билим» донишмандлик, халқ донолиги) фани шуғулланади.

5. Ёзма манбалар тарихий манбаларнинг муҳим ва асосий тури. Улар инсоннинг ижтимоий фаолияти, аниқроғи одамларнинг ўзаро муносабатининг натижаси ўлароқ яратилган ва ўша замонларда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўзида акс эттирган манба сифатида ўрта аср (VI—XIX асрлар) тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутади.

Ёзма тарихий манбалар ўз навбатида икки турга бўлинади: 1) Олий ва маҳаллий ҳукмдорлар маҳкамасидан чиққан расмий ҳужжатлар (ёриқлар, фармонлар, иноятномалар ва б.қ.), молиявий ҳисобот дафтарлари, расмий ёзишмалар ва 2) тарихий, гео-космографик ҳамда биографик асарлар.

Ижтимоий-сиёсий, айниқса иқтисодий муносабатларга оид масалаларни ўрганишда расмий ҳужжатлар, молиявий ҳисобот дафтарлари ва ёзишмаларнинг аҳамияти бениҳоят каттадир. Расмий ҳужжатлар ижтимоий-сиёсий ҳаётни маълум ҳуқуқий кўринишда бевосита ва кўп ҳолларда айнан қайд этиши билан қимматлидир. Лекин уларнинг орасида, айниқса расмий ёзишмаларда сохталари ҳам учраб туради. Шунинг учун ҳам улардан фойдаланганда алоҳида диққат-эътибор ва эҳтиёткорлик талаб қилинади. Ҳужжатлар устида иш олиб борганда, аниқроғи ундан бирон ижтимоий-сиёсий воқеа ёки далилни талқин этиш учун фойдаланиш жараёнида бир ҳужжат билангина кифояланмасдан, ўхшаш бир неча ҳужжатни қўшиб ўрганмоқ зарур, чунки битта ҳужжатда фақат бир келишув ёки бир далил устида гап боради. Шунинг учун фақат бир ҳужжат асосида маълум ижтимоий-сиёсий масала устида қатъий фикр юритиб бўлмайди.

Тарихий, гео-космографик ҳамда биографик асарлар масаласига келганда, аввало шуни айтиш керакки, улар ҳукмрон синфнинг топшириғи билан ёзилган ва шу туфайли

уларнинг саҳифаларида кўпроқ подшолар ва хонларнинг, амирлар ва йирик руҳонийларнинг ҳаёти ва фаолияти ёритилган, моддий бойлик яратувчи меҳнаткаш халқнинг тарихи эса кўп ҳолларда чеклаб ўтилган. Хуллас, бу асарларда ҳукмрон синфнинг дунёқараши ўз ифодасини топган, ўша синфнинг мақсад ва манфаатлари ҳимоя қилинади. Бу табиий ҳол, албатта. Лекин шуни сабаб қилиб, бу асарларни эътиборсиз қолдириш хато бўлур эди, чунки узоқ ўтмишда бўлиб ўтган воқеалар тафсилоти фақат шу асарларнинг саҳифаларидагина сақланиб қолган. Қисқа қилиб айтганда, ўтмишни бу асарларсиз ўрганиб бўлмайди. Аммо уларни ўрганиш жараёнида, уларнинг саҳифаларида келтирилган ахборот ва далилий маълумотлардан фойдаланишда ҳушёр бўлиш, яъни уларга танқидий ёндашиш талаб қилинади.

Тарихий, гео-космографик ва биографик асарлар бизгача кўп миқдорда етиб келган ва ўрта аср тарихини ўрганишда асосий манбалардан ҳисобланадилар.

Манбашунослик тарих фанининг бир қатор ёрдамчи соҳалари; палеография, дипломатика, геральдика, сфрагистика, эпиграфика, нумизматика, метрология ва хронология қўлга киритган ютуқларга таянади.

Палеография (юнон. *палео* — қадимий, *графхо* — ёзаман; қадимий ёзув) қадимий қўлёзма асарларнинг қоғози, муқоваси, сиёҳи, ёзуви ва ёзиш усулларини текширади.

Дипломатика (юнон. *диплома* — икки букланган қоғоз; ҳужжат) расмий ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш билан шуғулланади.

Геральдика (лотин. *геральд* — герб, белги нишон) қадимий герблар, турли-туман нишон ва белгиларни (масалан, қадимий туркий қабилаларнинг тамгалари) ўрганади.

Сфрагистика (юнон. *сфрагис* — муҳр) қадимий муҳрлар (подшолар, хонлар, амирлар ва қозиларнинг муҳрлари) ва уларнинг ёзувларини текширади.

Эпиграфика (юнон. *эпи* — устида, тепасида, *графхо* — ёзув; бирон нарса; буюм устидаги ёзув) тош, металл бу-

юмлар, ёғоч ва бошқа қаттиқ буюмлар устига ўйиб ёзилган қадимги битикларни ўрганеди.

Нумизматика (лотин. *нумус* — пул) қадимий пулларни, ашёси, шакли, вазни, ёзувлари, зарб этилган жойи ва вақтини текширади.

Метрология (юнон. *метрон* — ўлчов, *логос* — тушунча — билим; ўлчовлар ҳақида тушунча) ўтмишда турли мамлакат ва халқлар орасида амалда бўлган оғирлик, масофа ва сатҳ ўлчовларини ўрганеди.

Хронология (юнон. *хронос* — вақт, *логос* — тушунча, билим; вақт ҳақида тушунча) қадимда халқлар орасида ва мамлакатларда амалда бўлган йил ҳисоби ва тақвимни ўрганувчи соҳа. Маълумки, ўрта асрларда мусулмон мамлакатларида амалда бўлган ҳижрий (милоднинг 622 йилидан бошланган) дан ташқари, салжуқий султон Маликшоҳ (1072—1092) тарафидан жорий этилган Жалолоий ва 1301 йили Элхон Ғозонхон (1295—1304) жорий қилган ва Хоний номи билан машҳур бўлган йил ҳисоблари ҳам бўлган.

МАНБАЛАРНИ ТУРКУМЛАШ

Аввало, шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ҳанузгача манбаларни туркумлашнинг аниқ бир тартиби ишланмаган. Баъзи манбашунос мутахассислар уларни мазмунига қараб (асарда баён этилган масалага қараб) туркумлашни лозим топсалар, уларнинг бошқа бир гуруҳи асарнинг келиб чиқишига, яъни қаерда ва қачон ёзилганлигига қараб туркумлашни маъқул кўрадилар. Яна бир гуруҳ олимлар эса уларни турларга (расмий ҳужжатлар, тарихий, гео-космографик ва биографик асарлар) қараб туркумлашни тавсия қиладилар. Манбаларни автограф (муаллифнинг ўз қўли билан ёзилган нусха), ёки кўчирма нусхалигига қараб туркумлаш ҳоллари ҳам учрайди. Фикримизча, манба устида ишлашнинг ҳозирги босқичида, булардан фақат биттасига, яъни манбаларнинг турларига қараб туркумлаш принципига таяниш мақсадга мувофиқдир. Бошқалари эса, ўз-ўзидан кўриниб

турибдики, манбани чуқур ва атрофлича ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш вазифаларига жавоб беролмайди. Биринчидан, фақат биргина масалани (ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва ҳоказо) қамраб олган асар деярли учрамайди, қолаверса қўлёзма асарнинг келиб чиқиши, қандай нусха-лигини (автограф ёки кўчирма) аниқлаш масаласи манбани туркумлаш принципларидан бўлмай, балки уларни ўрганишнинг босқичларидан бири ҳисобланади.

Хуллас, манбани уларнинг турларига қараб туркумлаш мақсадга мувофиқдир.

«Ўзбекистон тарихи (ўрта асрлар) манбалари»ни (ёзма манбаларни) қуйидаги уч турга бўлиб ўрганишни тавсия қиламиз: 1) ашёвий манбалар, яъни археологик қазишлар натижасида топилган ашёлар; 2) расмий ҳужжатлар; 3) тарихий, гео-космографик ҳамда биографик асарлар.

Археологик манбалар қадимда аждодларимизнинг турмуш тарзи ва ижтимоий фаолиятини ўрганиш учун асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Расмий ҳужжатлар (ёрлиқлар, фармонлар, иноятномалар, вақфномалар, ҳисоб-китоб дафтарлари, раҳномалар, расмий ёзишмалар)га келганда шуни айтиш керакки, улар ижтимоий-сиёсий ҳаётни бевосита қайд этишлари, яъни феодал ер эгаллиги, ижтимоий зулм, давлат тузилиши ва бошқа шу каби масалалар бўйича далилий маълумотга бойлиги билан тарихий манбаларнинг бошқа турларидан ажралиб туради. Шунинг учун расмий ҳужжатларнинг фандаги ўрни жуда каттадир.

Тарихий, гео-космографик ва биографик асарларда, расмий ҳужжатлардан фарқли равишда, тарихий воқеа кенг ва тўлароқ ёритилади. Шунинг билан бир қаторда, бу асарлар ҳам физик маълумотга бойдир. Аммо, баён этилаётган воқеаларга субъектив ёндашиш, айрим муҳим воқеа ва далилларни хаспўшлаб ўтиш, ёки бузиб талқин этиш бундай асарларнинг кўпчилигига хосдир. Шунинг учун ҳам бундай асарлар устида иш олиб борганда уларга танқидий ёндашиш лозим.

Тарихий манбаларни аниқлаш, танлаш ва таҳлил этиш.

Тарихий манбани аниқлаш, танлаш ва ниҳоят, уни илмий таҳлил қилиш ҳар қандай илмий тадқиқотнинг, унинг катта-кичиклигидан қатъи назар, дастлабки босқичи ҳисобланади. Тадқиқ этилмоқчи бўлган масаланинг талқин этилиши, илмий жиҳатдан тўғри ҳал этилиши кўп жиҳатдан ҳар қандай илмий ишнинг пойдеворини ташкил этадиган манбанинг сифат ва салмоғига, яъни тўлалиги ва маълумотларга бойлигига боғлиқдир. Яна шуни ҳам эсда тутиш лозимки, аниқ бирон илмий масалани тадқиқ этишда бир эмас, балки бир неча асарга, қолаверса турли хилдаги манбалар (расмий ҳужжатлар, солномалар, гео-космографик ва биографик асарлар) га таянмоқ зарур. Буларнинг қай бири асосий, қайсиниси ёрдамчи роль ўйнаши эса тадқиқ этилмиш масаланинг мавзуи ва характериға боғлиқдир. Масалан, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганишда расмий ҳужжатлар асосий манба ролини ўйнайдиган бўлса, сиёсий ҳамда маданий ҳаётни ёритиб беришда солномалар (тарихий асарлар) ва биографик ҳамда адабий асарлар биринчи ўринда туради. Лекин шунга қарамай, илмий тадқиқот олиб боришда фақат асосий ҳисобланган манба билангина кифояланиб қолмай, иккинчи даражали манбаларни ҳам жалб этмоқ лозим. Кўлэзма асарлар устида олиб борилган кўп йиллик изланишлар шуни кўрсатдики, баъзи тарихий асарлар ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳамда маданий ҳаётга оид қимматли далилий маълумотга ҳам бойдир, расмий ҳужжатлар ва биографик асарларда эса сиёсий тарихга оид қимматли далилийларни, тарихий асарларда йўқ далилларни учратиш мумкин.

Шундай қилиб, илмий ишда кўп ва турли хилдаги манбаларга таяниб иш кўриш, тадқиқ этилмиш масалага оид барча манбаларни тадқиқ этилаётган ишга жалб этиш бўлажак илмий асарнинг қимматиға кафолатдир.

Белгиланган бирон мавзуга тегишли манбалар танлаб олингандан кейин, уларнинг ҳар бири, ташқи ва ички белгиларига кўра, илмий таҳлил этилиши зарур.

Манбани ташқи белгиларига қараб таҳлил этиш. Манбанинг ташқи белгилари деганда унинг муқоваси, қоғози ва хатидан ташқари, асарнинг ёзилган вақти, жойи, муаллифи, ёзилиш сабаблари, асар ёзилган вақтдаги ижтимоий-сиёсий муҳит англашилади. Бу масалаларни аниқламай туриб, асарда баён этилган воқеалар ҳақида, умуман асар ҳақида, тўғри ва тўла тасаввурга эга бўлиш, унинг хусусида фикр билдириш мумкин эмас.

Қадимий қўлёзма асарларнинг ёзилган вақти ва жойини аниқлаш қийин. Баъзи ҳолларда асар охирида фақат унинг кўчирилган вақти ва жойи ҳамда котибнинг номланишигина қайд этилади. Маълумотлар келтирилмаган тақдирда, асарнинг ёзилиш ва кўчирилиш тарихи, унинг қоғози, хати ҳамда тили ва тил услубига қараб тахминан белгиланади.

Асар муаллифи ва унинг шахсини аниқлаш қўлёзма асарни илмий таҳлил этишда катта аҳамиятга эга. Бу шунчаки асар муаллифининг шахсинигина аниқлаш учун қилинадиган одатдаги бир иш эмас, аксинча асарнинг яратилиш тарихи ва унинг ёзилишига сабаб бўлган ижтимоий-сиёсий муҳитни аниқлаб олиш учун ҳам зарурдир. Маълумки, қадимги қўлёзма асарларда кўп ҳолларда муаллифнинг исми маълум ва кўзга ташланадиган бирон жойда, масалан, асарнинг боши, ёки охирида қайд этилмайди. Баъзан у муқаддима қисмида, ёки асар ўртасида, воқеалар орасида бирон масала юзасидан тилга олинади. Кўп ҳолларда эса муаллиф ўзининг ҳақиқий исмини айтмай, «фақир ҳақир», «ожиз ва хоксор», «бу ғариб банда» деб аташ билангина кифояланади. Бундай ҳолларда асар варақма-варақ, сатрма-сатр, алоҳида эътибор ва синчковлик билан ўрганилиши лозим, чунки кўпинча шундай ҳам бўладики, асарнинг бирон ерида муаллиф ўзи, отаси ва яқинлари ҳақида бир-икки калима айтиб ўтади, ёки баён этилаётган воқеага ўзининг муносабатини (масалан, «Абдуллахон тахтга ўтирган вақтда камина Ҳофизи Таниш ибн Мир Муҳаммад 33 ёшда эдим») билдиради.

Бу ўринда яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, муаллифнинг шахси, яъни унинг қайси ижтимоий гуруҳга мансублиги, шунингдек унинг дунёқарашини аниқлаш учун асарнинг умумий ғоявий йўналишини тўғри белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Манбани ташқи белгиларига қараб таҳлил этишнинг яна бир муҳим шартларидан бири унинг ёзилиш сабабларини тўғри аниқлашдан иборатдир. Тадқиқотчи олим қўлидаги асарнинг ёзилиш сабабларини, асар қайси ижтимоий-сиёсий муҳитнинг маҳсули эканлигини яхши билиши зарур. Буни асарни зўр диққат-эътибор билан ўрганиш орқали удадалаш мумкин, бусиз асардан, унда келтирилган далилий манбадан тўғри фойдаланиб бўлмайди.

Манбани ички белгиларига қараб таҳлил этиш. Манбани ички белгиларига қараб таҳлил этиш деганда уни мазмунига қараб таҳлил қилиш, тушунтириш, ғоявий-сиёсий савияси ва илмий қимматини аниқлаш масалалари англашилади.

Ҳар қандай асарнинг илмий қиммати унда баён этилган воқеаларнинг холислиги, келтирилган далилларнинг тўғрилиги ва ниҳоят олдинга сурилган фикр ва ғоялар билан ўлчанади. Шунинг билан бир қаторда, бунда асарнинг оригинал (асл нусха) ёки компиляция (терма) бўлиши, тўла ва қисқалиги, воқеаларнинг қай тарзда баён этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади, чунки, одатда, илмий тадқиқотлар олиб борганда оригинал ва нодир нусхаларга таяниб илмий тадқиқотда келтирилган ҳар бир далил ва ҳатто рақам нодир манбалардан олиниши керак. Кимнингдир китобида келтирилган маълумотдан фойдаланишдан сақланиш лозим. Қандай қийин бўлмасин, биринчи манбани топиб ўқиш зарур.

Яна шунга ҳам эътибор бериш керакки, синфий жамият шароитида ёзилган асарларнинг муаллифлари кўпинча ўзлари келтираётган далиллардан тўғри хулоса чиқармайдилар; уларнинг фикрларида ноаниқлик, чалкашлик ва қарама-қаршилиқлар ҳам учрайди. Бу табиий ҳол, албатта, чунки улар

яшаб ижод этган муҳитнинг ўзи зиддиятлар билан тўлиб-тошгандир.

Манбанинг мазмунини таҳлил этишда яна бир нарсага эътибор бериш лозим. Муаллифнинг дунёқарашидаги синфий чекланиш, воқеалар ва фактлар устидан хулоса чиқарганда юз берадиган зиддият ва қарама-қаршилиқлар билан бир қаторда, айрим ҳолларда ҳолисона фикр юриши ҳоллари ҳам бўлади. Бундай пайтларда муаллиф кўпинча ўз фикр ва мулоҳазаларини пардозли иборалар ва исторали сўзлар орасига яширади, гороскоп (одам туғилганда унинг тақдирини ёки бирон улуг шахс иштирокида содир бўлиши мумкин бўлган муҳим воқеанинг натижасини сайёраларнинг ўша пайтдаги ҳолати ва ўрнига қараб махсус жадваллар воситасида олдиндан белгилаш), шунингдек, кўп аср аввал бўлиб ўтган ва айнан муаллиф баён қилмоқчи бўлган воқеага ўхшаш фактларни мисол тариқасида келтириш йўли билан баён этганлар. Бир-икки мисол келтирамиз. «Абдуллонома» асарининг муаллифи Ҳофиз Таниш Бухорий (XVI аср) машҳур Жуйборий хожалардан бири хожа Муҳаммад Ислом (тахм. 1493—1563) ва унинг «Етти иқлимнинг чаққон ҳисобчилари» (бир бўлганда ҳам) юздан бирини ҳам ҳисоблолмайдиган» беҳисоб бойликларига бўлган муносабатини Тафсир ва Ҳадис китобларига таяниб, мана шу сўзлар билан ифодалайди: «Тафсират ул-мубтадин»нинг¹ учинчи мисбоҳида (бобида) айтилганки, жаҳон аъёнлари бўлганликлари учунгина эмас, (балки) унга тегишли бўлишлари ва мол-дунёга ҳирс қўйишдан ўзини тиймаганликлари учун ёмондир. Шу боис ҳазрат рисолатпаноҳ (Муҳаммад пайгамбар) ... бу маънидан хабар берди (ва дедики) «Мол-дунёни дўст тутиш ҳар қандай гуноҳнинг бошидир»². Аштархонийлардан³ Убайдуллахоннинг

¹ «Тафсират ул-мубтадин» — «Қуръон» шарҳларидан бирининг номи.

² Ҳофиз Таниш Бухорий. «Абдуллонома». 1-жилд. Тошкент, 1966, 148-бет.

³ 1601—1757 йиллари Бухоро хонлиги тепасида турган сулола.

(1702—1711) китоби муаррих Мир Муҳаммад Амини Бухорий мазкур хоннинг ўлдирилиш сабабларини унинг фаолиятидаги нуқсонлардан, аниқроғи атрофига тубан ва соқин кишиларни тўплаб олиб, салтанат ва халқ аҳволидан бепарво бўлганлигидан қидиради: «Равзат ус-сафо»да¹ айтилганки (жаҳон устидан ҳукм юргизишнинг) биринчи шарти (шулки) ҳукмдор сир сақлай оладиган, муҳим давлат ишларида мустақил фикрга эга бўлган маслаҳатчиларни тарбиялаб етказмоғи зарур. Жаҳон устидан ҳукм юргизишнинг иккинчи шарти шулки, (ҳукмдор) ўзига етук, оқил, виждонли, камтарин ва истеъдодли кишиларни яқинлаштирмоғи лозим... Шунга ўхшаш, «Сирож ул-мулк» китобида² ҳикоя қилинганки, Нуширвон³ кунлардан бир куни бош қоҳиндан сўради: «Давлатнинг инқирозига сабаб нима?» Бош қоҳин жавоб қилди: «Бунинг сабаби учта. Биринчиси, давлатнинг умумий аҳволи олий ҳукмдордан яширин тutilса; иккинчиси, халқ подшога нафрат руҳида тарбияланса; учинчиси, солиқ тўловчиларнинг жабр-зулми ортиб кетса»⁴. Мир Муҳаммад Амин Бухорий юқорида айтилганлардан хулоса чиқариб бундай дейди: «Афсуски ҳар учала зарур шарт саййид Убайдуллахон ҳукмронлигига тааллуқлидир... Подшоҳ ҳукмронлигининг иккинчи ярмида илгари ўтган подшолар тариқидан, ота-боболарнинг тутимидан четга чиқди. Тамом куч-қувватини тубан ва заиф, суст ва манфур кишиларни тарбиялашга сарфлади, уларни ўзига яқинлаштирди; муттаҳамлар, ҳарам ходимлари ва хотинлар билан яқин муносабатда бўлди. Мана шуларнинг ҳаммаси унинг давлатини инқирозга учратди»⁵.

¹ «Равзат ус-сафо» («Жаннат боғи») кўп жилдли умумий тарих. Мирхонд асари (XV).

² «Сирож ул-мулк» («Подшолар чироғи»). Абу Абдулла Муҳаммад ат-Тартусий (1126 ёки 1131 йили вафот этган) асари. Подшолар ва олий табақадаги мансабдорларнинг хулқ-атвор кодекси.

³ Сосонийлардан Хусрав Ануширвон (531—579 йй.).

⁴ «Убайдуллонома». Тошкент, 1957, 221-бет.

⁵ «Убайдуллонома». 220-бет.

Хулоса қилиб айтганда, манбани илмий таҳлил қилишдан кузатилган мақсад, унинг муҳим ва илмий томонларини аниқлаш, унда келтирилган далилларнинг биринчи даражасидагисини иккинчи даражадагисидан, тўғриси ҳақиқатдан йироқ бўлганларидан ажрата билиш ҳамда энг муҳими асарда баён этилган воқеаларни (ҳолис тарихчи) нуқтаи назарида туриб баҳолай олишдан иборатдир.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, манбани фақат унинг бир ўзида келтирилган далил ва маълумотларга қараб баҳолаб бўлмайди. Баъзи ҳолларда келтирилган далиллар сохта, баён этилган воқеа эса сохталаштирилган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам бирон асар ҳақида қатъий бир фикр айтишдан аввал уни ўзига ўхшаш бошқа асар билан солиштириб кўриш, келтирилган далилларни бир-бири билан солиштириш ва текшириш зарур. Бусиз бирон тарихий воқеага ҳолисона ёндашиб бўлмайди.

II боб. ҚАДИМГИ ЗАМОН ТАРИХИ МАНБАЛАРИ (МИЛОДДАН АВВАЛГИ VI — МИЛОДНИНГ V АСРЛАРИ)

Асосий ижтимоий-сиёсий воқеалар. Ўрта Осиё ҳам Эрон, Ҳиндистон, Месопотамия, Юнонистон, Рим, Миср ва Хитой сингари мамлакатлар илк маданият ўчоқларидан ҳисобланади, лекин унинг қадимий маданияти ҳақидаги маълумотлар жуда кам. Биз Ўрта Осиёнинг фақат милоддан аввалги VI асрлардан кейинги ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақидагина озми-кўпми маълумотга эгамиз.

Эрон, Ҳиндистон ва айниқса, қадимги Юнонистон ва Рим манбаларида сақланган маълумотларга қараганда, қадим замонларда Ўрта Осиё ўрамида истиқомат қилган қабилалар (сақлар, массагетлар ва б.қ.) уруғчилик тузумини бошдан кечирганлар, чорвачилик, қисман деҳқончилик ҳамда ҳунармандчилик билан шуғулланганлар.

Милоддан аввалги VI асрда Ўрта Осиё Аҳамонийлар давлати (милоддан аввалги 550—330 йй.) асоратига тушиб қолди.

Ана шу даврда бу ерда истиқомат қилган халқлар ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар содир бўлди. Уруғ жамоалари орасида табақаланиш бошланди: янгидан пайдо бўлган уруғ аслзодалари серунум ерларни эгаллаб олдилар, кул меҳнати ҳамда эркин жамоа аъзоларига зулм қилиш йўли билан бойиб бордилар. Шу тариқа жамиятнинг табақаланиш жараёни кучайди.

Қисқаси, милоддан аввалги VI асрдан бошлаб Ўрта Осиёда **қулдорлик жамияти** пайдо бўлди.

Бу даврнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шуки, милоддан аввалги VII асрда Ўрта Осиёда (масалан, Балх ва Хоразмда) оташпарастлик (зороастризм) дини пайдо бўлди ва кенг тарқалди.

Аҳамонийлар ва уларнинг Ўрта Осиёдаги ноиблари, барибир, маҳаллий аҳолини тўла итоатда тутолмадилар. Маҳаллий халқнинг чет эл босқинчиларига қарши кураши кучайди. Оқибатда милоддан аввалги VI аср ўрталарига келиб Хоразм мустақилликни қўлга киритиб олди. Саклар ва массагетлар ҳам ўз озодлиги ва мустақиллиги учун тинмай кураш олиб бордилар. Эрон ҳукмдорлари билан Ўрта Осиё халқлари ўртасида узлуксиз давом этган урушлар Аҳамонийлар давлатини кучсизлантирди ва Эроннинг Искандар Зулқарнайн (милоддан аввалги 336—323 йй.) тарафидан босиб олинишини бирмунча осонлаштирди.

Искандар Зулқарнайннинг юришлари (милоддан аввалги 334—324 йй.) Ўрта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига таъсир кўрсатди: катта ер эгалари бўлмиш маҳаллий аслзодаларнинг мавқеи янада мустаҳкамланди.

Маълумки, Искандар Зулқарнайн вафотидан (милоддан аввалги 323 йил 13 июнь) кўп вақт (тахминан 75 йил) ўтмай, унинг улкан салтанати майда-майда қисмларга бўлиниб кетди.

Милоддан аввалги тахминан 250 йили Буюк Македония салтанатининг Бақтриядаги ноиби Диодот мустақиллик эълон қилди ва Юнон-Бақтрия давлатига асос солди. Бу давлат

таркибига Сирдарё билан Инд дарёсининг юқори оқимларига бўлган ерлар ва халқлар қарар эди.

Ҳозирги Туркменистоннинг жанубий туманлари ҳам мустақилликка эришди. Бу ерда ҳокимият тепасига нуфузли маҳаллий Аршакийлар уруғининг бошлиқлари ўтқизилди.

Милоддан аввалги 190 йили Магнесия¹ ёнида бўлган жангларда Рим кўшинлари Буюк Антиох (милоддан аввалги 242—187 йй.) кўшинларини тор-мор келтириб, Салавкийлар ҳукмронлигига қақшатқич зарба бердилар. Бу ҳол Юнон-Бақтрия, айниқса Парфиянинг кучайишига йўл очиб берди. Милоддан аввалги II асрнинг 40-йилларида Парфия бутун Эрон ва Месопотамиянинг катта қисмини ўзига қаратиб олиб, йирик қулдор давлатга айланди. Пойтахт Эқбатана (Ҳамадон) дан Евфрат бўйларига, ҳозирги Бағдод ёнида жойлашган Ктесифонга кўчирилди. Тахминан ўша вақтларда Юнон-Бақтрия давлати ҳам ўз чегараларини бирмунча кенгайтириб олди. Эвфидем, Деметрий ва Эвкрадит замонида Сўғдиёна, Бақтрия, Арахосия (ҳозирги Афғонистоннинг жануби-шарқий қисми), Марғиёна (ҳозирги Туркменистоннинг жануби-шарқий ҳамда Шимолий Афғонистоннинг Фарбий қисмини ўз ичига олган ҳудуд) ва Ария (ҳозирги Афғонистоннинг марказий қисми), бошқа сўз билан айтганда, ҳозирги Ўзбекистон, Тожикистон, Эроннинг шарқий қисми ҳамда Афғонистоннинг катта қисми Юнон-Бақтрия давлати таркибига кирар эди.

Лекин, Юнон-Бақтриянинг ички аҳволи у қадар мустақкам эмас эди: маҳаллий халқ билан юнон-македониялик ҳокимлар ўртасидаги зиддият тобора чуқурлашиб борди, чет эл босқинчиларига қарши кўзғолонлар кучайди. Халқ ҳаракати, айниқса, Сўғдиёнада кескин тус олди. Натижада милоддан аввалги II аср охирлари ва I аср бошла-

¹ **Магнесия** — Лидиянинг қадимий шаҳарларидан; Туркиянинг ҳозирги Манисия шаҳри ўрнида бўлган.

рида Сўғдиёна мустақилликни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Юнон-Бақтрия империясининг бошқа ўлкаларида ҳам мустақиллик учун кураш кучайди. Қолаверса, қадимдан Шимолий Хитойда истиқомат қилиб келган хуннлар милоддан аввалги II аср охирида хитойлар тазйиқи остида ғарбга қараб чекинишга мажбур бўлдилар ва Шарқий Туркистон ҳамда Етгисув воҳасида кўчиб юрган скиф (хитой манбаларида юэчжи, антик адабиётда тохарлар номи билан машхур) ва усунь қабилаларини суриб чиқардилар. Оқибатда юэчжи (тохар) ва усунлар Сўғдиёна ва Бақтрия худудига кўчиб ўтдилар ва бу ерда саклар ва бошқа маҳаллий қабилалар билан қўшилиб, аввал Сўғд, милоднинг тахминан 128-йили Юнон-Бақтрия давлатига қарам бўлган бошқа ўлкаларни ҳам (то Инд дарёсигача) истило қилишга муваффақ бўлдилар.

Шундай қилиб, Юнон-Бақтрия давлати ўрнида юэчжилар (тохарлар) давлати ташкил топди. Бу давлат тарихда Кушонлар давлати номи билан машхурдир. Кушонлар давлати (унга ҳозирги Ўрта Осиёнинг катта қисми Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ва Покистоннинг шимоли-ғарбий қисми қараган) айниқса Канишка ва унинг тахт вори си Хувишка ҳукмронлик қилган йиллари кучайди. Лекин, милоднинг II асри ўрталарида бу давлатнинг ҳам инқирози бошланди, IV асрга келиб эса у майда-майда қисмларга бўлиниб кетди.

Ўрта Осиёда ҳукм сурган қадимий давлатлардан яна бири Қанг ва Фарғона (Паркана) дир.

Қанг давлати таркибига Бухоро, Шаҳрисабз, Каттақўрғон, Тошкент вилояти ва Хоразмнинг шимолий қисми кирган. Давлат тепасида *жабғу* (хитой манбаларида *чаову*) турган.

Милоддан аввалги II—I асрларда Фарғона ҳам мустақил давлат эди. Хитой манбаларида келтирилган маълумотларга қараганда, Фарғона ҳунармандчилик, айниқса деҳқончилик ривож топган қадимий мамлакат бўлиб, унинг 70 га яқин катта-кичик шаҳарлари (Куба — Кува, Гаушан — Ўзган,

Эрши — Марҳамат, Гўй-Шань — Косон ва б.қ.) бўлган. Маҳаллий халқ деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланган; арпа, буғдой, шоли, беда, узум, анор, полиз экинлари ва бошқаларни етиштирган; чорвачилик ва ипакчилик билан машғул бўлган.

104—101 йиллар орасида Хитой қўшинлари Фарғонага икки марта бостириб кирдилар. Биринчи юриш (104 й.) хитой қўшинларининг тор-мор келтирилиши билан тугади. Иккинчи марта, 101 йили, 60 000 кишилик хитой қўшини Фарғонанинг йирик шаҳарларидан Эршини (ҳозир Андижон вилоятига қарашли Марҳамат қишлоғи ўрнида бўлган) қамал қилдилар. Лекин шаҳарни ололмадилар, сулҳ тузиб ва озгина ўлпон (3000 бош от) олиб қайтиб кетишга мажбур бўлдилар.

МАНБАЛАР

1. Қадимги Эрон манбалари

Тош ва сополга ўйиб ёзилган катибалар (михий ёзувлар). Бундай ёзувлар Аҳамонийларнинг қадимий пойтахти Персеполь, шунингдек Суза ва Эқбатана (ҳозирги Ҳамадон) шаҳарлари ва уларнинг атрофидан топилган.

Масалан, пишиқ сопол тахтачага ўйиб ёзилган бир катибада Доро I (милоддан аввалги 522—486 йй.) ҳукмронлигининг дастлабки йилларида (милоддан аввалги 494—490 йиллар орасида) Сузада бунёд этилган саройнинг қурилиш тафсилоти, аниқроғи қурилишга ишлатилган материалларнинг қайси мамлакатдан келтирилганлиги ёзилган тахтачадаги маълумотларга кўра, олтин Лидия билан Бақтриядан, қимматбаҳо тошлар, лазурит ва сердолик (қизил ёки қизғиш рангли тош) Сўғдиёнадан, феруза Хоразмдан олиб келинган.


Айниқса, Персеполдан (Шерознинг шимолий тарафида, ундан тахминан 50 км масофада жойлашган; 520—450 йиллар орасида қурилган шаҳардан) топилган ёзувлар ва тасвирий суратлар (рельефлар) катта илмий қимматга эга.



1-расм. Тошга ўйиб битилган ёзув. Такатош,
Жиззах вилояти.

Улардан айрим намуналар XVII—XVIII асрларда (1621 й.) италиялик сайёҳ Пьедро Делла Валле ва даниялик олим К. Нибурнинг номи билан боғлиқ. 1931—1934, 1935—1939 ва ундан кейинги йиллари немис олими Э. Херцфильд, америкалик Э. Шмидт, француз А. Годар ҳамда эронлик М.Т. Мустафовий ва А. Сомий тарафидан ўтказилган археологик тадқиқотлар натижасида Персеполда жуда кўп ноёб ёдгорликлар очилди. Улар орасида Ападана зинапоялари устига ишланган тасвирий суратлар алоҳида аҳамият касб этади. Суратларда (бандлиги 3 фут)¹ аҳамонийларга тобе бўлган

¹ фут — инглиз ўлчови, 30,479 сантиметрга тенг.





2-расм. Ўлпон олиб келаётган саклар. Персеполдаги (Эрон) Нақши Рустам обидаси. Доро I мақбарасига ўйиб ишланган сурат.

23 сатрапликдан (қарам мамлакатдан) ўлпон олиб келган кишилар қиёфаси тасвирланган. Булар орасида бақтрияликлар (турли идишлар, тери, мўйна ва туя билан), сўғдликлар (турли мато, тери ва қўйлар билан), саклар (от ва чакмонлар билан), парфияликлар (идишлар ва туя билан) ва хоразмликлар (от ва қурол-аслаҳа билан) тасвирлари ҳам бор.

Персеполдан 6 миля (қарийб 5 км) масофада, унинг шимол тарафида Хусайнкуҳ қояларида аҳамонийлардан Доро I, Ксеркс I (милоддан аввалги 486—465 йй.), Артаксеркс I (милоддан аввалги 465—424 йй.) ҳамда Доро II (милоддан аввалги 424—404 йй.) ларнинг мақбараларини ҳамда уларга кираверишда ўйиб ёзилган катибалар бор. Мазкур ёдгорлик сосоний саркардалардан Рустам (636 йили араблар билан бўлган урушда ҳалок бўлган) номи билан ҳам боғлиқ ва тарихда кўпинча Нақши Рустам деб аталади. Катибаларда, айниқса Доро I сурати остига ёзилган катибада, унинг давлати кўкларга кўтариб мақталади, унинг тарафидан босиб олинган халқлар эса итоаткорликка ва ҳалол меҳнат қилишга чақирилади, бўйсунмаганлар ва шу сабабдан жазога маҳкум этилганларнинг номлари кўрсатилади; шунингдек, Доро I нинг 19 марта қилган ҳарбий юришлари ва у асирга олган 9 подшонинг номлари қайд этилади. Муҳими шундаки, катибада аҳамонийларга тобе бўлган 23 сатраплик ва халқларнинг тўла рўйхати ёзилган. Булар орасида парфияликлар, бақтрияликлар, сўғдиёналиклар ҳамда хоразмликлар ҳам бор.


Ёдгорликлар орасида муҳимларидан яна бири машҳур Беҳистун ёзувларидир. Бу ёзувлар (узунлиги 22 м, умумий баландлиги 7,8 м) Шимолий Эронда, Кирмоншоҳдан 30 км масофада, дара бўйлаб ўтган қадимги карвон йўли ёқасида, унинг чап тарафида, Загрос номли тик қояга (тахминан 105 метр баландликда) Доро I нинг амри билан ёздирилган ғалаба ёдгорлигидир. Ёзув элам, бобил ва қадимги эрон тилларида битилган ва милоддан аввалги 523—522 йиллари Аҳамонийлар салтанатини ларзага келтирган Гау-



3-расм. Миххат. Персеполь (Эрон).

мата (522 йил 29 сентябрда ҳалок бўлган), Фрада (марғиё-
налик, 522 йил 10 декабрда асирга олинган), Скунха (ҳозирги
Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилган сак
қабилаларининг етакчиси) бошлиқ халқ ҳаракатлари ҳақида
ҳикоя қилади.

«Авеста». Зороастризм (оташпарастлик: милоддан аввал-
ги VI — милоднинг VI асри) динининг муқаддас китоби
(милоддан аввалги VI—IV асрларда ёзилган); Эрон ҳамда Ўрта
Осиё халқларининг қадимий маданиятини (этиқоди, тили,
адабиёти), қисман тарихини ўрганишда асосий манба ҳисоб-
ланади.



4-расм. «Авеста» ёзуви.

Асарнинг ёзилган жойи ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар (француз Ж.Дармстетер, Озарбайжон олими И.Алиев) «Авеста» Мидия (ҳозирги Эроннинг ши-моли-ғарбий қисми ва Озарбайжон) да ёзилган десалар, кўпчилик (В.В. Струве, С.П. Толстов, Ф.Альтхайм ва б.қ.) Амударё бўйида жойлашган вилоятларда, Балх билан Хо-разм оралиғида яратилган, деб ҳисоблайдилар. Охириги фикр сўнгги вақтларда Эрон олимлари (масалан, Иброҳим Пур Довуд) тарафидан ҳам эътироф этилди.

«Авеста» тўлиқ сақланмаган. Бизгача, унинг жуда оз қисми етиб келган, холос. Маълумки, «Авеста» Кайёний ҳукмдорлардан Гиштосп (Виштосп) замонида китоб ҳоли-га келтирилган. Ривоятларга қараганда, унинг гатлар деб аталувчи асосий қисми худо Заратуштра томонидан ёзил-ган ва Масъудий, Табарий ва Берунийларнинг (қ.) сўзла-рига қараганда, 12 000 ҳўкиз терисидан тайёрланган мах-сус пергаментга олтин ҳарфлар билан ёзилган. Ўша вақт-ларда унинг уч нусхаси мавжуд бўлган, лекин бир нусха-си Искандар Зулқарнайннинг амр-фармони билан ёқиб юборилган. Иккинчи нусхаси Юнонистонга олиб кетил-ган, учинчи нусхаси эса оташпарастрлар динига ўта эъти-қодли бўлган кишилар қўлида сақланиб қолган. Лекин, бу нусха ҳам тўла эмас.

Асарнинг сақланган қисмларини тўплаш ва китоб ҳолига келтириш ишлари Парфия подшоси Валгаш III (148—192 йй.) ҳамда Сосонийлар (милоднинг III асри) даврида ҳам давом эттирилди. «Авеста» сосоний Шопур II (309—379) даврида тартибга солинди, изоҳлар ва қўшимчалар (занд) билан бойитилди ва тўла китоб ҳолига келтирилиб, асо-сий қисмлари паҳлавий тилига таржима қилинди. Бу китоб «Занд Авеста» номи билан машҳур.

Афсуски, «Занд Авеста» ҳам бизнинг замонимизгача тўла ҳолда етиб келмаган. Унинг бир қисми Искандар Зулқар-найн юришлари вақтида, бошқа бир қисми эса араблар истилоси (674—715 йй.) вақтида йўқ қилинган. Асарнинг бизгача етиб келган қисми, профессор Е.Э. Бертельснинг

маълумотларига қараганда¹, 83 000 сўздаң иборатдир. У асосан тўрт қисмдан (ясна, яштов, висперед, вендидад) иборат. Айниқса, Ясна таркибига кирган қўшиқлар (улар *гат* деб аталади) «Авеста»нинг энг қўхна ва қимматли қисмлари ҳисобланади.

«Авеста», айниқса унинг қўшиқлари ва қиссалари Абулқосим Фирдавсийнинг (тахм. 940—1030 йй.) «Шоҳнома» асарига (қ.) манба бўлган.

«Авеста» нисбатан яхши ўрганилган (К. Залеман, Х. Бартоломей, Е.Э. Бертельс, В.В. Струве ва б.қ.). У француз (Анкетель дю Перрон, Й. Дармстетер), рус (К.А. Коссович), инглиз (Л.Х. Майлс), Дания (А. Христенсен) ва форс (Иброҳим Пур Довуд) тилларига таржима қилинган. Унинг Копенгагенда (Дания) сақланаётган ягона нусхаси асосида тайёрланган фотоматни 1937—1944 йиллари олти жилд қилиб нашр этилган.

«Хвадай намак» («Подшоҳнома»). Қадимги Эроннинг 627 йилгача бўлган ижтимоий-сиёсий ҳаётидан баҳс этувчи афсонавий тарихий асар бўлиб, паҳлавий тилида ёзилган. Сосонийлардан Яздигерд III (632—651 йй.) га яқин киши томонидан 632—637 йиллар орасида ёзиб тамомланган. Асар айниқса Аҳамонийлар, Ашконийлар ва Сосонийлар тарихи бўйича муҳим манбалардан ҳисобланади.

«Хвадай намак»нинг ўзи ҳам, машхур шоир, олим ва таржимон Абдуллоҳ ибн Муқаффа (721—757 йй.) тарафидан қилинган таржима («Сияр ал-мулук» деб аталган) ҳам бизгача етиб келмаган. Лекин ундан айрим парчалар Яъқубий (897 ёки 905 йили вафот этган), ибн Қутайба (828—889 йй.), Табарий, ибн ал-Асир, шунингдек Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» сида сақланган.

«Матақдани хазар датастан» («Бир минг нафар ҳуқуқий ажрим»). Паҳлавий тилида ёзилган (VIII аср). Асарда Эроннинг Сосонийлар давридаги давлат тузилиши ва унинг

¹ Е.Э. Бертельс. История персидско-таджикской литературы. Москва, 1960, 52-бет.

ижтимоий ҳаёти ҳақида қимматли маълумот бор. Асарнинг фақат айрим қисмларигина сақланган. Митрополит Ишобахт қилган сурёнийча таржимаси (VIII аср) сақланган. Инглизча таржимаси С.Й. Булсара томонидан чоп этилган (Бомбай, 1937 й.).

Географик асарлардан «Шаҳристонҳойи Эрон» ҳамда «Ажойиб ас-Сакистон»ни кўрсатиш мумкин. «Шаҳристонҳойи Эрон» («Эрон шаҳарлари ҳақида рисола») Эроннинг Сосонийлар давридаги географик ҳолати, ва уларнинг бунёд этилиши ҳақида маълумот беради. «Ажойиб ас-Сакистон» («Сакистон вилоятининг ажойиботлари») эса Эронзаминнинг кўҳна вилоятларидан Сакистон (Сеистон)га бағишлангандир. Ҳар иккала асар ҳам паҳлавий тилида, VIII асрнинг иккинчи ярмида ёзилган. «Шаҳристонҳойи Эрон»нинг матни ва қисқача инглизча таржимаси Ж. Асана ҳамда Моди томонидан 1897 ва 1899 йиллари Бомбайда чоп этилган.

Қадимий Эроннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид айрим маълумотларни «Корномаи Арташир Папакан» («Арташир Папаканнинг ишлари ҳақида қисса»), «Маздак намак» («Маздак ҳақида қисса»), «Аяткори зарирон» («Зарира ҳақида ривоят»), «Подшоҳ Хусрав ва унинг маҳрами» каби тарихий қиссаларда учратамиз.

Сосонийлар давлати ички ва ташқи сиёсати асосларини ўрганишда «Андарзнома» («Насихатнома») ҳамда «Тожднома» каби этик-дидактик характердаги асарларнинг қиммати ҳам каттадир.

«Шоҳнома» Абулқосим Фирдавсий (тахм. 940—1030 йй.) қаламига маъсуб, уч қисм ва 65 минг байтдан иборат эпик асар. 976—1011 йиллар орасида ёзилган.

Унинг биринчи қисми афсонавий бўлиб, «Авеста» материалларига асосланиб ёзилган ва Эрон ҳамда Ўрта Осиё халқларининг диний ақидалари ва ривоятларидан баҳс юритади.

Асарнинг иккинчи ва учинчи қисмлари муҳим ҳисобланади. Иккинчи қисм қаҳрамонлик достони бўлиб, қадим-

ги Эрон подшолари ва уларнинг замонида ўтган қаҳрамонлар: Рустам ва Кова образлари талқин қилинган.

«Шоҳнома»нинг учинчи қисми тарихий дoston бўлиб, унда Эрон ва Ўрта Осиёнинг зардуштийликнинг пайдо бўлишидан то араблар истилосигача бўлган сиёсий ҳаёти талқин этилган.

«Шоҳнома»нинг қўлёзма нусхалари кўп мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда. Асарнинг тўла матни Ҳиндистон (1829 й.), Франция (1838—1878 йй.), Германия (1877—1884 йй.), Эрон (1934—1936 йй.) ва Россияда (1960—1971 йй.) чоп этилган; рус ва ўзбек тилларига қилинган таржималари ҳам бор.

2. Қадимги ҳинд манбалари

Саклар, массагетлар, тохарлар ва қадимги Қанҳа халқи, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақидаги қimmatли маълумотларни ҳиндларнинг эпик достони «Маҳабхарата»да ҳам учратамиз.

«Маҳабхарата» («Бҳарата авлодлари жангномаси») санскрит тилида ёзилган бўлиб, 100 минг байтни ўз ичига олган 18 китобдан иборат; афсонавий шоҳ Бҳаратанинг авлодларидан икки тоифа: кавравлар ва нандавларнинг ўзаро адоватлари ва урушлари тарихи талқин этилади. Асар милoddан аввалги X—VIII асрларда яратилган.

Асарда масалан, узоқ Ҳиндистонга, фикримизча савдо-сотик ишлари билан борган саклар, тохарлар ва қанҳалар ҳақида мана бу муҳим маълумот келтирилган: «Унинг (подшоҳ Юдхистхиранинг) эшиги олдида бошқа халқлар билан бирга саклар, тохарлар ва қанҳаликлар ҳам навбат кутиб турардилар. Пахмоқ соқол, пешоналари шоҳлар билан безатилган, қўлларида турли-туман совғалар, жун, рангу, ипак ва патта (оқ қайиннинг бир тури) дарахти толасидан, шунингдек, камёб матолардан, пахтадан тўқилган газламалар, майин, нафис терилар, узун ва ўткир қиличлар, шамширлар, темир найзалар, ҳар хил болта-
3— Ўзбекистон тарихи манбалари

лар, ичимликлар, хушбўй нарсалар, турли-туман қиммат-баҳо тошлар...»

3. Қадимги юнон ва Рим манбалари

Ўрта Осиё, шунингдек Ўзбекистоннинг қадимги ва антик даврдаги тарихини ўрганишда қадимги Юнонистон ва Рим тарихчилари ҳамда географ олимларининг асарлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Улардан айрим ва муҳимларига қисқача тўхтаб ўтамыз.

Херадот (милоддан аввалги 490—480 йиллар ўртаси — 425 й.) — йирик қомусий олим; тарих фанининг «отаси», асли Кичик Осиёнинг Галикарнас шаҳридан, 455—447 йиллари Европа, Осиё ва Миср бўйлаб саёҳат қилган.

Херадот Эллада ва Шарқ мамлакатлари (Ливия, Миср, Ассурия, Вавилон, Эрон ва Скифия)нинг қадим замонлардан то милоддан аввалги 479 йилгача бўлган ижтимоий-сиёсий ҳаётидан ҳикоя қилувчи 9 китобдан иборат «Тарих» номли асари билан шуҳрат топган. Бу асар умумий тарих йўналишида ёзилган биринчи асар ҳисобланади. Шу боис ҳам Херадот, Цицероннинг (милоддан аввалги 106—43 йй.) сўзлари билан айтганда, тарих фанининг «отаси» ҳисобланади.

Херадот гарчи ўзи баён этаётган воқеалар устида чуқур мулоҳаза юритмаса ҳам, уларни тўғри баён этиши, ўзга халқлар ва мамлакатлар тарихига ҳурмат нуқтаи назаридан қараши билан баъзи тарихчилардан ажралиб туради.

Херадотнинг мазкур асарида Ўрта Осиёнинг қадимий халқлари бўлмиш агриппайлар, исседонлар, массагетлар, дайлар ва саклар ҳақида, уларнинг турмуши, урф-одатлари ҳамда қўшни мамлакатлар (Эрон ва б.қ.) билан алоқалари ҳақида қимматли маълумотлар учратамиз.

«Тарих»нинг Штейн тарафидан тайёрланган танқидий матни 1869—1871 йилларда чоп этилган. Асар инглиз (Роулинсон, Лондон, 1856—1860 йй.) ҳамда рус (Ф.Г. Миш-

ченко, Москва, 1858—1860 йй.) тилларига таржима қилинган. 1982 йилда асарнинг мамлакатимиз тарихига оид қисмлари зарур изоҳлар билан А.И. Даватур, Д.П. Каллистов ҳамда И.А. Шишова томонидан янгидан нашр этилган.

Диодор (милоддан аввалги 90—21-йиллар). Йирик тарихчи олим; асли Сицилияга қарашли Аргирия шаҳридан. Диодор «Тарихий кутубхона» номли 40 китобдан иборат асар ёзиб қолдирган. Умумий тарих йўналишида ёзилган бу асар асосан Юнонистон ва Римнинг қадим замонлардан то милонинг I аср ўрталаригача бўлган тарихини ўз ичига олади. Асарда Шарқ халқлари, шунингдек, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг қадимий халқлари (скифлар, саклар, массагетлар, бактрияликлар ва б.қ.), Ўрта Осиё — Эрон муносабатлари ҳақида қимматли маълумотлар бор.

Диодорнинг мазкур асари кўп жиҳатлари билан кўчирма (компилятив) ҳисобланади. Муаллиф Эфор, Полибий асарларидан кенг фойдаланган. Бундан ташқари, кўп ҳолларда баён этилаётган воқеалар узвий боғланмай қолган. Шунга қарамай, Диодорнинг «Тарихий кутубхона»си далилларга бой ва илмий аҳамиятга эгадир.

«Тарихий кутубхона» тўла ҳолда бизнинг замонимизгача етиб келмаган. Унинг фақат 15 китоби — қадимги Шарқ халқларининг тарихи ва афсоналари ҳақида ҳикоя қилувчи 1—5-китоблари, Юнонистон ҳамда Римнинг Юнон-Эрон урушлари (милоддан аввалги 500—449 йй.) да то милоддан аввалги 301 йилгача бўлган тарихини ўз ичига олган 11—20- китобларигина сақланган, холос.

Асар 1774—1775 йиллари И. Алексеев томонидан (олти қисмда) ва 1874—1875 йиллари Ф. Г. Мишченко тарафидан икки қисм қилиб нашр этилган.

Помпей Трог (милодгача I — милонинг I асрлари ўрта-сида яшаб ўтган) — «Филипп тарихи» асари билан машҳур бўлган Рим тарихчиси. 44 китобдан иборат бу асар афсонавий Ассирия подшолари замонидан то Рим императори Август (милоддан аввалги 63 — милонинг 14-йили) давригача дунёда бўлиб ўтган воқеаларни баён қилади, лекин асо-

сий эътибор Юнонистоннинг македониялик Филипп II (милоддан аввалги 359—336-йй.) ва Искандар Зулқарнайн давридаги ижтимоий-сиёсий тарихини баён этишга қаратилган.

Мазкур асарнинг қиммати шундаки, у бир талай номаълум китобларга суяниб ёзилган; Рим, Юнонистон каби йирик давлатларнинг пайдо бўлиши ва тарихини кенг ёритиб берган. Муҳими шундаки, муаллиф бундай давлатларнинг охир-оқибатда инқирозга учрашини айтади. Лекин, Помпей Трогнинг тарихий жараён ва унинг тараққиётига қарашлари идеалистикдир, чунки у тарихни ҳаракатга келтирувчи куч урф-одат ва тақдир деб ҳисоблаган.

«Филипп тарихи»да скифлар, Бақтрия, Искандар Зулқарнайн даврида Бақтрия ва Сўғда қурилган шаҳар ва катта иморатлар, Искандар Зулқарнайн вафотидан кейин юз берган воқеалар, парфияликларнинг келиб чиқиши, Парфия подшолигининг ташкил топиши, парфияликларнинг урф-одатлари; Бақтрия, Парфия ва Мидиянинг ўзаро муносабатларига оид муҳим маълумотлар мавжуд.

Помпей Трогнинг мазкур асари Юстин (II—III аср) тарафидан қисқартирилиб қайта ишланган шаклда бизнинг замонимизгача етиб келган ва Рухл томонидан 1935 йили чоп қилинган. Асарнинг русча таржимаси (таржимонлар А.А. Деконский ва М.И. Рижский) «Вестник древней истории» журналининг 1954 йил 2—4- ва 1955 йил 1-сонларида босилган.

Арриан Флавий (тахминан 95—175-йй.) — йирик юнон ёзувчиси, тарихчи ва географ олим; асли Кичик Осиёнинг Никомадия шаҳридан. «Искандар ҳақида», «Парфияликлар ҳақида», «Ҳиндистон» ва 7 жилдлик «Искандарнинг юришлари» номли китоблар муаллифи.

Ўрта Осиё ва Эроннинг қадимий тарихини ўрганишда Аррианнинг сўнгги асари («Искандарнинг юришлари») муҳим аҳамият касб этади. Асарда Искандар Зулқарнайннинг Эрон, Ўрта Осиё ва бошқа мамлакатларга қилган истилочилик юришлари тарихи батафсил баён қилинган.

Асар панегиризм руҳида ёзилган — муаллиф Искандар Зулқарнайн ва унинг фаолиятини кўкларга кўтариб улуглайди. Шунга қарамай, асар Искандар Зулқарнайннинг ҳарбий юришлари бўйича муҳим ва асосий манбалардан ҳисобланади. Мазкур асарнинг яна бир қимматли томони шундаки, у кўпгина қўлёзма манбалар ва расмий ҳужжатлар асосида ёзилган.

Арриан Флавийнинг «Искандарнинг юришлари» асари немис (Мюллер; Лейпциг, 1886 й.) ҳамда рус (Кореньков; Тошкент, 1912 й. ва М.Е. Сергеенко, М.—Л., 1962 й.) тилларида нашр этилган.

Квинт Курций Руф (милоднинг I асри) — машҳур Рим тарихчиси; Искандар Зулқарнайннинг Эрон, Ўрта Осиё ва бошқа мамлакатларга қилган ҳарбий юришлари ҳақида 10 китобдан иборат «Буюк Искандарнинг тарихи» номли асар ёзиб қолдирган. Муаллиф Птолемей Лаг ва Искандар Зулқарнайннинг сафдошлари Онесикрит ва Каллисфеннинг хотира ва асарларидан кенг фойдаланган.

Квинт Курций Руфнинг мазкур асарида Ўрта Осиёнинг Искандар Зулқарнайн қўшинлари томонидан истило қилиниши, Ўрта Осиё халқларининг чет эл босқинчиларига қарши кураши, хусусан, Спитамен бошлиқ қўзғолон кенг ёритиб берилган.

«Буюк Искандарнинг тарихи» 1841 йили Мютзель, 1867 йили Т. Нёльдеке ва 1885 йили Фогель томонидан нашр этилган. Русча янги таржимаси В.С. Соколов таҳрири остида чоп этилган (М., 1963 й.).

Гай Плиний Секунд (24—79 й.) — римлик машҳур ёзувчи, тарихшунос олим ва давлат арбоби; 79 йили машҳур Везувий вулқонининг отилиб чиқиши натижасида юз берган умумхалқ жожеаси вақтида ҳалок бўлган.

Гай Плиний Секунд — сермаҳсул олим. Унинг 20 китобдан иборат «Германларнинг урушлари», икки жилддан иборат «Помпоний Секунднинг ҳаёти» ва 37 китобдан иборат «Оддий тарих» номли китоблар ёзиб қолдирганлиги маълум. Плинийнинг германлар тарафидан Рейн ва Дунай бўйлари

мамлакатларининг босиб олиниши тарихидан баҳс юритувчи «Германларнинг урушлари» номли асари бизнинг давримизгача етиб келмаган, лекин бу асар Корнелий Тацитнинг (тахминан 56—117-йй.) «Солномалар» император Октавиан Август вафотидан (милоднинг 14-ййили) Нероннинг ҳалок бўлишигача (милоднинг 68 ййили) бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олади ҳамда «Германия» (унда герман ва бошқа қабилаларнинг тарихи баён этилган) номли асарлари учун биринчи манба бўлган. «Помпонийнинг ҳаёти»да Плиний собиқ бошлиғи Помпоний Секунднинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилади. Бу асар ҳам бизнинг замонамизгача етиб келмаган.

«Оддий тарих» Гай Плиний Секунднинг шоҳ асари ҳисобланади ва унда антик дунё тарихи, иқтисодий аҳволи ҳамда маданияти баён этилган. Асар айрим камчилик ва нуқсонлардан ҳам холи эмасдир. Масалан, муаллифнинг ўз манбаларига жиддий ва танқидий муносабатларда бўлмаганлиги, айрим далил ва воқеаларни бузиб кўрсатилганлиги сезилиб туради. Лекин, шунга қарамай, у антик дунё тарихи бўйича кенг маълумот берувчи қомусий асар сифатида эътиборга сазовордир.

«Оддий тарих»да Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг ҳам қадимий тарихи, унда яшаган халқлар (масалан, скифлар ва б.қ.) Окс (Амударё), Яксарт (Сирдарё) ва уларнинг скифча номлари, Бақтрия ва унинг табиий бойликлари, Антиохия шаҳарларининг барпо этилиши ҳақида қимматли маълумотлар бор.

Полибий (милоддан аввалги 201—120-йй.) — йирик юнон тарихчиси; 40 китобдан иборат «Умумий тарих» асари билан машҳур. Полибийнинг тилга олинган асари Юнонистон, Македония, Карфаген, Миср, Сурия ва Римнинг 220—146-ййиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олади. Асар умумий тарих йўналишида ёзилган. Афсуски, унинг катта қисми сақланмаган — бизгача фақат 1—5-китобларигина етиб келган, холос.

Полибийнинг «Умумий тарихи» далилий маълумотларга бойлиги, воқеаларнинг нисбатан холисона ёритилиши билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мазкур асарда Окс (Амударё) ва Яксарт (Сирдарё) ҳақида, Антиох I нинг Бақтрия подшоси Эфтидемга қарши ҳарбий юриши ҳақида муҳим маълумотлар бор.

«Умумий тарих»нинг матни 1889—1905 йиллар орасида тўрт жилда Лейпцигга чоп этилган. Унинг инглизча (В.Р. Патон; Лондон, 1922—1927; иккинчи нашри: Лондон, 1957—1960) ва русча (Ф.Г. Мишченко, 1—3-жилдлари. Москва, 1890—1899) таржималари мавжуд.

Умуман олганда, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг қадимий тарихини ўрганишда қадимий Юнонистон ва Рим тарихчиларининг асарлари бениҳоят қимматлидир.

Эфор (милоддан аввалги тахминан 405—330-йиллар). Клавдий Эллиан (тахминан милоднинг 170—235-йиллари), александриялик Климент (милоднинг II аси), Корнелий Тацит (тахминан милоднинг 56—117-йиллари), Ксенофонт (тахминан милоддан аввалги 430—355-йиллар), Плутарх (милоднинг 46—127-йиллари), Полиен (милоднинг II аси) ва бошқаларнинг асарлари ҳам ана шундай қимматга эгадир.

Географ олимлардан Страбон ва Птолемей асарлари ҳам зўр илмий қимматга эгадир.

Страбон (милоддан аввалги 63 — милоднинг 23 й.) қадимги Юнонистоннинг атоқли географ олимларидан; асли амосиялик (Понт подшоларининг қароргоҳларидан); мўътабар ва бадавлат оиладан чиққан; машҳур юнон файласуфи Аристотелнинг (милоддан аввалги 384—322-йй.) шогирди; қарийб 80 йил умр кўрган.

Страбонни дунёга танитган нарса унинг 17 китобдан иборат «География» номли асари бўлди. Асарнинг 1—2-китоблари «Муқаддима» деб аталади ва унда география илми ва унинг ҳокимлар, саркардалар ва савдогарлар фаолиятидаги ўрни ва роли ҳақида гап боради; Эратосфен, Посейдон ва Полибийнинг Ер тузилиши ҳақидаги таълимоти

танқид қилинади; Ер юзини тавсифлаш ҳақида умумий тушунча берилади. 3—10-китобларида Европа мамлакатларининг тавсифи (шундан 8—10-китоблар Эллада ва унга туташ мамлакатларга бағишланган) берилган. Асарда Осиё мамлакатларига ҳам катта ўрин берилган. Бу 11—16-китобларни ўз ичига олади. Асарнинг сўнгги, 17-китоби Африка мамлакатларига бағишланган.

Страбон юқорида айтиб ўтилган Полибийнинг «Умумий тарих»ини давом эттириб, унга милоддан аввалги 146—31-йиллар орасида бўлиб ўтган воқеаларни қўшган. Афсуски, бу муҳим асар бизнинг замонамизгача етиб келмаган, лекин унинг айрим қисмлари, хусусан Ўрта Осиё тарихидан хабар берувчи айрим парчалар олимнинг «География» сига кириб қолган ва бинобарин, сақланган.

Страбон «География»сида Гиркания, Парфия, Бақтрия ва Марғиёнанинг табиий ҳолати, шаҳарлари, қисман уларга бориш йўллари; Оха (Харрируд), Окс ва Яксарт дарёлари ҳақида, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг қадимий халқлари: саклар, массагетлар, дайлар, атасиялар, тохарлар ҳамда хоразмликлар ва уларнинг келиб чиқиши, бу халқларнинг турмуши, урф-одати ва эътиқоди, шунингдек Парфия ва Бақтриянинг милоддан аввалги III асрнинг биринчи чорагидаги ички аҳволи ва ўзаро муносабатлари ҳақида муҳим ва қимматли маълумотлар учратамиз.

Страбоннинг мазкур асари 1844 ва 1848 йиллари Крамер ва Мюллер тарафидан (махсус харита ва тархлар билан қўшиб) нашр қилинган. Унинг немисча (Гросскурд; Берлин, 1831—1834) ҳамда русча (Ф.Г. Мишченко; Москва, 1879, Г.А. Стратанович; Москва, 1964) таржималари ҳам мавжуд.

Птолемей Клавдий (тахминан 90—160 йй.) — машҳур қомусий олим; Александрияда яшаб ижод қилган.

Птолемей астрономия, геометрия, физика (оптика, механика) ҳамда географияга оид йирик асарлар ёзиб қолдирган. Жаҳонга машҳур «Альмагест» — «Ал-мажастий» (18 китобдан иборат; астрономия ва тригонометрия илмлари-

ни ўз ичига олади), «Оптика» (5 китобдан иборат), «Германлар ҳақида тушунча» (3 китобдан иборат) ва, ниҳоят, «География» шулар жумласидандир. Лекин, Птолемейга шон-шуҳрат келтирган асарлари «Альмагест» («Ал-мажастий») ва «География»дир.

«География»нинг (8 китобдан иборат) биринчи китоби, аниқроғи унинг 24-боби жаҳон мамлакатларини тавсифлашга бағишланган ва катта илмий қимматга эга. Шуниси муҳимки, асарда шаҳарлар, мамлакатлар ва уларнинг координаталари келтирилган; 27 та харита илова қилинган.

Умуман, Птолемейнинг «География»сида Гиркания, Марғиёна, Бақтрия, Сўғдиёна ҳамда скифлар мамлакатининг географик ҳолати, Бақтрия ва Сўғдиёнанинг машҳур шаҳарлари, шунингдек ўша мамлакатлар ва улар билан туташ ўлкалар ва уларнинг аҳолиси ҳақида асл ва қимматли маълумотлар келтирилган.

III боб. VI—VIII АСРЛАР ТАРИХИ МАНБАЛАРИ

Муҳим сиёсий воқеалар. V—VI асрларда Ўзбекистон тарихи эфталийлар («хептал», «ҳайтал», «ей—да», «и—да» номлари билан ҳам машҳур) ва Эфталийлар давлати тарихи билан боғлиқдир. Тарихий манбалар, шунингдек, археологик қазилар берган маълумотларга қараганда, Эфталийлар сақлар ва массагетларнинг авлодларидир.

Эфталийлар жуда катта ҳудудда ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Эфталийлар давлатига Шарқий Туркистондан Каспий бўйларигача бўлган ерлар қарар эди. Эфталийлар милоднинг 457-йилида Чағониён, Тохаристон ва Бадахшонни бўйсундиришга муваффақ бўлдилар. Эрон подшоси сосоний Перуз (459—484-йй.) Эфталийларга қарши уч бор қўшин тортди, лекин унинг барча юришлари мағлубият билан яқунланди. Бунинг устига Эрон Эфталийларга ўлпон тўлаб туришга мажбур бўлди. Шундан кейин Эфталийлар Марв ва Кобулни, орадан кўп вақт ўтмай, Шарқий Туркистонни ҳам бўйсундиришга муваффақ бўлдилар.

Қисқаси, Эфталийлар Ўрта Осиё, Эроннинг шарқий туманлари, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ҳамда Шарқий Туркистон устидан ҳукм юргиздилар.

563—567-йиллари турк хоқони Истеми (Дизовул) Эрон ҳукмдорлари билан иттифоқ тузиб, Эфталийлар давлатига зарба берди ва уларга қарашли ерларни бўйсундиришга муваффақ бўлди. Натижада Турк хоқонлиги Амударё ва Орол денгизигача чўзилган ўлкалар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатди. VI асрнинг учинчи чорагида турклар Шимолий Хитойда жойлашган Чжау ва Ци давлатларини ҳам бўйсундирдилар; 576 йили Боспорни (Керчь) эгалладилар; 581 йили эса Херсонесни қамал қилдилар.

VI аср ўрталарига бориб Турк хоқонлиги заминидан илк катта ер эгалиги муносабатлари шакллана бошлади. Шу-

нинг билан бир қаторда ўзаро урушлар кучайди ва бундан Суй империяси (581—618-йй.) ҳукмдорлари усталик билан фойдаландилар. Оқибатда Турк хоқонлиги икки қисмга: Шарқий ва Ғарбий турк хоқонлигига бўлиниб кетди.

Шарқий турк хоқонлиги Марказий Осиёда хоқон Шиби даврида (609—619-йй.) Суй империяси билан кўп урушди ва ўз мустақиллигини сақлаб қолди. Хоқон Хелу (620—630-йй.) даврида ҳам бу кураш давом этди. Масалан, ўша йиллари турклар Хитойга 67 марта бостириб кирдилар. Бу даврда солиқлар кўпайди, меҳнаткаш халқнинг аҳволи оғирлашди. Хитой императорлари бундан усталик билан фойдаландилар ва Шарқий Турк хоқонлиги устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлдилар. Лекин, кўп ўтмай, турклар Хитой истибдодига қарши кўзғолон кўтардилар. Бунга дастлаб Элтариш қоон (Кутлуғ қоон), кейинчалик эса унинг маслаҳатчиси Тўнюкүк бошчилик қилдилар. Натижада 681 йили ғарбий турклар яна мустақилликни қўлга киритдилар. Хоқон Билга вафотидан (734 й.) кейин кучайиб кетган феодал курашлар натижасида Ғарбий турк хоқонлиги майда қисмларга бўлиниб кетди ва кейинчалик унинг ўрнига Уйғур хоқонлиги ташкил топди.

Ғарбий турк хоқонлиги ҳарбий-сиёсий жиҳатдан бирмунча қудратли эди. VII асрнинг ўрталарида унга Шарқий Туркистондан то Каспий денгизигача бўлган ерлар қарарди. Унинг ижтимоий-сиёсий томондан юксалишида шаҳарларнинг (Марв, Чоржўй, Бухоро, Самарқанд, Чоч, Испижоб ва б.қ.) ўсиши ва Хитой, Эрон ҳамда Византия билан олиб борилган савдо-сотиқ ҳам сабаб бўлди. Манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, Ғарбий турк хоқонлигининг пойтахти Суябда ҳар йили катта ярмаркалар ташкил этилиб, унда кўпгина хорижий мамлакатлардан келган савдогарлар ҳам қатнашган.

Ғарбий турк хоқонлигининг халқи хоқон Шаболо Хишлиши ҳукмронлиги йиллари 10 тоифага бўлинган. Масалан, Чу дарёсининг ўнг тарафида истиқомат қилувчи халқлар Нушиби (5 тоифа), дарёнинг сўл соҳилида истиқомат

қилувчилари эса Дулу (5 тоифа) деб аталган. Кўп вақт ўтмай, бу тоифалар ўзларининг мустақил давлатини тузиб олдилар. Бу ўзаро феодал курашнинг кучайишига олиб келди. Хитой қўшинлари бундан фойдаланиб, 658 йили Фарбий турк хоқонлиги ерларига бостириб кирдилар, лекин уни тамоман бўйсундиrolмадилар. Хоқон Ашина Худайдао уни яна тиклашга муваффақ бўлди. Бироқ катта ер эгаллиги, ўзаро курашлар ва шимолдаги қўшни халқлар, хусусан қорлиқларнинг хуружлари натижасида хоқонлик инқирозга юз тутди. VIII асрнинг иккинчи ярмида ҳокимият тамоман қорлиқлар қўлига ўтди. Улар 766 йили Суябни босиб олдилар ва уни ўз пойтахтларига айлантирдилар.

Фарбий турк хоқонлиги марказлашмаган давлат бўлиб, 15 га яқин ярим мустақил ҳокимликлардан (масалан, Сўғда юэчжи халқидан чиққан жабғу, Бухорода маҳаллий бухорхудот, Фарғонада ихшидлар ва ҳоказо) ташкил топган эди.

Хоқонлик таркибига кирган халқларнинг бир қисми деҳқончилик (Сўғд, Хоразм, Тохаристон, Фарғона), шаҳар аҳолиси ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан, унинг тоғли ва чўл туманларида истиқомат қилувчи катта қисми эса чорвачилик билан шуғулланган.

Араблар истилоси арафасида Ўзбекистон майда-майда давлатлардан иборат эди. Шарқ ва хитой тилларида ёзилган манбалардаги маълумотларга қараганда, VIII аср бошларида Ўрта Осиё билан Ўзбекистон 15 га яқин мустақил давлатга бўлиниб кетган эди. Булардан энг каттаси Хоразм, Сўғд, Бухоро, Чағониён, Тохаристон, Уструшона, Чоч ва Фарғона ҳисобланган. Уларнинг подшолари жабғу (князь), худот, ихшид ва испаҳбед деб аталарди.

Араблар Ўзбекистон билан Ўрта Осиё ҳудудига 674 йилдан бошлаб бостириб кира бошладилар. Босқинчи қўшинга халифаликнинг Хуросондаги ноиб Убайдуллоҳ ибн Зиёд бошчилик қилар эди. Ўшанда улар Пойкент ва Бухоро шаҳарлари ҳамда уларнинг теварак-атрофидаги туманларни талон-торож қилдилар ва катта ўлжа (1 млн дирҳам пул, 4000 асир ва б.қ.) билан қайтдилар. Бундан кейин ҳам араб-

лар Ўзбекистон ва Ўрта Осиё устига кўп марта талончилик юришлари уюштирилди.

705 йилдан бошлаб арабларнинг Ўзбекистон устига истилочилик юришлари кучайди. Бунга арабларнинг Хуросондаги янги ноиб Кутайба ибн Муслим (715 йили ҳозирги Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманида, ҳозирги Гурунч мазор (аслида Қилич мазор) темир йўл бекат ёнида ўлдирилган) бошчилик қилди. Араб қўшини 706 йили Омул (Чоржўй), Замм (Карки), Бухоро ҳамда Пойкент шаҳарларини, 709 йили эса Бухоронинг мустаҳкам қалъаларидан Шофурком (Варданза) ни, 710 йили эса Кеш ва Насафни забт этди. Тўғри, Бухоро, Сўғд, Варданза ва Фарғона ҳукмдорлари турклар билан қўшилиб араб истилочиларига қарши иттифоқ тузишга ҳаракат қилдилар, лекин ўзаро келишмовчиликлар ва ихтилофлар иттифоқнинг мустаҳкамланишига йўл бермади. Кутайба бундан усталик билан фойдаланди ва улар билан бирма-бир курашда ғалаба қозondi. 712 йили Кутайба ўзаро ички курашлардан фойдаланиб, Хоразмни ҳам бўйсундирди. Ўша йилнинг ўзида араблар Ўзбекистоннинг йирик иқтисодий-сиёсий ва маданий марказларидан Самарқандни ҳам бўйсундирдилар. Самарқанд подшоси Фурак (710—737-йй.) билан тузилган битим шартларига биноан Самарқанд ва Сўғдиёна халқи арабларга ҳар йили 2 миллион 200 минг дирҳам миқдорда ўлпон тўлаш ва араб қўшинига 100 минг киши тўплаб беришга мажбур этилди. 713—715 йили Кутайба Чоч (Тошкент) ҳамда Фарғона вилоятларини, шунингдек Еттисув ва Кошғаргача бўлган ерларни ҳам босиб олди.

Араб истилоси Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиётига катта зарар етказди: кўплаб катта ва бой шаҳарларнинг кули кўкка совурилди, минг-минглаб кишиларнинг «ёстиғи қуриди», Марв, Бухоро, Самарқанд ва Хоразм кутубхоналарида сақланаётган жуда кўп ноёб асарлар йўқ қилинди.

Араб истилочилари Ўрта Осиё халқларини ҳам мажбуран ислом динига киритдилар; меҳнаткаш халқ зиммасига

оғир солиқлар ва жарималар (хирож, жизя, закот) юклатилди; аҳолининг ярим мулки араб қўшини фойдасига мусодара қилинди.

Ўзбекистон халқлари араб истилочилари зулмига қарши бир неча бор қўзғолон кўтардилар. VIII асрнинг ўрталарида бўлган Исҳоқ турк қўзғолони, 769—776-йиллари бутун Мовароуннаҳрни ларзага солган Муқанна (783 йили ўлдирилган) бошчилигида бўлиб ўтган қўзғолон, 806 йили Рафиъ ибн Лайс бошчилигида Сўғдда бўлиб ўтган деҳқонлар қўзғолони шулар жумласидандир.

Араб халифалиги таркибига кирган халқларнинг иқтисодий ва маданий тараққиётидаги катта тафовут, уларнинг этник жиҳатдан бир хил эмаслиги, улар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларнинг заифлиги, айниқса, ерсув ва бойликнинг тобора маҳаллий бойлар ҳамда араб ҳарбий бошлиқлари қўлида тўплана бориши ва ниҳоят, маҳаллий аҳоли билан босқинчилар ўртасидаги зиддиятларнинг тобора кучайиб бориши халқ ҳаракатлари ва ўзаро курашни кучайтириб юборди. Бу ҳол, ўз навбатида, араб халифалигининг инқирозини тезлаштирди. IX асрнинг биринчи чорагида унинг заминида мустақил маҳаллий давлатлар пайдо бўлди. Масалан, Мисрда Тулунийлар (868 й.), Табаристонда Алийлар (864 й.), Хуросонда Тоҳирийлар (821 й.), Сеистонда Саффорийлар (867 й.) ва ниҳоят, Мовароуннаҳрда Сомонийлар (819 й.) ҳокимият тепасига келдилар. Бошқа ўлкаларда ҳам шундай аҳвол юз берди. Қисқаси, 935 йилдан бошлаб Аббосийлар халифаликда ўз сиёсий мавқеларини тамоман йўқотдилар ва номигагина халифа бўлиб қолдилар, холос.

МАНБАЛАР

1. Қадимги турк манбалари

Булар орасида XVII асрда Сибирь ҳамда Мўғулистонда, Олтой ҳамда Ўрта Осиё, Ўзбекистонда топилган руний битиклар алоҳида қимматга эга. Бу ёзувларнинг ҳозир етти гуруҳи: Лена — Байкалбўйи битиклари, Енисей, Мўғулистон,


Олтой, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё битиклари маълум. Бу битиклар Ўрта Осиё, шунингдек, Ўзбекистон халқларининг араблар истилоси арафасидаги ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий ҳаётини ўрганишга ёрдам беради.

Енисей битиклари машхур рус хариташунос олими С.У. Ремезов (тахминан 1642—1720-йй.) тарафидан XVII аср охирида Енисей ҳавзасида (ҳозирги Хакас автоном вилоятига қарайди) топилган. Ундан кейин бу ҳақда швециялик ҳарбий асир Ф. Страленберг (Табберт) маълумот беради. У Енисей ҳавзасидаги қабрлардан тошга ўйиб ёзилган нотаниш хатларни топган. Бу ёзув ҳақидаги маълумотлар биринчи марта ўтган асрнинг биринчи чорагида «Сибирский вестник» журналида эълон қилинди. 1889 йили фин олимлари Енисейдан топилган ёзма ёдгорликлар харитасини туздилар.

Мўғулистондан топилган битиклар. Булар орасида Тўньюққ, Кул тегин, Билга хоқон ва Онгин муҳим ўрин тутадилар.

Тўньюққ битиги Улан-Батордан 66 км жануби-шарқда, Баин

5-расм. Енисей дарёси ҳавзасидан (Хакас автоном вилояти) XVII аср охирида топилган Ўрхун-Енисей битиги.



Цокто манзилида жойлашган ва иккинчи турк хоқонлигининг асосчиси Элтариш хоқон (681—691-йй.) нинг маслаҳатчиси саркарда Тўньюқққа аталган; 712—716-йиллар орасида ёзилган. 1897-йили рус олими Д.А. Клеменц (1848—1914) ва унинг хотини Елизавета Клеменцлар тарафидан очилган; В.В. Радлов (1899 й.), В. Томсен (1922 й.), Х. Шедер (1924 й.), Д. Росс (1930 й.) ҳамда Г. Айдаров (1971) тарафидан яхши ўрганилган ва матни немисча, данияча, инглизча ва русча таржималари билан чоп этилган. Обида Ф.А. Абдурахмонов ҳамда А. Рустамов томонидан ўзбек тилига қисқача таржима қилинган (1982 й.).

Кул тегин битиги. Билга хоқоннинг (716—734-йй.) иниси Кул тегин (731-йили вафот этган) шарафига ёзилган. Мўғулистоннинг Кошо Цайдан водийсида Кўкшин Ўрхун дарёси бўйидан рус археолог ва этнограф олими Н.М. Ядринцев (1842—1894-йй.) томонидан 1889 йили топилган.

Битик В.В. Радлов (1891 й.) А. Хейкел (1892 й.) В. Томсен (1896 й.), П.М. Мелиоранский (1897 й.), Х. Шедер (1924 й.), С.Е. Малов (1951 й.), Г. Айдаров (1971 й.) лар томонидан немисча, французча, русча таржималарда чоп этилган. Ф. А. Абдурахмонов ва А. Рустамов тарафидан қилинган қисқача ўзбекча таржимаси (1982 й.) ҳам бор.

Билга хоқон битиги. Юқорида айтилган Кул тегин битигидан 1 км жануби-ғарбда — Кўкшин Ўрхун дарёси ҳавзасидан топилган. Обида 735-йили битилган.

В.В. Радлов, С.Е. Малов, П.М. Мелиоранский ва В. Томсен томонидан ўрганилган ва чоп қилинган.

Онгин битиги. Мўғулистоннинг Кошо Цайдан водийсидан топилган. Кимга аталганлиги аниқ маълум эмас. Баъзи фикрларга қараганда, юқорида тилга олинган Элтариш хоқон ва унинг хотини Элбийга хотун шарафига қўйилган (735 й.); бошқа фикрга кўра Қопағон хоқонга (691—716-йй.), яна бошқа бир маълумотга (Ж. Клосон) қараганда Билга хоқоннинг ҳарбий бошлиқларидан Алп Элетмиш (тахминан 731 йилда ўлган) шарафига қўйилган.

Обида 1892 йили В.В. Радлов тарафидан (*эстомпажи*) ва 1957 йили Ж. Клосон томонидан (инглизча таржимаси ва тадқиқот билан) нашр қилинган.

Бундан ташқари, Қорабалсағун шаҳри (Улан-Батордан тахминан 400 км жанубда жойлашган қадимий шаҳар) харобаларидан, Хойто Тамир, Чўйрэн, Бэйшин-Удзур, Баян-Хўнгур ва бошқа жойлардан топилган ёзувлар ҳам муҳимдир.

Олтойдан топилган битиклардан Чориш, Катанди дарёлари, Қўшогоч ҳамда тоғли ноҳиялардан топилган битикларни айтиб ўтиш мумкин. Булар, Ўрхун-Енисей битикларидан фарқли ўлароқ, этнографик материалга бойдир. Олтойдан топилган ёзувлар П.М. Мелиоранский, Э.Р. Тенишев, А.К. Боровков, К. Сейдакматов, В.М. Надеяев ҳамда Д.Д. Васильев томонидан эълон қилинган.

Шарқий Туркистондан топилган битиклар орасида Турфон воҳасидаги горларда жойлашган ибодатхона деворларига ёзилган битиклар алоҳида ўрин тутди. Битиклар асосан В. Томсен тарафидан чоп қилинган.

Қозоғистон ҳамда Қирғизистондан топилган битиклар (асримизнинг 60—70-йилларида топилган) ҳали чуқур ўрганилмаган. Булар орасида Талас воҳасидан (Айритом, Тераксой, Кулонсой, Толдикўрғон, Уржор, Сирдарё, Ила, Олма Ота, Толғар, Тинбас ва ҳоказо) топилган битиклар муҳим илмий аҳамият касб этади.

Қозоғистон ҳамда Қирғизистон ҳудудидан топилган битикларнинг баъзилари С. Содиқов, М.Е. Массон, А.Н. Бернштам, А.С. Оманжолов, Г. Мусабоев, Ч. Жумағулов ҳамда Г. Карағуловлар томонидан эълон қилинган.

Қадимий турк руник ёзувлари (асосан сопол идишларга ёзилган) Фарғона, Олой водийси ҳамда Жанубий Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудидан, яъни Бекобод, Исфара, Марғилон, Фарғона, Андижон, Қувасой, Ўш, Ўзган, Кофирниҳон, шунингдек Сўғддан ҳам топилган ва А.Н. Бернштам, Б.А. Литвинский, В.А. Булатова, Э.Р. Тенишев, Ю.А. Заднепровский тарафидан ўрганилган.

2. Хитой манбалари

Хитой манбалари ҳақида сўз бошлашдан олдин шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, улар ҳам хитой ҳукмдорларининг мақсад ва манфаатларини кўзлаб ёзилган, хитой императорлари кўкка кўтариб мақталган, илоҳийлаштирилган; бошқа халқларнинг тарихи эса кўп ҳолларда бир тарафлама ёритилган. Лекин хитой манбаларида бўлиб ўтган воқеаларнинг вақти ва ўрни аниқ кўрсатилади, у ёки бу ҳудудда истиқомат қилган халқлар, шунингдек, бир-бирига қарши турган қўшинларнинг умумий сони аниқ кўрсатилади.

Ўрта Осиё, хусусан қадимий Ўзбекистоннинг узоқ ўтмишдаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда қуйидаги хитой манбалари муҳим роль ўйнайди.

Сима Цянь — (тахминан милоддан аввалги 145 ёки 135—86-йиллар) Хитой тарихшуносларининг «отаси» ҳисобланади; Лунминь (ҳозирги Шэньси вилояти) шаҳрида сарой тарихчиси Сима Тхан оиласида туғилган; мамлакат бўйлаб кўп саёҳат қилган; отаси вафот этгандан (милоддан аввалги 108 йили) кейин унинг ўрнига сарой тарихчиси сифатида қабул қилинган. Милоддан азвалги 98 йили императорга қарши чиқиб, саркарда Ли Линни ҳимоя қилгани учун қаттиқ жазога тортилиб (бичилган) саройдан қувиб юборилган. Лекин у руҳий тушкунликка тушиб қолмади ва бўлажак тарихий китоби устидаги ишини давом эттирди. Кўп вақт ўтмай, Сима Цянь яна саройга таклиф этилди ва император Бош маҳкамасининг бошлиғи этиб тайинланади, китобини ёзиб тамомлашга шароит яратилиб берилди.

Сима Цянь «Ши Цзи» («Тарихий эсдаликлар») номли 130 бобдан иборат йирик тарихий асар ёзиб қолдирган. Асар Хитойнинг қадимий замонлардан то милоддан аввалги I аср бошларига қадар ўтган тарихини ўз ичига олади. Асарда Ўрта Осиё, унинг 123 бобида хусусан Фарғона ва унинг қадимий халқи, ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд.

«Ши Цзи» нинг тўла матни олти жилд қилиб 1959 йили Пекинда чоп этилган. Рус тилига таржима этилиб, (И.Я. Бичурин, Л.С. Васильев, Л.С. Переломов, Ю.Л. Кроль ва б.қ.) чоп этилган. Унинг бир қисми рус тилига (Н.Я. Бичурин, Б. Уотсон, Ф. Кирман ва б.қ.) тўлиқ равишда Э. Шаванн (1865—1918) томонидан француз тилига таржима қилиниб, 1895—1905 й. (5 жилдда) чоп этилган. «Ши Цзи» нинг русча таржимаси ҳам тамомланди (Р.В. Вяткин, В.С. Таскин); унинг бир қисми тўрт китоб бўлиб 1972, 1975, 1984, 1986 йиллари босмадан чиқди.

Бань Гу (39—92) — йирик тарихчч олим; Аньлин (Шэньси вилояти) шаҳрида Фарбий Хань сулоласи (миллоддан аввалги 206 — миллоднинг 220 й.) хизматида турган йирик мансабдор ва тарихшунос оиласида туғилган; 47—55 йиллари Лоянда олий ўқув юртида таълим олган; 58—82 йиллари ўзининг «Цянь Хань шу» («Аввалги Хань сулоласининг тарихи») асарини ёзган.

«Цянь Хань шу»да, хусусан унинг 95 бобида, Ўрта Осиё (айниқса, кангли, юэчжи ва усунлар ҳақида) ва Шарқий Туркистоннинг қадимий тарихи, халқи ва унинг ҳаёти ҳақида кўп муҳим маълумотларни учратамиз.

«Цянь Хань шу» 1962 йили Пекинда 12 жилдда нашр қилинган. Инглизча таржимаси (Г. Дубс, Балтимор, 1938—1944-йй.) ҳам бор.

Фань Хуа (398—445-йй.) — Аввалги Хань сулоласи (25—220-йй.) тарихчиси. Аввал кичик давлат лавозимида турган ва 424 йили вилоят ҳокимлигига кўтарилган. Давлатга қарши исёнда қатнашганликда айбланиб қатл этилган.

Фань Хуа Хитойнинг Аввалги Хань сулоласи давридаги тарихини ўз ичига олган «Хоу Хань шу» («Кейинги Хань сулоласи тарихи») номли катта асар (130 бобдан иборат) муаллифи. Асарда Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон ва Жунгориянинг 25—221-йиллар орасидаги тарихи ҳақида диққатга сазовор маълумотлар бор.

Ли Янь-шоу (тахм. 595—678-йй.) — Тань сулоласи (618—907-йй.) даврида ўтган йирик тарихчи. У Шимолий Хитой-

病遣史陳良屯桓且谷備匈奴寇音古且反史燾帶
 取糧食司馬丞韓立領諸壁若曲候任商領諸壘
 相與謀曰西域諸國頗背叛匈奴欲大侵要死可
 殺枝尉將人衆降匈奴音古曰匈奴來使當死可
 將數千騎至枝尉府脅諸亭令燔積薪音古曰示
 告諸壁曰匈奴十萬騎來入吏士皆持兵後者斬
 得三四百人去枝尉府數里止晨火難音古曰枝尉
 開門擊鼓收吏士良等隨入遂殺枝尉刀護及子
 男四人諸昆弟子男獨遺婦女小兒音古曰遺留
 留戍已校尉城遣人與匈奴南將軍相聞南將軍
 以二千騎迎良等良等盡脅略戍已校尉吏士男
 女二千餘人入匈奴單于以良等為烏貴都尉音古曰
 音齊後三歲單于死弟烏參單于成立音古曰復
 與莽和親莽遣使者多齎金幣賂單于購求陳良
 終帶等單于盡收四人及手殺刀護者並音妻子
 以下二十七人皆械檻車付使者到長安莽皆燒
 殺之其後莽復欺詐單于和親遂絕匈奴大擊北
 邊而西域亦瓦解焉者國近匈奴先叛殺都護但
 欽莽不能討天鳳三年迺遣五威將軍駿西域都
 護李崇將戍已校尉出西域諸國皆郊迎送兵殺

焉者許降而聚兵自備駁等將沙車龜茲兵七千餘
 人分為數部入焉者焉者伏兵要遮駁及姑墨尉
 犂危須國兵為反間還共襲擊駁等皆殺之唯戍
 已校尉郭欽列將兵後至焉者焉者兵未還欽擊
 殺其老弱兵還莽封欽為豹胡子音古曰
 轉耳李崇收餘士還保龜茲數年莽死崇遂沒西
 域因絕最凡國五十自譯長城長君監吏大祿百
 長千長都尉且渠當戶將相至侯王皆佩漢印綬
 凡三百七十六人而康居大月氏安息罽賓烏七
 之屬皆以絕遠不在數中其來貢獻則相與報不
 督錄總領也
 贊曰孝武之世圖制匈奴患其兼從西國結黨南
 羌音古曰圖迺表河曲列四郡開玉門通西域以
 斷匈奴右臂隔絕南羌月氏單于失援由是遠遁
 而幕南無王庭適值文景立默養民五世天下務
 富財力有餘士馬彊盛故能賄羣布璫瑁則建珠
 崖七郡音古曰感枸醬竹杖則開梓柯越嵩音古曰
 音聞天馬蒲陶則通大宛安息自是之後明珠文
 甲通犀翠羽之珍盈於後宮音古曰
 龍文魚目汗血之馬死於黃門音古曰鉅

6-расм. Фан Хуа (398-449) нинг «Хань-шу» («Хань сулоласи-нинг тарихи») китобидан лавҳа.

да ҳукмронлик қилган Вэй (386—535-йй.), Ци (550—577-йй.), Чжоу (557—581-йй.) сулоласи ҳукмронлиги, яъни 386—581-йиллардаги тарихини ўз ичига олган 100 бобдан иборат «Бэй шу» («Шимолий сулолалар тарихи») номли асари билан машҳур.

Асарда Ўрта Осиё, хусусан Хоразм ҳамда Шарқий Туркистон ҳақида қимматли маълумотлар учратамиз.

«Бэй шу»нинг матни 1958 йили Шанхайда чоп этилган.

Вэй Чжен (580—643 йй.) — Тань сулоласи даврида ўтган тарихчи; император Чжен-Гуань (627—650 йй.) даврида унинг ўғли ва тожу тахт ворисига тарбиячи бўлган. Ана шу император даврида тарихчи олимлардан Янь Ши-Гу ҳамда Кхун Ин-да билан биргаликда Хитойнинг Суй сулоласи давридаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олган «Суй шу» («Суй хонадонининг тарихи») номли 85 бобдан иборат асар ёзиб қолдирган. Асарнинг 55 боби 637 йилда ёзиб тамомланган. Қолган 30 бобига эса яна 20 йил вақт кетган. Асар Хитойнинг V—VI асрлардаги тарихини ўз ичига олади.

«Суй шу» Хитойда тарихчилар жамоаси тарафидан ёзилган биринчи тарихий асар. Бошқа асарлардан фарқли ўлароқ, унда императорларнинг иқтисодий сиёсати, қўшиннинг тузилиши, мамлакатнинг аҳволи, халқнинг урф-одатлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Асарда, унинг 83-бобида, Ўрта Осиё (Жанубий Қирғизистон, Помир, Тошкент ва б.) ҳамда Шарқий Туркистон (Харашаҳар, Куча, Кошғар, Хўтан) ҳақида ҳам диққатга сазовор маълумотлар учратамиз.

Асар кўп жилдли «Сулолалар тарихи» таркибида унинг 9-жилди бўлиб, 1958 йили Шанхайда босилган.

Оуян Сю (1007—1072-йй.) ва **Сунь Ци** (998—1061-йй.). 960—1279 йиллари ҳукмронлик қилган Сунь (Жанубий ва Шимолий Хитой) сулоласи тарихчилари: император Жень-Цзун (1023—1063-йй.) нинг топшириғи билан 940—945-йиллари ёзилган «Цзю Тань шу» («Тань сулоласининг эски тарихи») ўрнига (унинг камчилик ва нуқсонлари аниқлан-

гач) 1043—1060-йиллари шу сулоланинг янги тарихини («Синь Тань шу» — «Тань сулоласининг янги тарихи») ёзганлар. Ҳар иккала асар ҳам ўзига хос афзалликларга эга бўлиб, маълум даражада бир-бирини тўлдиради. XVIII асрда тарихчи Шэнь Бин — чжень ҳар иккала тарихни бирига боғлаб, унга «Синь цзю Тань шу хечао» («Тань сулоласининг бир-бири билан қўшилган янги ҳамда эски тарихи») деб ном қўйди. Асарда 618—907-йиллар воқеалари баён этилган.

«Синь Тань шу»да Самарқанд, ҳозирги Ўзбекистоннинг Жанубий вилоятлари, Эрон, Афғонистон ҳамда Шарқий Туркистон (Харашаҳар, Куча, Кошғар) ҳақида маълумотлар учрайди.

1958 йили (кўп жилдли «Сулолалар тарихи»нинг 12-жилди) Шанхайда чоп этилган.

3. Сўғд тилидаги манбалар

Асосан IV—X асрларга оид бўлиб, турли мазмундаги ҳуқуқий ҳужжатлар (аҳдномалар, никоҳ ҳақидаги шартномалар, олди-сотди ҳужжатлари, тилхатлар), ҳукмдорлар (Сўғд, Шош, Турк ва Фарғона ҳукмдорлари) ўртасидаги ёзишмалар, хўжаликнинг кундалик фаолиятига оид ҳужжатлар, масалан, харажатлар ёзилган ҳужжат ҳамда фармонлардан иборат.

Бу ҳужжатлар Сўғдиёнанинг ўзидан (Муғ қалъадан), Самарқанддан (Афросиёбдан), Қирғизистон ва Шарқий Туркистондан топилган.

Булар орасида Муғ қалъа харобаларидан 1932 йили топилган ҳужжатлар алоҳида аҳамиятга эга. Ҳужжатлар 1932 йилнинг баҳорида Тожикистоннинг Варзиминор (ҳозирги Заҳматобод) туманига қарашли Хайробод қишлоғида шу тумanning собиқ биринчи раҳбари А. Пўлотий томонидан очилган. Ҳужжатлар жами 79 та бўлиб, булардан 74 таси қадимги сўғд, 1 донаси араб, 3 таси хитой ва яна бири турк тилидадир. Улар ҳар хил материалга: чармга, тахтага

Handwritten text in a cursive script, likely a manuscript page. The text is dense and fills most of the page, starting from the top right and moving downwards. The script is highly stylized and difficult to decipher without specialized knowledge of the language or dialect. There are several lines of text, with some appearing to be headings or section markers. The overall appearance is that of an old, handwritten document.

7-расм. Сўғд тилидаги манбадан лавҳа.

ва қоғозга ёзилган. Ҳужжатлар сўғд деҳқони (катта ер эгаси), подшоси Деваштич (708—722-йй.) ва йирик мансабдорларнинг (фрамандар), шунингдек, Хохсар ҳамда Кштут деҳқонларининг шахсий архивига тегишли бўлиб, Сўғднинг VIII асрнинг биринчи чорагидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётини ўрганишда муҳим манба ролини ўйнайди.

Муг қалъасидан топилган ҳужжатлар А.А. Фрейман, А.В. Васильев, И.Ю. Крачковский, М.Н. Боголюбов, В.А. Лившиц, ҳамда О.И. Смирновалар тарафидан чуқур ўрганилган.

Муг қалъа ҳужжатларининг топилиш тарихи ва улар ҳақидаги дастлабки маълумотлар 1934 йили махсус тўплам шаклида («Согдийский сборник», Ленинград, 1934) эълон қилинди. Айрим ҳужжатларнинг таржимаси И.Ю. Крачковский ва А.А. Фрейман томонидан 30-йиллари эълон қилинди. Ҳуқуқий ҳужжатлар ва мактублар таржимаси, зарур изоҳ ва тадқиқотлар билан (Согдийские документы с горы Муг. Чтение, перевод, комментарий. II чиқиши, 1962) 1962 йили В.А. Лившиц тарафидан чоп қилинди.

1961 ва 1965 йиллари Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих ва археология институти ходимлари илмий сафар чоғида Афросиёбда (Самарқандда) V—VII асрларга оид сарой харобаларини очдилар. Сарой меҳмонхонасининг деворлари турли мазмундаги расмлар билан безатилган бўлиб, улар орасида оқ кийим кийган Чағониён элчисининг сурати ҳам бор. Унинг этагига сўғд тилида ўн олти сатрдан иборат ишонч ёрлиғи ёзиб қўйилган эди. Бу ёзувлар Ўрта Осиё халқларининг VII аср ўрталаридаги ўзаро алоқаларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Самарқанддан топилган ёзувлар IX асрга оид уч тилда (сўғд, қадимги турк ва хитой тилида) ёзилган турк хоқонининг қабр тошига битилган ёзувдир.

Мазкур ҳужжатлар сўғдийларнинг Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Шарқий Туркистондаги савдо колонияларидан ҳам топилган. Булар орасида айниқса А. Стейн (1862—

1943) тарафидан 1907 йили Дуньхуан (Хитойнинг Ганьсу вилоятида) ва Турфонда (Шарқий Туркистон) топилган ҳужжатлар, Талас дарёсининг ўнг соҳилида, ҳозирги Талас шаҳридан 7 км шимолда жойлашган Қулонсой ҳамда Тераксой дараларида қоя тошларга ўйиб битилган ёзувлар алоҳида эътиборга молик. Бу ёзувлар IV—XI асрларда Сўғд колонияларининг ижтимоий аҳволи ҳақида, айниқса Ўрта Осиё билан Узоқ Шарқ мамлакатлари ўртасидаги савдо алоқалари ва бунда сўғдийларнинг роли ҳақида қимматли маълумот беради.

Дуньхуан ва Хўтан ҳужжатлари А. Стейн, Таласдан топилган ёзувлар эса В.А. Каллаур, М.Е. Массон, Д.Ф. Винник, А.А. Асаналиев, К. Аширалиев, У. Жумағуловлар тарафидан ўрганилган.

Мамлакатимиз тарихи, хусусан унда яшаган қадимий халқлар тарихини ўрганишда, сўғд тилида ёзилган «Халқлар рўйхати» деб аталган бир ҳужжат (VIII аср) ўта муҳимдир. Унда Ўрта Осиёда яшаган 21 халқ ва элатнинг номи келтирилган.

IV боб. IX—XV АСРЛАР ТАРИХИГА ОИД МАНБАЛАР

Асосий ижтимоий-сиёсий воқеалар. Бағдод халифалиги вайроналарида ташкил топган энг йирик давлатлардан бири Сомонийлар давлати (819—999-йй.) эди. Бу давлатга Нуҳ ибн Асад (819—842-йй.) асос солди; у айниқса X асрнинг биринчи ярмида, Исмоил ибн Аҳмад давридан (892—907-йй.) бошлаб кучайди. Бу даврда Сомонийлар Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон, ҳозирги Афғонистоннинг катта қисми, шунингдек, Тошкент, Туркистон ва Испижоб (Сайрам) устидан ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар (Сомонийлар сулоласининг этник таркиби аниқланмаган).

Сомонийлар йирик ер эгалари, руҳонийлар ҳамда йирик савдогарларнинг кўмагига таяниб, феодал тарқоқлик ва ички урушларга барҳам бердилар; Ила водийсида ва Сирларё бўйларида кўчиб юрган қорлиқларнинг Мовароуннаҳрнинг ички

туманлари устига қилиб турган хуружларига ҳам барҳам бердилар (893-й.). Бу ҳол мамлакатнинг иқтисодий ва маданий юксалишига йўл очди.

Сомонийлар даврида марказий давлат бошқаруви бирмунча такомиллашди. Амир давлатни ўнта давлат муассасаси (девон): *девони вазир* (Бош маҳкама), *девони муставфий* (молия ишлари маҳкамаси), *девони оmid ул-мулк* (иншо ва элчилик идораси), *девони соҳиб шурат* (амир гвардияси ишлари билан шуғулланувчи идора)¹, *девони соҳиб барид* (почта ишлари маҳкамаси), *девони мушриф* (ўзига хос давлат хавфсизлиги идораси), *девон ад-дийа* (амирнинг ермулкини бошқарувчи идора), *девони мухтасиб* (шариат ишлари маҳкамаси), *девони вақф* (вақф ишларини назорат қилувчи идора), *девони қуззот* (қозилик маҳкамаси) ёрдамида бошқарган. Лекин, давлатни бошқаришда турк ғуломларидан чиққан амирларнинг роли жуда катта бўлди.

Сомонийлар даврида хунармандчилик ва савдо-сотиқ ривожланди. Буни Бухоро, Самарқанд, Марв, Балх, Фазни, Ҳирот ва Тошкент каби йирик, тараққий этган шаҳарлар мисолида кўрамиз. Бу даврда Ўрта Осиёнинг Ҳазар хоқонлиги, Булғор хонлиги, Русь ва Хитой билан иқтисодий-маданий алоқалари бирмунча ривож топди.

Сомонийлар даври илм-фан ва маданиятнинг ўрта аср шароитида бениҳоят ривожланган даври ҳисобланади. Бу давр Рудакий, Дақиқий, Фирдавсий сингари улкан шоирларни, Форобий, Беруний, ибн Синодек забардаст олимларни етиштирди.

Катта ер эгаллиги муносабатларининг ривожланиши (маҳаллий ер эгалари билан бюрократик аппарат, катта ер эгалари билан ерни ижарага олиб ишлаб кун кечирувчи камбағал деҳқонлар ўртасидаги зиддиятлар) натижасида ўзаро феодал кураш ва йирик ер эгаларининг айирмачилик (ажралиб чиқишга бўлган ҳаракати) ҳаракати кучайиб кетди.

¹ Амир гвардияси турк ғуломларидан ташкил топган ва давлатни идора қилишда катта роль ўйнаган.

Бу ҳол X аср охирларига келиб феодал тарқоқликни янада кучайтирди; Ҳамадон, Исфаҳон ва Райда Бувайҳийлар, Табаристон ва Журжонда Зиёрийлар мустақилликка эришдилар; 962 йилда Сомонийларнинг Фазнидаги ноиби Алп-такин ҳам мустақиллик эълон қилди. Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги ерлар, шунингдек, Чағониён ва Хоразм ҳам сомонийларга итоат қилишдан бош тортдилар.

Мамлакатда юз берган ижтимоий-сиёсий парокандаликдан Қорахонийлар усталик билан фойдаландилар. Улар 996 йили Зарафшоннинг шимолий тарафидаги барча ерларни, 999 йили эса Бухорони ишғол этиб, Сомонийлар ҳукмронлигига барҳам бердилар.

Қорахонийлар (X асрнинг 90-йилларида Шарқий Туркистон, Еттисув ва Тяньшаннинг жанубий қисмида ташкил топган феодал давлатга асос солган сулола), юқорида айтилганидек, 996—999-йй. Наср ибн Али (1012-йили вафот этган) бошчилигида бостириб кириб, бутун Мовароуннаҳрни бўйсундирдилар. Тўғри, Сомонийларнинг айрим вакиллари, масалан, лашкарбоши Абу Иброҳим Исмоил (Мунтасир) 1001 йилгача Қорахонийлар билан курашди, лекин улардан устун келолмади.

Наср ибн Алидан кейин Мовароуннаҳрни Илигхон Али такин (1034 йилнинг кузида вафот этган) идора қилди. 1025 йили Кошғар хони Қодирхон (Томғочхон) билан Маҳмуд Фазнавий (998—1030-йй.) биргаликда Мовароуннаҳр устига юриш бошладилар. Али такин Бухоро ва Самарқандни ташлаб чўлга чекинишга мажбур бўлди. Лекин, барибир иттифоқчилар Мовароуннаҳрда ўзларининг ҳарбий-сиёсий мавқеларини мустаҳкамлай олмадилар ва тез орада уни ташлаб чиқишга мажбур бўлдилар. 1032 йили Мовароуннаҳрда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга Хоразм ҳукмдори Олтинтош (1017—1032-йй.) ҳам уриниб кўрди, лекин унинг барча ҳаракатлари зое кетди. Тарихий манбалар (масалан, Абулфазл Байҳақий) берган маълумотларга қараганда, Али такиндан кейин тахминан 1040 йилга қадар унинг ўғиллари (номлари маълум эмас) ҳукмронлик қилдилар. Улардан кейин 1060

йилгача Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Наср ҳукм юритган. У Қорахонийлар пойтахтини Ўзгандан (Фарғона водийсида) Самарқандга кўчириб олиб келди. Унинг вафотидан кейин ўғиллари ўртасида тож-тахт учун кураш бошланди. Бу курашда Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Насрнинг Шамс ул-мулк Наср исмли ўғли ғолиб чиқди.

Шамс ул-мулк Наср даврида (1068—1080-йй.) Қорахонийлар билан Салжуқийлар ўртасида Термиз ва Балх учун кураш кучайди. Бунинг устига Томғочхон Қодир Юсуф ва унинг ўғиллари унга қарши кураш бошладилар ва Сирдарёнинг шимолий соҳилидаги ерларни ҳамда Фарғонани ундан тортиб олдилар. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Наср ва унинг авлоди билан мусулмон руҳонийлар ўртасидаги зиддиятлар Шамс ул-мулкнинг тахт ворислари Хидир ва Аҳмад (1081—1089-йй.) даврида бениҳоят кучайди. Салжуқий султон Маликшоҳ I 1089 йилда Мовароуннаҳрга қўшин тортиб, Бухоро ва Самарқандни забт этди. Лекин Салжуқийлар тез орада сулҳ тузиб, Мовароуннаҳрдан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Лекин, Султон Санжар (1118—1157-йй.) даврида, 1130 йилдан бошлаб, Қорахонийлар Салжуқийлар давлатига тобе бўлиб қолдилар. Мамлакатда сиёсий тарқоқлик кучайди — вилоят ва ўлкаларнинг кўпчилиги мустақиллик эълон қилди. Ана шундай мустақил вилоятлардан бири Бухоро бўлиб, бу ерда ҳокимият Садрлар (Буруҳонийлар) деб аталувчи руҳонийлар сулоласи (1130—1207 йй.) қўлига ўтди.

Қорахонийлар инқирозга юз тутган ва Мовароуннаҳр тарқоқлик исканжасига тушиб қолган бир пайтда унинг шимоли-шарқий ва ғарбий тарафида икки йирик ҳарбий-сиёсий куч пайдо бўлди. Булардан бири қорахитойлар бўлиб (этник таркиби яхши аниқланмаган), баъзи маълумотларга кўра, уларнинг асли тунгус эди (айрим олимларнинг фикрича — мўғул). Улар XII аср бошларида дастлаб Чуғучак, кейинчалик Болосоғун шаҳри билан бирга бутун Еттисув воҳасини ишғол қилдилар. Қорахитойларнинг олий ҳукмдорлари гурхон деб аталган. Яна бир йирик ҳарбий-



8-расм. Работи Малик карвонсаройи. XI аср.

сиёсий куч Хоразмда шаклланди. Илгари Салжуқийларга тобе бўлган Хоразм 1127 йили мустақилликка эришди.

XII асрнинг 30-йиллари бошларидан қорахитойларнинг Мовароуннаҳрга талончилик хуружлари бошланди. Улар Шош ва Фарғона билангина кифояланиб қолмай, Зарафшон ҳамда Қашқадарё воҳаларига ҳам кириб бордилар. Қорахитойлар 1138 йили Самарқанд хони Қорахоний Маҳмудхонни (1132—1141-йй.) тор-мор келтирдилар ва катта ўлпон олиб Еттисувга қайтиб кетдилар. 1141 йили улар Самарқандга яқин Қатавон деган жойда Маҳмудхон ва Султон Санжарнинг бирлашган кучларини тор-мор келтириб, Самарқанд, сўнгра Бухорони эгалладилар. Лекин, улар Еттисувдан Мовароуннаҳрга кўчиб ўтмадилар, балки ҳар йили ўлпон олиб туриш билан кифояландилар.

Хоразмнинг мустақилликка эришуви Хоразмшоҳ Отсиз (1127—1156-йй.) номи билан боғлиқ. У қисқа вақт ичида Сирдарёнинг куйи оқимида жойлашган Жанд шаҳрини ва Мингқишлоқни эгаллади. Султон Санжар Хоразмни яна бўйсундиришга ҳаракат қилди, лекин бунга эришолмади. Эл Арслон (1156—1172-йй.) ва Султон Такаш (1172—1200-йй.) вақтида Хоразмшоҳлар давлати бирмунча мустаҳкамланди. Хоразмшоҳлар 1156—1192-йиллар орасида Ҳинд дарёсидан Ироққача бўлган ерларни бўйсундиришга муваффақ бўлдилар. Хоразмшоҳ Муҳаммад (1200—1220-йй.) Хоразм давлатини бирмунча кенгайтирди — 1206 ва 1212 йиллари Бухоро ва Самарқандни босиб олди, 1210 йили эса Еттисувда Гурхон қўшинларига қақшатқич зарба берди ва бу билан қорахитойларнинг Мовароуннаҳрга бўлган даъволарига чек қўйди.

Лекин, қурол воситаси билан тузилган бу улкан давлат марказлашган ва мустаҳкам давлат эмас эди. Босиб олинган мамлакатлар этник жиҳатдан турлича бўлиб, уларнинг иқтисодий ва маданий тараққиёт даражаси ҳам бир хил эмас эди. Бунинг устига ҳокимият тепасида турган шахс ташаббуссиз ва шижоатсиз одам эди. Шунинг учун ҳам бу давлат мўғулларнинг кучли зарбасига дош беролмади.

Қорахонийлар даврида давлат тепасида хон (манбаларда Томғочхон) турган ва у расман олий ҳукмдор ҳисобланган, аслида эса номигагина шундай бўлиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётда улус ҳокимларининг (манбаларда улар илигхон аталган) тутган мавқеи кучли бўлган. Улардан айримлари мустақил сиёсат юритганлар. Фарғона (маркази Ўзган) ҳамда Мовароуннаҳр (маркази Самарқанд) илигхонлари шулар жумласидандир. Қорахонийларнинг давлат тузилиши ҳақида маълумот кам. Лекин вазир, соҳиб барид, муставфий аталмиш лавозимларнинг мавжуд бўлишига қараганда, Сомонийлар давлатининг маълум идоралари Қорахонийлар даврида ҳам сақланган.

XI асрдан бошлаб Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда ерга эгаллик қилишнинг янги шакли — иқтоъ (тожу тахт олдида кўрсатган хизматлари учун шаҳзода ва хонзолалар, амир ва мансабдорларга инъом тариқасида бериладиган ер-сув) тараққий эта бошлади.

Қорахитойлар, юқорида айтилганидек, Қорахонийлардан фарқли ўлароқ, босиб олинган ерларга кўчиб келмадилар, фақат ўлпон йиғиб олиш (ҳар бир хонадондан бир динор миқдорида) билангина кифояландилар.

Лекин, меҳнаткаш халқнинг аҳволи оғир эди. У икки томонлама, маҳаллий йирик ер эгалари ва хорижлик босқинчилар зулми остида қолди. Меҳнаткаш аҳоли мунтазам равишда хирож ҳамда бошқа солиқ ва жарималар тўлаб туришга, давлат, хон ва йирик ер эгаларининг шахсий қурилишларида текинга ишлаб беришга мажбур эдилар.

Бу даврда чет эл босқинчиларига қарши халқ кўзғолонлари ҳам бўлди. Қорахитойлар ва уларнинг иттифоқчиси садрларга қарши 1206 йили Бухорода ва Хоразмшоҳ зулмига қарши 1212 йили Самарқандда бўлиб ўтган қосиблар кўзғолони шулар жумласидандир.

X—XII асрларда Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда илм-фан, адабиёт бирмунча ривож топди; Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Термиз, Марв, Гурганж каби шаҳарлар кенгайди, ривожланди. Бу давр Абу Райҳон Бериуний (973—1048-йй.),

Абу Али ибн Сино (980—1037-йй.), Абубакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий (X аср), Маҳмуд Кошғарий (тахминан 1029—1038-ййиллар орасида туғилган) каби забардаст олимларни, Унсурий, Амьоқ Бухорий, Сўзаний Самарқандий, Низоми Арузи Самарқандий, Юсуф Хос Ҳожиб Болосоғуний каби ажойиб шоирлар ва адибларни етиштирди. Мамлакатимизда кўплаб масжид, мадраса, карвонсаройлар, баланд миноралар ва бошқа монументал бино ва иншоотлар барпо этилди. Ҳазора туманидаги (Бухоро) Деггарон масжиди, ўша атрофдаги Работи малик карвонсаройи (XI), Бухородаги масжиди калон (1127 йили қуриб битказилган), Вобкентдаги минора (1198—1199-ййиллари қурилган) Бухоро намозгоҳи (XII аср), Шоҳи зинда ва Афросиёбдаги (Самарқанд) айрим бинолар, Хоразмдаги Бўрон қалъа, Ноиб қалъа ва Фахриддин Розий мақбараси (XII аср) шунингдек, ҳозирги Қирғизистон ва Туркменистон ўрамида қурилган бино ва иншоотлар шулар жумласидандир.

1219—1221-ййиллар ичида Ўзбекистон мўғуллар томонидан истило этилди. 1227 йили Чингизхон Етгисув, Кошғар, Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг шарқий қисмини, шунингдек, ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмини иккинчи ўғли Чигатойга (1227—1241-йй.) инъом қилди. Бу улус тарихда Чигатой улуси номи билан машҳур. Чигатой улусининг олий ҳукмдорлари ҳам, қорахитойлар сингари, улусни махсус ижарадорлар, яъни хоразмлик машҳур савдогар Маҳмуд Ялавоч (1125—1238-йй.) ва унинг ўғли Маъсудбек (1238—1289-йй.) ёрдамида идора қилдилар. Мунко қоон (1251—1260-йй.) тахтга ўлтиргандан кейин, Жўчи улусининг олий ҳукмдори Ботухон (1227—1255-йй.) билан тил бириктириб, Чигатой авлодининг кўпчилигини қатл эттирди ва Чигатой улусини ўртада бўлиб олишди. Лекин, орадан кўп вақт ўтмай, Олғу (1261—1266-йй.) улус мустақиллигини тиклашга муваффақ бўлди. Муборакшоҳ (1266-йй.) ва Бароқхон (1266—1271-йй.) даврида мўғул ҳукмдорлари маҳаллий аҳоли билан яқинлашиш мақсадида ислом динини қабул қил-

дилар. Натижада, 1266 йили хон ҳамда баъзи мўғул уруғлари (масалан, жалоирийлар) Еттисувдан Мовароуннаҳрга кўчиб ўтдилар. Бу ҳол ўз навбатида тарқоқлик ва парокандаликка олиб келди. XIV асрнинг 50-йилларига келиб, Чигатой улуси иккига ажралиб кетди — Еттисув ва Кошғарда қолган мўғуллар мустақиллик эълон қилиб, ўз давлатларини тузиб олдилар. Бу давлат тарихда Мўғулистон ёки Жете номи билан машҳурдир.

Мўғуллар ҳукмронлиги йилларида Мовароуннаҳр халқи икки томонлама: мўғул ҳукмдорлари (доруғалар, босқоқлар) ҳамда маҳаллий ер эгалари зулми остида қолди. Улар асосий даромад солиғи хирождан ташқари талайгина бошқа солиқ ва жарималар (доруғаги, сар шумор, улуфа, тамға, қупчур ясоғи, тоғор, бигор ва б.) тўлашга мажбур этилган эдилар.

Оғир чоракорлик меҳнати, мўғул ҳукмдорларининг бебошлиги меҳнаткаш халқнинг сабр косасини тўлдирди. Бухоро вилоятининг халқи косиб Маҳмуд Торобий ва илоҳият олими Шамсуддин Маҳбубийларнинг атрофига уюшиб, 1238 йили қўзғолон кўтарди, лекин қўзғолон бошқа шаҳар ва вилоятларга ёйилмади. Натижада Бухородаги қўзғолон Еттисув ва Хўжанддан Илдиз нўён ҳамда Чуқан қурчи бошчилигида юборилган мўғул қўшини томонидан бостирилди.

XIV аср ўрталарига келиб Чигатой улусининг жануби-ғарбий қисмини ташкил этган Мовароуннаҳрда сиёсий тарқоқлик янада кучайди. Бу айниқса амир ул-умаро Қазағон вафотидан (1358 йили) кейин кучайиб, мамлакат майда қисмларга бўлиниб кетди. Масалан, Шаҳрисабзда Хожи барлос мустақиллик байроғини кўтарди. Хўжандда Боязид жалоир мустақиллик эълон қилди, Балхда амир Ҳусайн хон кўтарилди, Шибирғонни Муҳаммад Апарди эгаллади. Хутталонда Кайхусрав ўзини подшоҳ деб эълон қилди. Бадахшон яна маҳаллий ҳукмдорлар — Бадахшон шоҳлари қўлига ўтди.

Феодал тарқоқликдан барлос амирзодаларидан Амир Темур усталик билан фойдаланди ва 1370 йили олий ҳокимиятни қўлга олди. 1370—1378 йиллари у мамлакатдаги тарқоқликни тугатиб, Мовароуннаҳр ва Хоразмни ўзига бўйсундирди. 1381—1402 йиллари Темур қўшни мамлакатлар устига ҳарбий юриш қилиб, Эрон, Кавказ орти, Ироқ, Кичик Осиё ва Шимолий Ҳиндистонни истило қилди, Олтин Ўрда хони Тўхтамишга (1376—1395-йй.) қақшатқич зарба бериб, унинг пойтахти Сарой Беркани эгаллади.

Амир Темур ва Темурийлар давлати том маънода марказлашган давлат эмас эди. У майда улусларга бўлинган ҳолда идора қилинди. Масалан, Амир Темур ҳаёт эканлигида салтанат тўрт қисмга бўлинган эди: Хуросон, Журжон, Мозандарон ва Сеистон (маркази Ҳирот шаҳри) Шоҳруҳга; Фарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Арманистон (маркази Табриз), Мироншоҳга; Форс, яъни Эроннинг жанубий қисми (маркази Шероз), Умаршайхга; Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон (маркази дастлаб Ғазни, кейинчалик Балх), Пирмуҳаммадга суюрғол (шаҳзода ва амирларга тожу тахт олдида кўрсатган катта хизматлари учун шартли тарзда инъом қилинган ер-сув ва уни идора қилиш ҳуқуқи) қилиб берилган эди.

Амир Темур вафоти (1405 йил, 18 феврал)дан кейин унинг давлати инқирозга юз тутди. Тўғри, у Шоҳруҳ (1409—1447-йй.), Абу Саъид (1451—1469-йй.) ва Султон Ҳусайн Бойқаро (1469—1506-йй.) даврида нисбатан марказлашган ва маълум ҳарбий-сиёсий кучга эга эди. Лекин, улусларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мавқеи ҳамон катта эди. Улусларнинг мустақиллиги Султон Абу Саъид вафотидан (1469 й.) кейин, айниқса Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлигининг иккинчи ярмида, аниқроғи, XV асрнинг 80-йилларидан бошлаб, яна ҳам кучайди. XV асрнинг 70-йилларида Мовароуннаҳрнинг бир ўзи уч мустақил давлатга бўлиниб кетган эди — Самарқанд, Бухоро ва уларга тобе

вилоятларда Султон Аҳмад мирзо; Фарғонада Умаршайх; Ҳисор, Хутталон ҳамда Бадахшонда Султон Маҳмуд мирзо ҳокими мутлақ ҳисобланар эдилар.

Амир Темур ва Темурийлар даврида ҳам ер-сув ҳамда хунармандчилик корхоналарининг катта қисми подшо хонадони ва бадавлат кишилар қўлида бўлиб, меҳнаткаш халқ уларнинг ерини ижарага олиб кун кечиришга мажбур эди. Меҳнаткаш халқ қатор солиқ ва жарималар (хирож, доруғаги, миробона, жон солиғи, аворизот, бож, тамға, закот, пешкаш, совари ва б.) тўлашга, ҳукумат ва катта ер эгаларининг турли-туман юмушларини бажаришга мажбур эди.

Амир Темур даврида давлат тепасида расман Чингиз авлодидан бўлган Суюрғатмиш (1370—1380-йй.) ва Султон Маҳмудхон (1380—1402-йй.) турди, лекин амалда бутун ҳокимият Амир Темур қўлида эди. Унинг вафотидан кейин эса бу тартиб, яъни Чингиз авлодидан хон кўтариш тартиби бекор қилинди ва олий ҳукмдорлар ўзини подшоҳ деб эълон қилдилар. Вилоят ва туманларда ҳокимият марказий ҳукумат тарафидан тайинланган доруғалар қўлида бўлди. Давлат ишлари асосан турли муассаса (девон) лар; *девони олий* (марказий ижроия органи), *девони мол* (молия ишлари маҳкамаси) ва *девони тавочи* (ҳарбий ишлар маҳкамаси) ва б.қ. қўлида бўлган. Дин, шариат билан боғлиқ ишлар қози ва шайхулислом қўлида эди.

Амир Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннаҳр шаҳарлари айниқса Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро каби шаҳарлар иқтисодий ва маданий жиҳатдан ўсди, хунармандчилик ва савдо-сотиқ ривож топди. Мовароуннаҳрнинг Хитой, Ҳиндистон, Арабистон мамлакатлари, Мўғулистон, Олтин Ўрда ва ҳатто, узоқ Испания, Италия, Франция, Англия ва бошқа Европа мамлакатлари билан иқтисодий ва маданий алоқалари кенгайди. Бу даврда илмфан ва маданият ривожланди. Бу давр Ҳофизии Абри ва Шарафуддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий ва Муъинуддин Исфазорий, Мирхонд ва Хондамир каби муаррих

олимларни, Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий, Бисотий Самарқандий ва хожа Исматулла Бухорий, шайх Аҳмад Суҳайлий ва Камолуддин Биноий сингари жуда кўп истеъдодли шоир ва олимларни етиштирди.

МАНБАЛАР

1. Ҳуқуқий ҳужжатлар ва ёзишмалар

Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихини ўрганишда илмий текшириш институтларининг кутубхоналарида, давлат тарих архивида, ўлкашунослик музейларида сақланаётган расмий ҳужжатлар ва ёзишмаларнинг аҳамияти бениҳоят каттадир. Бу — ортиқча тушунтириш ва изоҳга ҳожат бўлмаган ҳақиқат. Лекин, уларни топиш, ўрганиш ва ўз ўрнида фойдаланиш ўта қийин. Бу тадқиқотчидан чуқур билим, махсус малака, қунт ва сабот-матонат талаб қилади.

Муддаога кўчадиган бўлсак, ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам, жамиятда катта нуфузга эга бўлган шахслар ўртасида олиб борилган ёзишмаларни ҳам бир ердан, аниқроғи бир ёки икки асар ичидан, бир музей ёки архив фондидан топиб бўлмайди. Уларни барча музей, архив ва фондлар ичидан қидириб топиш мумкин.

Ҳуқуқий ҳужжатлар (подшо ва хонларнинг фармонлари, ёрлиқлари, иноятномалар, раҳномалар, васиқалар, вақфномалар ва б.қ.) Ўзбекистондаги тарих ва ўлкашунослик музейларида, махсус илмий-текшириш институтлари ва университетларнинг кутубхоналарида, шунингдек, Давлат тарих архивларида сақланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида шундай ҳужжатлардан 3,5 мингтаси сақланади. Бухоро аркида жойлашган ўлкашунослик музейида ҳам бундай ҳужжатлар кўп.

Ўрта Осиё хонликлари: Бухоро, Хива ва Қўқон хонлиқларининг давлат архиви ўтган асрда, яъни 1865, 1876

йиллардан кейин, яъни хонликлар рус армияси томонидан босиб олингандан кейин, Россияга олиб кетилди ва музейлар ҳамда кутубхоналарида сақланди. Уларнинг бир қисми — ижтимоий-иқтисодий ҳаётга оид қисми, 1960 йилдан кейин Тошкентга — Ўзбекистон Марказий тарих архивига қайтарилди. Давлат фаолияти билан боғлиқ қисми қайтмаган бўлса керак, чунки хонликларнинг архивида сақланаётган ҳужжатлар асосида амалга оширилган тадқиқотлар ва уларнинг мазмунига бағишланган китоб ва мақолаларда асосан ижтимоий-иқтисодий ҳаётга оид масалалар ёритилган.

Хива хонлигининг архиви ва унинг материаллари асосида асримизнинг 60-йилларида озми-кўпми илмий ишлар олиб борилди. Биз бу ерда Хива Давлат архиви устида кўп иш олиб борган П.П. Иванов, М.Й. Йўлдошев, А.К. Боровков, Ю.Э. Брегел, А. Шайхова ва б.қ. тадқиқотчиларни назарда тутмоқдамиз¹.

Бу тадқиқот ва таржималар архив ва унинг мазмуни кўтарилган масалалар ҳақида дастлабки маълумотлар беради.

¹ **Иванов П.П.** Архив Хивинских ханов, XIX века (Исследование и описание документов с историческим введением). Новые источники по истории Средней Азии, «Записки института Востоковедения АН СССР», т. VII. М.—Л., 1940, с. 5—26; **М.Ю. Юлдашев** и **А.К. Боровков** (ими в ЛОИВАН СССР был обнаружен 9 дафтаров этого архива), **Ю.Э. Брегел.** Документы архива Хивинских ханов по истории и этнографии каракалпаков (Подбор документов, введение, перевод, примечания и указатели), М., 1967; **М. Й. Йўлдошев.** Хива Давлат ҳужжатлари, I—II жилдлар. Т.: 1960; **А. Шайхова.** Юридические документы, как источник по истории социально-экономических отношений в Хивинском ханстве в XIX — нач. XX веках, АКД, Ташкент, 1989.

Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихини ўрганишда Қўқон хонлиги Давлат архивининг аҳамияти ҳам бениҳоят кагтадир. Бу муҳим архив ҳам ўз вақтида (1876 йилдан кейин) Санкт-Петербургга олиб кетилган ва император музейи (ҳозирги Шарқшунослик институти) ва Санкт-Петербург халқ кутубхонаси фондларида жойлаштирилган эди. Мазкур архивга тегишли ҳужжатлар проф. А. Л. Троицкая тарафидан ўрганилиб, каталог чоп этилган¹. Йирик тарихчи олим Р. Н. Набиев ўзининг муҳим асарларидан бирини² ёзишда мазкур архивда сақланаётган ҳужжатлардан фойдаланган.

Бухоро хонлигининг Давлат архиви энг эски давлат архивларидан бири ҳисобланади. Унинг бир қисми, Бухоро-Россия дипломатик ва савдо муносабатларига доир қисми шу кунларда Москвада, «Қадимги ҳужжатлар Марказий Давлат архиви»да; яна бир қисми «Ўзбекистон марказий Давлат тарих архиви»да сақланмоқда. Москвада сақланаётган ҳужжатлар Бухоро, Хива ва Балх хонликларининг Россия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар билан бўлган сиёсий ва иқтисодий алоқалари тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Машҳур кушбеги архиви ҳам ҳозирда Ўзбекистон Давлат тарих архиви фондида (№ И-126) сақланади. Ушбу архив хонликнинг ижтимоий-сиёсий тарихи, иқтисодиёти ва бошқа масалаларни ўрганишда муҳим манба ролини ўйнайди. Лекин бу фонд ҳали яхши ўрганилмаган. Фондининг айрим ҳужжатларидан П. П. Иванов, А. А. Семёнов, М. А. Абдураимов, К. М. Мирзоев ва Ҳалим Тўраев фойдаланганлар. Хусусан Абдураимов М. А., ўз шоғирдлари билан бирга кушбеги архивини тўла ўрганди ва унинг илмий тавсифини нашрга тайёрлади. Афсуски, оғир хасталик ва бе-

¹ Троицкая Л. А. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. Москва, 1968.

² Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худаярхана). Ташкент, 1973.

вақт ўлим туфайли у ўзининг бу муҳим тадқиқотини нашр этишга улгурмади.

Сўнги тадқиқотчи, шогирдимиз Ҳалим Тўраев эса қушбеги архивидан ўзининг «Танҳоҳ» аталмиш катта ер эгалиги институтига бағишланган илмий тадқиқотини яратишда кенг фойдаланди.

Тарихга оид ҳужжатлар республика давлат тарих архивидан ташқари Самарқанд ўлкашунослик музейида ва бошқа ерларда ҳам мавжуд.

Лекин уларни қидириб топиш, айниқса тизимга солиш ва ўрганиш иши яқинда, асримизнинг 20-йилларидан бошланди. Шундан бери ўтган қарийб 70 йил ичида хунармандчилик, савдо-сотиқ, ижара ва ер эгалиги масалаларига доир айрим ҳужжатлар, матни ва таржимаси билан қўшиб, чоп этилди. «Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР» (1938), «Документы по истории аграрных отношений в Бухарском ханстве» (1954), «Из архива шейхов Джуйбари» (1938), «Хозяйство Джуйбарских шейхов» (1954), «Самаркандские документы XV—XVI вв.» (1974), «Письма — автографы Абдурахмана Джами из «Альбома Наваи» (1974) тўпламлари шулар жумласидандир.

Қуйида XV асрда ўтган йирик мулкдорлардан хожа Убайдулла Аҳрор, жуйбор хожаларидан хожа Муҳаммад Исом, Хожа Саъд (хожа Калон), Ялангтўшбий¹ ва Манғитлар сулоласига мансуб бўлган Бухоро ҳукмдори амир Ҳайдар (1800—1826) га тегишли ҳуқуқий ҳужжатлардан айримларига, фақат бир мақсад билан — илмий жамоатчиликнинг диққат-эътиборини тортиш мақсадида, қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. Хожа Аҳрорга тегишли васиқалар ва вақфномалар. Бу турдаги ҳужжатлар кўп ва уларни архив ва музейларнинг

¹ Ялангтўшбий — Аштархонийлардан Имомқулихон (1611—1642) ва Надр Муҳаммадхон (1642—1645) даврида оталиқ мансабида турган қудратли амирлардан бири.

фондларидан, шунингдек қўлёзмалар сақланаётган кутубхоналардан топиш мумкин. Машҳур шарқшунос олима О. Д. Чехович (1912–1982-йй.) Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти ва Ўзбекистон Республикаси Давлат тарих архиви фондларида сақланаётган васиқалар ва вақфномалар фондини кўп йиллар давомида қунт билан ўрганди ва улар ичидан Хожа Убайдулла Аҳрорга тегишлиларини ажратиб олиб, матни ва русча таржимаси, ва махсус тадқиқот билан бирга қўшиб 1974 йили «Самаркандские документы XV–XVI вв» номи билан нашр этди.

Маълумки, Хожа Аҳрор ўз даврининг бадавлат, бообрў кишиси бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта нуфузга эга бўлган. Уни шу даражага етказган нарс, биринчи навбатда, унинг қўлида тўпланган катта ер-сув ва мол-мулк бўлди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, унинг 300 жуфти гов¹ ери, шаҳарларда тимлари (усти ёпиқ бозорлари), дўконлари, ҳаммомлари, карвонсаройлари, тегирмонлари, мойжувозлари бўлган.

Лекин, у маърифатли ва раиятпарвар киши эди. Даромаднинг бир қисмини хайрли ишларга сарфлаган, халқ манфаатини ҳимоя қилган. Масалан, 1463 йили темурийзода Умаршайх мирзо Тошкент халқидан катта миқдорда хирож талаб қилганда, Хожа Аҳрор уни ўз ҳисобидан тўлаб юборган; хунармандлар ва бозор аҳлидан олинадиган тамға солиғига қарши чиққан. Ҳазрат эшон барча солиқлардан озод қилинганига қарамай, айрим йиллари ҳамма қатори хирож, ушр ва бошқа солиқларни (маънуоти девония ва навоиби султония) тўлаб турган. Хожа Аҳрор ҳар йили Султон Аҳмад мирзо (1458–1494 йиллари Мовароуннаҳр ҳукмдори)нинг девонига 80 минг ман² галлани хирож ўрнида юбориб тур-

¹ **Жуфти гов** — бир жуфт ҳўкиз ёрдамида ҳайдаб экиладиган ер.

² **Ман** — оғирлик ўлчови; 4,32 кг.га тенг бўлган ўлчов бирлиги.

ган; йилига унга хирожнинг бир қисмини — 10 минг кумуш танга бериб турган.

Манбаларда ҳазрат эшоннинг эл-юрт тинчлиги йўлида қилган савоб ишлари ҳақида ҳам маълумотлар учратамиз. Масалан, 1463 йили уч ҳукмдор (Фарғона подшоси Умаршайх мирзо, Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон, Самарқанд подшоси Султон Аҳмад мирзо) Ховос ёнида бир-бирига қарши лашкар сафлаганда Хожа Аҳрор тadbир ишлатиб қон тўкилишига йўл қўймади — подшоларни яраштириб қўйди. 1454 йили Хуросон подшоси Абулқосим Бобур (1449—1457 йй.) катта қўшин билан Самарқанд остонасида пайдо бўлганда, ҳамма, шулар қатори, уч йил муқаддам Самарқанд тахтига ўтирган Султон Абу Саъид ҳам қўрқув ва таҳликага тушиб, шаҳарни ташлаб қочмоқчи бўлди. Хожа Аҳрор эса атрофидаги одамлари билан шаҳар мудофаасини ўз қўлига олди, Абулқосим Бобурни эса чекинишга мажбур қилди.

Хожа Убайдулла Аҳрорга тегишли васиқа, вақфнома ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ҳали бошқа ерлардан ҳам топилади. Лекин, қўлимиздагилари ҳам — О. Д. Чехович нашр қилганларининг ўзи Ўзбекистон ва у билан қўшни бўлган мамлакатларнинг XV—XVI аср бошидаги ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганишда биринчи даражадаги манба бўлиб хизмат қилади.

Шу ҳужжатлардан бир нечасини мисол тариқасида келтираамиз.

ВАСИҚА

Оллоҳ жумлайи жаҳон эгасидир, унинг шон-шавкати юқори бўлсин! (Ҳижрий) 859 йил жумоди ул-охир ойининг 12-куни.

Байрамхўжа ўғли Ҳасан, мулкига мутасаддий бўлишга ҳақ-ҳуқуқи бўлгани ҳолда, деди: «Самарқанднинг Сўзангарон кўчасида жойлашган икки хоналик уйимни, таҳоратхона ва айвони билан, Убайдуллахожа Жалолиддин Маҳмуд ўғлига сотдим.

Мазкур ҳовли-жойнинг ғарб тарафи олийжаноб, ҳурмат-эҳтиромга лойиқ бўлган олғувчининг дўкони билан туташ, шимолий тарафи подшоҳлик ерлари¹ ва қисман амир Шермуҳаммад хожанинг уйи билан, шарқи-жануб тарафдан эса халқа кўчалар билан туташдир.

Ушбу мулкни, барча ҳақ-ҳуқуқлари билан, ҳозирда муомалада бўлган 1500 динори адлияга² сотдим.

Мазкур савдо-сотиқнинг кафилиги ўзимнинг зиммамда.

Савдо қуйидаги шахсларнинг гувоҳлигида бўлди:

Абу Мансур Муҳаммад;

Саъдулла Муҳаммад ал-Испижобий;

Аҳмад Али ал-Хоразмий;

Хожа Султон Жаҳонгир ўғли;

Байрамшоҳ Жунайд Рамазон ўғли.

Ҳаммаси бўлиб 26 гувоҳ».

ТОШКЕНТ ҚОЗИСИ ҲУЗУРИДА ТУЗИЛГАН ГУВОҲЛИК КЎРСАТМАСИ ҲАҚИДА ҚАРОР

У, (жумлайи олам) эгасидир!

Ҳижрий 920 йил жумоди ул-охир ойининг биринчи кунини ажойиб шаҳар Тошкентда, Оллоҳ уни балою қазо ва муҳтожликдан асрасин, валийлар авлоди Муҳаммад Яҳё³ тарафидан чақирилган (гувоҳ)лар: 1) мавлоно Абдуғофур ал-мударрис ал-Испижобий; 2) жаноб шайхулислом, олийжаноб, шайхлар авлоди хожа Абдураззоқ марҳум Боқийхожа ўғли, хожа Яҳё тарафидан таклиф қилинган; 3) жаноб Ҳожа-

¹ Подшоҳлик ерлари — ҳукуматга қарашли ер-сув, мулки подшоҳий, мулки султоний ва мамлака деб ҳам аталади.

² Динори адлия — Мирзо Улуғбек даврида зарб этилган олтин танга пул; вазни 4,4 гр.га тенг.

³ Хожа Муҳаммад Яҳё — хожа Убайдулла Аҳрорнинг ўғли (1500 йили ўлдирилган).

ка шайх хожа Муҳаммад Нурий авлоди; 4) жаноб мавлоно Аҳмад Фазалкатий; 5) жаноб мавлоно Муҳаммад Сиёҳпуш (қуйидагиларни) маълум қиладилар: «...хожа Убайдулла (Аҳрор), Оллоҳ унинг қабри ҳоқини юмшоқ қилсин, унинг ҳукм-фармонлари қонуний бўлган пайтда фарзанди хожа Муҳаммад Яҳёни, сирлари равшан бўлсин, Оллоҳ паноҳида бўлган Самарқанд шаҳридаги мазорида бўлган хонақоҳга мутаваллий этиб тайинланган эдилар. Жаноб хожа Муҳаммад Яҳёнинг вафотидан кейин мазкур хонақоҳ мутаваллийлиги унинг ўғли тасарруфига ўтган.

Номлари тилга олинган кишилар шундай деб гувоҳлик бердилар: — гувоҳларнинг сўзлари ҳамма олдида тўғри ва ҳаққоний ёзиб олинди.

Мазкур суд олдида иштирок этдилар:

Мавлоно Муҳаммад муфтий;

Жаноб Мир Иброҳим амир Исмоил ўғли;

Жаноб мавлоно Калон, жаноб мавлоно Муҳаммад муфтий;

Мавлоно Хожак Боқий;

Жаноб мавлоно Неъмат котиб;

Мавлоно Ҳабибулла, мавлоно Муҳаммад Поянда ўғли».

БУХОРО АМИРИ ҲАЙДАРНИНГ ФАРМОНИ

У абадий тирик!

Каттабек эшик оғага¹ маълум ва равшан бўлсин ва (у) билсинки, мулозимингиз Раҳимқулибекбий олижаноб, қутблар қутби жаноб хожа Аҳрорнинг, қабри нурга тўлсин, Камонгарондаги вақф ерларига қасд қилган. Бу гапни (подшоҳ ҳазратларининг) олий узангисини ўпиш пайтида сайёдат маоб эшон Оламгирхожа шайхулислом айтган.

Шунга асосланиб, Сиз жанобга буюрамиз:

¹ Эшик оға (эшик оғаси) — саройбон; подшоҳ (хон) саройига арз билан келувчиларни, шунингдек элчиларни кутиб олувчи мансабдор.

Агар (ҳақиқатан) шундай қилинган бўлса, Оллоҳнинг лаънатига қолмаслик учун бу ишни дарҳол тўхтатсинлар, мазкур вақф ерни, мазкур фармони олийга асосланиб, эгасига қайтарилсин, (Фармонга) асло монъелик қилмасинлар.

2. «Жуйбор хожаларининг архиви»— XVI асрга доир, Бухоро хонлигининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар тўплами. Аниқроғи йирик ер-сув ва мол-мулк эгаси бўлган хожа Муҳаммад Ислом ва хожа Саъд (кўпинча хожа Калон номи билан машҳур)ларнинг катта ерлари ва хўжалиги, ва унинг жамиятда эгаллаган ўрни, ва ролини кўрсатиб берувчи ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Тўпламга кирган ҳужжатларнинг форсча матни, русча таржимаси билан қўшиб, Ўзбекистон тарихининг катта билимдонларидан П. П. Иванов (1893–1942) нинг тадқиқотлари билан 1938 ва 1954 йилларда икки жилд қилиб Санкт-Петербургда нашр қилинган.

Тўплам Жуйборий хожалардан хожа Саъд (1531/32–1589- йй.) нинг мол-мулкига оид 288 ҳужжатни (ер-сув, дўкон, ҳаммом, карвонсарой, тегирмон, ошхона ва бошқа даромад келтирувчи мулкнинг олди-сотдисига оид васиқалар) ўз ичига олади.

Маълумки, Жуйбор хожалари ўз даврида катта мол-мулкка эга бўлган бой-бадавлат кишилардан эдилар. Масалан, хожа Муҳаммад Саъднинг 2 минг жуфти гов (100 минг таноб) ери, 25 минг қўйи, 1000 бош туяси, 1500 оти, йирик шаҳарларда кўпдан-кўп дўконлари, тимлари, тегирмон, ҳаммом, мойжувоз ва бошқа турдаги ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари бўлган. Шунга яраша даромади ҳам катта бўлган.

«Матлаб ут-толибин»да айтилишича, ҳазрат эшоннинг йиллик даромади 1 млн. 600 минг тангага баробар бўлган. Хожа калоннинг мол-мулки отасидан қолган мерос мулк, хонлар ва бой-бадавлат одамларнинг ҳайр-эҳсонлари, шунингдек олинган (зархарид) мулкдан ташкил топган.

Қуйида номи қайд этилган «Жуйбор хожалари архиви»-дан баъзи ҳужжатларни таржима қилиб келтирамиз.

ВАСИҚА

Ҳижрий 973 йил ражаб ойининг 22-куни (1566 й. 14 феврал)да амирзода Мирза Муҳаммад Шариф марҳум Муҳаммад Латиф Мирак ўғли, ўз мулкини қонун бўйича идора этишга ҳақ-ҳуқуқли бўлгани учун, қонун-қоида бўйича мана бу арзни баён қилди: «Эски қалъа ташқарисида, Пули саррофон ёнида, мулла Ашраф масжиди кўчасида жойлашган... дўконимни, дўконча ва ёнидаги ошхонаси билан кўшиб, шунингдек у билан туташ бўлган еримни, ундаги бинолар ва нарсалар билан кўшиб, узил-кесил ва қонун-қоида билан хожа Калонхожа хожа Муҳаммад Ислом ўғилларига соф кумушдан зарб қилинган 160 танга бадалига сотдим.

Ушбу мулк ғарб тарафдан марҳум хожа Юсуф Али саббоғ (бўёқчи) устод Садриддин саббоғ ўғлига тегишли дўконга, шимол тарафдан шаҳар наҳрига, жанубда бозор ёнидан ўтадиган катта жамоат йўлига туташгандир.

(Мазкур) васиқа қуйидаги гувоҳлар иштирокида тузилди:

Мавлоно Содик;

Устод Турди меъмор;

Ҳофиз Пахса;

Мир Қаландар;

Мавлоно Абдувоҳид;

Мавлоно Хусайннинг биродари саййид Муҳаммад;

Муҳаммад Латиф Ҳофиз Пахса ўғли;

Шайх Ҳасан Қорақўлий».

ВАСИҚА

Ҳижрий 960 йил шаввол ойининг 19-куни (1553 й. 29 сентябрь).

Хожа Мир Ҳошим Малик Бухорий ўғли, ўзига қарашли мулкни қонуний равишда тасарруф этишга ҳақ-ҳуқуқли

бўлгани учун, ўз ихтиёри билан ва қонуний равишда қуйидаги арзни баён қилди: «Ўзимга тегишли бўлган ва Бухоронинг Эски қалъаси ташқарисида, мархум Абдулазизхон масжиди ёнида жойлашган, отхонаси ва сомонхонаси, тош ва ёғоч асбоблари бўлган тегирмонимни хожа Муҳаммад Ислом хожа Аҳмад ўғилларига соф кумушдан зарб қилинган, вазни бир мисқоллик 170 кумуш тангага сотдим.

[Ушбу] мулк ғарб тарафдан [номи юқорида зикр этилган] харидорнинг уйи билан, шарқ тарафдан наҳр бўйи ва жануб тарафдан Мир Таййибхожа Малик ўғлининг ҳовлиси билан туташдир.

Гувоҳлар:

Хожа Сайид Ҳасан;

Мир Муҳтасиб;

Мавлоно Али имом;

Мир Таййиб».

ВАСИҚА

Ҳижрий 966 йил зулқаъда ойининг 21-куни (1559 й. 25 сентябр) да хожа Зинда Али арбоб хожа Юсуф ўғли... ўзига тегишли мулк хусусида қонуний тарзда ва қуйидаги мазмунда арз қилди: «Бухоронинг Эски қалъаси ташқарисида, маҳсидўзлар бозорида, қалқон ясовчилар тимиди жойлашган тўрт нафар дўконимни, узил-кесил ва қатъий савдо билан, хожа Муҳаммад Ислом хожа Аҳмад ўғлига соф кумушдан зарб этилган 120 тангага узил-кесил савдо билан сотдим.

Унинг бир тарафи мамлакайи подшоҳийга¹, иккинчи тарафи шаҳар хандақига², учинчи тарафдан номи зикр этил-

¹ Мамлакайи подшоҳий — подшоҳ (хон) девонига тегишли ер-сув.

² Хандақ — қалъа девори ташқарисига қазиб сув тўлатиб қўйилган зовур; махсус мудофаа иншооти.

ган олғувчига тегишли тегирмоннинг айвонига туташдир.
Дўконга кириш йўли ҳам ўша тарафдан.

[Ушбу васиқа] қуйидаги одамлар иштирокида тузилди:
Жўра Муҳаммад хожи Калон шайх ўғли;
Абдулмуҳаммад;
Муҳаммад Амин Абди Калонхожа ўғли;
Мир Фазлулла;
Мавлоно Маҳмуд хатиб Калотий».

ВАСИҚА

Ҳижрий 966 йил шаввол ойининг 20-куни (1559 й. 27 июл)да мол-мулкни тасарруф қилишга ҳақ-ҳуқуқли бўлган Насаб хотин шайх Муҳаммад қизи, ўз ихтиёри билан, [қуйидаги] қонуний ва рад қилиб бўлмайдиган арзини баён қилди: «Бухоронинг Эски қалъаси ташқарисида, Гавкашон кўприги ёнида жойлашган ўзимга тегишли ҳовли-жойимни, даҳлизи ва 32 газли саҳни ва ичидаги барча нарсалари билан қўшиб, хожа Муҳаммад Қосимхожа хожа Муҳаммад Ислом ўғлига, узил-кесил савдо билан, қонуний нарҳда ҳар бири бир мисқол вазндаги 160 тангага сотдим.

Мазкур уй шимол тарафдан марҳум мавлоно Умар Бухорийдан қолган уй билан, шарқ тарафдан наҳр бўйи ва жануб тарафдан Мир Таййибхожа уйи билан туташ...

Гувоҳлик бердилар:
Мавлоно Ёр Азиз;
Мавлоно Султон Азиз коғазфуруш;
Дўст меъмор».

ВАСИҚА

Ҳижрий 967 йил ражаб ойининг 4-куни (1560 йил 2 апрел куни)да Мирза Муқимнинг ўғли Мирза ака ўз номи ва отаси номидан, ўзига тегишли мулкни тасарруф қилишга ҳақ-ҳуқуқли бўлгани учун, қонун асосида, қуйидагиларни арз қилди: «Ўз ихтиёрим ва (менга) берилган ишонч-

нома асосида, узил-кесил ва бузиш мумкин бўлмаган савдо билан, Бухоронинг Руди шаҳар туманида, Қишлоқи арус деган ерда жойлашган бир бўлак ўзимга тегишли ва (бир бўлак) отамга тегишли, экин экса бўладиган ерни хожа Саъд хожа Муҳаммад Ислом ўғлига соф кумушдан зарб қилинган 500 кумуш тангага сотдим.

Савдо-сотик ишончли одамлар иштирокида амалга оширилди».

ВАСИҚА

Ҳижрий 968 йил зулқаъда ойининг 12-куни (1561 йил 26 июл куни) Мирза Муҳаммадёр ҳожи ал-ҳарамайн Худоев ўғли, қонун бўйича, ўз мулкани тасарруф қилишга ҳақ-ҳуқуқли бўлгани ҳолда, ўз ихтиёри билан, қуйидаги йўсинда арз қилди: «Бухоронинг Кўҳна қалъаси ташқарисиди, Фазнон маҳалласиди жойлашган меросий еримни, учта уйи, даҳлизи, иккита болохонаси билан қўшиб, хожа Саъд хожа Муҳаммад Ислом ўғлига узил-кесил, қонуний, бузиб бўлмас савдо билан, соф кумушдан зарб қилинган бир мисқоллик 160 тангага сотдим.

Ушбу мулк ғарб тарафдан (номи юқорида тилга олинган) харидорнинг уйига, шимол ва шарқ тарафлардан катта жамоа йўлига ва яна бир тарафи Оғажон кафшдўз саббоғнинг, қисман Жон Муҳаммад деҳқоннинг уйлари билан туташ.

Гувоҳлар:

Мавлоно Бобоқули;

Мавлоно Сайфиддин;

Мавлоно Мусо;

Мавлоно Али».

3. «Мажмуъайи васоиқ» («Васиқалар тўплами») — Самарқанд қозихонасига тегишли ва XVI асрнинг охирида тузилган ҳуқуқий ҳужжатлар (васиқалар) тўплами. 735 ҳужжатдан иборат бўлиб, хронологик жиҳатдан 1588—1591 йилларни ўз ичига олади. Мазкур ҳужжатлар турли ижти-

мойи-иқтисодий масалалар: мерос тақсимлаш, касб-хунар (шогирдлик) билан боғлиқ, савдо дўконлари, ер-сув ва ҳовли-жойни ижарага қўйиш каби масалаларни қонунлаштиришга бағишланган. Ҳужжатларнинг яна бир муҳим томони шундаки, уларда XVI асрда Самарқандда амалда бўлган касб-хунарлар: заргарлик, кулолчилик, рангрезлик, атторлик, кимухгарлик, читбофлик, сангтарошлик, шамширгарлик, қоғоз ишлаб чиқариш, зардўзлик, саррожлик, дурадгорлик, кулоҳгарлик, саҳҳофлик (муқовасозлик), хаттотлик, китобфурушлик каби тўқсондан ортиқ касб-хунар ҳақида маълумотлар мавжуд.

«Мажмуъайи васоиқ»нинг яхши қўлёзма нусхаси ҳозирда ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 1386 тартиб рақами билан сақланмоқда. Ҳужжатларнинг бир қисми рус ва ўзбек тилларига таржима қилиниб, чоп этилган. Масалан, Абдурауф Фитрат ва В. С. Сергеев улардан фақат 36 нафарини танлаб олиб рус тилига таржима қилганлар ва 1937 йили Тошкентда нашр этганлар. Ҳужжатлардан 237 таси, яъни тахминан учдан бир қисми марҳум шарқшунос олим Баҳром Иброҳимов (1908–1978 йй.) тарафидан ўрганилиб, ўзбек тилига таржима қилинган эди. Лекин, у тириклигида таржимасини ва ҳужжатлар хусусидаги илмий тадқиқотини чоп этишга муваффақ бўлолмади. Баҳром Иброҳимовнинг таржимасини ва илмий тадқиқотини 1982 йили ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг бир гуруҳ илмий ходимлари (Б. Аҳмедов, О. Жалилов, М. Каримов, Т. Файзиев ва Г. Остонава) тарафидан нашрга тайёрланди ва чоп этилди.

Куйида «Мажмуъайи васоиқ» дан айрим парчалар келтирамиз.

ХАТТИ ИҚРОР

Ҳижрий 997 йил зулҳижжа ойи бошида (1589 йил октябр ойининг биринчи ярмида) мулло Абдулбоқий Хожибоқий ўғли ўз амакиваччаси сағир Мирҳоди марҳум хожа

Опоқ ўғли тарафидан унинг ишларини (қози) маҳкамасида амалга ошириш учун тўла ҳуқуқли эканлиги шаръан мулло Курбон Муҳаммад Али нажжорларнинг тўғри гувоҳликлари билан исбот қилингани ҳолда, Самарқанд шаҳри ва унга тобеъ ерларнинг қозилар қозисининг ноиби ва вилоятнинг адолатли ҳокими, Оллоҳ унинг соясини узун қилсин, ҳузурига келиб, шаръан тўғри иқдор бўлдики, сағирнинг Самарқанддаги Масжиди нигорон маҳалласида жойлашган, чегаралари аниқ бўлган ва иморат қилишга яроқли бир бўлак ерини Мирза Дўстим Бахтибий ўғлига бир мисқоллик 63 динорга сотди.

(Мазкур) жойнинг чегаралари ғарбий, шимолий ва шарқий тарафдан жойни сотиб олувчининг ҳовлисига ва жануб тарафдан катта жамоа кўчасига туташдир.

Ҳар иккала тараф ўзига тегишлини олди, (яъни) олувчи жойни, сотувчи эса пулни олди. Шаръан келажакда (бир-бирини) алдамаслик шарт билан мазкур жойнинг баҳоси шу кунлардаги нарх-навога тўғри ва адолатлидир. Ушбу савдода алдаш ва бузуқ шарт йўқ. Бу савдо сағирнинг кундалик эҳтиёжи ва нафақасига харж қилинади. Ҳар иккала томон юзма-юз туриб иқдор бўлдилар (ва тузилган ҳужжатни) тасдиқ қилдилар.

Ушбу савдо-сотик ишончли кишилар ҳузурда бўлди.

Қози муҳри

ХАТТИ ИҚРОР

Ҳижрий 998 йил сафар ойининг, яхшилик ва зафар билан тамом бўлсин, 9-куни (1589 йил 18 декабр куни) Мирзо Ҳалим Мир Зинда Али ўғли жаноблари шаръан тўғри иқдор бўлди шу хусусдаким, ўз ихтиёрида бўлган ва Самарқанд шаҳрининг Масжиди мулло шайх Муҳаммад девон номи билан машҳур бўлган маҳалласидаги бир бўлак ерини шаръан узил-кесил савдо билан, мулло Турсун Муллоқули ўғлига ҳозирги пайтда муомалада бўлган, тоза кумушдан зарб этилган бир мисқоллик 13 танга хонийга сотган.

(Мазкур) ернинг баъзи қисми ер олувчининг мулкига ва баъзи қисми Турсун зоғарапазнинг ери билан туташ, тўрт тарафдан чегаралари маълум бўлиб, ғарби мулло Муҳаммад Сиддиқ мулло Абдукарим ўғлининг ҳовлисига, шимол тарафи Муҳаммад шариф ибн хожа Аваз аттор ўғлининг, шарқ тарафдан баъзи қисми Одина Абдулла ўғлининг, баъзиси Банда Али Шериали ўғлининг ҳовлиси билан жануб тарафи жамоат юрадиган кўчага туташ бўлиб, кириш йўли ҳам ўша тарафдадир. Ҳамма тарафининг белгилари кўриниб турибди.

Шариат бўйича ҳар икки тараф юзма-юз туриб ўзига тегишлини олди. Ушбу савдода алдаш, фириб бериш ва бузуқ шарт юз бермади.

Гувоҳлар:

Мулла Аҳмад амин;

Мулла Аҳмад;

Мулла Абдумажид;

Мулла Абдураҳим.

ВАСИҚА

Ҳижрий 998 йил жумоди ул-аввал ойининг иккинчи куни (1590 йил 9 мартда) устод Муҳаммадхўжа равғангар устод шайх Муҳаммад ўғли ўз тасарруфида бўлган даҳяки ерининг¹ ҳаммасини, Самарқанд атрофидаги, Мўғулдиза маҳалласида бўлган тўрт томони аниқ бўлган мулкани, томон ҳақ-ҳуқуқлари билан Камолиддин Мир Тулак Қутбиддин ўғлига, янги бир мисқолли, тоза кумушдан зарб қилинган 175 тангага сотди.

Ушбу ернинг тўрт томон чегараси аниқ бўлиб, ғарб тарафи мавлоно Боқи мулла Султон Муҳаммаднинг ерига, шимол тарафдан баъзи жойлари мулла ҳожи Султон Муҳаммад билан мулла Пирак Ёрмуҳаммад ўғли ўртасидаги шериклик

¹ Даҳяки ер — олинган даромаднинг ўндан бири миқдорида солиқ олинадиган ер. Ушрий деб ҳам аталади.

ер билан, баъзи жойлари машхур Сиёб ариғи билан туташ. Шарқий тарафи Пирали Ражаб ўғлининг ерига ва жануб тарафи жамоат қатнайдиған кўчага туташдир. (Ҳамма) белгилари маълум.

Олувчи мазкур ернинг адолат билан савдо бўлгани, сотувчи мулк бадалига тўланган ақчанинг, амалда бўлган пул эканлигини ва у эътиборли кишилар олдида бўлганлигини эътироф қилдилар ва иқроор бўлдилар.

ВАСИҚА

Ҳижрий 998 йил жумоди ул-аввал ойининг 9-куни (1590 йил 16 мартда) Ашурали Давлатқадам ўғли шаръан иқроор бўлди шу хусусдаки, Самарқанднинг ҳазрати хожа Салмон мозори маҳалласида жойлашган ўзимнинг ҳасфурушлик дўконимни ва йигирма газ шахсий лалми еримни соф мисдан зарб қилинган, вазни бир мисқолли 30 тангага узил-кесил савдо билан Аваз мавлоно Солиҳ ўғлига сотдим.

(Мазкур) дўкон ва ернинг тўрт тарафдаги чегараси аниқ, чунончи гарбий тарафи ҳазрат Тоҳир тархон ерига, шимол тарафи жамоат йўлига туташ. (Ҳовлига) кириш йўли ҳам ўша тарафдан. Шимоли-шарқий тарафи шимолга ўхшаш, жануби Тоҳир тархоннинг ерига туташ. Ҳамма белгилари аниқ.

Шартга биноан ҳар икки томон ўз бадалини, яъни дўкон ва ерни сотган — пулини, пул тўлаган — дўкон билан ерни олди.

Савдо адолатли бўлиб, фириб ва бузуқликлардан холидир. Ҳар иккала томон юзма-юз туриб, иззат-эътибор ила кишилар олдида мазкур савдонинг тўғрилигига иқроор бўлиб тасдиқ қилдилар.

Ҳижрий 997 йил шаввол ойининг 29-куни (1589 йил 13 сентябрда) Самарқанд шаҳри ва унга қарашли ерлар қозилар қозисининг ноиб ва вилоятнинг адолатли ҳокими ҳузурда, Оллоҳ унинг соясини узун қилсин, Момо Султон Бекмуҳаммад қизига, ушбу тарихдан бошлаб ҳар куни 2 динор майда мис танга маош тайинланди, шунинг учунким

фақир сағир Фўлод Муҳаммад Хўжамберди ўглини кийинтириб ва овқатлантириб турсин.

Васиқа холис кишилар ҳузурида тузилди.

ВАСИҚА

Ҳижрий 1000 йил раби ул-аввал ойининг 11-сида (1591 йил 28 декабрда) хожа Ҳусайннинг қизи Оға Ховандзода шаръан тўғри иқдор бўлди шу тўғридаким, тасарруфида бўлган битта бугдойранг, очиқ чехрали ўртадан сал юқори бўйли, соғлом, тахминан 17 ёшлардаги Давлатбахт исмли хоназот канизагимни соф кумушдан зарб этилган бир мисқолли 140 танга бадалига мутлақ озод қилдим. Ва юқорида тилга олинган Давлатбахт у берган озодлик туфайли тўла озод бўлиб, ҳур кишилар қаторига қўшилди...

Васиқа холис кишилар ҳузурида тузилди.

Турли фондлардан йиғиб олинган ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти кўлөзмалар фондида, Ўзбекистон Республикаси Марказий тарих архивида, Бухоро ўлкашунослик музейи ва Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро кутубхонасида сақланаётган ҳужжатлар: фармонлар, ҳукномалар, иноятномалар, васиқалар, олди-сотди ҳақидаги ҳужжатлар ва ажримлардан иборат ҳужжатларни юқорида номи тилга олинган О. Д. Чехович тарафидан 51 нафарини танлаб олинган ва рус тилига таржима қилиниб, матни билан қўшиб, 1954 йили «Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве XVII—XIX вв» номи билан алоҳида китоб қилиб чоп этилган.

Китобда келтирилган ҳужжатлар Аштархоний ҳукмдорлардан Имомқулихон (1611–1642) билан Убайдуллахон II (1702–1711), манғит амирларидан Ҳайдар, амир Музаффар ва Насруллоларнинг фармонлари (ҳукномалари) XVII асрда ўтган йирик ер ва мулк эгалари бўлмиш Ялангтўшбий, Оллоёр девонбеги, Одина Муҳаммаджонларга тегишлидир.

Хужжатлар ер-сувни солиқлар ва жарималардан озод қилиш, ерни сотиш, гаровга қўйиш (*васиқаи жоиз*), ерни сотиб олиш ва уни имтиёзли мулкка айлантириш (*васиқаи мубодила*), ерни инъом қилиш (*васиқаи бахшиш*), танҳо, мулкни ижарага бериш (*васиқаи ижара*), маълумот етказиш (*ариза*) ва бошқа масалалар ҳақидадир. Уларнинг алоҳида хирож олинадиган ва давлат ерларини мулки хурри холисга айлантириш, яъни солиқлардан озод этиш ҳоллари ҳам учрайди.

XVII–XIX асрларда «Бухоро хонлигидаги аграр муносабатлар тарихига доир ҳужжатлар» деб аталган ушбу тўплам мамлакатимизнинг ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий тарихини ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтайди.

Куйида мазкур тўпламдан мисоллар келтирамыз.

У (ХУДО) ҒАНИЙДИР! АБУЛҒОЗИ ИМОМҚУЛИ БАҲОДИРХОН СЎЗИМИЗ!

Бахтиёр биродарлар, саодатли фарзандлар, зулиқтидор¹ амирлар, кифоят асар вазирлар, Самарқанд вилоятининг аъёнлари, арбоблари ва калонтарлари² билсинларки, шу кунларда бахтиёр хоқоннинг арзига етдиким, амирлар сунъичиғи, Ялангтўшбийнинг зикр этилган вилоятнинг (Самарқанднинг — Б. А.) туманларида сотиб олган ерлари бор. Шариат қоидаларига кўра унинг бир қисмини давлат ҳисобига ўтказганлар, икки қисмини эса мулки хурри холисга³ айлантирган ва бу ҳақда унинг қонуний ҳужжати (чеки) бор. Бинобарин, биз мазкур амлокни⁴, юқорида тилга олинган ҳужжатларга асосан, унга иноят қилдик.

¹ **Зулиқтидор** — иқтидор (куч-қудрат) эгаси.

² **Калонтар** — қишлоқ, даҳа оқсоқоли.

³ **Мулки хурри холис** — солиқ ва бошқа тўловлардан озод этилган ер-сув.

⁴ **Амлок** — (мулкнинг кўплиги) — нуфузли ва бой-бадавлат шахс қўлида тўпланган катта ер-сув. Бир қисми алоҳида хизматлари учун ҳукумат тарафидан инъом қилинган бўлиши ҳам мумкин.

Мазкур амлокни унинг мулки хурри холис ери деб ҳисобласинлар ва ҳеч ким унга дахл қилмасин, ундан бирон нарса талаб қилмасин. Моли жиҳот, ихрожат¹ ва бошқа олиқсолиқ талаб қилмасин.

У (ХУДО), ЯГОНАДИР!

Ҳукми олий содир бўлдики, Тобон деган ердаги лаҳяк ер Муҳаммад Замонхожанинг мулки ва ўғли Чангакнинг мерос мулки бўлганлиги, шу кунларда Чакчак вафот этганлигини эътиборга олиб, юқорида зикр этилган ерни юқорида исми шарифи тилга олинган шахсга (Муҳаммад Замонхожага — Б. А.) инъом қилдик.

Девон хизматчилари ушбу ерни дафтарга, Муҳаммад Замонхожа номига ёзиб қўйсинлар ва мазкур иноятномага ҳурматсизлик қилмасинлар.

Имомқули Баҳодирхон
(ҳижрий) 1036 йил.

(ҲУКМНОМА)

Ху, Оллоҳ ал-мустаъин!

Абулмузаффар ва-л-мансур Убайдулла Баҳодирхон сўзимиз!

Бухоронинг Пойариқ (тумани) ҳокимлари, омиллари², кадхудолари³, элликбошилари, ўнбошилари, шунингдек Шоҳмуҳаммад қишлоғининг кадхудоларига маълум бўлсинки, Работак қишлоғидаги 46 таноб ер мулла Мир Шофеъга тааллуқли эканлиги ҳақида берилган шаърий чекка асосан уч қисмга бўлинган эди. Шу кунларда у вафот этган. (Шунинг учун) мазкур ерлар мерос сифатида унинг ўғли

¹ Ихрожат — саройнинг кундалик харажатлари учун раиятдан тўпланадиган махсус йиғим.

² Омил — қишлоқ оқсоқоли.

³ Кадхудо — оила бошлиғи.

Ўзбекхўжага тааллуқли деб топилган ва унинг тарафидан тасарруф қилинмоқда ва ҳамма солиқлардан озод этилган.

Шунинг учун бирон важҳ билан дирҳам, ёки динор тўламаган.

Шу сабабдан буюрамиз. Ушбу ерларни қадимдан мулки хурри холис ҳисоблаб, ундан танабона, аворизот ва бошқа олиқ-солиқ талаб қилинмасин. Айтилганлардан ташқарига чиқмасинлар ва ундан янги ҳужжат талаб қилмасинлар.

У, ОЛЛОҲ!

(Ҳижрий) 1131 йил сафар ойининг (1718 й. декабрь ойининг...), олижаноб ва шуҳрат топган Ёрмуҳаммад қоравулбеги марҳум Тилобий ўғли мана бу зътиборли (ҳужжат)ни тақдим этди:

«Унда бундай дейилган: Кеш вилоятига қарашли Улуғ ўғил деган жойдаги давлатга қарашли ёбисаларни¹ ўз ичига олган ерларни, бу ерлар ғарб тарафдан қисман Қора ботқоқ билан ва қисман Туғи деган ер билан, шимол тарафдан Қашқадарё билан, шарқ тарафдан қисман Хосёр ва қисман Балхиён билан, жануб тарафдан Ҳожакент билан туташ, (ораларидаги) масофа ҳар тарафдан аниқланган ёбиса ерларни ёбиса сифатида олижаноб, ғозийлик рутбаси билан шарафлаган ва Оллоҳ тарафидан мағфиратланган Ғози чуҳра оқоси² Шер чуҳра оқоси ўғлига, у ердаги барча чорполар³ ва уч ғарам қилинган бичан билан, унинг мулки деб ҳисобланади.

Бундан буён ушбу ёбисага бизнинг даҳлимиз йўқдир. Ўша куни ва ўшал соатда буни юқорида тилга олинган Ғози чуҳра оқоси ҳам ишончли гувоҳлар ҳузурда тасдиқлади.

¹ Ёбиса — қўриқ ер.

² Чуҳра оқоси — хон қўриқчилари бошлиғи.

³ Чорпо — тўрт оёқлилар.

Ушбу келишувда иштирок этган гувоҳлар:
Олижаноб охунд мулла Муҳаммад ўғли;
Қодирберди удайчи;¹
Турсунхожа садр,²
Мирза Абдулла чухра боши;
Ниёз арбоб ва б. қ.
Ҳаммаси 16 киши».

ҲУ, ОЛЛОҲ АЛ-МУСТАЪОН!

Абулмузаффар ва-л-мансур саййид
Убайдулла баҳодирхон сўзимиз!

Бухорога қарашли Пойируд (тумани)нинг ҳокимлари, аъмоллари, арбоблари, кадхудолари, элликбошилари ва ўнбошилари ҳамда Шоҳмуҳаммад қишлоғининг кадхудолари билсинларки, Работак қишлоғидаги қонуний ҳужжат асосида қадимда мулки хурри холисга айлантирилган 46 таноб ер эшонимиз мулла Мир Шофеъга тегишли бўлган. У ҳозир вафот этган. Бу ер мерос тариқасида унинг ўғли Ўзбекхўжага ўтган. У ҳозирда шу ерга эгалик қилади ва солиқлардан озод қилинган, бирон дирҳам ёки динор тўламайди.

Шу вазҳдан буюраман. Бу ерлар бундан кейин ҳам мулки хурри холис ва солиқлардан озод этилган деб ҳисоблансин; танабона, аворизот, таклифот ва қора хат ҳамда мардикор бериш мажбуриятлари хусусида ундан бирон дирҳам ёки динор талаб қилмасинлар. Бундан буён бу ерларда карвон тўхтамасин. Фармонни бузмасинлар ва ҳар йили янги ҳужжат талаб қилмасинлар.

¹ **Удайчи** — уруш пайтида навкар ва қўшиннинг тўғри тақсимланиши билан шуғулланган.

² **Садр** — Бухоройи шарифнинг ичкари қисмида жойлашган вақфларнинг ҳисоб-китоби билан шуғулланувчи мансабдор.

АМИР НАСРУЛЛО' ҲУКМНОМАСИ

Ҳукми олий содир бўлдики, Қоракўл вилоятидаги Зиёрат ариғи бўйларида жойлашган ва Абдурахим миробга тегишли тахминан 100 танобдан иборат даҳяк ер юқорида исми шарифи зикр этилган Абдурахим миробга тегишли деб билсинлар ва олий ҳукмга биноан унинг мулки деб билсинлар. Солиқ йиғувчилар ва доруғалар² унга дахл қилмасинлар ва олиқ-солиқ хусусида аралашмасинлар; мазкур олий ҳукм асосида иш юритсинлар.

*Ҳижрий 1212 йил зулҳижжа ойида
(1798 йилнинг май ойида) ёзилди.*

(ИЖАРА АКТИ)

Ушбу ҳодиса ҳижрий зулқайда ойида (1856 й. июл ойида) содир бўлди. Бухоронинг Сомжин туманида, Ҳоки мулло Мирза деган жойдаги ва мулла Мир хонақосига вақф қилинган Муҳаммад Юсуф ҳожи маҳрамга ёзилган тахминан 5 таноб даҳякий ернинг ўндан бир қисмига бериладиган даромаддан ажратиб мулла Абдурахим мулло Абдурахмон ўғлига (бир йил муддатга) ижарага берилди.

Мазкур ҳужжат қуйидаги гувоҳлар иштирокида тузилди:

Мулла Аваз;
Боқийхожа;
Арбоб Абдузоҳир;
Арбоб Йўлдош;
Оллоҳбердибой;
Ҳожибой;
Ҳакимбой ва бошқалар.

¹ Амир Насрулло — Манғитлар сулоласидан чиққан ҳукмдор (1826–1860).

² Доруға — шаҳарнинг ҳарбий бошлиғи.

Расмий ёзишмалар, яъни хонлар, подшолар, амирлар, тариқат етакчилари ва шоирлар ўртасидаги ёзишмалар ҳам тарихий манба бўлиб хизмат қилади ва уларнинг ҳам ижтимоий-сиёсий тарихни ўрганишдаги аҳамияти каттадир. Улар айниқса мамлакатдаги ички вазият ва мамлакатлараро муносабатларни ўрганишда тадқиқотчиларга катта материал беради. Шундай мактублардан кўплари ўз вақтида кўчириб китобот қилинган ва улардан бирмунчалари бизнинг замонимизгача етиб келган. «Мактуботи Темурия» («Темурийларнинг мактублари»), «Мажмуайи маросилот» («Мактублар тўплами»), «Мактуботи Алломий» («Абулфазл Алломийнинг мактублари»), «Мажмуайи мактуботи саййид Амир Ҳайдар» («Сайид Амир Ҳайдар мактублари»), «Мажмуайи мактуботи саййид амир Насрулла» ва «Руқаот» шулар жумласидандир.

Қуйида улардан баъзиларига тўхталиб ўтамиз.

«Мактуботи Темурия» («Амир Темур ва темурийларнинг мактублари»). Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланиб турган ушбу мактублар тўплами (тартиб № 2278; 191 ыарақ;) XVI асрда китобат қилинган.

Эронлик йирик шарқшунос олим Абулхусайн Навоий мазкур мажмуага Эрон, Туркия, Озарбайжон ва Форс ҳукмдорларининг хатларини ҳам қўшиб, 1991 йили «Иснод ва мактуботи тарихи Эрон (аз Темур то шоҳ Исмоил)» номи билан нашр этган. Мазкур тўпламга Амир Темур ва темурийлар (Шоҳруҳ, Султон Ҳусайн Бойқаро ва б. қ.)нинг Форс, Озарбайжон, Ироқ ва Туркия ҳукмдорлари билан ёзишмалари жамланган.

Бу ёзишмалар Амир Темур ва темурийларнинг мазкур мамлакатлар билан бўлган сиёсий муносабатлари тарихини ўрганишга, хусусан Амир Темурнинг 1381–1404 йиллари Эрон, Ироқ, Озарбайжон, Сурия ва Туркия устига қилган ҳарбий юришларининг сабоқларини тўғри англашга ёрдам беради.

Мазкур тўплам Ҳайдар ва Эр ўғлининг «Мажмуайи муншоот», хожа Шиҳобиддин Абдулла Марвариднинг «Мун-

шоот», Фридунбекнинг «Муншооти Фридунбек» асарларига ҳам асосланган.

«Мактуботи Темурия» хуросонлик машхур шайх, Амир Темурнинг пирларидан бири Зайниддин Абубакр Тайбодий (1395 йили вафот этган)нинг ўз муриди Амир Темурга йўллаган бир тарихий мактуби билан бошланади. Амир Темур бу мактубни «Темур тузуклари»нинг «Тадбирлар ва кенгашлар» деб аталган биринчи мақоласида келтирган. «Тузуклар»да келтирилган мазкур мактуб ҳақида, хусусан, мана буларни ўқиймиз: «Пирим Зайниддин Абубакр Тайбодий менга ёзмишларким, «Абулмансур Темур салтанат юмушларида тўрт ишни қўлласин, яъни 1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат; 3) ҳушёрлигу мулоҳазакорлик; 4) эҳтиёткорлик. Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатнинг барча қилган ишлари ва (подшоҳнинг) айтган гаплари хато бўлган. Ундай подшоҳни жоҳил одамга қиёслаш мумкин. Унинг сўзлари ва қилмишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтирган. Шундай экан, салтанатни бошқаришда, машварату маслаҳат ва тадбир билан иш юритгин, токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмагайсан. Яна шуни ҳам билгилким, салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан бўлмай, яна бир қисми эса билиб-билмасликка, кўриб-кўрмаслика солиш билан битур. (Хуллас) тадбирлардан огоҳ қилингандан кейин шуни ҳам айтиш жоиздирким, қатъийлик, сабр-тоқат, чидамлилиқ, ҳушёрлик, эҳтиёткорлик ва шижоат билан барча ишлар амалга оширилмай. Вассалом». Амир Темур пирининг бу ўғитларига умри бўйи, бутун фаолияти давомида амал қилди. «Бу мактуб, — деб ёзади ҳазрат соҳибқирон, — менга йўл бошловчи янглиғ раҳнамолик қилди. У менга салтанат ишларининг тўққиз улушини машварат, тадбир ва кенгаш билан, қолган бир улушини эса қилич билан бажо келтирилишини англади»¹.

¹ «Темур тузуклари». Тошкент, 1996, 25-бет.

«Тўплам»даги куйидаги мактублар Амир Темурнинг Эрон (Форс), Озарбайжон ва Туркияга нисбатан 1381–1404 йилларда олиб борган сиёсатини ва номлари санаб ўтилган мамлакат ҳукмдорларининг Амир Темурга қарши ҳарбий иттифоқ тузиш хусусида олиб борган сиёсатини тушунишда ёрдам беради:

- 1) Ироқ ҳукмдори Султон Аҳмад жалоир (1382–1410)нинг Форс ҳукмдори Музаффарий Шоҳ Шужоъ (1359–1384) га ёзган мактуби;
- 2) Озарбайжон ҳукмдори Қора Юсуф (1389–1420) нинг Йилдирим Боязид I (1389–1402) га йўллаган мактуби;
- 3) Йилдирим Боязид I нинг Қора Юсуфга жавоб мактуби;
- 4) Шоҳ Шужоънинг биродарзодаси Шоҳ Мансур (1387–1393) нинг Йилдирим Боязид I га ёзган хати;
- 5) Йилдирим Боязид I нинг Шоҳ Мансурга жавоб мактуби;
- 6) Амир Темур кўрагоннинг Гилон ҳокими Мир Саид Алига мактуби;
- 7) Султони Аъзам Амир Темур кўрагоннинг Сайид Али Киё бузургга (Гилон) юборган хати;
- 8) Сайид Али Киё бузургнинг Амир Темурга жавоб хати;
- 9) Амир Темур кўрагоннинг Бағдод подшоси Султон Аҳмад Жалоирга йўллаган мактуби;
- 10) Бағдод подшоси Султон Аҳмад Жалоирнинг ҳазрат Амир Темурга жавоб мактуби;
- 11) Амир Темур Кўрагоннинг Миср подшосига ёзган мактуби;
- 12) Султон Аҳмад жалоирнинг Йилдирим Боязид I номига йўллаган мактуби;
- 13) Йилдирим Боязид I нинг Султон Аҳмад жалоирга юборган жавоб хати;
- 14) Қора Юсуф қорақуюнлунинг Йилдирим Боязид I га юборган номаси;
- 15) Амир Темурнинг Йилдирим Боязид I га йўллаган биринчи мактуби;

16) Султон Йилдирим Боязид I нинг Амир Темурга густоҳона жавоб хати;

17) Амир Темурнинг Рум қайсарига ёзган иккинчи мактуби;

18) Рум подшоси Йилдирим Боязид I нинг Амир Темурга ёзган жавоб мактуби;

19) Амир Темурнинг Рум қайсари Йилдирим Боязид I га йўллаган учинчи мактуби;

20) Йилдирим Боязид I нинг Амир Темурга жавоб мактуби;

21) Амир Темурнинг Султон Боязидга йўллаган тўртинчи мактуби;

22) Султон Йилдирим Боязид I нинг ҳазрат Амир Темурга йўллаган жавоб мактуби;

23) Амир Темурнинг Йилдирим Боязид I га сулҳ таклиф қилиб Мароғадан жўнатган мактуби;

24) Султон Боязиднинг Амир Темурга юборган жавоб хати.

Мактуботи Алломий — «Иншойи Абулфазл» («Абулфазл (Алломий) тарафидан битилган (ва кўчирилган) мактублар»)и деб ҳам аталади. Мактубларнинг асосий қисми Бобурийлар салтанати (1526–1858) нинг атоқли подшоларидан Жалолиддин Акбар (1556–1605) номидан, бир қисми вазир ва йирик тарихчи олим Абулфазл ибн Муборак Алломийнинг шахсий мазмундаги мактубларидан иборат. Тўплам уч дафтар (қисм)дан иборат. Ундан бизнинг замонамизгача учдан икки қисми, яъни иккита дафтари етиб келган, холос.

Мазкур тўплам Абулфазл Алломийнинг қариндоши Абдусамад ибн Афзал Муҳаммад тарафидан тузилган.

«Абулфазл (Алломий)нинг мактублари»да 1586–1596 йилларда Бухоро ва Балх хонликлари билан Бобурийлар давлати (Ҳиндистон) ўртасидаги сиёсий муносабатлар ҳақида ўта қимматли маълумотлар учратамиз. Маълумки, ўша йиллари Ҳиндистоннинг нафақат Бухоро ва Балх хонликлари, балки Эрон билан ҳам муносабатлари жиддий бир тус олган эди.

Агар Бобурийлар билан Шайбонийлар давлатлари ўртасидаги сиёсий муносабатлар Бадахшон туфайли, тўғриси Бадахшонни ўз ҳукмронлиги қабзасига киритиб олиш хусусида бир қадар бузилган бўлса, Сафавийлар Эрони билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар катта сиёсий-стратегик аҳамиятга эга бўлган Қандаҳор хусусида бирмунча бузилиб қолган эди.

«Иншойи Абулфазл»даги мактубларда мана шу чигал масалаларнинг моҳиятини тушунтириб бера оладиган далилий маълумотлар кўп. Бу жиҳатдан Акбаршоҳнинг Абдуллахонга йўллаган учта мактуби ва Абдуллахоннинг мавлоно Мир Қурайш, Аҳмад Али оталиқ бошчилигида Ҳиндистонга юборган элчилиги, ва Бухоро элчиси олиб борган мактуб, ва Акбаршоҳнинг Балх билан Бухорого хожа Афзал, Ҳаким Ҳумом, ва Мир Садрижаҳон бошчилигида йўллаган элчиликлари хусусида қимматли маълумотлар келтирилган.

Яна бир муҳим масалани ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Мактублардан бирида келгусида тутиладиган сиёсат хусусида икки давлат — Бобурийлар давлати билан Бухоро хонлиги ҳукмдорларининг махсус учрашувларини уюштириш масаласи кўтарилади.

«Мактуботи Абулфазл (Алломиё)»нинг яхши бир нусхаси (тартиб рақами 290; 154 варақ) Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

«Мажмуъайи маросалот» («Мактублар тўплами») — Абдураҳмон Жомий (1414–1492), хожа Убайдулла Аҳрор (1404–1490), хожа Аҳрорнинг ўғли хожа Муҳаммад Яҳё (1500 йили ўлдирилган), хожа Аҳрорнинг сафдоши ва куёви Мир Абдулаввал Нишопурий (1495 йили вафот этган) ва бошқа йирик руҳонийларнинг Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Бойқаро ва Султон Абу Саид мирзо (1451–1469)ларга йўллаган мактубларини ўз ичига олади.

Мазкур тўплам Алишер Навоий тарафидан тузилгани учун «Навоий альбоми» номи билан ҳам аталади. «Мажмуъайи

маросалот» номини эса унга XIX асрнинг ўқимишли кишиларидан бири Бухоро қози калони Шарифжон маҳдум (1935 йили вафот этган) берган.

Мазкур мажмуаъ-альбом кейинги вақтларда ана шу Шарифжон маҳдумнинг қўлёмалар тўпламида бўлган ва ундан Алишер Навоий номидаги Халқ кутубхонасининг Шарқ қўлёмалари бўлимига, ва ундан кейин — 1943 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтининг қўлёмалар фондига ўтказилган. Ҳозир ўша ерда 2178 тартиб рақами билан сақланмоқда.

Абдурахмон Жомийнинг хатлари (334 адад) қисман шахсий мазмунда бўлиб, кўпчилиги ҳар хил илтимосномалардан иборат. Уларда солиқ ва жарималарнинг оғирлиги ва солиқ йиғувчиларнинг зулму бедодлиги, темурийзодаларнинг ўзаро низолашувлари туфайли мамлакат ва халқ аҳволининг оғирлашгани, шунингдек, мадраса талабаларининг оғир аҳволдан шикоят қилинади ва ҳазрат Навоийдан бу аҳволни подшога (Султон Ҳусайн Бойқарога) етказиб, халқ аҳволини енгиллаштириш илтимос қилинади.

Хожа Аҳрорнинг мактубларига келсак (уларнинг адади 128 та) улар ҳам мазмун жиҳатдан Абдурахмон Жомийнинг хатларига ўхшаш. Уларда, масалан, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг XV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад мирзо (1451–1469) ва Хуросон подшоси Султон Ҳусайн Бойқаро (1469–1506) ўртасидаги оғир муносабатлар, солиқ ва жарималар, хусусан тамға солиғининг оғирлиги ва уни имкони бўлса бекор қилиш масалалари кўтарилади. Тинимсиз ҳарбий юришлар ва ўзаро урушларнинг пировардида фожеага олиб келишини темурийзодаларга уқдиришга ҳаркат сезилади. Масалан, ҳазрат эшон темурийзода Султон Абу Саид (1451–1469) га йўллаган бир мактубида уни Озарбайжон устига, унинг олий ҳукмдори Қора Юсуф устига қилмоқчи бўлган юришига қарши чиқади. Хожа Аҳрор султонга йўллаган ўша мактубида «Ҳаргиз аз Марв магузарид» («ҳаргиз Марвдан нарига ўтмасинлар») деб очиқ ёзади.

Ҳазрат эшон каромат қилган эканлар ўшанда. Султон Абу Саиднинг бу ҳарбий юриши Темурийлар давлати учун, айниқса султоннинг ўзи учун, фожеа билан тугади. Султон Абу Саид 1469 йили Қора Юсуф билан бўлган жангда ўлдирилди.

Мажмуъайи мактуботи Саййид Амир Ҳайдар Баҳодирхон. Манғитлар сулоласи (1753–1920) нинг кўзга кўринган намоёндаларидан бири амир Ҳайдар (1800–1826) нинг ўзининг яқин амирларидан Муҳаммад Ҳаким иноққа¹ (кейинча олий кушбеги²) йўллаган турли масалаларга доир мактублари (муборакномалар³, иноятномалар⁴, ёрлиқлар ва б. қ.) тўплами. Ҳаммаси 900 атрофидаги ҳужжатни ўз ичига олган; 464 варақдан иборат; яхши нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 2120/II тартиб рақами билан сақланмоқда. XIX асрнинг биринчи ярмида кўчирилиб, китоб шаклига келтирилган. Тўплам мазкур амирнинг 10 йил (1814–1824) мобайнида ёзган мактубларини ўз ичига олади.

Ҳакимбий иноқ кўп йиллар давлат хизматида бўлиб, амир Ҳайдарнинг ишончини қозонган. Унинг ўлиmidан (1826 й.) кейин тахт-вориси шаҳзода Умарга хиёнат қилиб, Арк дарвозасини 1723 йилдан бери Қаршида ҳоким бўлиб ўлтирган шаҳзода Насрулла тўрага очиб берган. Ҳакимбий кушбеги 1739 йили Эрон подшоси Нодиршоҳ (1736–1747) аскарига Қаршини, кейин Бухоройи шарифни топширган.

¹ **Иноқ** — кўшинни қуроллантириш ва уни юриш пайтида ва жанг олдидан жой-жойига жойлаштирувчи олий мансабдор.

² **Кушбеги** — (тўғриси кушбегийи кулл) олий ҳукмдор турадиган жой мутасаддийси; сарой вазири.

³ **Муборакнома** — бирон мансабга тайинланиши ёки зафар кучганлигини табриклар юбориладиган мактуб.

⁴ **Иноятнома** — бирон мулк бериш, ёки мансабга кўтариш.

Мактубларда Бухоро амирининг маъмурий-хўжалик фаолияти, шунингдек унинг даврида амалда бўлган қонунқоидалар, ер эгалигининг турлари (суюрғол, танҳо, мулки хуррий холис) ҳамда солиқлар (хирож, закот, ушр ва б. қ.) ҳақида муҳим маълумотлар учратамиз.

Куйида мисол тариқасида, ўша мактублардан баъзиларини келтираамиз.

«Хоқоннинг хурматига сазовор бўлган, давлатнинг ишончли одами Муҳаммад Ҳақимбий меҳтар¹ билсинларки, якшанба куни сиҳат-саломат Қаршига келиб қўндик. Иншоолло, (келаси) якшанба куни Самарқандга жўнаймиз. Бизга лозим бўлган ва (жанобларига) тайин қилинган нарсаларни олиб, агар Қаршига келолмайдиган бўлсалар, Ўрта чўл ва Хузур Буға орқали ҳузуримизга етиб келсинлар. Мадрасайи олийга вақф этилган «Ҳазонайи муфтадийн» отлиғ китобни меҳтардан талаб қилиб олсинлар ва толиби илмларнинг қўлига топширсинлар».

«Амирлик паноҳи, вазирликдан огоҳ бўлган, хоқоннинг яқин одами, марҳаматга лойиқ... хоқон ҳазратларининг марҳамати туфайли зўр ҳурмат топган Муҳаммад Ҳақимбий иноқ билсинларки, Абдурасул тўқсабо², Сафар баҳодир. Олмуҳаммад баҳодир, Хусайн, Алибек ясовул³, Фармонбой, Холбой, Норбўта, Мурод, Шомурод ва Тошниёз, ҳаммалари ўн киши бўлиб, закот⁴ йиғиш учун жўнаб кетишган. Улардан қайси бири олти тилло йиққан бўлса, ёзиб юборсинлар».

Ҳижрий 1224 йил.

¹ **Меҳтар** — бошлиқ; бирон давлат муассасаси (қурхона — қурол-аслаҳа омбори, тўшақхона — подшо (хон) хобхонаси учун зарур бўлган ашёлар омборининг бошлиғи.

² **Тўқсабо** — подшонинг олий мансабдорларидан; вазифаси шароитга қараб ўзгариб турган.

³ **Ясовул** — кичик лавозимдаги сарой хизматчиси.

⁴ **Закот** — йилда даромаднинг қирқдан бир улуши миқдоридан олинадиган солиқ.

«Амирлик таянчи, вазирлик аҳволдан огоҳ бўлган, хоқоннинг яқин одами, баланд мартабалик Муҳаммад Ҳакимбий иноқ, хоқоннинг марҳаматидан сарфароз бўлганлар, билсинларки, алҳамдулиллоҳ ҳол-аҳволимиз соғ-саломатлик ва шод-хуррамлик даражасидадир; муборак хотиримиз жамулжамдир.

Сониян, махфий қолмасинки, қутлуғ узангига юборган арзнома етиб келди. Унинг мазмунидан огоҳ бўлиб, хурсандлик ҳосил бўлди. Ва яна (билсинларки), Пашоғир тепасига Хўқанд лашкари келиб тушган эди. Биз тарафдан унга қарши лашкар юборганимиздан кейин (душман) зафар асар лашкарнинг қорасини кўриши ҳамоно, юзини чекиниш сари ўгирди ва бизга дохил бўлишга тоб беролмай орқага чекинди.

(Ва яна) Ялангтўшхон ҳузуридан икки нафар чўри келган экан, уларга қараб турсинлар.

Ва яна, қачонки, биз тарафдан ул вазирлар таянчи тарафга (Ялангтўшбий тарафга — *Б. А.*) одам юбориладиган бўлса, ёки у тарафдан иноятнома келса, унга рухсат бериб ўтказиб юборсинлар. Иноятномада ёзилганларга амал қилсинлар. У тарафдан юборилган сарупо ва совғаларни эҳтиёт қилиб бир минг танга закот ва 1080 танга хирож¹ ҳисобидан бизга тегишлисини бериб юборсинлар.

Ва яна, Эшмурод ўнбошига жавоб бердик. Кўрган-билган ва эшитганлари хусусида ўзи сўзлаб беради».

Ҳижрий 1229 йил.

«Вазирлик суянчиғи, амирлик ўрни, хоқон ҳазратларининг яқин одами... Муҳаммад Ҳакимбий иноқ билсинларки, олий остонага юборган арзномалари етиб келди. Унинг мазмунидан огоҳ бўлганимиздан кейин, алҳамдулиллоҳ муборак хотиримиз ҳар вайдан хотиржам бўлди.

¹ **Хирож** — асосий солиқлардан; даромад солиғи, одатда даромаднинг учдан бир қисмини ташкил этган.

Ва яна (шуни маълум қиламизки) чоршанба куни, мазкур ойнинг 25-куни ҳолимизга қараб халифалик эшиги (бўлмиш) Каттақўрғонга жўнаймиз. Саркарда, маҳрам, хос-сабардор, қалмоқлар ва бошқа амалдорларга меҳрибонлик кўрсатиб, Бухоройи шарифга боришлари учун ижозат бердикки, бирон киши уларга дахл қилмасин».

Ҳижрий 1248 йил.

«Вазирлик таянчи, амирлик ўрни, (ҳазрат) хоқоннинг яқин кишиси... Муҳаммад Ҳакимбий иноқ, хоқон ҳазратларининг марҳаматларидан сарфароз бўлганлар, билсинларки мулла Солиҳбойни, Шариф тўқсобони, Худойберди мирзабошини¹, Шарифхожа ва Мусобекни, Лочин маҳрам² мулла Муҳаммад мулла Восеъ ўғлига рухсат бериб жўнатдик, Қаршига етиб боргандирлар. Ёзиб юборилган (кўрсатма)га амал қилсинлар».

Ҳижрий 1231 йил, муҳаррам ойининг 17-си.

«Вазирлик таянчи, амирлик ўрни, (ҳазрат) хоқоннинг яқин дўсти... Муҳаммад Ҳакимбий иноқ, ҳазрат хоқоннинг марҳаматлари билан сарфароз этилган эдилар, билсинларки, Урганчдан келган элчилар то эсон-омон Бухоройи шарифга етиб олгунларича (уларга) озиқ-овқат ва ем-хашак берсинлар... Бошқа гапларни ҳумоюн эгар қошидан тутганларида айтилади. Вассалом».

«Вазирлик таянчи, амирлик кўмакчиси... Муҳаммад Ҳакимбийиноқ, хоқон (ҳазратлари)нинг марҳаматларидан сарфароз этилганлар, билсинларки, сайёдат паноҳ Муҳаммад Сиддиқхожа судурни³ хоннинг фарзанди ҳисоблаб, амлок билан сийладик»...

Ҳижрий 1229 йил.

¹ **Мирзабоши** — хоқон девонидаги мирзалар бошлиғи.

² **Маҳрам** — хонга яқин, унинг ҳамма йиғинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор.

³ **Судур** — барча вақфлар мутасаддийси; мамлакат садрларининг бошлиғи.

Айрим муҳим ҳужжатлар ва ёзишмалар ҳақида маълумотлар тарихий ва мемуар асарларда, шунингдек маносқибларда ҳам учраб туради. «Бадоеъ ул-вақоеъ» (қ.), «Силсилат ас-салотин» (қ.) ва «Равзат ар-ризвон» (қ.) асарлари фикримизга мисол бўлиши мумкин.

Масалан, «Силсилат ас-салотин»да Шайбонийлар ва Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида Бухоро ва Балх хонлари, Эрон подшолари (Сафавийлар) ва Ҳиндистонни идора қилиб турган Темурийлар (Бобурийлар) ўртасида олиб борилган дипломатик ёзишмалардан айримларининг нусхалари келтирилган. Улар қуйидагилар:

1) Ҳиндистон подшоси Акбаршоҳ (1556–1605) нинг 1586 йили Бухоро хони Абдуллахон II (расман 1583–1598) га ўз элчилари Ҳаким Хумом ва Садр Жаҳон орқали юборган мактуби;

2) Эрон подшоси шоҳ Аббос I (1587–1623) нинг 1590–91 йили элчи Ёдгор султон эрамли орқали Балх хони Шайбоний Абдулмўъминхон (1582–1598) га юборган хати;

3) Акбар подшоҳнинг 1591 йили Бухорога Абдуллахон II номига юборган мактуби;

4) Туркия султони Мурод II (1574–1595) нинг 1592 йили Балх хони Абдулмўъминхонга юборган хати;

5) Балх хони Абдулмўъминхоннинг Эрон подшоси Аббос I номига элчи Али Ёрбек орқали 1597 йили юборган хати;

6) Эрон шоҳи Аббос I нинг 1598 йили Балх хони Абдулмўъминга (ўша йили у отаси ўрнига хон этиб сайланган эди) йўллаган жавоб мактуби;

7) Шоҳ Аббос I нинг 1598–99 йили у элчи Зулфиқорбек Зулқадар орқали Нисо ва Обивард ҳокими Шайбоний Динмуҳаммад султонга юборган хати;

8) Шоҳ Аббос I нинг 1611 йили Бухоро хони Аштархоний Имомқули (1611–1642) номига юборган хати;

9) Имомқулихоннинг шоҳ Аббос I номига 1611 йили элчи Ўзбакхўжа додхоҳ орқали юборган жавоб мактуби;

10) Ҳиндистон подшоси Нуриддин Жаҳонгир (1605–1627) нинг 1611 йили Бухорога, Имомқулихон номига йўллаган хати;

11) Ҳиндистон подшоси Шаҳобиддин Шоҳжаҳон (1627–1667) нинг 1628 йили Имомқулихон номига элчи Ҳаким Хозикдан бериб юборган мактуби;

12) Эрон подшоси шоҳ Сафиъ I (1629–1642) нинг Бухорога, Имомқулихон номига 1629 йили элчи Дониш муншийдан бериб юборган хати;

13) Ҳиндистон подшоси Шоҳжаҳоннинг 1628 йили Балхга элчи Тарбиятхон орқали юборган мактуби;

14) Бухоро хони Аштархоний Надр Муҳаммадхон (1642–1655) нинг Шоҳжаҳон номига элчи Надрбий Шабоят орқали бериб юборган хати;

15) Ҳиндистон подшоси Шоҳжаҳоннинг Надр Муҳаммадхонга 1645 йили шаҳзода Мурод Бахш орқали йўллаган жавоб мактуби;

16) Шоҳжаҳоннинг 1646 йили Надр Муҳаммадхонга юборган мактуби;

17) Бухоро хони Аштархоний Абдулазизхон (1645–1680)нинг 1666/67 йили Ҳасан қушбеги элчилиги орқали Эрон подшоси шоҳ Сафиъ номига йўллаган хати;

18) Ҳиндистон подшоси Аврангзеб Оламгир (1658–1707) нинг Бухоро хони Аштархоний Субхонқулихон (1680–1702)га элчи Яккатозхон орқали 1671 йили йўллаган мактуби;

19) Бухоро хони Субхонқулихоннинг Ҳиндистонга, подшоҳ Аврангзеб Оламгир номига 1687 йили элчи Надр девонбегидан бериб юборган мактуби;

20) Ҳиндистон подшоси Шоҳжаҳоннинг Балх устига қўшин тепасида юборилган шаҳзода Мурод Бахш ва Асолатхон номига Надр Муҳаммадхоннинг ўғли шаҳзода Хусрав султонга ҳурмат-эҳтиром ва меҳрибонлик қилиш ҳақида юборган хати.

Турли масалалар(ер-сув, Жуйбор хожаларини солиқ ва жарималардан озод қилиш, уларга тегишли ерларга Вахш дарёсидан сув чиқариш учун турли вилоятлардан ҳашарчиларни сафарбар қилиш, олди-сотди) ҳақида берилган фармонлар ва Жуйбор хожаларига жўнатилган мактублар,

масалан, шайбоний султонларнинг Абдуллахон II дан шикоят қилиб Жуйбор хожаларига юборган арзноmaları, Кошгар ва Бадахшон ҳукмдорларининг хожа Муҳаммад Саъд (1531/32–1589) номига йўллаган мактублари Бадриддин Кашмирийнинг «Равзат ар-ризвон» (қ.) асарида ҳам кўп келтирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, асар муаллифининг ўз сўзларига қараганда, унинг қўлида хожа Муҳаммад Ислоом билан хожа Муҳаммад Саъд номига келган жами мактублар сони 500 дан ортиқ бўлган. Шундан у ўз асарига 132 мактубни киритган. Мактублар шайбоний султонлар (Муҳаммад Амин султон, Худойберди султон, Жувонмард Али султон, Кепак султон, Динмуҳаммад султон, Хусрав султон, Абулқуддус султон ва б.) га тегишли бўлиб, улардан мамлакатдаги беқарорлик ва ур-йиқитларнинг авж олиб кетганлиги, солиқ ва жарималарнинг ҳаддан ортиқлиги ва солиқ йиғувчиларнинг зулми туфайли раият аҳволи оғирлашиб кетганлиги, хон тарафидан қўйилган амалдорларнинг зулмидан шикоят қилинади. Масалан, Султон Саъидхон (1530–1533) нинг иниси Худойберди султонга тегишли бир хатда хусусан, бундай дейилган: «Қўшҳокимият орқасида Шайхин ва Офаринкент туманлари халқи Бухоро ва Миёнқол тарафларга кўчиб кетди». Мактуб охирида Худойберди султон хожа Муҳаммад Ислоомдан уларни ватанларига қайтаришда кўмак беришларини илтимос қилади. Сулаймон султоннинг ўғли Маҳмуд султоннинг хожа Саъдга йўллаган мактуби ҳам эътиборга моликдир. Мактубда султон Абдуллахон тарафидан ўзига оталиқ¹ этиб тайинланган Хушимбий устидан шикоят қилади. Мактубдан маълум бўлишича, оталиқ султонга тегишли ҳамма нарсани, хусусан давлат ишлари ва мулкидан келадиган барча

¹ **Оталиқ** — Темурийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар ва Манғитлар давлатида энг олий мансаб. Улар шаҳзодалар балоғатга етгунларича уларнинг мол-мулки ва ҳокимиятини идора қилганлар.

даромадни эгаллаб олган. Масалан, ҳар йили хирождан тўпланадиган 30 минг хонийдан султонга бир чақа ҳам бермай қўйган.

Мазкур асарда, унинг бешинчи бобида, Ҳиндистон, Кошғар, Туркия ва Эрон подшолари тарафидан Жуйбор хожаларига юборилган мактубларнинг нусхалари келтирилган. Масалан, Кошғар хони Абдурашидхон, Муҳаммад Курайш султон ва Бадахшон ҳукмдори темурийзода Сулаймоншоҳнинг мактубларида мамлакатнинг ички аҳволдан ва Балх хонларининг тазйиқидан шикоят қилинади.

XVI асрда ўтган хуросонлик ёзувчи Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» («Ажойиб воқеалар») деган мемуар асарида шайбоний ҳукмдорларнинг мактублари, фатҳномалари ва ёрлиқларидан баъзиларининг нусхалари илова қилинган. Масалан, улардан иккитасида шайбоний султонлар: Убайдуллахон, Жонибек султон ва б. қ.нинг 1512 йили темурийзода Бобурнинг Нажми соний бошлиқ Эрон (қизилбош) аскарлари устидан қозонган ғалабаси ва ўша Убайдуллахоннинг Кошғар хони Абдурашидхон билан иттифоқда қозоқ султонлари устидан қозонган ғалабаси муносабати билан Мовароуннаҳрнинг барча вилоятлари, Кошғар ва бошқа мамлакатларга юборган фатҳномалари бор.

Мазкур асарда Тошкент хони Наврўз Аҳмадхон (Бароқхон) тарафидан берилган бир ҳужжат (ёрлиғ) диққатга сазовордир. Ҳужжатда мазкур хоннинг Сайид Шамсуддин Муҳаммад Куртий садрга вилоятда (Тошкент вилоятида)-ги барча конлар суюрғол¹ қилиб берилгани айtilган. Ва яна номи тилга олинган садрга ушбу вилоятда янгидан ўзлаштирилган барча ерлар мулк сифатида инъом қилиб берилгани айtilган.

¹ Суюрғол — давлат олдидаги катта хизматлар учун берилган ер-сув, мулк.

Ҳуқуқий ҳужжатлар (ёрлиқлар) «Равзат ар-ризвон» китобида ҳам бор. Улардан баъзиларини қайдга олиб ўтамиз.

1) Абулғозий Абдулла Баҳодирхон фармони (1579 й.). Фармонда Ҳисор, Деҳи нав (Денов), Кубодиён ва Шаҳри сафонинг ҳокимлари (арбобон ва калонтарон)га хожа Саъдга тегишли ерларни суғориш учун Вахшдан чиқарилаётган ариқни қазииш ишларига 10 минг ишчи (мардикор) юбориш мажбурияти юклатилган.

2) Мазкур хоннинг жуйборий хожалардан хожа Саъдга Тошкент яқинидаги Зах ариқни тортиқ қилингани ҳақидаги фармони (1583 й.).

3) Тошкент ҳокими Абдулқуддус султоннинг Зах ариқ атрофидаги ерларни хожа Саъдга суюрғол қилиб берилгани ҳақидаги ва ўша ерларни барча солиқ ва жарималардан озод қилингани, унинг ерларида ишлаш учун ишчи (коранда) юбориш ҳақидаги фармони.

4) Абулғозий Абдулла баҳодирхоннинг ҳазрат хожа Саъднинг Марви шоҳижаҳон вилоятидаги барча ер-суви ва бошқа мулкани унинг фақат бир ўзига тегишли эканлигини ва уни молу жиҳот, муқаррарий, тарх, сабон¹ ва бошқа солиқлардан озод этилганлиги ҳақидаги фармони (август 1578).

5) Абулғозий Абдулла баҳодирхон тарафидан мулла Муҳаммадбий номига берилган ёрлиғ (1585 йил апрел ойи). Унда Ҳисор вилоятининг ҳокимлари унга хожа Саъднинг мазкур вилоятдаги ерларини суғориш учун Вахш дарёсидан чиқарилаётган наҳрни қазииш ишига 10 минг ишчи (мардикор) тўплаб беришлари ва номи зикр этилган амирнинг барча кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари зарурлиги айтилган.

6) Абулғозий Абдулла баҳодирхоннинг хожа Калонга (хожа Саъдга) Язд ва Исфаҳон вилоятларидан ер-сув инъ-

¹ **Сабон** — ҳосил байрами (сабан тўй)ни ўтказиш учун аҳолидан олинадиган йиғим; сабан тўй харажатлари.

ом қилиш (дарубаст) ҳақидаги фармони (октябрь—ноябрь 1588 й.)

7) Абулғозий Абдулла баҳодирхоннинг хожа Саъднинг суюрғол ерларини ўғиллари хожа Тожиддин билан хожа Абдурахим ўртасида тақсимлаш ва бу ерларни солиқ ва жарималардан озод қилиш тўғрисидаги фармони (январ—феврал 1590 й.).

8) Абулғозий Абдулла баҳодирхоннинг хожа Тожиддин Ҳасаннинг Марв вилоятидаги ер-сувини барча солиқ ва жарималардан озод қилиш тўғрисидаги фармони (феврал-март 1590 й.).

Хулоса. Тарихга оид ҳужжатларни ўрганиш ва илмий тадқиқотларга тадбиқ этиш ҳали талаб даражасида эмас. Бу ишни кучайтириш лозим, чунки буларсиз тарихни, айниқса унинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўрганиб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, энг аввало, уларни илмий тавсифлаб, каталогларини нашр қилиш зарур.

2. Мўғул ва хитой тилларида ёзилган манбалар. Мўғул ва хитой тилларидаги манбаларда Ўзбекистоннинг XIII—XIV асрлардаги тарихига оид маълумотлар кўп учрайди. Айниқса, Чингизхон ва мўғуллар хуружи даври тарихи, мўғул императорлари ҳукмронлиги даври тарихини бу манбаларсиз ўрганиб бўлмайди. Шуни алоҳида уқтириб ўтиш керакки, бу манбаларда, хусусан хитой манбаларида, воқеалар биринчидан, деярли йилма-йил баён этилган, иккинчидан, уларнинг содир бўлган жойи ва вақти аниқ кўрсатилган.

Шу манбалардан, мисол тариқасида, уч-тўрттасига қисқача тўхталиб ўтамиз.

«**Монгол-ун ниуча тобчан**» («Мўғулларнинг махфий тарихи»). Асар XIII аср бошида ўрта аср уйғур имлосида ёзилган ва бизгача хитой имлоси (иероглифи)да, хитойча таржимаси билан бирга етиб келган. Асарнинг хитойча номи «Юань-чао би-ши» («Юань сулоласининг¹ махфий тарихи»)

деб аталади. «Юань-чао би-ши» Хитой, Мўғулистон, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг XIII асрдаги тарихи бўйича муҳим манба ҳисобланади. Унда найман, кераит, ўнғут, уйғур, қорлиқ ва бошқа туркий халқларнинг Чингизхон хуружи пайтидаги тарихи ва уларнинг мўғул асоратига тушиб қолиши ҳақида қимматли маълумотлар учратамиз.

«Монгол-ун ниуча тобчан» хитой тилига 1404 йили таржима қилинган; 1800 йили илмий истефодага киритилган. Асар 1866 йили П. Кафаров тарафидан рус тилига таржима қилинган ва сўз боши, хитойча матни ва луғатлар билан қўшиб, 1941 йили С. А. Козин тарафидан «Сокровенное сказание» номи билан чоп этилган. Асарнинг Э. Хённинг тарафидан амалга оширилган немисча нашри ҳам мавжуд.

«Цзин-ши» («Цзин сулоласининг² тарихи»). Асар сўнгги юань императори Шинди (Тўғон Темур) даврида, хитой олими ва ёзувчиси Оуян Сиань тарафидан ёзилган.

Асарга мўғул императорлари даврида ёзилган ва кейинча йўқолган «Шилу» («Саҳиҳ ёзувлар») солномаси асос бўлган.

«Цзин-ши» тўрт қисмдан иборат: 1) Цзин сулоласининг сиёсий тарихи; 2) Цзин давлатининг маъмурий, ҳарбий, ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий, маънавий ва илмий тизимлари; 3) Цзин императорлари; 4) императорлар ва уларнинг оилалари, давлат арбоблари, саркардалари ва маданий арбобларининг таржимаи ҳоли.

Асарнинг тўртинчи қисмида ўша вақтларда Марказий Осиёда истиқомат қилган туркий халқлар (уйғурлар, ўнғутлар ва б. қ.) ва улар билан олиб борилган элчилик муносабатлари, уларнинг бошлиқларини ҳарбий хизматга жалб қилиш ҳақида маълумотлар бор.

«Юань-чао мин-чень ши-люэ» («Юань сулоласи машҳур мансабдорларининг қисқача таржимаи ҳоли»). 15 бобдан иборат.

¹ Юань сулоласи — Хитойни 1259–1332 йилларда идора қилган сулола. Асосчиси Хубилайхон (1260–1294).

² Цзин сулоласи — 265–420 йй.

рат бўлган ушбу асарда (муаллиф — тарихшунос олим Су Тяньцзюэ). Юань империясининг хизматида бўлган 47 йирик мансабдорнинг таржимаи ҳоли баён этилган. Уларнинг орасида турклар ҳам бор.

Асарнинг кўпгина нашрлари мавжуд. Энг яхши нашри 1962 йили Нанкин университетининг профессори Хань-Жулин тарафидан амалга оширилган нашрдир. Ношир ёзган сўз боши ҳам маълум аҳамият касб этади. Мазкур нашр уч китобдан иборат.

«Шэн-у цинь чжен-лу» («Муқаддас саркарда Чингизхоннинг ҳарбий юришлари тафсилотлари»). Асарнинг асли мўғул тилида ёзилган, лекин унинг шу номдаги хитойча таржимаси бизгача етиб келган, холос.

Асарнинг ёзилган вақти ҳақида бир-бирига зид турлича фикрлар мавжуд. Бир фикрга қараганда, у император Хубилайхон даврида ёзилган. Кўпчилик тарихшунос олимларнинг (масалан, Хун Цзюнь) сўзларига қараганда, асар XIV асрда яратилган. Машҳур хитой тарихчиси Ван Говэй ва У Хун асар XIII асрда ёзилган деб айтадилар.

«Шэн-у цинь чжен-лу» номидан ҳам кўриниб турибдики, жаҳонгир Чингизхоннинг ҳарбий юришлари ва мўғуллар хуружи вақтида туркий халқларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

Асарнинг бир неча нашри бор. Биринчи марта уни Юань Чжон 1894 йилда, кейин юқорида номи зикр этилган Ван Говэй 1925–26 йиллари, кенг изоҳлар билан нашр этилган. 1872 йили П. Кафаров асарнинг русча таржимасини, сўз боши ва зарур изоҳлар билан қўшиб, чоп этган. 1951 йили Пельо ва Гамбус унинг французча нашрини амалга оширганлар.

«Юань-ши» («Юань сулоласи тарихи»). Юань сулоласининг тўлиқ расмий тарихи. 16 йирик олим, Сун-лян (1310–1381 йй.) бошчилигида асарнинг муаллифлари (тузувчилари) ҳисобланадилар. 1369 йили ёзиб тамомланган. Мин сулоласининг император Тайқчунинг буйруғи билан ёзилган.

Асар тўртта қисмдан иборат.

Биринчи қисмда Юань сулоласининг шажараси, яъни 13 мўғул императори (Хубилайхондан бошлаб), уларнинг шахсий ҳаётида бўлиб ўтган ва уларнинг даврида мамлакатда кечган асосий воқеалар берилган.

Иккинчи қисмда самовий воқеалар тафсилоти, мамлакатда бўлиб ўтган ҳудудий воқеалар, мамлакатнинг маъмурий бўлиниши ҳақида, мамлакатдаги дарёлар ва наҳрлар, халқининг либослари, амалдорларни мансабга тайёрлаш олдидан ўтказиладиган имтиҳонлар ва б. қ. ҳақида маълумот келтирилади.

Учинчи қисмда император ва унинг хонадони аъзоларининг шажараси.

Тўртинчи қисмда император хонадони аъзоларининг таржимаи ҳоли ва қўшни мамлакатлар ҳақида қисқача маълумот келтирилади.

Туркий халқлар тарихи ва турк аслзодаларининг мўғул империясининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳақида «Юань-ши»нинг тўртинчи қисмида (VII боб) жуда қимматли маълумотлар берилади. Асарда келтирилган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, турклар, жамиятда тутган мавқеига кўра хитойлардан кейин иккинчи ўринда турган халқ бўлган. Йирик турк амалдорлари асосан уйғур, қорлиқ, қипчоқ, қонғли, ўнғут, арғин, найман ва кирайт қавмларидан чиққан. Улар асосан мўғул империясининг маъмурий идоралари ва ҳарб ишларини бошқарганлар.

Турклар орасида олимлар ҳам кўп бўлган. Булар — қорлуқлардан чиққан Баён, ўнғут Мақзучан, қипчоқ Тойбуға, Бобохуду, Улчайботир, қонғлидан чиққан Бухулу, Ўрус, Табрикчи ва бошқалар. Мўғул императорлари хизматида бўлган турклар орасида уйғурлар кўп (300 мансабдор ва олим) бўлган.

«Юань-ши»нинг айрим қисмлари турли йилларда Н. Я. Бигурин, Пельо, Л. Гамбис, Э. Хёниш, С. А. Козин, А.

Вайли, Г. Франко, Ф. В. Клавза ва Г. Ф. Шурманн тарафидан таржима қилинган.

3. Араб тилида ёзилган манбалар

Мадоиний. Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Мадоиний (840 йили вафот этган) йирик араб тарихчиси. Арабистон, Хуросон, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг VII–VIII аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий тарихига оид 200 дан ортиқ асар ёзиб қолдирган олим. «Ахбор ул-хулафо» («Халифалар ҳақида хабарлар»), «Китоб ал-мағозий» («Урушлар ҳақида китоб»), «Китоб футуҳ аш-Шом» («Шомнинг босиб олиниши ҳақида китоб»), «Тарих ал-булдон» («Мамлакатлар тарихи»), «Ахбор аш-шуаро» («Шоирлар ҳақида китоб»), «Наср ибн Сайёр ҳақида китоб» ана шу асарлар жумласидандир. Булардан «Китоб ал-мағозий» ва Хуросон ҳокимлари Асад ибн Абдуллоҳ (725–727, 735–738-йй.) ҳамда Наср ибн Сайёр (738–748-йй.) га бағишланган китоблари Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг араблар истилоси ва VIII асрнинг биринчи ярмидаги сиёсий тарихи бўйича муҳим манбалардан ҳисобланади.

Афсуски, ал-Мадоинийнинг мазкур асарлари бизгача етиб келмаган, лекин айрим парчалари Балазурий ва Табарий (қ.) асарларида сақланиб қолган.

Ал-Яъкубий. IX асрда ўтган йирик географ ва тарихшунос олим. Тўла исми: Абулаббос Аҳмад ибн Абу Яъкуб ибн Жаъфар ибн Ваҳб ибн Вадиҳ ал-Котиб ал-Аббосий. Йирик мансабдор хонадонига мансуб. Аждодларидан бири Вадиҳ ибн Ваҳб Аббосийлардан ал-Мансур (754–775-йй.) даврида Арманистонда, сўнгра Мисрда ҳоким бўлган; бобоси ва отаси эса соҳиб баридлик (халифани вилоятларнинг аҳволидан хабардор қилиб турувчи олий мансабдор) лавозимида туришган. Яъкубий Бағдодда туғилди, лекин умрининг кўп қисмини Арманистон, Хуросон, Фаластин, Миср ва Мағрибда ўтказди. Уни ҳам бобоси ва отаси каби ана шу мамлакатларда со-

ҳиб баридлик ёки маҳаллий ҳоким маҳкамасида бирон йирик лавозимда турган деб тахмин қилиш мумкин.

Ал-Яъкубийнинг икки йирик ва муҳим асари бизнинг замонимизгача етиб келган. Буларнинг бири «Китоб ал-булдон» («Мамлакатлар ҳақида китоб»), иккинчиси эса «Тарих» номи билан машҳурдир.

«Китоб ал-булдон» (тахминан 891 йилда ёзилган) тўрт қисмдан иборат: 1) Эрон, Мовароуннаҳр, Афғонистон, Хуросон ва Сежистон (Сеистон) ҳукмдорлари; 2) Фарбий Месопотамия ва Жануби-Фарбий Арабистон; 3) Жанубий ва Шарқий Месопотамия, Шарқий Арабистон, Ҳиндистон ва Хитой; 4) Византия, Сурия, Миср, Нубия, Шимолий Африка ҳукмдорлари тарихи. Асарда араблар қўл остидаги мамлакатларнинг географик ҳолати; йирик шаҳар ва қалъалари; аҳолиси ва унинг машғулоти, урф-одати; ўша мамлакатлардан олинадиган хирожнинг умумий миқдори ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади.

Мазкур асарнинг икки нусха қўлёзмаси Германиядаги кутубхоналарда сақланмоқда. Унинг арабча матни голландиялик машҳур шарқшунос М. де Гве (1836–1909 йй.) томонидан 1892 йили Лейденда чоп этилган.

Яъкубийнинг иккинчи асари («Тарих») умумий тарих типига ёзилган бўлиб, Шарқ мамлакатлари, шунингдек Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг VII–IX асрлардаги тарихи бўйича муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Асар икки қисмдан: 1) Одам Атодан то Ислом жорий этилгунча бўлган тарих ва 2) мусулмон мамлакатлари тарихидан иборат бўлиб, ўша мамлакатларда 873 йилгача содир бўлган воқеалар баён этилган.

«Тарих»нинг арабча матни 1883 йили голландиялик шарқшунос олим М. Т. Хаутсма (1851–1943 йй.) томонидан чоп этилган.

Балазурий. IX асрда ўтган йирик географ ва тарихшунос олим; юқорида номи айtilган Мадоинийнинг шогирди. Тўла исми: Абубакр Аҳмад ибн Яҳё ибн Жобир ал-Балазурий. Асли

эронлик, ҳаётига оид маълумотлар жуда кам. Аббосийлардан ал-Мутаваккил (847–861 йй.) ва ал-Мустаъин (862–866 йй.) саройида тарбиячи бўлиб хизмат қилган. У машҳур адабиётшунос ва шоир Абулаббос ибн ал-Мўътазга (861–908 йй.) устозлик қилган. Ал-Балазурий 892 йили вафот этган.

Балазурий икки йирик асар: «Китоб футуҳ ал-буддон» («Мамлакатларнинг забт этилиши ҳақида китоб») ҳамда «Китоб ансоб аш-шараф» («Шарофатли кишиларнинг насаблари ҳақида китоб») асарларининг муаллифидир. Булардан биз учун энг қимматлиси «Китоб футуҳ ал-буддон» бўлиб, араб истилолари тарихи бўйича энг яхши асарлардан ҳисобланади. Фақат шу асардагина арабларнинг халифа Усмон (644–656 йй.) ва унинг Хуросондаги ноиби Абдуллоҳ ибн Амр даврида Мовароуннаҳрга бир неча бор бостириб кирганликлари ва Маймури (Самарқандга қарашли қасабалардан бири)ни талаб қайтганликлари ҳақида маълумот бор, Бундан ташқари, асарда араблар асоратига тушиб қолган мамлакатлар, уларнинг диққатга сазовор шаҳарлари ва осори атиқалари; халқи, пул муомаласи, ундириладиган солиқлар, шунингдек, араб тилининг жорий қилиниши ҳақида ўта қимматли маълумотларни учратамиз.

«Китоб ал-буддон»нинг тўла нусхаси сақланмаган; унинг қисқартирилган таҳрири етиб келган, холос. Арабча матни юқориди тилга олинган де Гье тарафидан 1866 йили Лейденда чоп этилган. Унинг инглизча таржимаси (таржимонлар Хитти ва Мурготтен) ҳам бор. Балазурийнинг мазкур асари (унинг тўлиқ нусхаси) Ёқут ва ибн ал-Асир (қ.) учун манба бўлиб хизмат қилган.

Абу Юсуф Яъқуб. Машҳур қонуншунос олим. Тўла исми: Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим ал-Куфий (731–798 йй.). Ҳаёти ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Асли Шомнинг Куфа шаҳридан: имом Абу Ҳанифанинг (699–767 йй.) шогирди; Аббосийлардан ал-Маҳдий (775–785 йй.) ва Хорун ар-Рашид (786–809 йй.) даврида Бағдод қозиси бўлган.

Абу Юсуф Яъқуб ўзининг «Китоб ул-хирож» («Хирож (солиғи) ҳақида китоб») асари билан машҳур. Асарда Араб халифалигининг VII–VIII асрлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволи, хусусан ер эғалиги ва эксплуатация каби ижтимоий масалаларни ўрганишда қимматли манба ҳисобланади. Халифа Хорун ар-Рашиднинг топшириғи билан ёзилган ушбу асарда ўрта асрларда аҳолидан йиғиладиган асосий солиқ — хирож, унинг турлари ва миқдори, тўплаш тартиби баён этилган. Бундан ташқари, феодал эксплуатация, хусусан корандалиқ тартиби, йирик ер эгаларининг шахсий хўжаликларида қўл меҳнатидан фойдаланиш ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.

«Китоб ул-хирож»нинг арабча матни 1884 йилда Булоқ шаҳри (Миср)да чоп қилинган. Унинг французча таржима-си (таржимон Е. Фаньян) ҳам бор.

Ибн ал-Фақиҳ. «Китоб ахбор ул-булдон» («Мамлакатлар ҳақида хабарлар») асари билан машҳур бўлган бу олимнинг ҳаётига оид маълумотлар жуда кам. Ҳақиқий исми шарифи: Абубакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ҳамадонийдир. Мазкур асаридан (тахминан 903 йили ёзилган) маълум бўлишича, у халифалардан ал-Муътадид (892–902 йй.) ва ал-Муқтафий (902–908 йй.)лар билан замондош бўлган. «Китоб ул-фихрист» муаллифи ибн ан-Надимнинг сўзларига қараганда, ибн ал-Фақиҳ ўз замонининг атоқли адибларидан бири бўлиб, нақл-ривоят ва адабиётни яхши билган. И. Ю. Крачковскийнинг сўзларига қараганда, ибн ал-Фақиҳ «Китоб ахбор ул-булдон»дан ташқари, шоирлар ҳақида 5 жилдлик китоб ҳам ёзган¹. Лекин бу асар бизнинг замонимизгача етиб келмаган.

«Китоб ахбор ул-булдон» географияга оид асар сифатида нисбатан бирмунча заиф, лекин сиёсий тарих ва маданий ҳаётга оид материалларга бой асар. Ибн ал-Фақиҳнинг ай-

¹ Крачковский И. Ю. Арабская географическая литература. Соч. IV том, М., -Л., 1957, 156–158-бетлар.

ниқса йирик шаҳарлар (Балх, Самарқанд ва ҳоказолар) ҳақида келтирилган маълумотлари бениҳоят қимматлидир.

«Китоб ахбор ул-булдон»нинг ҳам тўла нусхаси етиб келмаган. Унинг Али ибн Жаъфар аш-Шайзорий тарафидан қилинган (1022 й.) қисқа таҳрири де Гуге томонидан 1885 йили Лейденда чоп этилган. Мазкур асарнинг қўлёзма нусхаси, аниқроғи унинг иккинчи қисми, 1923 йили Машҳад (Эрон)даги Имом Ризо масжиди кутубхонасидан топилган¹. Ушбу қўлёзмада, унинг Эрон, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг иқтисодий географиясига оид қисмида, диққатга сазовор маълумотлар бор.

Ибн Хурдадбеҳ. Абулқосим Убайдуллоҳ ибн Хурдадбеҳ (Тахм. 820—913 йй.) асли эронлик; олий мартабали мансабдор хонадонига мансуб. Отаси IX аср бошларида Табаристон ҳокими бўлган; Дайлам вилоятини бўйсундириб, халифанинг эътиборини қозонган. Ибн Хурдадбеҳ Бағдодда ўқиган ва кенг маълумот олган. У география, метерология, тарих каби илмлардан атрофлича хабардор бўлган. Фармернинг маълумотларига қараганда, у араб мусиқаси тарихидан ҳам хабардор бўлган².

У халифа Муътаид (870—892) даврида юксак давлат лавозимларида турган; дастлаб надим, сўнг Эроннинг ши-моли-ғарбий тарафида жойлашган Жибал вилоятида соҳиб барид ва-л-хабар (почта ва разведка бошлиғи) лавози-мида турган. Ибн Хурдадбеҳ узоқ умр кўрган ва 915 йил атрофида вафот этган.

Ибн Хурдадбеҳ турли фанлар (адаб, тарих, география) га оид 10 га яқин асар битган. Улардан энг муҳими «Китоб масолик ул-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб») бўлиб, 846 йили ёзиб тамомланган. Асарнинг фақат қисқартирилган таҳрири бизнинг замонимизгача етиб келган ва де Гуге тарафидан 1889 йили чоп қилинган. Русча

¹ Розен В. Р. О мешхедской рукописи, Иран 1924, 237—248-бетлар.

² Farmer H. G. A History of arabian Musik to the XIII-th century. London, 1929.

таржимаси (таржимон Ноила Велихонова) 1986 йилда Бокуда чоп этилди.

Китобда араб халифалиги қўл остидаги мамлакатлар, уларга олиб борадиган йўллар, шаҳарлар ва мамлакатлар орасидаги масофа, аҳолидан ундириладиган солиқ ва жарималарнинг миқдори ҳақида қисқа, лекин қимматли маълумотлар келтирилган. Айниқса, қадимий Сўғд шаҳарларидан Кушония (Самарқанд атрофида жойлашган), Самарқанд, Уструшона, Шаҳристон (Уструшона шаҳарларидан), қадимги Шош, Испижоб (Сайрам) шаҳарлари ва уларга олиб борадиган йўллар, Мовароуннаҳр шаҳарларида аҳоли ўртасида муомалада бўлган пул бирлиги, Нуҳ ибн Асад (842 йилда вафот этган) ва Аҳмад ибн Асад (819–846 йй.) даврида Сўғд ва Фарғонанинг умумий аҳволи баён этилади. Асарда келтирилган Мовароуннаҳр ва Фарғонада IX асрда истиқомат қилган туркий халқлар ҳақидаги маълумотлар бениҳоят қимматлидир.

Табарий. Йирик қомусий олим Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий (839–923 йй.) Эроннинг Табаристон вилоятига қарашли Омул шаҳрида туғилган; умрининг кўп қисмини Бағдодда ўтказган ва ўша ерда вафот этган. Лекин, халифаликнинг кўпгина шаҳарларини айланиб чиққан, бирмунча вақт Рай, Басра, Куфа, Сурия ва Мисрда турган.

Табарий ўз даврining кенг маълумотли кишиларидан бўлиб, илоҳият, ҳадис, «Тафсир» («Қуръон» оятлари изоҳи), фикҳ (мусулмон қонуншунослиги) ҳамда тарих каби илмларни чуқур эгаллаган. Табарий бу соҳалар бўйича 10 дан ортиқ китоб ёзиб қолдирган. Мусулмон қонуншунослари орасида мавжуд бўлган ихтилофлар баён этилган «Китоб ихтилоф ал-фуқаҳо» («Фақиҳлар ўртасидаги ихтилофлар ҳақида китоб»), «Қуръон» оятлари шарҳига бағишланган 30 (бошқа маълумотларга қараганда — 40¹) жилддан иборат «Жомеъ ул-баён ан таъвил ал-Қуръон» («Қуръон сўзлари маъносининг кенг баёни мажмуаси») ва

¹ Стори Ч. А. Персидская литература. 1-қисм, 99-бет.

ниҳоят «Тарих ар-русул ва-л-мулук» («Пайғамбарлар ва подшолар тарихи») шулар жумласидандир. Биз учун энг муҳими сўнгги асар ҳисобланади.

«Тарих ар-русул ва-л-мулук» умумий тарих йўналишида ёзилган асар. Лекин мукамаллиги ва далилий маълумотларга бойлиги билан бошқа асарлардан тамом ажралиб туради. Асарда оламнинг «яратилиши»дан то 912–913 йилларга қадар Арабистон, Рум (кичик Осиё), Эрон ва Араб халифалиги асоратига тушиб қолган мамлакатларда, шунингдек, Ўрта Осиё билан Ўзбекистонда бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади. Воқеалар йилма-йил, хронологик тартибда баён этилган. Бу, асардан фойдаланишни бирмунча қулайлаштирган, албатта.

Табарий мазкур асарини ёзишда яҳудий ва христианларнинг нақл-ривоятлари, Сосонийлар (224–651 йй.) солномаси «Хвадай намак» («Подшоҳнома»), ал-Воқидийнинг (747–823 йй.) «Китоб ул-мағозий» («Урушлар ҳақида китоб»), ал-Мадоинийнинг «Ахбор ул-хулафо» («Халифалар ҳақида хабарлар»), ибн Тайфурнинг (819–893 йй.) «Тарихи Бағдод» («Бағдод тарихи») каби асарларидан кенг фойдаланган. Лекин олим, кўп ҳолларда, айниқса асарнинг қадимий тарихга бағишланган қисмларида, бошқа манбалардан олинган далил ва маълумотлардан мулоҳазасиз ва текширмай фойдаланган. Шунга қарамай, асарнинг қадимий тарихдан баҳс юритувчи қисмлари ҳам маълум илмий қимматга эга, чунки бу қисмларда бизгача етиб келмаган манбаларда (ривоятлар, «Хвадай намак», «Тарих ал-хулофо» ва б.) мавжуд бўлган маълумотлар, парчалар сақланган.

Қисқаси, «Тарих ал-русул ва-л-мулук» мусулмон мамлакатлари, шунингдек Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг XIII–IX аср тарихи бўйича асосий манбалардан ҳисобланади.

Мазкур асарнинг арабча матни икки хил (муфассал ва қисқартирилган) таҳрирлари бўлган, лекин бизнинг давримизгача унинг фақат қисқартирилган таҳрири етиб келган ва голландиялик шарқшунос олим М. Я. де Гуге тарафидан 1879–1901 йиллари 15 жилд қилиб нашр этилган.

«Тарих ар-русул ва-л-мулук» нинг форсийча таҳрири ҳам бўлиб, у Сомоний Абу Солиҳ Мансур ибн Нуҳ (961–976) нинг вазири атоқли олим ва илм-фан ҳомийси ал-Балъамий (974 йили вафот этган) томонидан 963 йили ёзилган. Балъамий варианты шунчаки таржима бўлмай, балки асарнинг қайта ишланган ва айрим ҳолларда янги далил билан бойитилган нусхасидир. Унда, биринчидан, қисқартирилган таҳрирда учрамайдиган маълумотлар бор. Демак, Балъамий Табарий асарининг тўла нусхасидан фойдаланган. Иккинчидан, Балъамий нусхаси бошқа манбалар асосида янги маълумотлар билан тўлатилган.

Табарийнинг мазкур асаридан айрим парчалар бир талай Европа тилларига таржима қилинган. Унинг тўла французча таржимаси Г. Зотенберг томонидан 1867–1874 йиллари Парижда нашр этилган. Асарнинг форсийча, туркийча ҳамда эски ўзбек тилидаги таржималари ҳам бўлиб, қўлёзма нусхалари Санкт-Петербург ва Тошкент кутубхоналарида сақланмоқда. Балъамий таҳрирининг матни тўла тарзда Лақҳнав ва Куанпурда (1874, 1876, 1916 йй.) ва Техронда (1962, 1967 йй.) чоп қилинган. Асарнинг қўлёзма нусхалари Россия, Англия, Туркия, Эрон ва Ҳиндистон кутубхоналарида сақланмоқда. В. И. Беляев тарафидан амалга оширилган қисқартирилган русча таржимаси ҳам бор (Тошкент, 1987 й.).

Ал-Масъудий. Абулҳасан Али ибн ал-Ҳусайн ал-Масъудий (956 йилда Қоҳирада вафот этган) X асрнинг кўзга кўринган географи ва тарихшунос олимлари жумласидан И. Ю. Крачковскийнинг маълумотларига қараганда, у IX аср охирларида Бағдодда зодагон оиласида дунёга келган. Дунё бўйлаб кўп (915–945 йй.) саёҳат қилган; Эрон (Истахр, Шероз), Ҳиндистон, Сарандиб (Цейлон), Хитой, Занжибар, Аммон, Шом ва Каспий денгизи соҳилида жойлашган ўлкаларда бўлган.

Масъудий адабиёт, фалсафа, фикҳ, география ва тарих илмлари бўйича чуқур маълумотга эга бўлган. Шимолий Африка, Арабистон, Шом, Эрон, Кавказ, Ҳиндистон, Ўзбекистон ва Хитойда бўлганда шаҳарлари ва одамлари ҳақида қимматли маълумотлар тўплаган. У илмнинг турли соҳалари-

га оид «Китоб ахбор уз-замон ва ажойиб ул-булдон» («Давр хабарлари ва мамлакатларнинг ажойиботлари ҳақида китоб»), «Китоб ал-авсат» («Ўртача китоб»), «Китоб ут-таво-рих фи ахбор ул-умам мин ал-араб ва-л-ажам» («Араб ва Ажам халқлари тарихи»), «Хазоин ул-мулук ва сир ал-ола-майн» («Подшоларнинг хазиналари ва икки олам сирла-ри»), «Китоб ар-расоил» («Рисолалар тўплами») «Муруж аз-заҳаб ва маъдоин ал-жавоҳир» («Олтин тозалагич ва қим-матбаҳо тошлар кони»), «Китоб ат-танбих ва-л-ишраф» («Огоҳлантириш ва ишонтириш ҳақида китоб») сингари 20 дан ортиқ асар ёзган. Афсуски, буларнинг кўпчилиги, ху-сусан Масъудий ижодиятини тушунишда катта аҳамиятга эга бўлган 30 жилдли «Китоб ахбор уз-замон» (943 йили ёза бошлаган) ҳамда «Китоб ал-авсот» сақланмаган.

Масъудийнинг асарлари Араб халифалиги, Шарқий Ев-ропа, Кавказ ҳамда Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг IX–X асрлардаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда зўр аҳамиятга эга. Бу ўринда унинг «Муруж аз-заҳаб» (947 йилда ёзи-либ, 956 йили қайта ишланган) асари алоҳида аҳамият касб этади. У ўзига хос тарихий-географик қомус бўлиб, унда жаҳон халқлари: форслар, халдейлар (араб ва яҳудийлар би-лан биргаликда), юнонлар, византияликлар, франклар, сла-вянлар, ливияликлар, африкаликлар, ҳиндлар ва туркий халқларнинг тарихи, ижтимоий-сиёсий аҳволи, урф-одати ҳақида маълумотлар келтирилган.

«Муруж аз-заҳаб»нинг арабча матни, французча тар-жимаси билан бирга, 1861–1877 йиллари Парижда тўққиз жилд қилиб нашр этилган.

Абулфараж Қудам. Филолог ва географ олим. Тўла исми: Абулфараж ибн Жаъфар Қудам ал-Басрий ал-Бағдодий (922–948 йиллар орасида вафот этган). Басралик аслзода хо-надонига мансуб; аввал христиан бўлган кейинча, сарой хиз-матига қабул қилингандан кейин, халифа ал-Муқтафий (902–908) нинг таъсири остида ислом динини қабул қилган. Дас-глаб маъмурий маҳкамалардан бири (мажлис аз-зимам)да хизмат қилган; умрининг охирида эса алоқалар девони (де-вони соҳиб барид)га бошчилик қилган.

Абулфараж Қудамга 928 йили «Китоб ул-хирож ва санъат ал-китоба» («Хирож ундириш ва мактублар ёзиш санъати ҳақида китоб») номли икки жилдли (8 қисмдан иборат) асар ёзган. Мазкур асар Араб халифалигининг маъмурий бўлиниши, халифаликка тобе бўлган мамлакатлар ўртасидаги алоқа хизмати, солиқ ва молия тизимининг умумий аҳволи ҳақида қимматли маълумот беради. Асарда Мовароуннаҳрнинг географик ҳолати ва унинг туркий забон аҳолиси ҳақида ҳам муҳим далилий маълумотларни учратамиз.

«Китоб ул-хирож ва санъат ал-китоба»нинг фақат иккинчи жилдигина сақланиб қолган. Ундан айрим парчалар, французча таржимаси билан де Гуге тарафидан 1889 йили чоп этилган.

Истахрий. IX асрнинг иккинчи ярми ва X асрнинг биринчи чорагида ўтган сайёҳ ва йирик географ олим. Тўла исми: Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форсий ал-Истахрий (850–934 йй.) Нисбасига қараганда асли Эроннинг Истахр шаҳридан чиққан. Истахрий кўп ўқиган; 915 йилдан бошлаб Эрон, Мовароуннаҳр, Сурия, Миср ва Мағрибга саёҳат қилган. Мана шу саёҳат вақтида тўплаган бой далимий маълумотлар ва замондоши Абу Зайд Аҳмад ибн Саҳл ал-Балхийнинг (850–934 йй) «Сувар ал-ақолим» («Иқлимлар тасвири») китоби асосида 930–933 йиллари ўзининг «Китоб масолик ул-мамолик» («Мамлакатларга бориладиган йўллар ҳақида китоб») номли қимматли асарини ёзган.

«Китоб масолик ул-мамолик» 20 бобдан иборат географик асар. Унда мусулмон мамлакатлари (Арабистон, Мағриб, Миср, Сурия, Ироқ, Эрон, Мовароуннаҳр), шунингдек, Ҳиндистоннинг чегаралари, иқлими, маъмурий бўлиниши, машҳур шаҳарлари, уларга олиб борадиган йўллар, аҳолиси ва унинг машғулоти, машҳур кишилари, савдосотиқ ва бошқа масалалар баён этилган.

Асарнинг арабча матни уч марта (1870, 1927 ва 1967 йиллар) Лейденда чоп этилган. У Абулмаҳосин Муҳаммад

ибн Саъд ибн Муҳаммад ан-Нахичевоний тарафидан XVI асрнинг иккинчи ярмида форс тилига таржима қилинган. Кўлэзма нусхалари Санкт-Петербург ва Тошкентда сақланмоқда.

Ибн Ҳавқал. X асрнинг кўзга кўринган йирик географ олимларидан; сайёҳ. Тўла исми: Абулқосим ибн Ҳавқал ан-Нисибий, туғилган йили номаълум, 976 йил атрофида Бағдодда вафот этган. Нисбасига кўра, асли Шимолий Месопотамияда жойлашган Нисибин шаҳридан чиққан. 943 йилдан бошлаб савдогар қиёфасида бир талай мамлакатлар (Марказий Африка, Испания, Италия, Эрон, Ҳиндистон) бўйлаб саёҳат қилган. Ўзининг айтишича, география илмига бўлган қизиқиш унда ёшлик пайтидан уйғонган. Бунда Истахрий билан бўлган учрашув ҳам катта роль ўйнаган. Учрашув вақтида Истахрий ундан ўзининг асарини хато ва чалқашликлардан халос қилиш ва қайтадан ишлашни илтимос қилган. «Мен,— деб ҳикоя қилади ибн Ҳавқал,— унинг китобидаги бир эмас, бир неча хариталарни тузатдим; сўнгра ушбу китобни ёзишга қарор қилдим, Истахрий китобида учраган хатоларни тузатдим; китобга бир талай хариталарни илова қилдим ва уларни изоҳлаб бердим»¹.

Ибн Ҳавқалнинг асари «Китоб ул-масолик ва-л-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб») ёки «Китоб сураат ал-арз» («Ернинг тасвири») номи билан машҳур бўлиб, Ҳамдонийлардан Сайфуддавла Али (945–967 йй.)га бағишланган. Уни ёзишда муаллиф саёҳат вақтида тўпланган, савдогарлардан сўраб-суриштириб йиққан маълумотлардан ҳамда Ибн Ҳурдадбеҳ, ал-Жайҳоний (IX аср охири — X асрнинг биринчи чораги) ва Қудам асарларидан фойдаланган.

«Сураат ал-арз» араб классик география мактаби анъаналари услубида ёзилган: Ер рубъи маскун, яъни оламнинг инсон яшаб турган қисми иқлимларга бўлинган ва улар тар-

¹ Крачковский И. Ю. Арабская географическая литература. 198–199-бетлар.

кибига кирган мамлакатлар, шаҳарлар, уларнинг халқи тасвирлаб берилган. Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, асарда тасвирланган ҳар бир мамлакат ва вилоятнинг харитаси ҳам берилган. Масалан, Мовароуннаҳр қисмига илова қилинган харитада Жайхун (Амударё), Бухоро, Самарқанд, Уструшона (Ўратепа), Испижоб (Сайрам), Шош ва Хоразм шаҳарлари ва вилоятлари тасвирланган. Асарда турклар ва ғузлар, уларнинг машғулоти, шунингдек Мовароуннаҳр шаҳарлари, халқи хусусида келтирилган маълумотлар ниҳоятда қимматлидир.

«Сурат ал-арз»нинг арабча матни икки марта: де Гье (1878 йили) ҳамда Крамерс (1938-1939) тарафидан чоп этилган. Лекин Крамерс нашри (у 1086 йили кўчирилган ва ҳозир Истамбул кутубхоналаридан бирида сақланаётган қўлёзмага асосланган) бирмунча муфассал нашр ҳисобланади.

Ал-Муқаддасий. X асрда ўтган йирик географ олим. Тўлиқ исми: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абубакр ал-Муқаддасий. 947 йили Қуддуси шарифда туғилган; бутун мусулмон мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилган; 1000 йили вафот этган.

Ал-Муқаддасий саёҳат вақтида тўпланган ҳамда бошқа манбалардан олинган аниқ маълумотлар асосида 985 йили ўзининг «Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим» («Иқлимларни ўрганиш учун энг яхши қўлланма») номли қимматли асар ёзиб қолдирган. Асарнинг иккита таҳрири мавжуд. Биринчи таҳрир (986 й.) Сомонийларга, сўнги таҳрир (989 й.) эса Фотимийларга¹ бағишланган.

«Аҳсан ат-тақосим» муқаддима ва икки қисмдан иборат.

Муқаддимада муаллиф асарнинг ёзилиш тартиби ва ўзидан аввал ўтган географ олимларнинг асарларига тўхталиб ўтган.

¹ **Фотимийлар** — 909–1171 йиллари Шимолий Африка, кейин Миср ва Шом устидан ҳукм юргизган сулола.

Биринчи қисмда араб мамлакатлари (Арабистон ярим оролида жойлашган мамлакатлар Ироқ, Месопотамия, Сурия, Миср, Мағриб) ҳамда Кичик Осиёнинг географик ҳолати, машҳур шаҳарлари, осори атиқалари, аҳолиси ва унинг машғулоти, эътиқоди ҳамда урф-одатлари, аҳолидан тўпланадиган солиқ ва жарималар ва уларнинг умумий ҳажми, шунингдек, ҳар бир мамлакат ва вилоятнинг маъмурий тузилиши ҳамда машҳур кишилари ҳақида маълумот берилган.

Иккинчи қисмда Ажам мамлакатлари (Хуросон, Сеистон, Мовароуннаҳр) тавсифланган.

«Аҳсан ат-тақосим» ижтимоий-иқтисодий, тарихий ҳамда маданий ҳаётга оид қимматли аниқ маълумотлари билан бошқа географик асарлардан ажралиб туради ва араб мамлакатлари, шунингдек, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий тарихини ўрганишда муҳим манба бўлади.

Асарнинг арабча матни 1877 йили де Гуге томонидан чоп этилган. 1906, 1967 йилларда асар қайта нашр қилинган.

Утбий. Ҳақиқий исми Абу Наср Муҳаммад ибн Абдуҷаббор Утбий (тахм. 961–1077 ёки 1036 йй.). Асли Эроннинг Рай шаҳридан бўлиб, бадавлат ва нуфузли зодагон хонадонига мансубдир. Она тарафдан тоғалари: Абу Жаъфар ал-Утбий ва Абулҳусайн Абдулла ибн Аҳмад ал-Утбий Сомонийлардан Абдумалик ибн Нуҳ (954–661 йй.), Абу Солиҳ Мансур (961–976 йй.) ва Абулқосим Нуҳ II ибн Мансур (976–997 йй.)нинг вазири бўлишган. Абу Наср Муҳаммад Утбий ҳам юқори давлат лавозимларида турган. Масалан, у Сомонийларнинг Хуросондаги ноиби Абу Али ибн Симжур (989–998 йй.), сўнгра Зиёрийлардан¹ Шамсул-Маолий Қобус ибн Вушмагир (978–1012 йй.)нинг шахсий котиби, кейинчалик Ғазнавийлардан² Сабуктакин (977–997 йй.), Султон Маҳмуд (998–1030 йй.) ҳамда Султон

¹ **Зиёрийлар** — 927 — тахминан 1090 йилларда Эроннинг Табаристон ҳамда Журжон вилоятларида ҳукмронлик қилган сулола.

² **Ғазнавийлар** — Хуросон, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон устидан 977–1186 йиллари ҳукм юритган сулола.



10-расм. Абу Наср Утбий. «Тарихи Яминий» (Ўз.Р ФА ШИ кўлёмаси, тартиб рақами 3252, в. 47 б.)дан саҳифа.

Масъуд (1031–1041 йй.) саройида хизмат қилган. Масалан, у Султон Маҳмуднинг элчиси сифатида (999 й.) Гарчистонга¹ борган; кейин Ганж рустакда² соҳиб барид бўлиб

¹ **Гарчистон** — Мурғоб дарёсининг юқори оқимида жойлашган тарихий вилоят. Жанубда Фазни, шимолда Марварруд, шарқда Ғур ва ғарбда Бодҳиз (Хирот вилояти) билан туташ.

² **Ганж рустак** — Бодҳизнинг шарқий қисмида жойлашган вилоят.

ишлаган ва 1023 йили Султон Маҳмуднинг амри билан хизматдан четлатилган.

Манбаларда, хусусан ас-Саолибий антологиясида айтилишича, ал-Утбий бир неча йирик асар ёзган. Лекин, улардан фақат биттаси — «Тарихи Яминий»¹ («Ямин уд-давла тарихи») номи билан машҳур бўлган тарихий асаргина сақланиб қолган. Олимнинг яна бир асари — «Латоиф ал-кутуб» («Котибларнинг латиф сўзлари») нинг фақат номигина сақланиб қолган,² холос.

«Тарихи Яминий» амир Сабуктакин ҳамда Султон Маҳмуд замонида Ғазнавийлар империяси таркибига кирган Афғонистон, Хуросон, Хоразм ва қисман Мовароуннаҳрнинг 975–1021 йиллардаги ижтимоий-сиёсий тарихини баён этади. Асарда Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрни босиб олиши (992–996 йиллари) ҳақида келтирилган маълумотлар бениҳоят қимматлидир.

«Тарихи Яминий» ўрта аср тарихшунослигига хос оғир услуб (саж) билан ёзилган. Асарда ҳукмрон синфнинг мақсад ва манфаатлари ҳимоя қилинади, хусусан Султон Маҳмуд ва унинг яқинлари кўкларга кўтариб мақталади. Шунинг билан бирга, олим узлуксиз давом этган урушлар, зулм, турли-туман солиқ ва жарималар туфайли хонавайрон бўлган меҳнаткаш халқнинг оғир турмушига ҳам айрим ўринларда кўз ташлаб ўтади.

Мазкур асарнинг арабча матни Деҳли (1874 й.), Булоқ (1874 й.) ва Лоҳур (1883 й.) шаҳарларида чоп этилган. Ундан айрим парчалар француз, немис ва инглиз тилларида (таржимонлар: К. Шефер, Т. Нёльдеке, Эллиот ва Доусон) чоп этилган. «Тарихи Яминий»нинг форсча таржималари ҳам бор. Энг дурусти Абу Шариф Носиҳ ал-Жорбозақоний қаламига мансуб бўлиб, 1856, 1956, 1966 йиллари Эронда

¹ **Ямин (араб)** — ўнг қўл; Султон Маҳмудга Бағдод халифаси ал-Қодир (991–1031 йй.)

² **Ас-Саолибий, Йатимат ад-даҳр.** Араб тилидан И. Абдуллаев таржимаси, Тошкент, 1976, 95-бет.

нашр этилган. Асарнинг Рейнольдс томонидан қилинган инглизча таржимаси ҳам мавжуд (Лондон, 1858 й.).

Ас-Саолибий. Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Саолибий ўз даврининг йирик олим ва шоирлари жумласидан бўлиб, 961 йили Нишопурда туғилган. Илм-фаннинг кўпгина соҳаларини (тарих, адабиёт, мантиқ, араб тили) яхши билган, асосан тулки терисидан пўстин тикиб сотиш билан кун кечирган. Ас-Саолибий аталиши ҳам шундан. Ас-Саолибий Эрон ва Ўзбекистоннинг талайгина шаҳарлари (Журжон, Марв, Ғазни, Бухоро, Хоразм) да турган ва уларнинг маданий ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан яқиндан таниш бўлган. Олим 1038 йили Нишопурда вафот этган.

Ас-Саолибий тарих, адабиёт, мантиқ ва араб тили бўйича 50 га яқин асар ёзиб қолдирган. «Йатимат уд-дахр фи маҳосин аҳл ул-аср» («Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонининг дурдонаси»), «Латоиф ул-маориф» («Ажойиб маълумотлар»), «Шамс ул-адаб фи истеъмол ал-араб» («Араб тилидан фойдаланишда адаб қуёши»), «Сеҳр ул-балогат ва сирр ул-бароъат» («Нотиқликнинг сеҳри ва нутқ санъатининг сири»), «Китоб ут-Тамсил ва-л-мухандарат» («Нодир сўзлар ва суҳбат китоби»), «Маккорим ул-ахлоқ» («Афзал хулқлар»), «Ғураар ахбор мулук ал-фурс ва сияруҳум» («Эрон подшолари ҳақида хабарлар ва уларнинг ҳаёти») шулар жумласидандир.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистон халқларининг X–XI асрдаги тарихи ва маданий ҳаётини ўрганишда ас-Саолибийнинг «Йатимат ад-дахр» ҳамда «Китоб ал-ғураар» асарлари алоҳида аҳамият касб этади.

«Йатимат ад-дахр» (995–1000 йиллари ёзилган) Ўрта Осиё ва Ўзбекистон, хусусан Марв ва Бухоронинг X асрдаги адабий муҳитини ўрганишда асосий манбалардан бири ролини ўйнайди.

«Ғураар ахбор мулук ул-фурс ва сияруҳум» («Эрон подшоларининг тарихи ва уларнинг ҳаёти») («Шоҳномаи Саолибий» деб ҳам аталади) эса Ғазнавийларнинг Хуросон-

даги ноибни Абу Музаффар Наср ибн Носируддин (1021 йили вафот этган)нинг топшириғи билан ёзилган муҳим тарихий асардир. У тўрт жилддан иборат. Асарнинг биринчи қисмини ташкил этган I–II жилдларида Эрон подшолари, иккинчи қисмида (III–IV жилдлар) эса X асрнинг иккинчи ярми ва IX аср бошларида Эрон, Афғонистон ҳамда Ўзбекистонда бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар баён этилган. Афсуски, асарнинг иккинчи қисми бизнинг замонамизгача етиб келмаган.

«Йатимат ад-даҳр»нинг арабча матни 1883 ва 1947 йилларда Байрут ва Қоҳирада чоп этилган. Унинг французча (таржимон Барбье де Мейнард) ва лотинча (Валетон) таржималари ҳам мавжуд. Асарнинг Ўзбекистоннинг X асрдаги адабий муҳитидан баҳс юритувчи тўртинчи қисми ўзбек тилига таржима қилинган (таржимон Исматулла Абдуллаев ва 1976 йили Тошкентда нашр қилинган. «Китоб ал-ғурар»нинг арабча матни, французча таржимаси билан бирга, 1900 йили Х. Зотенберг (1836–1914 йй.) томонидан чоп қилинган.

«Йатимат ад-даҳр» кўпгина Европа олимлари: Ф. Детеричи (1821–1903 йй.), Барбье де Мейнард (1826–1908 йй.), Р. Дворжак (1860–1920 йй.), Р. Никольсон ва бошқа Европа ва рус олимлари: В. В. Бартольд, И. Ю. Крачковский, А. Е. Кримский томонидан кенг ўрганилган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Хоразмий. X асрда ўтган тилшунос ва фан тарихчиси. Тўла исми: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ал-Хоразмий. Ҳаёти ва илмий фаолиятига оид маълумотлар кам. Унинг фақат Сомоний Нуҳ II ибн Мансур (976–997 йй.)нинг вазири ал-Утбий қўлида дабир бўлиб хизмат қилгани ва асосан Нишопурда истиқомат қилиб, фан тирихи ҳамда давлат бош идоралари учун муҳим қўлланма бўлган «Мафотиҳ ул-улум» («Илимларнинг калидлари») номли машҳур асар ёзиб қолдирганлиги маълум. Мазкур асаридан маълум бўлишича, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий юнон, сурёний, араб ва форс тилларини мукамал билган, кенг маълумотли киши бўлган.

«Мафотих ул-улум» (976–991 йиллар орасида ёзилган) ўзига хос изоҳли атамалар луғати бўлиб, икки қисмдан иборат. Биринчи қисм (олти бобдан иборат) шарият билан боғлиқ илмларга: фикҳ, акоид, грамматика, идора ишларини юритиш тартиби, шеърийят ва тарихга бағишланган. Иккинчи қисм (тўққиз бобдан иборат) Ажам халқлари, яъни араб бўлмаган халқлар (юнонлар, сурияликлар, форслар, ҳиндлар ва б.) орасида тараққий этган илмлар: фалсафа, мантиқ, тибб, арифметика, ҳандаса (геометрия), фалакиёт (астрономия), механика, мусиқа ва кимё фанларини ўз ичига олади.

Асарда Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳақида, хусусан бу ерда амалда бўлган суғориш ўлчовлари ҳақида муҳим маълумотлар бор.

«Мафотих ул-улум» илмий жамоатчиликнинг (В. В. Бартольд, И. Ю. Крачковский, С. Л. Волин, Ван Флотен ва б.)нинг юксак баҳосига сазовор бўлган. Унинг арабча матни 1895 йили Ван Флотен томонидан, айрим парчалар ва русча таржимаси билан С. В. Волин томонидан 1939 йили нашр қилинган.

Абу Райҳон Беруний. Табиий ва ижтимоий фанларнинг кўпгина соҳалари бўйича 150 дан ортиқ асар ёзиб қолдирган буюк қомусий олим. Тўла исми: Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний; 973 йил 4 сентябрда Хоразмнинг қадимий пойтахти Кот (Фир, Фил, Кос деб ҳам аталган) шаҳарида туғилган. Беруний илмга ёшлигидан қизиқди; йирик олим Абу Наср Ироқдан математика ва фалакиёт (астрономия), Абу Саҳл Исо ал-Масихийдан тибб ҳамда фалсафа илмларининг сирларини ўрганди. Абу Райҳон Беруний 17 ёшлигиданоқ Котда мустақил астрономик кузатишлар олиб борди. Ўшанда у Котнинг географик кенглигини ўлчади. 994 йили, 21 ёшлигида, эклиптика текислигини экваторга қанчалик қиялигини ўлчаб берди; дунёда биринчи бўлиб глобусни ихтиро қилди.

995 йили Берунийнинг ҳаётида оғир кунлар бошланди. Ўша йили Сомонийларга қарши фитна кўтарган Абу Али

Симжурининг укаси Амир Абулқосим Журжонни босиб олди. Натижада Сомонийлар билан иттифоқдош бўлган Кот ҳокими, бинобарин унинг саройида хизмат қилган Берунийнинг ҳаёти хавф остида қолди. Ўша, 995 йили Беруний Райга (Қадимий Рага) қочиб кетди. Орадан икки йил ўтгач, 997 йили яна ўз ватанига қайтиб келди ва илм билан машғул бўлди. Лекин орадан кўп вақт ўтмай, ўша йилнинг ўзида (997 йили), Урганч ҳукмдори Абулҳасан Али ибн Маъмун (997—1009 йй.) Жанубий Хоразм ва унинг пойтахти Котни босиб олди. Беруний яна Журжонга кетишга мажбур бўлди ва 999—1004 йиллари Зиёрийлар (927—1090 йй.) ҳукмдори Қобус ибн Вушмагир (1012 йили ўлдирилган) ҳузурда кун кечирди; 1004 йили у яна Хоразмга қайтиб келди ва 1017 йилгача Урганчда турди. Хоразм Маҳмуд Фазнавий кўшинлари тарафидан босиб олингандан (1017 й.) кейин Беруний мажбурий тарзда Фазнага олиб кетилди ва умрининг охиригача (1048 йил 11 декабргача) ўша ерда истиқомат қилди.

Абу Райҳон Беруний тарихга оид ҳам бир неча қимматли асар ёзган. Булардан бири «Осор ул-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия» («Қадимги хаяқлардан қолган ёдгорликлар») бўлиб, у 1000 йил Журжонда ёзиб тамомланган. Асарда юнонлар, румликлар, эронийлар, ҳиндлар, сўғдийлар, хоразмликлар, христианлар, яҳудийлар ва бошқа халқларнинг исломиятгача бўлган ижтимоий ва маданий ҳаёти ҳамда тарихи баён қилинган. Асар 1957 ва 1968 йиллари рус ва ўзбек тилларида нашр этилган.

Олимнинг яна бир тарихий асари «Китоб таҳқиқ моли-л-Ҳинд мин мақула мақбула фи ақл ва-л-марзула» («Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини таҳқиқ этиш») деб аталади ва 1035 йили Фазнада ёзилган. Мазкур асар жуда катта далилий маълумот: санскрит тилидаги китоблар, олимнинг шахсий кузатишлари натижасида тўпланган далилий маълумот асосида ёзилган. Унда Ҳиндистоннинг географик ҳолати, ҳиндларнинг ижтимоий-сиёсий тузуми, дини, урф-одатлари, тарихи ва нақл-ривоятлари,

ўша замонларда Ҳиндистонда амалда бўлган оғирлик ва ҳажм ўлчовлари ҳақида сўз боради. Асар кўпроқ «Ҳиндистон» номи билан машҳур. Унинг арабча матни, инглизча таржимаси билан бирга, Э. Заҳау тарафидан 1887—1888 йиллари чоп қилинган русча ҳамда ўзбекча таржималари ҳам бор (Тошкент, 1963, 1965 йй.).

«Китоб ул-мусаммара фи ахбори Хоразм» («Хоразм ҳақидаги ахборотлар хусусида суҳбатлар») Берунийнинг яна бир муҳим тарихий асаридир. У «Тарихи Хоразм» («Хоразм тарихи»), «Машоҳири Хоразм» («Хоразмнинг машҳур кишилари») номи билан ҳам маълум. Фазнада ёзилган. Асарда Хоразмнинг Султон Маҳмуд Фазнавий қўшини томонидан босиб олинишидан (1017 й.) то Салжуқийлар хуружи (1043 й.) гача ўтган давр ичидаги ижтимоий-сиёсий тарихидан баҳс юритилади. Афсуски, бу муҳим асар бизнинг замони-мизгача етиб келмаган. Айрим парчалар Абулфазл Байҳақийнинг (қ.) 1056 йили ёзиб тамомланган «Тарихи Байҳақ», Ёқут Ҳамавийнинг (қ.) «Мўъжам ул-булдон» асарларида сақланиб қолган.

Берунийнинг «Китоб фи ахбор ул-мубаййизот ва-л-каромата» («Оқ кийимликлар ва карматларнинг хабарлари ҳақида китоб») асари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Унда ўша замонларда Ўзбекистонда кенг тарқалган ижтимоий ҳаракат — карматлар ҳақида диққатга сазовор маълумотлар бор.

Ибн Мискавайх. Абу Али Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мушқуя (1030 йили вафот этган) бир вақтлар Бувайҳийлар¹ саройида аввал хазинадор, сўнгра вазир бўлиб хизмат қилган.

Ибн Мискавайх «Китоб тажориб ул-умам» («Халқларнинг тажрибалари ҳақида китоб») номли асар ёзиб қолдирган. Мазкур асар 6 жилдли умумий тарих бўлиб, мусулмон мамлакатларининг қадим замонлардан 983 йилгача бўлган тарихини ўз ичига олади. «Тажориб ул-умам»нинг

¹ Бувайҳийлар — 932—1062 йилларда Эрон ва Ироқни идора қилган сулола.

I–IV жилдлари компиляция бўлиб, аввал ўтган тарихчилар, асосан Табарийнинг юқорида айтиб ўтилган китоби асосида ёзилган. Унинг V–VI жилдлари асл нусха ва IX аср тарихига доир муҳим манбалардан ҳисобланади. Муаллиф асарининг бу қисмларини ёзишда расмий ҳужжатлардан кенг фойдаланган.

«Тажориб ул-умам»нинг Амедроз ҳамда Марголиус (1920–1921 йй.) ва Каэтани (1909–1917 йй.) тарафидан амалга оширилган иккита тўла наشري мавжуд.

Маҳмуд Кошғарий. XI асрда ўтган йирик тилшунос олим. Асл исми: Маҳмуд ибн ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Кошғарий. Ҳаёти ва илмий фаолияти билан атрофлича шуғулланган олимлар (А. Н. Кононов, А. Рустамов, Муаллим Рифъат, Ҳ. Ҳасанов ва б.)нинг фикрича, Маҳмуд Кошғарий Қорахонийлар хизматида бўлган нуфузли турк бекларидан бирининг оиласига мансуб бўлиб, тахминан 1029–1038 йиллар орасида Барсхонда туғилган, лекин умрининг кўп қисмини Болосоғун, Кошғар, Бағдод ва бошқа шаҳарларда ўтказган. Маҳмуд Кошғарий ёшлигида яхши маълумот олган ва ўрта аср фанларининг кўп соҳаларини, хусусан араб тили, туркий тиллар, тарих ҳамда география фанларини чуқур эгаллаган. У Ўрта Осиё, қадимги Ўзбекистон ва Эронга саёҳат қилиб, бу мамлакатларнинг бир талай йирик шаҳарларида бўлди; уларнинг машҳур кишилари (олимлари ва шоирлари) билан танишди, суҳбатлашди. Бу олимнинг билимини назарий ва амалий жиҳатдан бирмунча бойитди.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг туркий тилларга бағишланган икки муҳим асари билан шуҳрат топди. Булардан бири «Жавоҳир ан-наҳв фи луғат ат-турк» («Турк тили синтаксиси асослари») номи билан маълум. Афсуски, бу муҳим асар бизнинг замонимизгача етиб келмаган. Олимнинг иккинчи асари илмий жамоатчиликка кўп вақтлардан бери маълум ва машҳур бўлган «Девону луғат ат-турк» («Туркий сўзлар луғати»)дир. Бу асар 1072–1077 йиллар орасида ёзиб тамомланган ва халифа Муқтаъдий (1075–1094 йй.)га ба-

гишланган. Асар муаллифнинг турк қабилалари ва уруғлари орасида юриб тўплаган маълумотлари асосида юзага келган ва XI асрдаги туркийзабон қабила ва уруғларнинг тили, лаҳжасини, шунингдек, уларнинг этник таркибини ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтайди.

«Девону луғат ат-турк» муқаддима ва луғат қисмлардан иборат.

Муқаддимада турк тилининг бошқа тиллар орасидаги ўрни ва аҳамияти, унинг айрим хусусиятлари, мазкур асарни ёзишда муаллиф ўз олдига қўйган вазифалар, шунингдек, асарнинг тузилиши ҳақида сўз боради.

Луғат қисмида X–XI асрларда туркий халқлар орасида истеъфодада бўлган сўзлар атрофлича изоҳлаб берилган.

Луғатнинг тарих фани учун қиммати шундаки, унда ҳар бир туркий қабила (бижанақ — печенег, қипчоқ, ўғиз, ямоқ, бошқирд, бисмил, қой, ябоку, татар, қирғиз, чигил, тухси, яғмо, уйғур, иғроқ, жорук, жумул ва б.), уларнинг белгилари (тамғалари), турар жойлари ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни атрофлича ёритиб берилган. Бу жиҳатдан Маҳмуд Кошғарийнинг мазкур асари Ўрта Осиё, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг туркийзабон халқлари тарихини ўрганишда, қолаверса ўзбек халқининг этник тарихини ўрганишда бош манбалардан бири ҳисобланади.

«Девону луғат ат-турк»нинг ягона қўлёзма нусхаси ҳозир Истамбул (Туркия)да сақланмоқда. Асарнинг арабча матни 1915–1917 йиллари уч жилдда Истамбулда, мукамал ўзбекча таржимаси (таржимон С. М. Муталлибов) эса 1960–1963 йиллари Тошкентда чоп этилган. Асарни усмонли туркча таржимаси 1939–1941 йиллари Б. Аталай, инглизчаси 1982–1985 йиллари Р. Данкофф билан Ж. Келли, уйғурчаси эса 1981–1984 йиллари чоп этилган.

Ал-Идрисий. Тўла исми: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Идрис ал-Идрисий; машҳур сайёҳ, географ олим. 1100 йили Мароқашнинг Сеут шаҳрида туғилган. Испаниянинг Кордова шаҳрида таълим олган. Португалия, Франция, Англия ва Кичик Осиё бўйлаб

қилган саёҳатидан қайтгач, 1138 йили Палермо шаҳрига кўчиб келди ва Сицилия қироли Рожер II (1130–1154) хизматига кириб унинг топшириғи билан ўзининг «Нузхат ал-муштоқ фи хтирак ул-офоқ» («Жаҳон бўйлаб кезиб ҳолдан тойганнинг овунчоғи») номли асарини ёзган. Асар баъзан «Китоб ар-Ружорий» («Рожернинг китоби») деб ҳам аталади. Олимнинг яна бир муҳим асари «Равзат ул-унс ва нузхат ан-нафс» («Унслик боғи ва кўнгиш ҳордиғи») деб аталади. Юқорида номи зикр этилган Рожернинг тахт во-риси Вильгельм I (1154–1166) га атаб ёзилган ушбу гео-график асар тўла сақланмаган. Ундан айрим парчалар Абул-фидо (1273–1331) нинг «Авзоъ ал-масолик ило маърифат ал-булдон ва-л-мамолик» («Шаҳарлар ва мамлакатларнинг маърифатини ўлчаш») асарида сақланиб қолган.

Ал-Идрисий 1165 йили вафот этган.

«Нузхат ал-муштоқ» етти иқлим мамлакатларининг, яъни дунёнинг географик ҳолатидан баҳс юритади. Унинг айниқ-са Шимолий Африка, Италия, Франция, Германия шунингдек, Ўрта Осиёга оид қисмлари қимматлидир.

Асарнинг матни 1592 йили Римда чоп этилган. Лотинча таржимаси 1619 йили Парижда босилган.

Асарнинг қўлёзмалари кўп, лекин чоп қилинмаган. П. А. Жобер (1777–1847 йй.) томонидан қилинган французча тўла таржимаси икки жилдда 1836–1840 йиллари Парижда чоп этилган. Асарнинг бир қисми (6–7-иқлимлари) яқинда Ита-лияда чоп этилган.

Самъоний. Машҳур биограф, тарихчи ва сайёҳ. Тўла исми: Абу Саъид Абулқарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний (1113–1167 йй.)дир. Марвда йирик қонуншунос олим оиласида дунёга келган; Марв, Бухоро ҳамда Самарқандда таҳсил кўрган; 1155–1156 йиллари Мовароуннаҳр ва Хоразмга саёҳат қилган; маълум вақт Нишопур, Исфажон, Бағдод, Ха-лаб, Димишқ ҳамда Қуддуси шариф шаҳарларида ҳаёт ке-чирган.

Самъоний «Китоб ул-ансоб» («Насаблар ҳақида китоб» ёки «Машҳур кишилар ҳақида китоб»)¹ ҳамда 20 жилдли «Марв тарихи» асарларининг муаллифидир. «Марв тарихи» сақланмаган. Фикримизча, бу муҳим асар Чингизхон хуружи вақтида куйиб кетган бўлиши мумкин, чунки ўшанда Марвнинг энг катта ва бой кутубхонаси билан бирга Сомонийлар хонадонига тегишли бўлган икки йирик кутубхона ҳам (Ёкут Ҳамавий Сомонийлар кутубхонасини кўрганлигини айтади) ёниб кетган. Бизнинг замонимизгача олимнинг фақат «Китоб ул-ансоб» асаригина етиб келган.

«Китоб ул-ансоб» Ибн Халлиқоннинг (қ.) маълумотларига кўра, 8 жилддан иборат бўлган. Афсуски, унинг тўла нусхаси сақланмаган, фақат тарихчи ибн ал-Асир (қ.) тарафидан таҳрир этилган 3 жилдли қисқартирилган таҳриригина сақланиб қолган холос. Арабча матни икки марта нашр этилган: бош қисми 1835 йили В. Вюстенфельд томонидан ва тўла равишда 1912 йили профессор Д. С. Марголиус тарафидан чоп этилган. «Китоб ул-ансоб»нинг Байрут нашри ҳам бор.

Асарда алифбо тартибида исломиятдан то муаллифнинг замонигача мусулмон мамлакатларида, кўпроқ Эрон ва Мовароуннаҳрда ўтган машҳур кишилар ҳақида кенг маълумот берилади.

«Китоб ул-ансоб» Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг қадимий тарихи, йирик шаҳарлари, қўшни мамлакатлар, хусусан Хитой билан бўлган савдо ва маданий алоқаларини ўрганишда муҳим манбалардан ҳисобланади.

Ибн ал-Асир. Йирик араб тарихчиси. Тўла исми: Иззуддин Абулҳасан Али ибн Муҳаммад (1160–1234 йй.); кўпинча Ибн ал-Асир номи билан машҳур. Дажла дарёси бўйида жойлашган Жазират ул-Умар шаҳрида катта ер эгаси оиласида туғилган. Умрининг кўп қисмини Мўсул (Шом)да ўтказган ва ўша ерда вафот этган.

¹ Бошқа номи «Муъизз ул-ансоб».

Ибн ал-Асир ўз даврининг кенг маълумотли кишиларидан бўлиб, айниқса илоҳиёт ва тарих фанларини чуқур билган; мусулмон мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилиб, назарий билимини чуқурлаштирган; салбларга қарши муваффақият билан курашган Салоҳиддин Юсуф¹ хизматида ҳам бўлган ва унинг 1188 йили салблар билан урушида иштирок этган.

Ибн ал-Асир бир неча тарихий асар ёзган. «Ал-комил фист-тарих» («Муфассал тарих»), Муҳаммад пайгамбар саҳобалари (издошлари) таржимаи ҳолини ўз ичига олган 5 жилдли «Китоб усд ал-ғаба фи маълумот ас-саҳоба» («Саҳобалар ҳақида маълумот берувчи ўрмон шерлари»; 1863 йили чоп қилинган) шулар жумласидандир. Лекин, Шарқ мамлакатлари халқлари, шунингдек Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганишда унинг биринчи асари — «Ал-комил фит-тарих» алоҳида аҳамият касб этади.

«Ал-комил фи-т-тарих» 12 жилддан иборат бўлиб, дунёнинг «яратилиши»дан то 1231 йилга қадар Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеаларни йилмайил, хронологик тартибда, баён этиб беради. Асарда кўпгина қимматли манбалар, хусусан Табарий ҳамда ас-Салломийнинг² бизгача етиб келмаган «Китоб фи ахбор вулоти Хуросон» («Хуросон ҳукмдорлари ҳақида ахборот берувчи китоб») каби асарлардан кенг фойдаланган.

«Ал-комил фи-т-тарих»нинг биринчи қисми (I–II жилдлари) оламнинг «яратилиши»дан то 931 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олади; мустақил аҳамиятга эга эмас — аввал ўтган олимларнинг (Балазурий, Табарий, Ибн Мисқ-

¹ Салоҳиддин Юсуф ибн Айюб (1171–1193) — Миср устидан ҳукмронлик қилган Айюбийлар сулоласининг (1169–XV аср охири) асосчиси.

² Абулхусайн Али ибн Аҳмад ас-Салломий — X асрда ўтган Ўрта Осиёлик машҳур тарихчи; Сомонийларнинг вазири Абу-бакр Чағоний ва унинг ўғли Абу Алининг хизматида бўлган. Асарида 955 йилгача бўлган воқеалар баён этилган. Ундан айрим парчаларни Ибн ал-Асир, Гардизий, Ибн Мақула ва Авфий асарларида учратиш мумкин.

авайх, ас-Салломий ва б. қ.) асарларига таяниб ёзилган. Лекин бу қисмда ҳам, кўп ҳолларда, асосий манбада (масалан, Табарийда) учрамайдиган муҳим ва қимматли маълумотлар бор. Масалан, 751 йили Талас дарёси бўйида араб ва Ўрта Осиё қўшинлари билан Хитой армияси ўртасида бўлиб ўтган уруш ва унда кўп минглик хитой армиясининг тормор этилиши ҳақидаги маълумот шулар жумласидандир. Ундан ташқари, ас-Салломий ва унинг муҳим тарихий асари ҳақидаги маълумот Ибн ал-Асир туфайли бизгача етиб келган. Асарнинг VII–XII жилдлари мустақил аҳамиятга эга бўлиб, 924–1231 йиллар орасида Шарқ мамлакатларида, шунингдек Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олади ва асосан қўлёзма манбалар, шунингдек тарихни яхши билган кишилар берган ахборот ҳамда муаллифнинг шахсий кузатувлари билан тўпланган аниқ маълумотлар асосида ёзилган.

Асарнинг айниқса мўғуллар истилосига бағишланган XII жилди алоҳида қимматга эга ва Ўрта Осиё ҳамда Шарқ мамлакатларининг XIII асрнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда асосий манба вазифасини ўтайди.

«Ал-комил фи-т-тарих»нинг тўла матни уч марта (1851, 1876 й. ва 1901 йили) чоп этилган. Айрим парчалар рус тилида Н. А. Медников, А. Е. Кримский тарафидан таржима қилинган. Асар Хивада тўла равишда ўзбек тилига Муҳаммад Раҳимхон II (1863–1910) даврида таржима қилинган (таржимонлар: Назрулла муфтий, Муҳаммад Шариф охунд).

Ибн Халлиқон. Тарихчи-биограф олим. Тўла исми: Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Шамсуддин Абулаббос ал-Бармакий ал-Арбийий (1211–1282). Шомнинг Халаб (Алеппо) ва Димишқ шаҳарларида таҳсил кўрган; яна 1238 йили Қоҳирага бориб ўқиган. 1261 йили Димишқда қози калон, сўнгра Қоҳиранинг «ал-Фахрия» ва бошқа мадрасаларида мударрислик қилган. Айни пайтда Қоҳиранинг қози калонига ноиб ҳам бўлган.

Ибн Халлиқон 1256–1274 йиллар орасида «Вафаёт ул-аъён ва анбоъ уз-замон» («Машхур кишиларнинг вафоти ва замондошлар ҳақида хабарлар») номли муҳим биографик асар ёзган. Бизнинг замонимизгача сақланмаган кўпгина кўлёзма асарлар ва олимнинг шахсий кузатувлари натижа-сида тўпланган аниқ маълумот асосида ёзилган мазкур асар-да исломиятдан то муаллифнинг замони-гача ўтган, шунинг-дек, Ибн Халлиқон билан замондош бўлган машхур олим ва адибларнинг таржимаи ҳолини ўз ичига олган муҳим маълумотлар мавжуд. Булар орасида бир талай ўзбекистонлик адиб ҳамда олимлар ҳам бор.

«Вафаёт ул-аъён» ўтган асрда Голландия, Франция, Миср, Эрон ҳамда Туркияда чоп этилган. Асар де Слэн тарафидан инглиз тилида (т. I–IV) 1842–1871 йиллари нашр қилинган.

Шиҳобуддин Муҳаммад Нисовий. XIII асрнинг кўзга кўринган тарихчи олимларидан. Тўла исми: Шиҳобуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ан-Нисовий (1249 йили Халабда вафот этган) Шиҳобуддин Нисовий-нинг отаси хоразмшоҳларнинг эътиборли амирларидан бўлиб, Нисо вилоятига қарашли мустақамланган Хурандиз қалъасининг ҳокими эди. Нисовийлар катта ер эгаси бўлиб, уларга Хурандиздан бошқа Журминий қишлоғи ҳам қарар эди. Отаси вафотидан (1220 й.) кейин унинг мол-мулки ва мансаби Шиҳобуддин Муҳаммадга ўтди. Ўша йили у хоразмшоҳнинг яқинларидан Низомуддин Самъонийни мўғуллар таъқибидан яширгани ва уни эсон-омон Хоразмга ўтказиб юборгани учун хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг ўғли Узлоғшоҳ томонидан иқтоъ тарзида катта ер-сув билан тақдирланган. Шиҳобуддин Муҳаммад Нисовий 1224 йилга қадар Нисо вилоятининг ҳокими Нусратуддин Ҳамзанинг ноиб бўлиб хизмат қилган; Нашжувон (Нисонинг катта қишлоқларидан) ҳамда ал-Халқа (Журжонга қарашли қишлоқ)да мўғуллар билан бўлган жангларда иштирок этган. Сўнг Астробод вилоятларидан Кабуджома (ҳозирги номи Хожилар) ҳокими Имом уд-

давла Нусратуддин Муҳаммад ҳузурига келган ва унинг ёрдами билан яна Нисога қайтишга муваффақ бўлган. Лекин, орадан кўп вақт ўтмай, Нисода ўзаро кураш кучайиб кетганлиги сабабли, у Ироққа кетиб қолади ва 1224 йили султон Жалолиддин Мангубердининг (1220–1231 йй.) хизматига киради ва унинг котиби (котиб ал-иншо) лавозимига тайинланади. Шиҳобуддин Муҳаммад Нисовий шу лавозимда 1231 йилгача, яъни султоннинг ўлимига қадар хизмат қилади. Сўнгра у Диёрбакр вилоятига қарашли Майофаринкин ҳокими Айюбий ал-Малик ал-Музаффар Ғозийнинг (1220–1244 йй.) хизматига киради, бироқ орадан кўп вақт ўтмай қамалиб қолади. Қамоқдан озод этилгандан кейин *Ильдегизийлар*¹ ҳузурига, сўнгра, 1238 йили Харрон (Эрон Озарбайжони) қалъасига ҳоким этиб тайинланади. Охири Халаб (Шом) султони ал-малик ан-Носир Салоҳуддин Юсуф ибн ал-Азизнинг хизматига киради ва умрининг охиригача Халабда истиқомат қилади.

Шиҳобуддин Муҳаммад ан-Нисовий Ўрта Осиё, Ўзбекистон, Кавказ, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг мўғул истилоси давридаги (1220–1231 йй.) ижтимоий-сиёсий аҳволдан баҳс юритувчи «Сират ус-султон Жалолиддин Мангуберди» («Султон Жалолиддин Мангубердининг таржимаи ҳоли») номли қимматли китоб ёзиб қолдирган. Асар 1241 йили Халабда ёзилган.

«Сират ус-султон» эсдалик тарзида ёзилган асар бўлиб, муқаддима ва 108 бобдан иборат.

Асарнинг I–IV бобларида мўғул-татарлар, Чингизхоннинг келиб чиқиши, Чингизнинг хон бўлиб кўтарилиши ва унинг Мўғулистон ва Шимолий Хитойни бўйсундириши масалалари қисқа тарзда баён этилган.

V–XXII боблар хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган.

¹ *Ильдегизийлар* — 928–1042 йиллари Журжон мамлакатини идора қилган сулола.

XXIII бобдан бошлаб китобнинг то охиригача мўғул истилоси ва хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг ўз юртини шармандаларча ташлаб қочиши; султон Жалололдиннинг ҳаёти ва унинг мўғул истилочилари билан олиб борган қаҳрамонона кураши, унинг Озарбайжон ҳамда Ироқдаги фаолияти ва ниҳоят, фожеона ҳалокати ҳикоя қилинади.

«Сират ус-султон»нинг айниқса 1224–1231 йиллар воқеаларини ўз ичига олган боблари ноёб ва муҳим илмий қимматга эга, чунки баён этилмиш воқеаларнинг кўпчилигида муаллифнинг шахсий иштироки кўриниб турибди.

Шиҳобуддин Муҳаммад ан-Нисовийнинг мазкур асари кўпдан бери илм аҳлининг диққат-эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Ундан ўз вақтида ал-Фуватий (1244–1323 йй.), Ибн Халдун, Бадруддин ал-Айний (1451 йили вафот этган) манба сифатида фойдаланганлар. Асар К. Д. Оссон, О. Удас, В. Р. Розен, В. В. Бартольд, Аббос Иқбол, В. И. Беляев, Клод Каэн, Иброҳим Кафес ўғли, Ёсин Умарий, Б. Шпулер, И. П. Петрушевский, З. М. Буниятов ва бошқа кўпгина рус ҳамда чет эллик шарқшунос олимларнинг юксак баҳосига сазовор бўлган.

«Сират ус-султон»нинг арабча матни, французча таржимаси билан бирга, 1891–1895 йиллари Парижда ҳамда 1953 йили Қоҳирада чоп қилинган. Унинг қисқартирилган туркча-усмонлича (таржимонлар: Юсуф Зиё ва Аҳмад Тавҳид) ва форсийча (таржимонлар: Муҳаммад Али Носиҳ ва Мужтаб Миновий) таржималари ҳам мавжуд. Асарнинг туркманлар ва Туркманистоннинг XIII асрдаги ижтимоий-сиёсий аҳволидан ҳикоя қилувчи қисми рус тилида (таржимон С. Л. Волин) нашр этилган. Кейинги йилларда унинг тўла русча нашри (ношир З. М. Буниятов) ҳам амалга оширилди.

Жамол Қарший. XIII–XIV аср бошларида ўтган лексикограф ва тарихчи олим. Ҳақиқий исми: Абулфазл Муҳаммад ибн Умар ибн Холид; кўпинча Жамол Қарший («Қарши» мўғулча «қаср» демакдир) номи билан машҳур бўлган.

У 1230 йили Олмаликда (Ила водийсида; Гулжанинг шимоли-ғарбий тарафида жойлашган йирик ўрта аср шаҳри; йирик савдо ва маданият марказларидан) руҳоний оиласида туғилган. Отаси Олмаликнинг машҳур ҳофизларидан («Куръони карим»ни қироат билан ўқувчи), онаси эса марвлик шайх Абу Алининг авлодидан бўлган.

Жамол Қарший олмалиқлик машҳур шайх Заҳируддин Ашраф ибн Нажиб ал-Косонийдан таълим олади, сўнг Чингизийларга тобе бўлган маҳаллий ҳукмдор турк Суғноқтакин (1250—1253 йиллар орасида вафот этган)нинг хизматига (ўғли Элбўтарнинг тарбиячиси сифатида) киради. Бу ҳол, шунингдек, садр Бурҳонуддиннинг ҳомийлиги туфайли, унинг кейинча юқори лавозимга (девони иншога) кўтарилишига ёрдам берди. 1264 йили Жамол Қарший, бизга маълум бўлмаган сабабларга кўра, истеъфога чиқишга мажбур бўлади ва Кошғарга кетиб қолади. Орадан бир йил ўтгач, 1265 йили, садр Бурҳонуддин ҳам Олмаликдан сургун қилинади ва у ҳам Кошғарга келади. Кошғарда Жамол Қаршийга садрлардан Камолуддин Абу Абдуллоҳ ибн Хусайн ва Саъдуддин ҳомийлик қилдилар. У Кошғарда асосан шеър ёзиш билан машғул бўлди ва садр Саъдуддиннинг таклифи билан 1302 йили ўзининг «Ас-суроҳ мин ас-Саҳоҳ» («Фойдали мулоҳазадан келиб чиққан очиқ гап») номли асарини ёзди.

Жамол Қарший 1269—1294 йиллар орасида Ўрта Осиёнинг кўпгина вилоятлари бўйлаб саёҳат қилган. Масалан, 1269—1270 йиллари Иламиш (Андижондан Таласга борадиган йўл устида жойлашган қадимий шаҳар)да, бир неча бор (1272—1293 йй.) Шошда, 1273 йили Барчинлиқкент ва Жандда бўлган. Олим ана шу саёҳатлар вақтида тўпланган маълумотлардан ўзининг юқорида қайд этилган асарини ёзишда кенг фойдаланган.

Жамол Қаршийнинг мазкур асари Абу Наср Исмоил ибн Ҳаммод ал-Жавҳарий (1008 йили вафот этган)нинг «Ас-саҳоҳ» («Мукаммал (луғат)») номли асарига ёзилган кўшимча бўлиб, кўпинча «Мулҳақот ас-суроҳ» («Ас-суроҳ»га илова») номи

билан машхурдир. Асарда XIII асрда Олмалиқ ва унга қарашли ерларда ҳукмронлик қилган турк ҳукмдорлари; Қорахонийлар, хусусан уларнинг Кошғарда ҳукмронлик қилган намояндалари: Кошғар, Хўтан, Фарғона, Шош вилоятлари, шунингдек, Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган бир қатор йирик ўрта аср шаҳарлари (масалан, Барчинлиғкент, Жанд) ҳақида, Жамол Қарший билан замондош бўлган машхур кишилар (шайхлар, олимлар, шоирлар) ҳақида диққатга сазовор маълумотлар учратамиз.

Умуман, Жамол Қаршийнинг ушбу асари Ўрта ҳамда Марказий Осиё халқларининг XIII асрдаги тарихи, маданияти, йирик шаҳарлари, уларнинг умумий аҳволи ҳамда машхур кишиларини ўрганишда зарур манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

«Мулҳақот ас-суроҳ» ҳозиргача биронта тилга таржима қилинмаган. Қўлёзма нусхалари Санкт-Петербург ва Тошкент шаҳарлари ҳамда хорижий мамлакатларнинг (Англия, Франция, Германия) кутубхоналарида сақланмоқда.

Ибн Арабшоҳ (1389–1450 йй.) — Темур тарихига атаб китоб ёзган тарихшунос олим. Тўлиқ исми-шарифи Шаҳобуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим. 1401 йили Амир Темур Шом (Сурия)ни эгаллагандан кейин у онаси, биродарлари билан бирга, бир гуруҳ шомлик олимлар, меъморлар ҳамда фозил кишилар орасида Самарқандга олиб келинган. Ўша вақтда ибн Арабшоҳ 12 ёшларда эди. У ҳазрат соҳибқироннинг топшириғи билан саройда тарбияланди. Саййид Шариф Муҳаммад Журжоний (1339–1413 йй.) ва Шамсуддин Муҳаммад Жазоирий (1350–1449 йй.)лардан таълим олди; форс, турк ва мўғул тилларини ўрганди. 1403–1436 йиллар ичида кўп мамлакатларга: Хитой, Мўғулистон, Дашти қипчоқ, Қримга борди.

Ибн Арабшоҳ Амир Темурга атаб «Ажойиб ул-мақдур фи тарихи Теймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») деган катта бир китоб ёзган. Асарда муаллиф Самарқандда

саёҳатда бўлган чоғида кўрган ва эшитганлари, замондошларининг ҳикоялари асосида олган таассуротларини ёзади. Лекин, китобнинг кўп жойларида унинг Амир Темурга нисбатан ғарази борлигини сезамиз. Шунга қарамай, асарда Амир Темурнинг феъл-атвори, олижаноб фазилатлари ва фаолиятига холисона ёндашилганини ҳам кўрамиз.

Нима бўлганда ҳам, «Ажойиб ул-мақдур» Темур даврини ўрганишда тадқиқотчи учун керак бўлган асарлар жумласига киради.

«Ажойиб ул-мақдур» жаҳонда кенг тарқалган асарлардан бири. У XVII асрлардан бошлаб лотин, француз, инглиз ва турк тилларига таржима қилиниб, нашр этилган.

Асарнинг нодир бир нусхаси (1492 йили кўчирилган) Дамашқ (Сурия)даги «Аз-Захирия» кутубхонасида сақланмоқда. «Ажойиб ул-мақдур»нинг нашрлари бор. У 1887–88 йили Қоҳирада, кейин Голландияда чоп этилган. Асарнинг тўла ўзбекча нашри 1992 йили У. Уватов (Тошкент) тарафидан амалга оширилган.

4. Форс тилидаги манбалар

Наршаҳий — (тўлиқ исми: Абубакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закариё ибн Хаттоб ибн Шарик (899–959) X асрда ўтган бухоролик йирик тарихчилардан бири. Ҳаёти ва илмий фаолиятига оид маълумотлар йўқ. Юқорида этиб ўтилган Самъонийнинг маълумотларига қараганда, Наршаҳий асли Бухоронинг Наршаҳ (ҳозирги Вобкент ёнида) қишлоғидан.

Наршаҳий Бухоро ва қуйи Зарафшон воҳасида жойлашган шаҳар ва қишлоқларнинг географик ҳолати, аҳолисининг VII–X асрлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётини акс эттирган қимматли тарихий асар муаллифидир. Асар «Тарихи Бухоро» («Бухоро тарихи»), «Тарихи Наршаҳий» («Наршаҳий тарихи»), «Таҳқиқ ул-вилоят» («Бухоро вилоятини таҳқиқ этувчи китоб») номлари билан машҳур бўлиб, 944 йили ёзиб тамомланган.

«Бухоро тарихи»нинг асл нусхаси, яъни Наршаҳий ёзган арабча нусхаси сақланмаган. Асар 1128 йили Фарғонанинг Кува шаҳридан чиққан Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Қубавий тарафидан биринчи бор қисқартириб форс тилига таржима қилинган. Орадан тахминан 50 йил ўтгач, 1178 йили, асар Муҳаммад ибн Зуфар ибн Умар томонидан иккинчи марта таҳрир қилинган. Шуни ҳам айтиш керакки, асарнинг бизнинг замонимизгача етиб келган нусхаларида 1178–1220 йил воқеалари ҳам қисқача баён этилган. Шунга қараганда, Наршаҳийнинг «Бухоро тарихи» учинчи марта номаълум муҳаррир тарафидан таҳрир қилинган бўлиши керак.

«Бухоро тарихи» Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг араблар томонидан босиб олинishi, бу ерда ислом динининг тарқалиши ҳамда мамлакатнинг Сомонийлар ҳукмронлиги йилларидаги тарихини баён этади.

Асарнинг форсийча матни 1892, 1894, 1904 ва 1939 йилларда Париж, Бухоро ва Техронда чоп этилган. Асар рус, инглиз, ва ўзбек тилларига (1897, 1954, 1966 йиллари) ҳам таржима қилинган.

Худуд ал-олам. Форс тилида 982 йили ёзилган биринчи географик асар. Тўла номи: «Худуд ал-олам мин Машриқ ила-л-Мағриб» («Шарқдан ғарбга қараб жойлашган мамлакатларнинг худудлари»). Муаллифи номаълум; Фузгонон (Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган қадимий вилоят) ҳокимлари (Фаруғинийлар)дан бирига атаб ёзилган.

Асарнинг ягона қўлёзма нусхаси машҳур рус шарқшунос олими А. Г. Туманский (1862–1920 йй.) томонидан 1892 йили Бухородан топилган.

«Худуд ал-олам» муқаддима ва 59 бобдан иборат.

Унинг 1–7-бобларида Ернинг тузилиши, денгизлар, ороллар, тоғлар, дарёлар, чўлу биёбонлар ҳамда дунёнинг инсон яшайдиган тўртдан бир қисми (рубъи маскун) ва унда истиқомат қилувчи халқлар; рубъи маскуннинг мамлакат ҳамда

вилоятларга тақсимланиши ҳақида умумий мулоҳаза юритилади.

8–59-бобларда шарқдан ғарбга қараб жойлашган мамлакатлар, уларнинг халқи, ўша мамлакатларда ишлаб чиқариладиган асосий матолар, айрим ўринларда эса савдо-сотиқнинг умумий аҳволи хусусида сўз боради.

«Худуд ал-олам»да Ўрта Осиёнинг шаҳарлари, аҳолиси ва унинг машғулоти ҳақида қимматли маълумотлар учратамиз.

Асарнинг фото матни, кириш ва зарур изоҳлар билан бирга, 1930 йили В. В. Бартольд тарафидан, инглизча таржимаси эса (тадқиқот ва зарур изоҳлар билан бирга) 1937 йили В. Ф. Минорский тарафидан нашр этилган. Унинг форсча матни икки марта (М. Сотудэ ва Саййид Жалолуддин Техроний тарафидан) Эронда чоп этилган. 1983 йили асарнинг тожикча нашри амалга оширилди.

Низомулмулк. XI асрда ўтган йирик тарихчи олим ва давлат арбоби. Ҳақиқий исми: Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ибн Исҳоқ ат-Тусий (1018–1092). Салжуқийлардан Султон Алп Арслон (1063–1072 йй.) ҳамда Султон Маликшоҳ I ларнинг Бош вазири бўлган ва Салжуқийлар давлатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта роль ўйнаган. У салтанатдаги тарқоқликка барҳам бериш, марказий давлат тузумини мустаҳкамлаш, давлатнинг молиявий ишларини тартибга солиш учун кураш олиб борди. Унинг Низомулмулк (мамлакатни тартибга солувчи) деб аталиши ҳам шу сабабдан. Низомулмулк Бағдодда «Низомий» аталмиш мусулмон ҳуқуқ-ақоид мактабига ҳам асос солган. У 1092 йили Исфahондан Бағдодга бораётганда йўлда исмоилийларнинг (Аббосийлар даврида, яъни VIII аср ўрталарида, шиа оқимида шаклланиб, X–XI асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган диний мазҳаб тарафдорлари) жосуси тарафидан ўлдирилган.

Низомулмулк давлатни идора қилиш масалаларига бағишланган «Сиёсатнома» (бошқа номи «Сияр ал-мулк» — «Подшолар ҳаёти») номли асари билан ном қолдирган. Асар 1092

йили ёзиб тамомланган ва муаллиф Бағдодга жўнаш олдидан унинг кўчирилган яхши бир нусхасини султон кутубхонасининг ходимларидан Муҳаммад Мағрибийга (Султон Маликшоҳга топшириш учун) бериб кетган.

Лекин, ўша йили Исмоилийлар Маликшоҳни ҳам ўлдириб кетдилар. Шу сабабдан Муҳаммад Мағрибий Низомулмулкнинг топшириғини бажаролмади. Фақат орадан 13–14 йил ўтгандан кейингина асар Маликшоҳнинг ўғли Фиёсиддин Муҳаммад I (1105–1118 йй.)га топширилди.

«Сиёсатнома» 51 бобдан иборат бўлиб, унда марказий давлат аппаратининг тузилиши ва молиявий ҳисоб-китоб ишлари, кўшиннинг тузилиши, юқори давлат мансаблари ва уларга тайинлаш тартиби, қабул маросимлари ва уларни тайёрлаш ҳамда ўтказиш тартиби, мансабдорларнинг фаолияти устидан назорат қилиш каби умумдавлат масалалари ўртага қўйилган.

Асарда Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихи ҳақида ҳам муҳим ва қимматли маълумотлар бор. Сомонийлар замонида турк ғуломларининг давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, Туркистон хонлари (Қорахонийлар) саройида хизмат қилувчи ходимларнинг маиший аҳволи, Сомонийлар хизматида бўлган амирларнинг унвонлари, Хоразмшоҳ Олтинтош (1017–1032) билан Султон Маҳмуд Фазнавийнинг вазири Аҳмад ибн Ҳасан ўртасидаги ёзишмалар шулар жумласидандир. Асарда, бундан ташқари, карматлар, ботинийлар ҳаракати, Муқанна қўзғолони ҳақида ҳам айрим диққатга сазовор маълумотлар мавжуд.

Машҳур рус шарқшунос олими Б. Д. Заходернинг «Сиёсатнома» устида олиб борган кўп йиллик илмий изланишлари шуни кўрсатдики, асарнинг 43 боби Низомулмулк тарафидан, қолган 8 боби қарийб 20 йилдан кейин уни қайтадан таҳрир қилган олим (номи маълум эмас) томонидан ёзилган.

«Сиёсатнома»нинг форсийча (1931, 1956 йй.), французча (1893 й.), инглизча (1960 й.) ҳамда русча (1949 й.) таржималари мавжуд.

Низоми Арузи Самарқандий. XI асрнинг сўнгги чораги ва XII асрнинг биринчи ярмида ўтган адиб, шоир ва адабиётшунос олим. Ҳаёти ва илмий-адабий фаолиятига оид маълумотлар қуйидагича: ҳақиқий исми: Нажмиддин Аҳмад ибн Умар ибн Али; асли самарқандлик. Отаси бир пайтлар Салжуқий Алп Арслоннинг хизматида бўлган. Низоми Арузи Самарқандий тахминан XI асрнинг 90-йилларида туғилган; 1116–1119 йиллари Султон Санжар (1118–1157 йй.) саройида Нишопурда ҳаёт кечирган, кейинча Ғур ва Бомиён (Афғонистоннинг марказий қисмида жойлашган вилоятлар)да ҳукм юритган Шансабийлар (IX–X асрлар) хизматига кирган ва умрининг охиригача ўша ерда кун кечирган.

Низоми Арузи Самарқандий этик-дидактик мавзуда ёзилган «Мажмуъ ал-ғароиб» («Ажойиботлар мажмуаси») ёки «Чор мақола» номи билан машҳур бўлган асар муаллифидир. Асар 1156–1157 йилларда ёзилган.

«Чор мақола» тўрт қисмдан иборат: 1) дабирлар (котиблар) ва дабирлик ҳунари ҳақида; 2) шеърят илми ва шоирларнинг кадр-қиймати хусусида; 3) сайёралар ҳақидаги илм ва мунажжимлар ҳақида; 4) тибб (медицина) илми ва табибларга панд-насихатлар.

Биринчи қисмда қорахитойлар билан Султон Санжар ўртасида 1141 йилнинг 9 сентябрида Самарқанд атрофида бўлган уруш, Қорахитойлар билан Хоразм, шунингдек, Султон Маҳмуд Ғазнавий билан Мовароуннаҳр ҳукмдори Қорахоний Буғраҳон Муҳаммад (1033–1056 йиллар атрофида вафот этган) ўртасидаги сиёсий муносабатлар, қорахитойлар истилоси арафасида Бухоро садрларининг умумий аҳволи ҳақида қисқа, лекин қимматли маълумотлар келтирилган.

«Чор мақола»нинг иккинчи қисмида ҳам муҳим маълумотларни учратамиз. Машҳур форсийзабон шоирлар Рудакий (тахм. 860–941 йй.), Фарруҳий (1038 йили вафот этган), Фирдавсий (тахминан 940–1020–1030 йиллар ораси)ларнинг ҳаётига оид, шунингдек, Бодҳизнинг табиий ша-

роити, масалан у ерда бўлган 1000 га яқин кориз, узумнинг 120 нави, Қорахонийлар даврида Мовароуннахрнинг адабий ва маданий ҳаётига оид ахборотлар шулар жумласидандир.

Учинчи қисмда Абу Райҳон Беруний ва Умар Ҳайёмнинг (тахм. 1048–1123) ҳаёти (Низоми Арузи Самарқандий у билан яқиндан таниш бўлган) билан боғлиқ маълумотлар берилган.

Тўртинчи қисмда ўзбекистонлик буюк қомусий олим Абу Али ибн Синонинг (980–1037 йй.) Бухоро ва Хоразмдаги илмий фаолияти билан боғлиқ бўлган маълумотларни учратамиз.

Хуллас, Низоми Арузи Самарқандийнинг мазкур асари Ўзбекистоннинг X–XI асрлардаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини ўрганишда маълум аҳамиятга эга бўлган манбалардан бири ҳисобланади.

«Чор мақола»нинг форсийча матни 1910 ва 1955–1957 йилларда эронлик шарқшунос олимлар Мирзо Муҳаммадхон Қазвиний ҳамда Муҳаммад Муъин томонидан чоп қилинган. Асар инглиз (1921 й.) ҳамда рус (1963 й.) тилларига ҳам таржима қилинган.

Мужмал ат-таворих ва қисас. Муаллифи номаълум. Қисқа тарзда ёзилган умумий тарихга оид асар. Қадим замонлардан (исломиятдан аввал ўтган Эрон подшолари замонидан) то ўғузлар тарафидан Султон Санжарнинг асир олиниши (1153 йили) ва Нишопурнинг вайрон этилишигача бўлган давр чқида Эрон ва қисман Осиёда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади. Асар 1153 йилдан кейин ёзилган.

Асарнинг илмий қиммати шундаки, унда туркий халқлар, уларнинг келиб чиқиши ҳақидаги ривоятлар, туркларнинг ватанларидан бири Иссиққўл ҳақида бошқа манбаларда учрамайдиган маълумотлар келтирилган.

«Мужмал ат-таворих»нинг ягона нусхаси Париж Миллий кутубхонасида (қадимий форсий китоблар фонди. Инв №-62) сақланмоқда. Матни 1939 йили эронлик машҳур ада-

биётшунос олим Малик уш-шуаро Баҳор тарафидан чоп этилган.

Гардизий. XI асрнинг биринчи ярмида ўтган йирик тарихшунос олим. Тўла исми: Абу Саъид Абдулҳай ибн Зах-хок ибн Маҳмуд Гардизий. Ғазнига (Афғонистон) тобе бўлган ва унинг шарқий тарафида жойлашган Гардиз қишлоғида туғилган. Ҳаёти ва фаолиятига оид бошқа маълумотга эга эмасмиз.

Гардизий ўз замонида ҳам, кейин ҳам шуҳрат топган тарихчилардан. Унга бунчалик зўр шуҳрат келтирган нарсанинг «Зайн ул-ахбор» («Тарихлар беазаги») номли катта китоби бўлди. Асар 1049–1050 йиллар орасида ёзиб тамомланган ва Ғазнавийлардан Султон Абдурашидга (1049–1053 йй.) тақдим этилган.

«Зайн ул-ахбор» асосан қадим замонлардан (исломиятдан аввал ўтган қадимги Эрон подшолари замонидан то 1041 йилгача, яъни Ғазнавийлардан Султон Мавдуд (1041–1051 йй.) билан Султон Муҳаммад (1030–1031; иккинчи марта 1041 й.) ўртасида, яъни 1041 йили Диноворда бўлган урушгача Хуросонда бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳикоя қилади. Асарда айниқса Хуросоннинг араб истилосидан 1041 йилгача бўлган тарихи бошқа асарларга қараганда кенгроқ ёритилган.

Гардизий мазкур асарини ёзишда юқорида зикр этилган ас-Салломийнинг «Китоб фи ахбор вулоти Хуросон», ал-Жайҳонийнинг «Ажойиб ал-булдон», шунингдек, ибн ал-Асир ҳамда ибн Халлиқон асарларидан ҳам фойдаланган.

«Зайн ул-ахбор» румликларнинг маданияти (дар маърифати румиён), турли халқларнинг диний маросимлари ва йил ҳисоблари, Ўрта Осиёнинг туркий аҳолиси ва Ҳиндистон ҳақида деган боблардан иборат. Асарнинг турли халқларнинг (мусулмонлар, яҳудийлар, христианлар ва б.) диний маросимлари ва йил ҳисоблари ҳамда Ҳиндистон ҳақидаги боблари Абу Райҳон Беруний асарлари, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг туркий аҳолиси ҳақидаги боби эса қисман ибн

Хурдодбеҳ, Жайҳоний ҳамда ибн Муқаффа асарларига таяниб ёзилган.

Гардизийнинг ушбу асари Хуросон ва Ўрта Осиёнинг араблар истилосидан то XI асрнинг ўрталаригача бўлган сиёсий тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутади.

Асарнинг форсча матни эронлик шарқшунос олимлар Мирзо Муҳаммадхон Қазваний (1937 й.), Муҳаммад Нозим (1928 й.) ҳамда Саид Нафисий (1954 й.) томонидан чоп этилган. Тўла нашри 1969 йили Техронда чоп этилди. Унинг туркий халқлар ҳақидаги боби рус тилида В. В. Бартольд томонидан 1900 йили нашр қилинган.

«Зайн ул-ахбор»нинг А. К. Арендс томонидан амалга оширилган рус тилидаги таржимаси 1991 йилда Тошкентда чоп этилди.

Нажмуддин Абу Хафс Насафий. Йирик тарихчи, географ олим, тилшунос ва фақиҳ. Тўла исми: Нажмуддин Абу Хафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Луқмон ан-Насафий (1058–1142 йй.).

Насафий мусулмон қонуншунослигига оид «Манзумот ан-Насафия фи-л-хулофиёт» («Келишмовчиликлар ҳақида ан-Насафийнинг шеърий асари»), «Ақоид ан-Насафий» («(Ислом) ақидаларига ан-Насафий шарҳи») шариат йўл-йўриқлари ва «Қуръон» шарҳига бағишланган «Ал-явоқит фи-л-мавоқит» («Қулай вақтлар хусусида ёқутлар»), «Заллат ал-қорий» («Қориларнинг хатолари ҳақида»), шунингдек тасаввуфга оид «Рисолайи Нажмия» («Нажмуддиннинг рисоласи») каби асарлар муаллифидир.

Лекин, Насафийнинг биз учун энг муҳим асари унинг «Китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд» («Самарқанд тарихи ҳақида қанд китоб») асаридир. У «Китоб ул-қанд фи маърифати уламои Самарқанд» («Самарқанд олимларини таниш борасида қанд китоб») номи билан ҳам машҳур. Мазкур асарда Ўзбекистоннинг исломгача бўлган тарихи, унинг араб истилочилари томонидан босиб олиниши, Самарқанднинг диққатга сазовор осори атиқалари ҳақида маълумот келтирилган.

«Китоб ул-қанд»нинг арабча асл нусхаси бизгача етиб келмаган. Насафийнинг шогирди Абулфазл Муҳаммад ибн Абдужалил ибн Абдумалик ибн Ҳайдар ас-Самарқандий (XII аср) мазкур асарнинг қисқартирилган форсча таҳририни яратган. В. В. Бартольднинг фикрича (Асарлар, VIII жилд, М., 1973, 257-бет.) Абулфазл Муҳаммад ас-Самарқандий «Китоб ул-қанд»нинг форсча таҳририга Абулфазл Муҳаммад ас-Самарқандий ал-Идрисийнинг (1015 йили вафот этган) «Китоб комил ал-маърифат ар-рижол» («Машҳур кишиларни таниш ҳақида мукаммал китоб») номли асаридан ҳам айрим парчаларни олиб киритган. «Китоб ул-қанд»нинг XV аср охири ва XVI аср бошларида Саид Аҳмад ибн Мир Вали қаламига мансуб форсча таҳрири ҳам бор. «Қандияйи хурд» («Кичик қандия») номи билан машҳур бўлган бу асарнинг қўлёзма нусхалари Санкт-Петербург, Тошкент, Душанбе шаҳарларида ҳамда чет эл (Германия, Ҳиндистон, Саудия Арабистони) кутубхоналарида сақланмоқда.

«Қандияйи хурд» бир неча марта тошбосма усулида Самарқанд (1909 й.), Тошкент ва Техронда (1955 й.) чоп этилган; бир қисми В. Л. Вяткин (1869–1932 йй.) тарафидан рус тилига таржима қилинган ва 1906 йили нашр этилган.

Фаҳруддин Муборакшоҳ Марваррудий. XII асрнинг иккинчи ярми ва XIII аср бошларида ўтган тарихчи олим. Тўла исми: Фаҳруддин Муҳаммад ибн Мансур Марваррудий; кўпинча Фаҳруддин Муборакшоҳ ва Фаҳр мудир номлари билан машҳур бўлган. Таржимаи ҳолига оид маълумотлар жуда кам. Фаҳруддин Муборакшоҳнинг ўзи китобининг дебочасида, шунингдек, ибн ал-Асир ва «Ҳафт иқлим» муаллифи Амин Аҳмад Розий келтирган маълумотларга қараганда, отаси ҳам, ўзи ҳам, Фурийлардан¹ Шаҳобиддин (ёки Муъиззуддин) Муҳаммад (1173–1206 йй.) саройида хизмат қилган ва ўз замонасининг кенг маълумот-

¹ **Фурийлар** — 1000–1215 йиллари Хуросоннинг шарқий қисми, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган сулола.

ли кишиларидан (аз жумлайи уламои зу фунун) ҳисобланганлар.

Фахруддин Муборакшоҳ Марваррудий 1206 йили ўзининг машҳур «Тарихи Муборакшоҳ» («Муборакшоҳ тарихи») асарини ёзиб тамомлади ва Лоҳурда Фиёсиддин Маҳмудга тақдим этиб, унинг эътиборини қозонган. Асар, муаллифнинг сўзларига қараганда, 13 йил ичида тамомланган.

«Тарихи Муборакшоҳ» 136 қисм (шажара)дан иборат бўлиб, унда Муҳаммад пайғамбар, хулафайи Рошидин (Абубакр, Умар, Усмон, Али), ансорлар¹, муҳожир саҳобалар², гассанийлар, яъни Сурия ҳукмдорлари, Яман подшолари, жоҳилият замонида, яъни исломиятдан аввал ўтган шоирлар, саҳобалар орасидан чиққан шоирлар, Ажам подшолари (Пешдодийлар, Кайёнийлар, Ашконийлар, Сосонийлар), Уммавийлар, Аббосийлар, Тоҳирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар, Ғазнавийлар ва ниҳоят Ғурийлар тарихи баён этилган.

Асарнинг биз учун қиммати шундаки, унда Туркистоннинг сарҳадлари ва Туркистонда ишлаб чиқариладиган мол ва матолар, уларнинг хорижий мамлакатларда эътибор қозонган навлари, турк қабилалари ва уруғлари, уларнинг тили ва маданияти (ёзувлари, урф-одатлари) ҳақида бой далилий маълумотлар келтирилади.

«Тарихи Муборакшоҳ»нинг ягона қўлёзма нусхаси Англия (Бодлеян кутубхонаси)да сақланмоқда. Унинг Ғурийлар ва туркий халқлар тарихига оид қисми (матни) машҳур инглиз шарқшуноси Е. Денисов Росс томонидан 1927 йили чоп қилинган.

Абулфазл Байҳақий. XI асрда ўтган йирик тарихчи олим. Тўла исми: Абулфазл Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ал-котиб

¹ Ансорлар — ёрдамчи, сафдош; Муҳаммад пайғамбар 622 йили Маккадан Мадинага кўчиб кетишга мажбур бўлганда уни қўллаб-қувватлаган Авс ва Ҳазраж қабилаларининг аъзолари.

² Саҳобалар — ҳамроҳлар, дўстлар. Муҳаммад пайғамбарнинг ҳамроҳлари, яқин дўстлари.

ал-Байҳақий. Байҳақий 995 йили Нишопур вилоятига қарашли Ҳарисобод қишлоғида бадавлат мансабдор оиласида туғилди; асосан Нишопурда ўқиб балоғатга етди. Абулфазл Байҳақий тахминан 1021 йили Ҳазнавийлар давлатининг девони расоили (хорижий мамлакатлар билан алоқа юритувчи маҳкамаси)га дабирлик мансабига қабул қилинди ва вазир Абу Наср Мишкон раҳбарлигида 19 йил ўша мансабда хизмат қилди. Абу Наср Мишкон вафотидан (1039 йил) кейин Абулфазл Байҳақий унинг ўрнига девон бошлиғи этиб тайинланди. Султон Масъуд ўлдирилгандан (1041 йили) сўнг у сарой хизматидан четлатилди ва фақат Султон Абдурашид ҳокимият тепасига келгандан (1050 йили) кейингина яна ўз ўрнига тикланди. Абулфазл Байҳақий бу лавозимда 1059 йилгача, яъни Султон Фаррухзод (1053–1059 йй.) салтанатининг охиригача хизмат қилди, сўнг истеъфога чиқиб, фақат илмий фаолият билан машғул бўлди. Олим 1077 йили вафот этган.

Абулфазл Байҳақий «Зийнат ул-китоб» («Китоблар зийнати»), «Тарихи Оли Маҳмуд» («Султон Маҳмуд хонадонининг тарихи»), ёки «Жомеъ фи тарихи Оли Сабуқтакин» («Сабуқтакин хонадони тарихидан ҳикоялар мажмуъаси») номли асарлари билан машҳур. «Тарихи Байҳақ» («Байҳақ [округининг] тарихи») асари муаллифи Абулҳасан Али Байҳақийнинг (XII асрнинг иккинчи ярмида ўтган ва кўпинча ибн Фундуқ номи билан машҳур бўлган олим) маълумотларига қараганда, Абулфазл Байҳақийнинг «Тарихи Оли Маҳмуд» асари 30 жилддан иборат бўлган. Лекин бизгача унинг фақат кичик бир қисми (6-жилднинг иккинчи қисми, 7, 8, 9 жилдлари ҳамда 10-жилднинг бир қисми) етиб келган холос. Бу қисмлар Султон Масъуд (1030–1041) ҳукмронлиги даври тарихини ўз ичига олган ва «Тарихи Масъудий» номи билан ҳам маълум.

«Тарихи Масъудий» муаллиф ўзи кўрган ва ишончли кишилардан эшитган маълумотлар, шунингдек, ҳукумат маҳкамаларида сақланаётган расмий ҳужжатлар асосида ёзилган. Асар далилий маълумотларга бойлиги, воқеаларнинг чуқур

ва атрофлича баён этилиши ва ниҳоят, зўр бадиий маҳорат билан ёзилганлиги билан бошқа тарихий асарлардан фарқ қилади.

Асарда Султон Масъуд даврида Фазнавийлар салтанатининг ижтимоий-сиёсий аҳволига кенг ўрин берилган. Бундан ташқари, асарда Саффорийлар, Сомонийлар, Салжуқийлар тарихига оид муҳим маълумотлар ҳам бор. Айниқса, Фазнавийлар билан Хоразм, Салжуқийлар ҳамда Қорахонийлар давлати ўртасида бўлган сиёсий муносабатлар ҳақида қимматли маълумотлар кўп.

«Тарихи Маъсудий»нинг форсийча матни У. Морлей (Калькутта, 1861 й.), Аҳмад Пешаворий (Техрон, 1886 й.), Саид Нафисий (Техрон, 1941–1954 йй.), Фани ва Файёз (Техрон, 1945 й.) томонидан чоп қилинган. Ундан айрим парчалар рус тилида нашр қилинган. Баъзи маълумотларга кўра, «Тарихи Маъсудий» Яхё Ҳашшоб ҳамда Содик Нишот тарафидан араб тилига таржима қилиниб, Қоҳирада чоп этилган. Асарнинг тўла русча таржимаси, тадқиқот ва зарур изоҳлар билан, атоқли шарқшунос олим А. К. Арендс томонидан чоп этилди (Тошкент, 1962 й., Москва, 1969 й.).

Авфий. Саъдуддин Муҳаммад Авфий XII асрнинг сўнгги чораги ва XIII асрнинг биринчи ярмида ўтган адиб, таржимон ва тазкиранавис олим. 1172–1177 йиллар орасида Бухорода туғилган. Асосий маълумотни она шаҳрида олган ва 1201 йили Самарқанд ҳокими Қорахоний Иброҳим IV ибн Ҳусайн (1178–1204 йй.) саройига таклиф этилган. Авфий бу ерда кўпгина фозил кишилар, жумладан шайх Нажмуддин Кубро (1221 йили Урганчда мўғуллар қирғини вақтида ҳалок бўлган) ҳамда шайх Мажиддин Бағдодий (1216 йили хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг амри билан қатл этилган) билан учраган.

Авфий 1205 йилдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хуросон бўйлаб кўп саёҳат қилган. Ўшанда у дастлаб Нисо, Марв, Тус, Ҳирот ва Сеистонда бўлади. У Нишопурда ҳам бўлиб, Хуросоннинг етук арабийнавис ва форсийнавис шоирлари билан яқиндан танишади. Хуллас, олим Хуросон ша-

ҳарлари бўйлаб қилган саёҳати вақтида бўлажак тазкираси учун маълумотлар тўплайди.

Авфий мўғуллар истилоси арафасида Ҳиндистон сафарига отланади. Фазнага етганда Чингизхон (1206–1227 йй.) бошлиқ мўғул қўшинларининг Ўрта Осиёга бостириб киргани ҳақида хабар тарқалади. Авфий Хуросон ва Моваруннаҳрдан келган қочоқларга қўшилиб (булар ичида олимлар ва шоирлар ҳам кўп эди), Ҳиндистонга жўнайди ва 1222 йили Уч вилояти (Панжоб)га келиб, бу ернинг ҳокими Носируддин Қабочанинг (1205–1227 йй.) хизматига киради. Орадан кўп вақт ўтмай, Авфий Гужоратга қози қилиб тайинланади. У 1227 йили Деҳлига кўчиб келиб, Султон Шамсуддин Элтутмишнинг¹ хизматига киради ва умрининг охиригача шу ерда кун кечиради.

Нуриддин Муҳаммад Авфий Учда турган вақтида ўзининг «Лубоб ал-албоб» («Қалблар қалби») номли асарини ёзди, Гужоратда эса арабийнавис олим қози Муҳсин Танухийнинг (940–994 йй.) «Ал-фараж баъд аш-шиддат» («Офатдан сўнгги овуниш», 984 йили ёзилган) номли асарини араб тилидан форс тилига таржима қилди. «Жавомий ул-ҳикоят ва лавомий ар-ривоят» («Ҳикоялар мажмуаси ва ривоятлар шуъласи») асарини ҳам ўша ерда ёза бошлади.

«Лубоб ул-албоб» (1222–1223 йиллари ёзилган) антология бўлиб, унда Ўрта Осиё, Ўзбекистон, Хуросон, Ироқ, Озарбайжон, Фазна ҳамда Фарбий Ҳиндистонда X–XII асрларда яшаб ижод этган 299 шоир ва адиб ҳақида умумий маълумот берилади. Асар Уч вилоятининг ҳокими Разиуддин Абубакрнинг топшириғи билан ёзилган.

«Лубоб ул-албоб»нинг форсийча матни 1903 ва 1906 йиллари Э. Г. Браун ва Мирза Муҳаммадхон Қазвиний тарафидан чоп этилган.

¹ Шамсуддин Элтутмиш — (1211–1236 йй.) — XIII асрда Шимолий Ҳиндистонни идора қилган Муъизийлар сулоласидан.

Авфийнинг яна бир муҳим асари юқорида тилга олинган «Жавомий ул-ҳикоят»дир; 1227–1236 йиллар орасида ёзилган.

Мазкур асар тўрт қисмга (ҳар бир қисм ўз навбатида 25 бобдан иборат) бўлинган бўлиб, Ҳиндистон, Эрон, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига оид 2113 та тарихий латифадан иборат. Биз учун унинг айниқса тўртинчи қисми алоҳида қиммат касб этади. Бу қисмда Ўрта Осиёнинг қадимий туркий халқлари ва Бухоро садрлари ҳақида муҳим маълумотлар бор.

«Жавомий ул-ҳикоят» чоп қилинмаган. Асар XV–XVI асрларда уч марта туркча-усмонличага (таржимонлар: ибн Арабшоҳ, Нажотий, Солиҳ ибн Жалол), айрим қисмлари эса ўзбек тилига (таржимонлар: И. Низомутдинов, Т. Файзиев) таржима қилинган. Шу ўринда покистонлик шарқшунос олим, профессор Муҳаммад Низомуддиннинг мазкур асар ҳақида ёзган махсус мақоласини ҳам эслатиб ўтиш зарур.

Жувайний. XIII асрда ўтган йирик тарихшунос олим ва давлат арбоби. Тўла исми: Алоуддин Отамалик ибн Баҳоуддин Муҳаммад ал-Жувайний. У 1226 йили Жувайн ҳудуди (Фарбий Хуросон)га қарашли Озодвор қишлоғида бадавлат ва нуфузли сиёсий арбоб оиласида туғилган. Отаси Баҳоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг Хуросондаги ноиби бўлган; мўғуллар хуружи вақтида Султон Жалолуддин билан бирга уларга қарши жангларда қатнашган. Мўғуллар Нишопурни ишғол қилгач (1221 йили), Баҳоуддин Муҳаммад Тусга қочиб борди ва унинг мустақкам қалъаларидан бирига яширинди. Лекин қалъа ҳокими уни бандга олиб мўғул лашкарбошиларидан Қулбўлотга топширди. Қулбўлот унинг маълумотли ва истеъдодли шахс эканлигини англаб, уни тирик қолдирди. Кейинча Баҳоуддин Муҳаммад мўғуллар хизматида қабул қилинди ва то зафоти (1258 й.)га қадар Хуросондаги мўғул ҳокимлари: Ўинтемур, Киркўз, Арғун оға ҳузурида соҳиб девонлик заифасида турди.

Баҳоуддин Муҳаммаддан икки ўғил қолди. Тўнғичи Шамсуддин Муҳаммад 1262–1283 йиллари Эрондаги мўғул ҳукмдорлари (Элхонлар) дан Ҳалокухон (1256–1265 йй.) ҳамда Абақхон (1265–1282 йй.)нинг вазири (соҳиб девон) бўлган ва мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта роль ўйнаган.

Баҳоуддин Муҳаммаднинг кенжа ўғли Алоуддин ёшлигидан яхши ўқиди; араб, форс, кейинчалик мўғул ва уйғур тилларини мукаммал ўрганди, ўрта аср фанининг бир талай соҳаларини пухта эгаллади. У ёшлигидаёқ мўғул ҳукмдорлари хизматига қабул қилинди ва Киркўз ҳамда Арғун оғанинг девонида хизмат қилди. Алоуддин Отамалик Жувайний Арғун оға билан бирга уч марта (1246–47, 1249–51, 1252–53 йиллари) Мўғулистонга (Қорақурумга) борди. У 1256 йилнинг бошларида Ҳалокухоннинг буйруғи билан Исмоилийлар ҳукмдори Рукнуддин Ҳуршоҳ ҳузурига Маймандуз қалъасига элчи бўлиб борди ва унга қаршилик кўрсатмай таслим бўлиш ҳақидаги талабномани топширди. Жувайний Маймандузни мўғул қўшинлари томонидан ишғол қилиш чоғида Исмоилийларнинг бой кутубхонасини талон-торождан сақлаб қолди.

Алоуддин Отамалик Жувайний 1259 йили Ироқ ва Хузистонга ҳоким (малик) қилиб тайинланди. Ўшанда у Бағдод ва унинг атрофидаги жойларни обод қилди. Тарихчи Вассофнинг (XIII аср охири — XIV асрнинг биринчи ярми) маълумотларига қараганда, у катта маблағ (10000 олтин динор) сарфлаб Фрот дарёсидан Куфа ва Нажафга сув олиб келган. Жувайний бу лавозимда 20 йилдан ортиқ турди. 1271 йили рақиблари қози саййид Тожиддин Али ибн Муҳаммад («Китоб ал-фаҳрий» муаллифи Абу Жаъфар Жалолуддин Аҳмаднинг отаси) бошчилигида унга қарши зимдан кураш бошладилар. Оқибатда улар Жувайнийни мансабини суистеъмол қилиб, хазинанинг бир қисмини ўзлаштирганликда айбладилар. Жувайний одам ёллаб қози Тожиддин Алини ўлдиртирди, лекин бу билан мухолифларнинг таъқибидан қутулиб қололмади. Ўша йилнинг ўзи-

да Абақохон Бағдод девонини тафтиш қилиш учун одам юборди. Тафтиш натижасида 250 туман (бир туман 10000 кумуш динорга тенг бўлган) камомад борлиги аниқланди. Жувайний қамаб қўйилди ва камомад ундириб олингандан кейин ҳибсдан озод қилинди ва ўз мансабига тикланди. Орадан 10 йил ўтгач, 1281 йили, Тожуддин исмли бир шахс уни яна хазинага «қўл чўзишда» ва яширинча Миср билан алоқа боғлаганликда айблади. Бағдоднинг молиявий хўжалиги яна тафтиш қилинди ва 300 туман камомад борлиги аниқланди. Жувайний яна ҳибсга олинди, лекин камомадни тўлашга сўз бергани учун қамоқдан озод қилинди. Лекин, бутун ер-сув ва қимматбаҳо буюмларини сотса ҳам камомаднинг фақат 170 туманини қоплади, холос. Жувайний яна қамоққа олинди; уни қийноққа солдилар, Бағдод кўчалари бўйлаб яланғоч қилиб олиб ўтдилар. Жувайний Тўқудар Аҳмад даври (1282–1284 йй.)да оғасининг ёрдами билан ҳибсдан озод этилди, мусодара қилинган молу мулки қайтариб берилди. Лекин, орадан кўп вақт ўтмай, шаҳзода Арғун Бағдод девонини қайтадан тафтиш қилиш ва Жувайнийнинг мол-мулкани мусодара қилишни буюрди. Ўша вақтда Жувайний Аррон (Озарбайжон)да эди. Бу хабар фожеага олиб келди — 1283 йили Жувайнийнинг юраги ёрилиб вафот этди.

Алоуддин Отамалик Жувайний Мўғулистон, Ўрта Осиё, Ўзбекистон ҳамда Эроннинг XIII асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихидан ҳикоя қилувчи «Тарихи жаҳонкушой» («Жаҳонгир [Чингизхон] тарихи») номли шоҳ асари билан шуҳрат топди. Асар 1260 йили ёзиб тамомланган.

«Тарихи жаҳонкушой» уч қисмдан иборат: 1) мўғуллар; уларнинг Чингизхон давридаги истилочилик юришларидан то Гуюкхон (1246–1249) давригача, шунингдек, Жўчи-хон, Чигатойхон ва авлодларининг тарихи; 2) Хоразмшоҳлар ва Хуросоннинг мўғул ҳукмдорлари давридаги (1258 йилгача) тарихи; 3) Эроннинг 1256–1258 йиллардаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, шунингдек, Исмоилийларнинг диний-ҳарбий уюшмаси ва Исмоилийлар давлати (1090–

1258 йй.) тарихи. Исмоилийлар тарихи Маймандуздаги кутубхонадан топилган асарлар, хусусан Исмоилийларнинг кўзга кўринган намояндаларидан Ҳасан Сабоҳнинг (тахминан 1055–1124) ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Саргузашти саййидно» («Саййидимизнинг саргузаштлари») номли китоб асосида ёзилган.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихи учун «Тарихи жаҳонкушой»нинг I–II қисмлари алоҳида қимматга эга. Асарнинг Хоразм ва хоразмшоҳлар тарихига оид қисми (II қисм) Абулҳасан Байҳақийнинг (1099–1170 йй.) бизгача етиб келмаган «Машориб ат-тажориб ва ғавориб ал-ғароиб» («Имтиҳонни салқинлатиш жойи ва ажойиб нарсалар»нинг юқори даражаси), Фахриддин Розийнинг (1210 йили вафот этган) «Жавомеъ ул-улум» («Илмлар мажмуаси») китоблари асосида ёзилган. Мовароуннаҳр ва Шарқий Туркистон тарихи, шунингдек, Мўғулистон ҳақидаги хабарлар асосан муаллифнинг бу мамлакатларга қилган саёҳатлари вақтида тўпланган маълумотлар асосида ёзилган.

«Тарихи жаҳонкушой»нинг форсийча матни Мирзо Муҳаммадхон Казвиний (1912, 1916, 1937 йй.) тарафидан нашр этилган. Айрим қисмларининг матни Дефремери, Шефер, Хаустсма, Залеман, Бартольд тарафидан, таржимаси эса Д. Оссон, Эллиот, Тизенгаузен ва Волин тарафидан чоп қилинган. Асарнинг инглизча (тўла) ва туркча-усмонлича (1-жилди) таржималари ҳам бор.

Рашидуддин. Эронлик машҳур қомусий олим: тарихчи, тилшунос, табиб ва йирик давлат арбоби. Тўлиқ исми: Рашидуддин Фазлуллоҳ ибн Имодуддавла Абулхайр ал-Ҳамадоний.

Рашидуддиннинг ота-боболари ҳам ўз замонининг ўқимишли кишиларидан бўлганлар. Масалан, бобоси дастлаб йирик қомусий олим Носируддин Тусий (1201–1274 йй.) билан биргаликда Аламут қалъасида¹ Исмоилийлар

¹ Аламут қалъаси — Қазвиннинг шимоли-ғарбий тарафида, Эльбурс тоғида жойлашган мустаҳкам қалъа; Исмоилийларнинг муҳим қароргоҳларидан.

хизматида бўлган, сўнг мўғуллар тарафига ўтиб кетган. Ота-си Имоуддавла Абулхайр ўрта ҳол киши бўлиб, Ҳамадонда табибчилик билан кун кечирган; кейинчалик Элхонийлар саройига таклиф қилиниб, у ерда ҳам ўз касби билан шуғулланган.

Рашидуддин 1247 йили Ҳамадонда туғилган. Ёшлигидан яхши ўқиб, ота касбидан ташқари, кўпгина илмларни илоҳиёт, табиий фанлар, мумтоз адабиёт, тарих, география ва бошқа фанларни пухта эгаллаган.

Рашидуддин Элхон Абақохон (1265–1282 йй.) даврида унинг шахсий табиби бўлиб хизмат қилган; кейинча, Фозонхон (1295–1304 йй.) ва Ўлжойтухон (1304–1317 йй.)ларнинг вазири бўлган. Мазкур хонларнинг ҳомийлиги, айниқса ўзининг тадбиркорлиги (давлатнинг молиявий муассасаси тамоман унинг қўлида эди) орқасида Рашидуддин вазирлик йиллари (1298–1317 йй.) ўз даврининг энг бадавлат ва нуфузли кишиларидан бирига айланди. Ҳалоқуийлар давлатининг турли вилоятларида унинг 80000 гектар ҳосилдор ер-суви, боғлари, ўнлаб ҳаммомлари, карвонсаройлари, ҳунармандчилик ва савдо дўконлари, яйловларда эса 250000 қўйи, 30000 йилқиси, 10000 туяси бўлган. Рашидуддиннинг шахсий бойлиги, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришига қараганда, 35000000 динорга тенг бўлган. Яна шуни ҳам айтиш керакки, унинг кўп сонли ўғиллари (16 нафар) Бағдод, Рум, Гуржистон, Ардабил, Исфаҳон, Форс, Ҳузистон, Кирмон ва Домғон вилоятларининг ҳокими эдилар.

Рашидуддин феодал тарқоқлик ва айиирмачилик тарафдори бўлган кўчманчи турк — мўғул катта ер эгаларидан фарқли ўлароқ, ўтроқлик ҳамда марказий давлат муассасасини мустаҳкамлаш тарафдори эди. Унинг Фозонхон даврида ўтказган маъмурий ва молиявий ислохотлари шунга қаратилганди. Охири Рашидуддин элхонийлар саройида ҳукм сурган фитна қурбони бўлди. Эндигина тахтга ўтқизилган Абу Саъидхон (1317–1335 йй.) Рашидуддинни саройдан четлаштирди. Орадан бир йил ўтгач, у Ўлжойтухонни за-

ҳарлаб ўлдиришда айбланиб, 1318 йилнинг 18 июлида қатл этилди, барча мол-мулки эса мусодара қилинди. Ўшанда унинг Табриздаги бой кутубхонаси (унда қарийб 600000 жилддан иборат китоб тўпланган эди) ҳам талон-торож қилинди.

Рашидуддин тарихда ўзининг йирик асарлари билан ҳам ном қолдирди. Илоҳиёт илмининг айрим масалаларига бағишланган «Ал-мажмуот ар-Рашидия» («Рашидуддиннинг мажмуалари»), табиётга оид «Ал-осор ва-л-ихйа» («Тирик нарсаларнинг қолдиқлари»), «Баён ал-ҳақоик» («Ҳақиқатлар баёни»), қурилиш масалаларига бағишланган «Асьила ва ажиба» («Ажиб ва асил нарсалар») ва ниҳоят, жаҳон тарихини ўз ичига олган «Жоме ут-таворих» («Тарихлар мажмуаси») унинг қаламига мансуб асарлар жумласидандир.

Олимнинг бизнинг замонамизгача тўла тарзда етиб келган бирдан-бир асари ана шу «Жоме ут-таворих» бўлиб, у ўрта аср тарихшунослигининг ўзига хос ноёб асари ҳисобланади. «Жоме ут-таворих» ўрта аср Шарқ тарихчилигида янги анъанани бошлаб берган асар. Маълумки, Рашидуддиндан аввал ўтган, шунингдек, ундан кейинги даврларда яшаб ижод этган тарихчиларнинг кўпчилиги умумий тарих деганда фақат мусулмон мамлакатларининг тарихини тушунганлар. Рашидуддин эса, улардан фарқли ўлароқ, умумий тарих деганда, Шарқ мамлакатлари билан бир қаторда, Фарб мамлакатлари, Хитой ҳамда Ҳиндистон тарихини ҳам назарда тутди; Шарқ мамлакатлари тарихини жаҳон тарихининг бир қисми, деб ҳисоблади.

«Жоме ут-таворих» 1301–1311 йиллар орасида Ҳозонхоннинг топшириғи билан ёзилган. Асар уч қисмдан иборат: 1) мўғуллар ва улар асос солган давлатлар (Улуғ юрт, яъни Мўғулистон; Элхонийлар давлати ҳамда мўғуллар асоратига тушиб қолган мамлакатлар; Шимолий Хитой, Ўрта Осиё ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқ мамлакатлари халқларининг мўғул истилосигача бўлган қисқача тарихи; 2) Шарқ

мамлакатлари халқларининг исломиятдан аввалги тарихи; Араб халифалиги ва унинг таркибида ташкил топган давлатлар (Ғазнавийлар империяси, Салжуқийлар давлати, Хоразмшоҳлар давлати ва б.); Хитой, қадимги яҳудийлар, франклар, Рим империяси ва Ҳиндистон тарихи; 3) Ер курраси ҳамда етти иқлим мамлакатларининг географик ҳолати. Афсуски, асарнинг сўнгги, учинчи қисми сақланмаган. Қўлёзма 1318 йили Рашидиддиннинг шахсий кутубхонаси талон-торож қилинган вақтларда йўқолган бўлиши мумкин.

Мазкур асар, айниқса унинг турк ва мўғул халқларининг Чингизхонга қадар кечган тарихи Маҳмуд Қошғарий ва Алоуддин Отамалик Жувайнийларнинг юқорида этилган асарлари, Элхонийларнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган «Олтин дафтар» (Чингизхон ва унинг ота-боболари тарихи), шунингдек, турк-мўғул халқлари тарихи ва ривоятларини яхши билган кишилар (Пўлод Чжен-сян, Ғозонхон ва б.)нинг оғзаки ахборотлари; Ғарб мамлакатлари, Хитой ва Ҳиндистон халқлари тарихига оид қисмлари эса ўша вақтларда Эронга келиб қолган франциялик икки католик роҳиб, икки хитойлик олим ва кашмирлик роҳибнинг иштирокида ёзилган. Тўпланган маълумотларни тартибга солиш ишларини муаллифнинг ёрдамчилари Абдулла Кошоний ҳамда Аҳмад Бухорийлар бажарганлар.

«Жоме ут-таворих»нинг айниқса турк-мўғул халқлари тарихини ўз ичига олган қисми Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Асарнинг Ўрта Осиё, Эрон ва Кавказ орти халқларининг XIII аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид қисмлари ҳам бениҳоят қимматлидир.

Асарнинг айрим қисмлари Катрмер (1836 й.), Блошэ (1911 й.), К. Ян (1941 й.), И. Н. Березин (1858–1888 йй.) тарафидан рус, француз ҳамда немис тилларига таржима қилинган ва форсча матни, сўз боши билан чоп қилинган. Унинг эски ўзбек тилига қилинган иккита таржимаси ҳам бор. Улардан

бири Шайбонийлардан Кўчкинчихоннинг (1510–1530 йй.) топшириғи билан Муҳаммад Али ибн Дарвиш Али Бухорий томонидан қилинган ва муқаддима ҳамда уч жилддан иборат (қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда), иккинчи нусха эса 1556 йили Нисо шаҳрида Солур бобо ибн Қул Али тарафидан Урганч ҳокими Али султоннинг (1572 йили вафот этган) буйруғи билан қилинган ўзбекча таржима бўлиб, қўлёзма нусхаси Ашгабадда Туркменистон Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт институтида сақланади.

«Жоме ут-таворих»нинг тўла русча таржимаси (7 нафар мўътабар нусха асосида) 1946–1960 йиллари Санкт-Петербургда амалга оширилди. I жилд (икки китобдан иборат) турк-мўғул халқлари, Чингизхон ва ота-боболарининг тарихини, II жилд Чингизхон ва унинг улуғ авлоди: Ўгадайхон, Тулуйхон, Жўчихон, Чигатойхон, Гуюкхон, Мангухон, Хубилайхон ва Темурхон тарихини, III жилд Элхонийлар (Халокухон, Абақохон, Султон Аҳмад Тўқудар, Арғунхон, Кайхотухон, Фозонхон) тарихини ўз ичига олади. Асардан айрим парчалар (рус тилида) В. Г. Тизенгаузен тарафидан чоп қилинган.

Ҳамдуллоҳ Қазвиний. XIII асрнинг сўнгги чораги ва XIV асрнинг биринчи ярмида ўтган йирик географ ва тарихшунос олим; давлат арбоби. Тўла исми: Ҳамдуллоҳ ибн Абубакр ибн Аҳмад ибн Наср Муставфийи Қазвиний; асли араб; 1281 йили Қазвин (Эрон Озарбайжони)да туғилган.

Ҳамдуллоҳ Қазвиний юқорида номи зикр этилган Рашидуддин даврида Қазвин, Абҳар ва Занжон вилоятларининг молия ишларини бошқарган. Рашидуддин қатл этилгандан сўнг, унинг ўғли Фиёсуддин Муҳаммад (1327–1336 йиллари Элхоний Абу Саъиднинг вазири бўлган)нинг хизматида бўлган. Ҳамдуллоҳ Қазвиний 1350 йили вафот этган.

Ҳамдуллоҳ Қазвиний «Зафарнома», «Тарихи гузида» ҳамда «Нузхат ул-қулуб» номли асарлар муаллифидир.

«Тарихи гузида» («Сайланган тарих») умумий тарих йўналишида ёзилган асар бўлиб, унда қадим замонлардан то 1330 йилгача Эрон ва қисман, Ўрта Осиёда бўлиб ўтган воқеалар баён этилган. Асар Ҳамдуллоҳ Қазвиний вафотидан кейин ўғли Зайнуддин томонидан давом эттирилган ва унга 1392 йилгача Эронда бўлиб ўтган воқеалар қўшилган. «Тарихи гузида»нинг асосий қисми хожи Фиёсуддин Муҳаммадга бағишланган ва 1330 йили ёзиб тамомланган. Асар муқаддима (фотиҳа) ва олти бобдан иборат: 1) пайғамбарлар ва авлиёлар; 2) исломиятдан аввал ўтган Эрон подшолари; 3) Муҳаммад пайғамбар, халифайи Рошидин, Умавийлар ва Аббосийлар тарихи; 4) Аббосийлар даврида Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган сулолалар: (Саффорийлар, Сомонийлар, Ғазнавийлар, Ғурийлар, Дайлабийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, мўғуллар ва б.); 5) исломият даврида ўтган шайхлар, олимлар ва шоирлар; 6) Қазвин шаҳрининг тарихи.

«Тарихи гузида» Эрон, Ўрта Осиё ҳамда Ўзбекистоннинг XIII–XIV асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Асар 1910 йили машҳур инглиз шарқшунос олими Э. Г. Браун тарафидан (матни ва қисқартирилган инглизча таржимаси) ҳамда 1960 йили эронлик шарқшунос Абулхусайн Навоий тарафидан (матни), айрим парчалар В. Г. Тизенгаузен томонидан (русча таржимаси) нашр қилинган.

Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг учинчи асари «Нузхат ул-қулуб» («Қалблар ардоғи») деб аталади. Тахминан 1339 йили ёзиб тамомланган. Асар муқаддима ва уч қисмдан (мақола) иборат. Муқаддимада Ернинг шакли, осмон ва сайёралар, йил фасллари ҳамда етти иқлим мамлакатлари ҳақида умумий тушунча берилади. Биринчи мақолада фойдали қазилмалар, мевали ва манзарали дарахтлар, ёввойи ва уй ҳайвонлари, паррандалар ҳамда доривор ўсимликлар ҳақида сўз боради. Иккинчи мақола одам ва унинг қиёфаси, учинчи

мақолада эса Эрон, Мовароуннаҳр, Озарбайжон, Месопотамия ва Румнинг XIV асрдаги географик ҳолати, хусусан йирик шаҳарлари ва уларнинг аҳволи, шунингдек, қисман иқтисодиёти ҳақида маълумот келтирилади.

Ҳамдуллоҳ Қазвиний мазкур асарини, хусусан унинг биринчи ва иккинчи мақолаларини ёзишда ўзидан аввал ўтган географ олимларнинг (Ибн Хурдодбеҳ, ибн ал-Балхий ва б.) асарларидан фойдаланган. Асарнинг учинчи мақоласи эса кўп жиҳатдан ноёбдир. Муаллиф уни ёзишда давлат маҳкамаларида сақланаётган расмий ҳужжатлардан кенг фойдаланган.

«Нузхат ул-қулуб» 1915, 1919 йиллари Г. Ле Стренж (матни ва инглизча таржимаси) ва 1958 йили Дабир Сиёқий тарафидан (форсийча матни) чоп этилган.

Банокатий. Фахруддин Абу Сулаймон Довуд ибн Абул-фазл Муҳаммад Банокатий (1330 йили вафот этган) XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV асрнинг биринчи чорагида ўтган шоир ва йирик тарихчи олим сифатида машҳур. Эски Тошкент (Банокат) шаҳри (Илоқ, яъни Оҳангарон дарёсининг Сирдарё билан қўшилиш жойи яқинида жойлашган қадимий шаҳар; 1392 йилдан бошлаб Шохруҳия номи билан машҳур бўлган)да туғилган. Ҳаёти ва илмий-адабий фаолиятига оид маълумотлар сақланмаган. Фақат Элхон Фозонхон ҳамда Ўлжойтухон саройида хизмат қилгани ва 1301 йили малик уш-шуаро (шоирлар подшоси) унвонига сазовор бўлганлиги маълум, холос. Адабиётшунос Давлатшоҳ Самарқандий (қ.) «Фахруддин Абу Сулаймон Довуд Банокатий шоирликда ҳам олий мартабага эга эди ва қасидалар ҳамда пишиқ қитъалар битган» деб ёзади.

Лекин Банокатий кўпроқ тарихчи олим сифатида ва жаҳон тарихини ўз ичига олган «Равзат ули-л-албоб фи тавориҳал-ақобир ва-л-ансоб» («Ақобирлар ва асил (кишилар) тарихи хусусида оқиллар боғи») номли асари билан машҳур бўлди. Асар 1317 йили ёзиб тамомланган ва муқаддима ҳамда тўққиз қисмдан иборат: 1) Одам Атодан то Мусо пайғамбаргача ўтган даврда яшаган патриарх ва пайғам-

барлар; 2) қадимий Эрон подшолари; 3) Муҳаммад пайгамбар, халифайи Рошидин, имомлар, Умавия ва Аббосия халифалари даври; 4) Аббосийлар билан ҳамаср бўлган сулолалар (Тоҳирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар, Хоразмшоҳлар ва б.); 5) яҳудийларнинг пайгамбарлари ва подшолари; 6) христианлар ва франклар тарихи; христианларнинг дини ва эътиқоди, Арманистон ва франк мамлакатларининг географик ҳолати; 7) Ҳиндистон тарихи, ҳиндларнинг дини ва эътиқоди; 8) Хитой тарихи ва унинг географик ҳолати; хитойларнинг дини ва урф-одатлари; 9) мўғулларнинг тарихи ва уларнинг истилочилик юришлари.

«Равзат ули-л-албоб» Рашидуддиннинг юқорида эсла-тиб ўтилган «Жоме ут-таворих» асари асосида ёзилган бўлиб, уни кўп жиҳатдан «Жоме ут-таворих»нинг қисқартирилган нусхаси деб ҳам айтиш мумкин. Лекин, Банокатийнинг мазкур асарида Рашидуддин асарида учрамайдиган маълумотлар ҳам бор. Масалан, етти иқлим мамлакатларининг тавси-фи, Эроннинг 1310–1317 йиллар орасидаги тарихи шулар жумласидандир.

Хуллас, Банокатийнинг мазкур асари Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг XIII–XIV асрнинг биринчи чорагидаги тарихи, географик ҳолати ва аҳолисининг турмушини ўрганишда муҳим манбалардан ҳисобланади.

«Равзат ули-л-албоб» XVII асрдан буён илмий жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Унинг айрим қисмлари лотин, турк, инглиз ҳамда француз тилларига таржима қилиниб, чоп этилган.

Асарнинг қўлёзма нусхалари Тошкент, Санкт-Петербург, Қозон, Душанбе ва бошқа хорижий мамлакатларнинг (Туркия, Голландия, Англия, Франция, Ҳиндистон) кутубхоналарида сақланмоқда.

Низомуддин Шомий. У тарихий манбаларда (масалан, Шарафуддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Хондамир ва бошқаларнинг асарларида) кўпинча мавлоно Низомуддин Шанбий ёки мавлоно Низомуддин Шанби Фо-

зоний (асли Табризининг шимоли-ғарбий тарафида, ундан тахминан икки мил масофада жойлашган Шанби Фозон деган жойдан бўлгани учун) номи билан машхур. Туғилган ва вафот этган вақти ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Эронлик шарқшунос олимлар: Хусайн Нахичевоний ва Дониш Пажух Низомуддин Шомийнинг илмий фаолиятига оид айрим диққатга сазовор маълумотлар топганлар. Уларнинг сўзларига қараганда, мавлоно Низомуддин Шомий Низом Табризий номи билан ҳам машхур бўлган ва Жалоирийлардан¹ Шайх Увайс I (1356–1374 йй.)нинг топшириғига биноан Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Зафар Маккий Андалусийнинг (XII а.) «Сулвон ал-муттаъфи увон ал-атбаъ» («Сулук машаққатларида подшолар боғи») номли асарини (1159 й.) араб тилидан форсчага таржима қилган. Эронлик шарқшунос олим Дониш Пажух унинг Муҳаммад пайғамбар ва ўн икки имомнинг қисқача таржимаи ҳолига бағишланган яна бир асар ёзганлиги, асл исми эса Али ибн Муҳаммад бўлиб, кўпинча Низом ул-Воиз номи билан машхур бўлганлигини айтади.² Асарнинг Хумом табиб (муаллифнинг иниси) тарафидан 1409 йили кўчирилган қўлёзма нусхасида ўша йили (1409 й.) Низомуддин Шомийнинг тирик бўлмаганлиги айtilган. Шунга қараганда, у 1409 йилдан олдинроқ вафот этган. Олимнинг ҳаёти ҳақида яна қуйидагилар маълум. 1393 йили Амир Темур Бағдодни ишғол қилган пайтда Низомуддин Шомий ўша ерда бўлган ва Амир Темур хизматига қабул қилинган; 1404 йилгача у билан бўлиб, жаҳонгирнинг ҳарбий юришларида воқеанавис ва воиз мансабида иштирок қилган.

¹ **Жалоирийлар** — 1336–1432 йиллари Ироқ, Курдистон ҳамда Озарбайжонда ҳукмронлик қилган сулола.

² **Стори Ч. А. Персидская литература**, I қисм, 622-бет. II қисм, 188-бет. Мазкур асарнинг иккита қўлёзма нусхаси Эронда сақланади. Матни, зарур тадқиқот ва изоҳлар билан 1962 йилда Дониш Пажух томонидан чоп қилинган.

1402 йили Темур унга ўзининг тарихини аниқ ва содда тилда ёзиб беришни буюрган. Низомуддин Шомий бу асарни 1402—1404 йиллар орасида ёзиб тамомлаган. Асар буюк жаҳонгирнинг ҳокимият тепасига келиши (1370 йил)дан то 1404 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. «Зафарнома» ҳақиқатан ҳам содда тилда, равон услубда ёзилган; далилий маълумотларга бой. Лекин, Темурнинг ҳаёти мазкур асарда бирмунча (лекин Шарафуддин Али Яздийга нисбатан камроқ) идеаллаштирилган.

Асар Ўзбекистон, Қозоғистон, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда муҳим ва ишончли манбалардан бири ҳисобланади.

Шомий мазкур асарни ёзишда Амир Темурнинг уйғур котиблари томонидан туркий тилда ёзилган «Тарихи хоний» номли шеърый асари ва бошқа асл нусха асарлардан фойдаланган.

«Зафарнома»нинг иккита таҳрири мавжуд: 1) 1404 йили Амир Темур Озарбайжон юришидан қайтганда унга тақдим этилган нусха. Номи маълум эмас. 2) Мироншоҳнинг ўғли Мирзо Умарга (1404 йил 26 мартда Амир Темур Қорабоғда эканлигида унга «Ҳалокухон тахти»ни, яъни Фарбий Эрон ҳамда Озарбайжонни инъом қилган) пайтида тақдим қилинган. У юқорида қайд этиб ўтилган биринчи нусхадан деярли фарқ қилмайди. Асар «Зафарнома» деб аталади. Унга айрим услубий тузатишлар киритилган ва дебоचा ҳамда Мирзо Умарга бағишланган кичик бир илова (зайл) қўшилган. Шунга қараганда, Низомуддин Шомий умрининг сўнгги йилларида Мирзо Умар хизматида бўлган ва юрти Табризда истиқомат қилган.

«Зафарнома»нинг қўлёзма нусхалари Арманистон (Ереван, Мазандарон)да, Англия, Франция, Ироқ ва Туркия кутубхоналарида сақланмоқда. Асарнинг матни 1937 ва 1956 йиллари Прагада чоп этилган. Унинг туркча-усмонлича таржимаси (1949 й.) ҳам бор. Ундан айрим парчалар рус ва француз тилларида эълон қилинган.

Муъинуддин Натанзий. Ҳаётига оид маълумотлар жуда кам. Исфаҳонга қарашли Натанз шаҳри (Исфаҳондан қарийб 20 фарсах масофада жойлашган)да туғилган. Ч. А. Сторининг маълумотларига қараганда асли сеистонлик бўлган¹. Форс вилоятининг ҳоқими Темурий Искандар мирзо (Амир Темурнинг набираси; Умаршайхнинг ўғли; 1415 йили иниси Бойқаро мирзо томонидан ўлдирилган) саройида хизмат қилган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг сўзларига қараганда, «Муъинуддин Натанзий султон Искандар даврида Ироқи Ажам ва Форсда шуҳрат топган олимлар ва шоирлар жумласидан бўлиб..., илмда ўз замонининг етакчиси эди ва Мирзо Искандарнинг мақома ва ҳолати ҳамда тарихини ёзган²».

Муъинуддин Натанзий қаламига мансуб бўлган ва бизнинг замонимизгача етиб келган бу асарнинг аниқ номи маълум эмас. У илмий жамоатчилик орасида «Аноним Искандар» номи билан машҳур. Асар 1413 йили ёзиб тамомланган. Унинг иккинчи таҳрири ҳам бўлиб, «Мунтахаб ут-тавориҳи Муъиний» («Муъинийнинг сайланган асари») деб аталади ва Темурий Шохруҳга бағишланган.

«Мунтахаб ут-тавориҳ» умумий тарих типида ёзилган асар бўлиб, оламнинг яратилишидан то Амир Темур вафотигача (1405 йил 18 феврал) мусулмон мамлакатларида юз берган воқеалар ҳақида баҳс юритади. Асар муқаддима ва уч бобдан иборат.

Муқаддима диний мазмунда бўлиб, унда оламнинг яратилиши, Одам Ато ва унинг фарзандлари, Нуҳ пайғамбар ва унинг авлоди ҳақида умумий гап боради.

Биринчи бобда қадимий Эрон ва Юнонистон подшолари, Рим ва Византия императорлари, Рим папалари, қадимий араб ҳамда Эфиопия подшоларининг қисқача тарихи баён этилган.

¹ Стори Ч. А. Персидская литература, I қисм, 339-бет.

² Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Э. Браун наشري, Лейден-Лондон, 1901, 371-бет.

Иккинчи бобда Муҳаммад пайғамбар ва унинг авлоди, халифайи Рошидин, Умавия ва Аббосия халифалари, Арабистон ҳамда Мисрда подшолик қилган Али ва Фотима авлоди, шунингдек, аббосийлар билан замондош бўлган Эрон ва Мовароуннаҳр ҳукмдорлари тарихи талқин этилган.

Асарнинг ноёб ва қимматли қисми унинг учинчи боби ҳисобланади. У турк-мўғул қабилалари ва уларнинг келиб чиқиши, Чингизхон ва унинг авлоди, Шимолий Хитойда ҳукмронлик қилган мўғул хонлари, Чигатой улуси ҳукмдорлари, Элхонийлар, Жалоирийлар, Чўпонийлар, Музаффарийлар, Оқ Ўрда хонлари, 1346–1370 йиллар орасида Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган амирлар тарихини ўз ичига олади.

Асарнинг учинчи қисмини ёзишда муаллиф Табарий, Жувайний, Рашидуддин ҳамда туркий тилда ёзилган «Тарихи хоний» (батафсил «Тарихи гузида нусратнома» қисмига қаранг) каби асарлардан кенг фойдаланган.

«Мунтахаб ут-тавориҳи Муъиний»нинг матни 1957 йили Эронда Жак Обен тарафидан чоп этилган. Ундан айрим парчалар (матни, русча ва французча таржималари) В. Г. Тизенгаузен ва Л. А. Зимин тарафидан чоп этилган.

Асарнинг кўлёзма нусхалари Санкт-Петербург, Англия, Франция ва Эрон кутубхоналарида мавжуд.

Ҳофизи Аbru. Кўпинча шу ном билан машҳур бўлган йирик тарихчи олим. Ҳақиқий исми шарифи Шаҳобуддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид ал-Ҳавофий. Ҳаётига оид маълумотлар кам. Абдураззоқ Самарқандийнинг (қ.) сўзларига қараганда, у Ҳавофда (Хирот ҳудудида) туғилган; Ҳамадонда таҳсил кўрган ва 1430 йилда Занжонда вафот этган. Бошқа тарихий манбаларнинг маълумотлари ва ўзининг сўзларига қараганда, Ҳофизи Аbru Амир Темур ва Шоҳруҳ саройида истиқомат қилган ва ҳар иккала ҳукмдор билан яқиндан муносабатда бўлган. Агар у Амир Темур билан фақат саройдагина яқин суҳбатдош бўлган бўлса, Шоҳруҳ билан унинг юришларида бирга бўлган.

Ҳофизи Абру Шоҳруҳнинг топшириғи билан иккита йирик асар ёзган.

Булардан бири тарихий-географик мазмунда бўлиб, 1414–1420 йиллар орасида ёзилган. У X асрда араб тилида битилган номаълум бир китоб асосида ёзилган. Санкт-петербурглик шарқшунос олим Ю. Е. Боршевскийнинг сўзларига қараганда, бу «Китоб ал-масолик ва-л-мамолик» деб аталиб, Ҳасан ибн Аҳмад Муҳаллабийнинг қаламига мансуб бўлган. Шоҳруҳ 1414 йили Ҳофизи Абруга мазкур асарни форс тилига таржима қилиш ва бошқа манбалар асосида қайта ишлашни топширган. Демак, бу асар шунчаки компиляция ва таржима бўлиб қолмай, балки янги далиллар билан бойитилган, диққатга сазовор асардир. Шунини айтиш кифояки, унда ҳар бир вилоятнинг географик ҳолатини тавсифлашдан ташқари, унинг қисқача сиёсий тарихи ҳам баён қилинган. Биз учун асарда Амударёнинг Каспий денгизига қуйилиши ҳақидаги, шунингдек, Мовароуннаҳр ва унинг йирик шаҳарлари (Бухоро, Самарқанд, Насаф, Кеш, Термиз, Хўжанд ва б.) ҳақида келтирилган маълумотлар муҳим аҳамият касб этади.

Асарнинг яхши қўлёзма нусхалари Англия ва Россия (Санкт-Петербург) кутубхоналарида сақланмоқда.

Ҳофизи Абру Шоҳруҳнинг кўрсатмаси билан ўзидан аввал ўтган мазкур тарихчилар: Табарий, Рашидуддин ҳамда Низомуддин Шомийларнинг асарларига қўшимчалар (зайл) ҳам ёзган. 1412–1418 йиллар орасида ёзилган бу қўшимчалар «Мажмуа-йи Ҳофизи Абру» деб аталади.

Табарий асарига (Балъамий таҳрири) қилинган қўшимча халифа Муқтадир (908–832 йй.) замонидан то Мўътасим (1242–1258 йй.) давригача халифаликка кирган мамлакатларда бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олади.

Рашидуддиннинг «Жоме ут-таворих»ига қилинган қўшимчага Куртлар (Картлар) сулоласидан чиққан подшолар, Туға Темур, Амир Вали ибн Шайх Али Ҳинду, сарбадорлар, ҳамда Амир Арғуншоҳ тарихи, яъни Эронда 1306–1393 йиллар орасида бўлиб ўтган воқеалар киритилган.

Низомуддин Шомийнинг «Зафарнома»сига қилинган иловада эса Амир Темур ҳукмронлигининг сўнги даври ва Шоҳруҳ тарихи (1416 йилга қадар) баён этилади.

«Мажмуа»нинг айрим қисми (матни ва таржимаси) Хон-бобо Баёний (1938 й.), Ф. Тауэр (1959 й.) ва К. М. Маитра (1934 й.) томонидан нашр қилинган.

Ҳофизи Аbru яна Темурий Бойсунғур (Шоҳруҳнинг ўғил-ларидан, 1433 йили вафот этган)нинг топшириғи билан 1423–1425 йиллари «Мажму ат-таворих» (бошқа номи «Зубрат ут-таворих») номли катта тарихий асар ҳам ёзган. Мазкур асар тўрт қисмга бўлинган: 1) исломиятдан аввал ўтган пайғамбарлар ва қадимги Эрон подшолари; 2) Муҳаммад пайғамбар ва араб халифалари (ал-Муҳтасимгача); 3) Эроннинг Салжуқийлар ҳамда мўғуллар давридаги (Элхон Абу Саъид давригача) тарихи; 4) «Зубрат ут-таворих-и Бойсунқурий».

Асарнинг сўнги, тўртинчи қисми асли ва мустақил аҳамиятга эга бўлиб, унда Амир Темур тарихи (қайта ишланган ва бирмунча тўлатилган) ҳамда Хуросон, қисман Мовароуннаҳрнинг 1427 йилгача бўлган ижтимоий-сиёсий аҳволи баён этилган.

«Мажму ат-таворих»нинг қўлёзмалари Тошкент ҳамда хорижий мамлакатлар (Туркия, Санкт-Петербург, Германия, Англия, Франция, Эрон, Афғонистон) кутубхоналарида сақланмоқда.

Темур тузуқлари Амир Темур давридаги ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Асар аслида эски ўзбек тилида (Чигатой туркийси) ёзилган. Унинг бир нусхаси XVII асрда Туркиянинг Ямандаги ҳокими Жаъфар пошанинг кутубхонасида бўлган ва Мир Абу Толиб ат-Турбатий уни форс тилига таржима қилган. Бизнинг замонамизга мана шу форсча нусха етиб келган ва 1638 йили Ҳиндистон подшоси Бобурий Шоҳ Жаҳон (1628–1658) га тақдим қилинган. Шоҳ Жаҳон қўлёзма билан танишгач, унда ўтиб кетган баъзи хато-камчиликларни топган ва етук олимлардан Муҳаммад Ашраф

Бухорий (1652 йил вафот этган)га асарни синчиклаб текшириб чиқиш ва ундаги хато-камчиликларни бартараф қилишни топширган. Муҳаммад Ашраф подшоҳнинг топшириғига кўра асарни текшириб чиққан ва янгидан таҳрирдан чиқарган. Шу нусха ҳозиргача асл нусха вазифасини бажариб келмоқда.

Икки оғиз сўз асар муаллифи ҳақида. Шарқшунос олимларнинг кўпчилиги (Ч. А. Стори, Деви, Уайт, Шамсиддин Сомий, Н. Д. Миклухо-Маклай, Г. Вамбери ва бошқалар) асар Амир Темур томонидан ёзилганлигини очиқ эътироф этадилар.

«Темур тузуклари» икки қисмдан: Амир Темурнинг таржимаи ҳоли (малфузот) ва тузуклар, яъни давлат ва ҳарбий қурилиш бўйича қабул қилинган қонунлардан иборат.

«Тузуки Темурий» XV–XVI асрларда нафақат ҳукмдорлар ва маълумотли кишилар орасида балки, жаҳон илм аҳли ўртасида шуҳрат топди. Асарнинг қўлёзма шаклида ҳам, тошбосма шаклида ҳам, шунингдек жаҳоннинг кўп тилларига қилинган таржима шаклида ҳам (инглизча, французча, урду, рус ва ўзбек тилларида) нашр этилиши сўзимишга исбот — далилдир.

«Тузуки Темурий» тўлиқ тарзда ҳижрий 1273 (1856–57) йили Хоразмда Муҳаммад Юсуф ар-Рожий тарафидан ва 1858 йили Паҳлавон Ниёз девон тарафидан ўзбек тилига таржима қилинган. Уларнинг биринчиси (Муҳаммад Юсуф ар-Рожий таржимаси) «Тузуки Темурий», иккинчиси «Малфузот» номи билан маълум. Ҳар иккала нусха ҳам Санкт-Петербургда, М. Е. Салтиков-Шчедрин номидаги Халқ кутубхонасида сақланмоқда. Асарнинг эски ўзбек тилига қилинган яна бир таржима нусхаси ҳам бор. Лекин, у тўлиқ эмас. Унда воқеалар тарихи ҳазрат соҳибқироннинг 39 ёшигача бўлган давр билан чекланган. Таржима Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1821–22–1858–59)нинг топшириғи билан Хўжанд қозиси Набижон маҳдум тарафидан амалга оширилган.

Асарнинг кейинги йилларда Алихон Тўра Соғуний тарафидан ҳозирги ўзбек (1981, 1996) ва рус тиллари (1894, 1934, 1999) даги таржималари ва нашрлари ҳам мавжуд.

Асар Амир Темур давлати ва қўшинининг тузилиши ва унинг бошқарилишини ўрганишда бош манба ролини ўйнайди.

Асарнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари кўп. Унинг инглизча, французча, русча ва ўзбекча таржималари мавжуд.

1404–1409 йиллар орасида, яъни Амир Темур вафотидан кейин Мовароуннаҳр ва Хуросонда бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеаларни тушунишда **хожа Тожуддин ас-Салмонийнинг** «Тарихнома» асари катта аҳамият касб этади. Мазкур асар «Зайли Зафарнома» («Зафарнома»га қўшимча) деб ҳам аталади. Асар ва унинг муаллифи ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Бизга маълум бўлишича, хожа Тожуддин ас-Салмоний етук хаттот бўлган ва Музаффарийлар¹ саройида (девони иншода) хизмат қилган. Амир Темур Шерозни эгаллаб, Музаффарийлар сулоласи барҳам топгандан кейин (1393 й.) бошқа етук аҳли билан бирга Самарқандга олиб келинган ва Амир Темур саройида хизматга тайинланган. 1409 йилнинг март ойида Халил Султон исёни бартараф этилиб, олий ҳокимият Шоҳруҳ мирзо қўлига ўтгандан кейин, хожа Тожуддин ас-Салмоний унинг амри билан Ҳиротга олиб кетилади ва 1410 йили олий ҳукмдорнинг топшириғи билан ўзининг мазкур асарини ёзишга киришади. Лекин уни тамомлашга муяссар бўлолмайди. Орадан кўп вақт ўтмай саройда вазир саййид Фаҳруддинга қарши уюштирилган фитнада қатнашганликда айбланиб қамалиб қолади ва жазога тортилади.

Хожа Тожуддин ас-Салмоний мазкур асарида Амир Темурнинг сўнги йиллари ва Шоҳруҳ мирзонинг тарихини

¹ 1313–1393 йиллари Форс, Кирмон ва Курдистонни идора қилган сулола. Асосчиси Муборизиддин ибн Музаффар (1313–1359).

ёзишни ният қилган эди. Лекин, тақдир тақозоси билан мақсадига эришолмайди. Фақат 1404–1409 йиллар тарихини ёзиб битиришга улгуради, холос. Асарда 1404 йилда Хитойга юриш олдидан Кони гилда ўтган катта тантаналар (шаҳзодалар Улуғбек, Иброҳим Султон, Ижил Мирзо, Сиди Аҳмад, Пирмуҳаммад ва Мирзо Бойқароларнинг никоҳ тўйлари), Хитойга юришнинг бошланиши, ҳазрат соҳибқироннинг вафоти (18 февраль, 1405 й.)дан кейинги оғир аҳвол, Халил султоннинг ноқонуний йўл билан олий ҳокимиятни эгаллаб олиши воқеалари батафсил баён этилади. Воқеалар тафсилоти 1408 йил март ойи охирида Халил султоннинг амир Худойдод бошлиқ бир гуруҳ фитначи амирлар тарафидан асирга олиниши ҳақидаги ҳикоя билан тугайди.

Хожа Тожуддин ас-Салмонийнинг «Тарихнома» асари бизнинг замонимизгача уч нусхада етиб келган. Улардан бири суқутли ва шу кунларда Англиянинг Музейида сақланмоқда (инв. № 159), қолган иккитаси Туркияда, Истанбулдаги Сулаймон Фотиҳ (инв. № 4305) ва Лала Исмоил афанди кутубхоналарида (инв. № 304) сақланади. Биринчи нусха суқутли, иккинчиси тўла.

Асар проф. Ганс Роберт Рёмер тарафидан немис тилига (1956 й.), проф. Исмоил ака тарафидан турк тилига (1988 й.) ва З. М. Буниятов тарафидан рус тилига эркин таржима қилинган (1991 й.)

Шарафуддин Али Яздий. XV асрнинг йирик тарихшуносларидан: асли Язд вилояти (Эрон)нинг Тафт қишлоғидан; тарихдан бошқа яна бир қатор кўпгина илмлар, хусусан, тасаввуф, астрология, адабиёт ҳамда фалсафа фанларини мукамал эгаллаган ва илм-фаннинг бу соҳаларида ҳам бир талай асарлар ёзиб қолдирган олим ва шоир. Санкт-петербурглик машҳур шарқшунос олим А. Т. Тоҳиржоновнинг маълумотларига қараганда, Шарафуддин Али Яздийнинг қаламига мансуб асарларнинг умумий сони 10 дан ортиқдир. «Ал-китоб фи илм ул-устурлаб» («Астролябия илмига оид китоб»), «Мавотан ё манозил дар муаммо» («Муаммо (ил-

ми)да макон ва манзаралар)», «Тухфат ул-фақир ва ҳадиат ул-ҳақир» («Фақирнинг туҳфаси ва қадрсизлик ҳадылари»), «Девони Шараф Яздий» («Шараф Яздийнинг девони») шулар жумласидандир¹.

Шарафуддин Али Яздий Форс вилоятининг ҳокими Темурий Иброҳим султон (1415–1435 йй.) саройида хизмат қилган. У илм-фан ҳомийси бўлмиш мазкур шаҳзоданигина эмас, балки Шохруҳнинг ҳам зўр ҳурмат-этиборини қозонган. Шохруҳ уни фақат болалари ва набираларининг тарбиячиси бўлгани учунгина эмас, балки доно маслаҳатчи сифатида ҳам қадрлаган.

Шарафуддин Али Яздий 1442 йили Шохруҳнинг набираси ва Султония, Қазвин, Рай ҳамда Қум ҳокими Султон Муҳаммад (1442–1446 йй.)нинг таклифи билан Қумга келди ва шаҳзоданинг хизматиға кирди. Султон Муҳаммад 1446 йили Шохруҳнинг оғир касаллигидан фойдаланиб, исён кўтарди; Ҳамалон ҳамда Исфаҳонни босиб олди; Шерозни қамал қилди. Шохруҳ унга қарши кўшин тортди. Султон Муҳаммад Шохруҳ билан очиқ жанг қилишдан қўрқиб тоққа қочди². Шохруҳ Султон Муҳаммад билан яқин бўлган кишиларни, шунингдек, маҳаллий саййидлардан бирмунчасини исёнда иштирок этишда айблаб ҳибсга олди ва кўпларини ўлимга маҳкум қилди. Ўшанда ҳибсга олинганлар орасида Шарафуддин Али Яздий ҳам бор эди. Фақат Мирзо Абдуллатифнинг (Улуғбекнинг тўнғич ўғли) аралашуви билан Шарафуддин Али Яздий жазодан қутулиб қолди. Шаҳзода уни Самарқандга, отаси хузурига жўнатиб юборди. Шарафуддин Али Яздий Самарқандда бир йил

¹ Тагирджанов А. Т. Описание таджикских и персидских рукописей Восточного отдела библиотеки ЛГУ, Ленинград, 1962, 120-бет.

² Орадан бир йил чамаси вақт ўтгач, 1447 йили Султон Муҳаммад яна Форсни эгаллади; Шохруҳ вафотидан (1447 йил 12 март) сўнг Ҳуросонни қўлга киритди, лекин 1451 йили иниси Абулқосим Бобурдан енгилди ва унинг амри билан қатл этилди.

чамаси истиқомат қилди ва фикримизча, Улуғбекнинг илмий изланишларида иштирок этган бўлиши керак. Шоҳруҳ вафотидан (1447 й.) кейин 1449 йилда Шарафуддин Али Яздий Хуросонга қайтди ва номи юқорида тилга олинган Султон Муҳаммаднинг рухсати билан яна ўз ватани Тафтга қайтиб борди ва умрининг охириги қисмини узлатда кечирди. Шарафуддин Али Яздий 1454 йили вафот этди.

Шарафуддин Али Яздий тарихда «Зафарнома» (бошқа номлари: «Фатҳномаи соҳибқироний», «Зафарномаи Темурий», «Тарихи жаҳонкушойи Темурий») номли асари билан шуҳрат топди.

«Зафарнома» асосан Низомуддин Шомийнинг юқорида тилга олинган шу номли асари асосида зўр бадий маҳорат билан ёзилган. Лекин Шарафуддин Али Яздий Низомуддин Шомий асарида баён этилган воқеаларнинг баъзиларига янги тарихий манбалар асосида аниқликлар киритди; уни янги исбот ва далиллар билан бойитди. Тўғри, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида Амир Темурнинг шахси ниҳоятда идеаллаштирилган. Шунга қарамай, унинг шахсияти ва фаолиятидаги қарама-қаршиликлар, яъни унинг бир томондан қаттиққўл эканлиги, иккинчидан эса Мовароуннаҳрдаги тарқоқликка барҳам бериб, марказлашган давлатга асос солганлиги бирмунча ҳаққоний ва тўғри ёритилган.

Шарафуддин Али Яздий асарининг зўр қиммати шундаки, унда Мўғул империясининг таркибида ташкил топган Олтин Ўрда, Элхонийлар давлати, Чигатой улуси, шунингдек Мовароуннаҳрнинг Чингизхон замонидан то Темур давлатининг пайдо бўлишигача бўлган ижтимоий-сиёсий тарихи қисқа тарзда ёритиб берилган. Асарнинг бу қисми «Тарихи жаҳонгир», ёки «Муқаддимаи Зафарнома» номи билан аталади ва 1419 йили ёзиб тамомланган.

«Зафарнома»нинг асосий қисми, муаллифнинг дастлабки режаларига кўра, уч қисм (мақола)дан иборат бўлмоғи, биринчи қисмда Амир Темур тарихи, иккинчи қисмда Шоҳруҳ ва ниҳоят, учинчи қисмда Иброҳим султон даврида бўлиб ўтган воқеалар баён этилиши мўлжалланган эди.

Лекин, биз ҳозир асарнинг биринчи қисмигагина эгамиз холос. Унинг иккинчи ва учинчи қисмлари сақланмаган. Фикримизча, ёзилмай қолган бўлиши керак. «Зафарнома» нинг асосий қисми 1425 йили ёзиб тамомланган.

Асарнинг қўлёзма нусхалари кўп ва Россия ҳамда хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда. Матни Ҳиндистон (1885–1888 йй.) Эрон (1957 й.) ва Тошкентда (1972 й.) чоп қилинган. Асар ўзбек, инглиз, француз ва турк тилларига таржима қилинган. Ундан айрим парчалар инглиз ҳамда рус тилларида босилган.

Мирзо Улуғбек. XV асрда ўтган буюк олим, йирик давлат арбоби, Темурий Шоҳруҳ мирзонинг ўғли. Ҳақиқий исми: Муҳаммад Тарағай. 1394 йил 22 мартда Амир Темурнинг Ироқ ва Озарбайжонга қилган навбатдаги беш йилик ҳарбий юриши вақтида Султония шаҳри (Эрон Озарбайжони)-да туғилган. Амир Темур саройида ҳукм сурган анъанага кўра, шаҳзода Темурнинг катта хотини Сароймулкхонимнинг тарбиясига топширилади. Орадан бир йил чамаси вақт ўтгач, 1395 йили Амир Темур Сароймулкхоним ва набирасини Шоҳруҳга қўшиб Самарқандга жўнатади.

1398 йили бўлажак машҳур қиссахон, шоир ва олим, шайх Ориф Озарий (1382–1462 йй.) Улуғбекка муаллим этиб тайинланди ва у дастлабки асосий таълимни ана шу ажойиб шахсдан олди.

Улуғбек бобосининг бир қатор ҳарбий юришларида — 1399–1404 йиллари Туркия ва Сурияга қарши ўтказилган ҳарбий юришда, 1404–1405 йили Хитойга қарши уюштирилган юришда қатнашди.

Амир Темур вафоти (1405 йил 18 февраль)дан кейин Мовароуннаҳр тахтини набираси Халил Султон зўрлик билан эгаллаб олди. Улуғбек ўшанда Ҳиротга, отаси ҳузурига қочиб борди ва 1409 йилгача, яъни Халил Султон Шоҳруҳ амирлари томонидан асир олингунга қадар, отаси паноҳида кун кечирди. 1409 йил охирларида Шоҳруҳ уни Мовароуннаҳрга ҳоким қилиб тайинлади ва Улуғбек бу мамлакатни

1449 йил 25 октябргача, яъни фожиона ўлимига қадар идора қилди.

Улуғбек ўрта даражадаги давлат арбоби, омади келмаган саркарда эди. Лекин у буюк олим ва илм-фан ҳамда маданият ҳомийси сифатида тарихда қолди. Самарқанд унинг замонида Шарқнинг йирик илм-фан ва маданият марказларидан бирига айланди.

Мирзо Улуғбек икки йирик асар ёзиб қолдирди. Булардан бири «Зижи жадиди кўрагоний» («Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали») бўлиб (1437 йили ёзилган) классик астрономиянинг назарий ва амалий масалаларини қамраб олган; Самарқанд астрономларининг кўп йиллик илмий кузатишларини баён этувчи мукаммал асар ҳисобланади.

Иккинчиси тарихий асар бўлиб, унда XIII–XIV асрларда Мўғул империяси таркибига кирган мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий тарихи қисқа тарзда баён этилган. Асар «Улуси арбаъ-йи Чингизий» («Чингизийларнинг тўрт улус (тарихи)») ёки «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») номи билан машҳур. 1425 йилдан кейин ёзиб тамомланган.

«Тарихи арбаъ улус» муқаддима ва тўрт қисмдан иборат.

Муқаддимада ўрта асрларда тарихчилар ўртасида ҳукм сурган анъанага кўра, исломиятдан аввал ўтган пайғамбарлар, туркларнинг афсонавий ота-боболари ҳисобланган Ёфас ибн Нуҳ ва унинг фарзанди Туркхон, шунингдек, турк-мўғул қабилалари ва Чингизхон тарихи баён этилган.

Биринчи қисм Улуғ юрт, яъни Мўғулистон ва Шимолий Хитой тарихи; Ўгадайхон (Чингизхоннинг учинчи ўғли, 1227–1241 йй.) давридан то Ариқ Буғо авлоди Ўрдой қоон замониғача юз берган воқеаларни ўз ичига олади.

Иккинчи қисмда Жўчи улуси, яъни Олтин Ўрда тарихи (Жўчихон давридан то Шоҳруҳнинг замондоши бўлмиш Муҳаммадхон замониғача); XIII–XV асрнинг биринчи чораги тарихи баён этилган.

Учинчи қисмда Элхонийлар, яъни Эрон ҳамда Озарбайжоннинг XIII–XIV асрлардаги тарихидан баҳс юритилади.

Тўртинчи қисмда Чигатой улусининг (Қошғар, Етти-сув, Мовароуннаҳр, Шимолий Афғонистон) XIII–XIV асрлардаги тарихи талқин этилган. Шуни ҳам айтиш керакки, муаллиф мазкур улусда ҳукмронлик қилган ҳар бир ҳукмдор (хон) устида қисқа ва алоҳида-алоҳида тўхталиб, уларнинг даврида содир бўлган воқеалардан энг муҳимларини баён этган.

«Тарихи арбаъ улус»нинг айрим қисмлари, хусусан унинг тўртинчи қисми, кўп жиҳатдан Шарафуддин Али Яздийнинг «Муқаддамайи Зафарнома»сига ўхшаб кетади, лекин «Тарихи арбаъ улус» бирмунча тўла асар. Бундан ташқари, унда тўрт улус ўртасидаги сиёсий муносабатлар, «ўзбек» этнонимининг келиб чиқиш вақти хусусида ҳам қимматли маълумотлар учратамиз.

Қисқаси «Тарихи арбаъ улус» Ўрта Осиё, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг XIII–XIV асрлардаги тарихини, айниқса Чигатой улуси тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири вазифасини ўташи мумкин.

«Тарихи арбаъ улус»нинг инглизча таржимаси 1838 йили полковник Майлс томонидан Англияда чоп этилган. Лекин бу таржима нуқсон ва камчиликлардан ҳоли эмас. Ўзбекча нашри 1994 йили Тошкентда амалга оширилган. Унинг фақат тўрт қўлёзма нусхаси (қисқартирилган) маълум, холос. Улардан иккитаси Англияда, биттаси Ҳиндистонда ва тўртинчи нусхаси АҚШда сақланади.

Абдураззоқ Самарқандий. Камолуддин Абдураззоқ ибн Жалолуддин Исҳоқ Самарқандий (1413–1482 йй.) Ҳиротнинг бадавлат ва нуфузли хонадонларининг бирига мансуб бўлиб, отаси Шоҳруҳ ҳузурида қози аскар ва имомлик лавозимида турган. Абдураззоқ яхши ўқиди ва фикҳ, тафсир, ҳадис, араб тили, ғазал ва тарих илмларини пухта эгаллади. У ўз замонининг етук олимларидан бўлиб етишди.

Абдураззоқ Самарқандий 1438 йили ўзининг қози Азудиддиннинг араб тили грамматикасининг баъзи масалаларини (юклама ва олмош) тадқиқ этувчи «Рисолайи Азудия» китобига бағишланган шарҳини ёзиб тамомлади ва Шоҳруҳга тақдим қилди. Ҳукмдор асар билан танишиб ва ёш олимдаги улкан салоҳиятни кўриб, уни сарой хизматига (фикримизча девони иншога) тайин қилди. Шу вақтдан бошлаб то 1463 йилга қадар Абдураззоқ Самарқандий дастлаб Шоҳруҳ, сўнгра Абулқосим Бобур (1451–1457 йй.) ва бошқа Темурий шаҳзодаларнинг саройида хизмат қилди.

Абдураззоқ Самарқандий кўпроқ хорижий давлатлар билан олиб бориладиган дипломатик ёзишмаларни ҳозирлаш, шунингдек элчилик ишлари билан машғул бўлган. Масалан, у Шоҳруҳ даврида 1441 йили Жанубий Ҳиндистонга элчи қилиб юборилади. Коликут шаҳрида ҳамда Вижаянагар рожалигида бўлиб, орадан икки йил ўтгач, 1444 йилнинг 27 декабрида Ҳиротга қайтиб келади. Мазкур элчилик Темурийлар давлатининг Ҳиндистон билан муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Абдураззоқ Самарқандий Ҳиндистон сафари вақтида кўрган-билганларини тўплаб, бир хотира сифатида ёзиб қолдирган ва бу маълумот Темурийлар давлати билан Ҳиндистоннинг ўша вақтлардаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, айниқса Ҳиндистоннинг ижтимоий ва маданий ҳаётини ўрганишда катта ўрин тутади. Абдураззоқ Самарқандий 1447 йили Шоҳруҳнинг топшириғи билан Гилонга борди ва унинг ҳокими амир Муҳаммад билан музокаралар олиб борди. Ўша йили у Мисрга элчи қилиб тайинланди, лекин Шоҳруҳнинг вафоти (1447 йил 12 март) туфайли бу ташриф амалга ошмай қолди. Абдураззоқ Самарқандий Абулқосим Бобур хизматида бўлган кезларида унинг ҳарбий юришларида, масалан, 1458 йили Мозандарон ва 1454 йили Самарқанд устига қилган юришларида қатнашди. 1463 йили Султон Абу Саид (у Ҳиротни 1458 йили эгаллаган) уни Ҳиротда-

ги Шоҳруҳ хонақосига шайх қилиб тайинлади ва Абдураззоқ умрининг охиригача ўша манзилда истиқомат қилиб, асосан илмий иш билан машғул бўлди.

Абдураззоқ Самарқандий йирик тилшунос олим сифатида ҳам ном қолдирди. У Эрон, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг XIV–XV асрлардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдан, шунингдек, Темурийлар давлатининг қўшни мамлакатлар (Ҳиндистон, Хитой ва б.) билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари тарихидан баҳс юритувчи «Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиш жойи ва икки азим дарёнинг қўшилиш ери») деб аталувчи асари билан машҳур бўлди. Асар 1467–1470 йиллар орасида ёзилган.

«Матлаъ ус-саъдайн» икки қисм (дафтар)дан иборат: 1) Элхон Абу Саъид (1316–1335 йй.) давридан то Амир Темурнинг вафоти ва Халил Султоннинг Самарқанд тахтига ўтиришигача бўлган давр (1405 йил) тарихи ва 2) Шоҳруҳнинг Темурийлар империясининг олий ҳукмдори деб эълон қилиниши (1405 йил)дан то Темурий Абу Саъиднинг ўлдирилиши (1469 йил)гача бўлган тарихи. Асарнинг 1427 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган қисми компиляция бўлиб, Ҳофизи Абрунинг юқорида номи тилга олинган «Мажмуъ ат-таворих» китоби асосида ёзилган. «Матлаъ ус-саъдайн»нинг иккичи қисми, хусусан унинг 1427–1469 йиллар воқеаларини ўз ичига олган қисми асл нусха бўлиб, Эрон, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг шу давр ичидаги ижтимоий-сиёсий тарихи ва маданий ҳаётини ўрганишда асосий манба вазифасини ўтайди.

Асарда воқеалар хронологик тартибда келтирилган. Бу ҳол асардан фойдаланишда катта қулайликлар туғдиради, албатта.

Абдураззоқ Самарқандий ва унинг мазкур асари рус ва хорижий мамлакатлар олимлари (Б. А. Дорн, В. В. Бартольд, В. Ф. Минорский, А. Ю. Якубовский, И. П. Петрушевский, Б. Г. Фафуров, А. Ў. Ўринбоев, Б. А. Аҳмедов, М. Е. Катрмер, М. Шармуа, А. Галлан, Муҳаммад Шафеъ ва б.) томони-

дан биринчи даражали тарихий манба сифатида юксак ба-
ҳоланган.

«Матлаъ ус-саъдайн»нинг қўлёзма нусхалари Санкт-Пе-
тербург, Тошкент, Душанбе шаҳарлари ва хорижий мамла-
катлар (Англия, Франция, Ҳиндистон, Эрон ва б.)нинг ку-
тубхоналарида сақланмоқда.

Асарнинг матни (иккинчи дафтари) покистонлик шарқ-
шунос олим Муҳаммад Шафеъ тарафидан 1941 ва 1949 йил-
ларда Лоҳурда чоп этилган. Айрим парчалар рус, инглиз,
француз ва турк тилларида эълон қилинган (*батафсил қаранг:*
Ч. А. Стори, *Персидская литература*, II қисм, 824–827-
бетлар.)

Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистонга қилган са-
фари баён этилган қисми ҳамда иккинчи дафтарнинг 1405–
1427 йиллар воқеаларини ўз ичига олган биринчи қисми
(жузь) А. Ўринбоев тарафидан ўзбек тилига таржима қили-
ниб, 1960 ва 1969 йиллари чоп этилган.

Мирхонд. Мир Муҳаммад ибн саййид Бурхонуддин Хо-
вандшоҳ ибн Камолуддин Маҳмуд ал-Балхий ўрта аср та-
рих фанининг кўзга кўринган намояндаларидан бири. Ота-
боболари асли бухоролик бўлиб, фикҳ илмида ўз замона-
сининг етук олимлари сифатида машҳур бўлишган. Маса-
лан, улардан бири Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Маҳбубий (тахм.
1300 й. вафот этган) фикҳ илмида пешқадам бўлган ва
Шарқнинг машҳур фикҳ олими саййид Бурхонуддин
Марғинонийнинг (1197 йили вафот этган) жаҳонга ма-
шҳур «Ал-Ҳидоя» асарига шарҳ ёзган. Бу шарҳ «Виқоя
ар-ривоят фи масоил ал-Ҳидоя» («Ал-Ҳидоя» масалала-
рини ҳимоя қилувчи ривоятлар») деб аталган. Улардан
яна бири Убайдулла ибн Масъуд ал-Маҳбубий (1346 йили
вафот этган) тож аш-шариъайи соний (шариатнинг ик-
кинчи тожи) номи билан машҳур бўлган ва фикҳ илми-
га оид «Шарҳ ал-виқоя», «Ан-ниҳоят мухтасар ал-виқоя»
номли машҳур китоблар ёзиб қолдирган. Мирхонднинг
отаси саййид Бурхонуддин Ховандшоҳ ҳам ўқимишли ва

кенг маълумотли киши бўлиб, Темурийлар ҳукмронлиги даврида Балхга келиб қолган ва ўша ерда вафот этган.

Мирхонд 1433 йили Балхда туғилди, лекин умрининг кўп қисмини Ҳиротда ўтказди. Ҳаёти ва илмий фаолиятига оид маълумотлар кам. Набираси Хондамир (қ.) «Хулосат ул-ахбор» («Хабарлар хулосаси») китобида унинг ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Падарпаноҳ жаноб амир Хованд Муҳаммад йигитлик чоғларида (турли) илмларни касб этиш ва нафис фазилатларни камолига етказиш йўлида тириш-қоқлик ва зўр меҳнат қилди... Қисқа вақт ичида билимдонликда замон фозилларининг пешқадами бўлиб олди. У (кўпроқ) тарих илмини касб қилди ва жаҳон аҳволи ҳамда осору атиқаларини таҳқиқ қилишга киришди. Олижаноб хотирини тез фурсат ичида бу фанни эгаллашдан фориг қилди, аммо феълу атвори майшат аҳли билан кўшилишга йўл бермади, завқу шавққа берилмади... дарс бериш ва амру маърифатга иштиёқ унинг равшан хотиридан асло кўринмади. Аммо (бу ҳол) ... орзу ва омонликнинг қиблагоҳи, яъни олижаноб, Султон (Хусайн) ҳазратлари яқин дўстининг (Амир Алишер Навоийнинг) ҳузурларига боргунча ва унинг ҳар турли навозиш, марҳамат, илтифот ҳамда мурувватларини топмагунча давом этди». Ўшанда, Хондамирнинг яна гувоҳлик беришича, Навоий унга ўзининг «Ихлосия» хонақосидан бир хужра ажратиб берган ва ундан бир тарихий асар ёзиб беришни илтимос қилган. Мирхонд бу асарни қисқа вақт ичида ёзиб тамомлаган, сўнг, умрининг охирида, бир йил чамаси, Гозиргоҳ (Ҳиротга яқин обод масканлардан бири)да истиқомат қилган. 1497 йилнинг баҳорида Мирхонд офир касалликка (водянка — сариқ сув касалига) чалиниб қолиб, 1498 йилнинг 22 июнь куни оламдан ўтган.

Навоийнинг кўрсатмаси ва ҳомийлиги билан Мирхонд яратган асарнинг номи «Равзат ус-сафо фи сийрат ал-анбиё ва-л-мулк ва-л-хулафо» («Пайғамбарлар, подшолар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи») бўлиб, унда дунёнинг яратилишидан то 1523 йилга қадар

Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, шунингдек Ўзбекистонда бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар кенг баён этилган.

«Равзат ус-сафо» муқаддима, хотима ва етти жилддан иборат. Биринчи жилда дунёнинг «яратилиши»дан то Сосоний Яздижард III (632—651) давригача ўтган тарихий воқеалар; иккинчисида Муҳаммад пайгамбар ва халифайи Рошидин даврида бўлиб ўтган воқеалар; учинчи жилда ўн икки имом тарихи; тўртинчи жилда Аббосийлар билан замондош сулолалар; умавия ва Аббосия халифалари; бешинчи жилда Чингизхон ва унинг авлоди; олтинчисида Амир Темур ва унинг замонидан то Султон Абу Саид ўлими (1469 й.) гача бўлиб ўтган воқеалар; ва ниҳоят, асарнинг еттинчи жилдида Султон Ҳусайн ва авлодининг тарихи (1523 йилгача) баён этилган. Лекин, асарнинг сўнгги, еттинчи жилди мусаввадалигича, Хондамирнинг гувоҳлик беришича, «(мамлакатда) содир бўлган (баъзи) ишлар ва соҳибқирон ҳазратлари билан (яъни Султон Ҳусайн билан) юз берган аҳвол туфайли (яъни унинг ўлими туфайли) йўқолган». Бу жилд кейинча Хондамир тарафидан тўлатилиб ёзилиб «Равзат ус-сафо»га қўшиб қўйилган.

Асарнинг I—V жилдлари компиляция бўлиб, мустақил аҳамиятга эга эмас. Унинг сўнгги қисмлари, хусусан, VI жилднинг бир қисми ва VII жилд асл нусха бўлиб, XV асрнинг иккинчи ярми тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

«Равзат ус-сафо»нинг қўлёзма нусхалари жаҳон кутубхоналарининг кўпчилигида сақланади. Матни Бомбай (1845, 1848 йй.), Техрон (1850—1856, 1860 йй.) ва Лакхнавда (1874, 1883, 1890 йй.) чоп қилинган. Асардан айрим парчалар рус, француз, инглиз ҳамда немис тилларида кўп бор чоп этилган. Асарнинг эски ўзбек ҳамда турк тилларига қилинган таржималари ҳам мавжуд. «Равзат ус-сафо»нинг ўзбекча таржималари маърифатпарвар хон Муҳаммад Раҳимхон даври (1865—1873 йй.)да Хивада амалга оширилган.

V боб. XVI–XIX АСРЛАР ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИ

Муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар. XV асрнинг 80–90-йилларида кучайиб кетган тарқоқлик (масалан, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Ҳисорнинг марказий ҳукуматга итоат қилмай қўйиши) ҳамда тожу тахт учун кураш Темурийлар давлатининг инқирозини тезлаштирди. 1500 йили Шайбонийхон (1500–1510 йй.) бошлиқ Дашти қипчоқ ўзбеклари бундан фойдаланиб Мовароуннаҳр, Хоразм, Хуросон ва ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмини, Бадахшон билан бирга бўйсундириб, янги давлат — Шайбонийлар давлатига (1500–1601 йй.) асос солди. Лекин Шайбонийлар ҳам маҳаллий йирик ер-сув эгаларининг айирмачилик ҳаракатига барҳам беролмадилар. Шайбонийхон ўлдирилгандан (1510 й. 10 декабр) кейин узоқ вақт ичида мамлакатда парокандалик ва тарқоқлик ҳукм сурди. Убайдуллахон вафотидан (1539 й.) кейин эса Мовароуннаҳрда қўш ҳокимиятчилик бошланди: Самарқандда Абдулатиф султон, Бухорода Абдулазиз султон хон қилиб кўтарилдилар (1540–1550). 1551–1556 йиллари эса мамлакат тожу тахт даъвогарлари (Наврўз Аҳмадхон, Бурхон султон, Абдуллахон II ва б.) ўртасида катта уруш майдонига айлантирилди. Тўғри, Абдуллахон II 1557 йили Бухорони эгаллади, узоқ вақт давом этган қонли урушлардан (1557–1582 йй.) кейин Мовароуннаҳрни бирлаштиришга, Тошкент ва Туркистонни бўйсундиришга муваффақ бўлди; у 1584 йили Бадахшон билан Кўлобни, 1588 йили Ҳиротни эгаллади. 1594 йили эса Хоразмда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлди. Қисқаси, Абдуллахон II давлатни маълум даражада марказлаштириш ва мустақкамлашга муваффақ бўлди, лекин унинг вафотидан (1598 й. 8 февраль) кейин йирик ер-сув эгаларининг айирмачилик ҳаракати яна кучайди. Унинг ўғли ва тахт вориси Абдулмўминнинг ҳукмронлиги олти ойдан (1598 йил февраль-июль ойлари) нарига ўтмади. Ундан кейин хон кўтарилган Пирмуҳаммад II (1598–1601 йй.) эса номигагина хон ҳисобланиб, ас-

лида ҳокимият нуфузли катта ер эгалари қўлига ўтиб қолди. Бу вақтда қозоқ хонлари ва султонларининг Мовароуннаҳр устига босқинчилик юришлари кучайди. Улар 1599 ва 1600 йиллари баъзи пайтларда Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Миёнқолгача бостириб кириб, ўтроқ аҳолини талон-торож қилдилар. Жанубдан эса Эрон ҳукмдорлари юртимизга таҳдид сола бошладилар.

Мана шундай бир шароитда мовароуннаҳрлик йирик ер-сув эгалари руҳонийлар ва зодагонлар билан тил бириктириб, Жўчихоннинг ўн учинчи ўғли Тўқай Темур наслидан бўлган Ёрмуҳаммадхонни тахтга ўтқиздилар. Янги сулола тарихда Аштархонийлар (1601–1785 йй.) номи билан машҳур¹. Аштархонийлар даврида мамлакатда тарқоқлик янада кучайди. Дашти қипчоқ кўчманчилари (асосан қозоқ хонлари ва қалмоқлар), Хоразм ҳукмдорлари (Абулғозихон ва Анушахон) Мовароуннаҳрга тез-тез бостириб кириб, унинг шаҳар (Чоржўй, Бухоро, Самарқанд) ва қишлоқларини талон-торож қила бошладилар. Бунинг устига Эрон ва Шимолий Ҳиндистон ҳукмдорлари (Бобурийлар)нинг Бухоро хонлигининг ички ишларига аралашуви кучайди. Мамлакатдаги беқарорлик Убайдуллахон II (1702–1711 йй.) ҳукмронлиги йилларида шу даражага бориб етдики, улус ҳукмдорлари (масалан, Балхда Маҳмудбий қатағон) марказий ҳукуматга бўйсунмай қўйдилар. Самарқанд ва Ҳисор вилоятларида юз қабиласи, Шаҳрисабз ва Қаршида кенагас ва манғит қабилалари хонга қарши исён кўтардилар. Убайдуллахон II ўрнига хон кўтарилган Абулфайз (1711–1747 йй.) номигагина хон бўлиб, ҳокимият бир гуруҳ йирик бойлар қўлига ўтиб қолди. Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ (1736–1747 йй.) Мовароуннаҳрдаги парокандалик ва беқарорликдан фойдаланиб, 1740 йилнинг кузида Бухоро хонлигини ўзига бўйсундирди. Шун-

¹ Асли Хожи тархон (Астрахон)лик бўлганлари учун сулола шундай аталган.

дан кейин ҳокимият асосан Нодиршоҳнинг гумаштаси, манғит қабиласидан чиққан нуфузли катта ер эгаси Муҳаммад Раҳимбий қўлига ўтди. Абулфайз ўлдирилгандан кейин тахтга ўтқизилган Абдулмўмин (1747–1751 йй.) ва Убайдуллахон II (1751–1753 йй.) аслида «кўғирчоқ» хонлар бўлиб, давлатнинг муҳим ишлари Муҳаммад Раҳимбийнинг қўлига ўтиб қолган эди.

1753 йилнинг 16 декабрида Муҳаммад Раҳимбий ҳукумат тепасига чиқарилди. Шу кундан бошлаб Бухоро хонлигида ҳокимият Манғитлар сулоласи (1920 йилнинг сентябр ойигача ҳукмронлик қилган) қўлига ўтди. Яна бир муҳим далил. Тарқоқлик ва беқарорлик натижасида XVIII асрнинг бошида (1709 й.) Фарғона ҳам Бухоро хонлигидан ажралиб чиқди ва бу ерда Қўқон хонлиги (1709–1876 йй.) ташкил топди.

Шундай қилиб, яқиндагина марказлашган яхлит бир мамлакат уч ҳукуматга: Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ва Қўқон хонлигига бўлиниб кетди. Бундан подшо Россияси усталик билан фойдаланди ва Ўрта Осиёни босиб олди.

МАНБАЛАР

1. Эски ўзбек тилидаги манбалар

Таворихи гузида, нусратнома. Асар ким томонидан ёзилгани маълум эмас. Тадқиқотчилар орасида бу хусусда турлича фикрлар бор. Масалан, шарқшунос-археолог П. И. Лерхнинг сўзларига қараганда, асар машҳур мутасаввуф шоир Жалолоддин Румийнинг ўғли Султон Валад тарафидан ёзилган¹. Лекин бу гап ҳақиқатдан тамом йироқдир. Султон Валад мазкур асар ёзилмасдан қарийб 300 йил муқаддам (1226–1312 йй.) яшаб ўтган, А. А. Семенов, Р. Г. Муқминова ва В. П. Юдин «Таворихи гузида, нусратнома» Шайбонийхон томонидан ёки унинг яқин иштироки би-

¹ Лерх П. И. Археологическая поездка в Туркестанский край в 1867 г. СПб., 1870, 11-бет.

лан ёзилган, деб тахмин қиладилар¹. Асарни чуқур ва атрофлича ўрганган яна бир олим — А. М. Акромовнинг фикрича, асар машҳур «Шайбонийнома» дostonининг муаллифи шоир Муҳаммад Солиҳ (қ.)нинг қаламига мансубдир². Афсуски, бу фикрларга қўшилиб бўлмайди. Асар муқаддимасида ўзини «ожиз», «ғариб», «хокисор» деб атаган номаълум бир муаллиф Мунка қоон номига ёзилган «Таворихи жаҳонкушой», Ғозонхоннинг қизи отига битилган «Таворихи гузида» ва Улуғбек мирзо номидан ёзилган «Мунтахаб ут-таворихи шоҳий» номли китоблардан сайлаб тартиб бериш ҳақида буйруқ олганлиги ва унга Шайбонийхон тарихини ҳам қўшиб бир асар яратганлигини ва асарга «Таворихи гузида, нусратнома» («Сайланма солномалар, зафар китоби») деб от қўйилганлигини очиқ айтади³. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, мазкур асар Шайбонийхоннинг топшириғи билан саройга яқин турган тарихчилардан бири томонидан юқорида номлари келтирилган асарлар ва ўз кўрсатувлари асосида яратилган.

«Таворихи гузида, нусратнома» 1502–1505 йиллар орасида ёзилган бўлиб, икки мустақил қисмдан — «Таворихи гузида» ва «Нусратнома»дан иборат. Биринчи қисмда Ўғизхон ва қадимги турклар, Чингизхон ҳамда унинг Мўғулистон, Дашти қипчоқ, Ўрта Осиё ва Эронда ҳукмронлик қилган авлоди тарихи; иккинчи қисмда эса Шайбонийхон

¹ Семёнов А. А. Первые Шейбаниды и борьба за Мавараннахр. «Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии», Сталинабад, 1954, 13-бет.

Мукминова Р. Г. О некоторых источниках по истории Узбекистана нач. XVI в., Труды ИВ АН УзССР, вып. III, Ташкент, 1954, 126-бет;

В. П. Юдин. Материалы по истории казахских ханств XV–XVIII вв., Алма-Ата, 1969, 10–12-бетлар.

² Таворихи гузиде, нусратнома. Исследование, критический текст, аннотированное оглавление и таблица сводных оглавлений А. М. Акимова, Ташкент, 1967, 18–19-бетлар.

³ Таворихи гузиде, нусратнома, 10–11-бетлар.

таваллуди (1451 й.)дан то унинг Мовароуннахрни истило қилишигача (1500–1505) Дашти қипчоқ ҳамда Мовароуннахрнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи баён қилинган.

Асар, айниқса унинг иккинчи қисми («Нусратнома»), зўр илмий қимматга эга. Унда Шайбонийлар қўшинининг тузилиши, унинг этник таркиби, шунингдек, кўчманчиларнинг Қорақўл, Ҳисор, Чағониён, Ўратепа ҳамда Хўжанд вилоятларида қилган талон-торожликлари ҳақида муҳим маълумотлар бор. Асарнинг яна бир қиммати шундаки, унда муҳим тарихий воқеаларнинг содир бўлган вақти аниқ кўрсатилган. Бундан ташқари, Шайбоний қўшинлари тарафидан Фарғона вилоятининг истило этилиши фақат «Нусратнома»да тўла ва тўғри ёритилган.

«Таворихи гузида, нусратнома»нинг фақат иккита кўлёзма нусхаси бизнинг замонимизгача етиб келган. Улардан бири ҳозирда Санкт-Петербургда, иккинчиси эса Англияда (Британия музейида) сақланмоқда.

Асарнинг фотоматни, зарур изоҳлар ва тадқиқотлар билан қўшиб, 1967 йили Тошкентда чоп этилган. Ундан айрим парчалар 1969 йили Олма-Отада В. П. Юдин томонидан рус тилида эълон қилинган.

Абдулла Насруллоҳий. XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг биринчи ярмида ўтган балхлик тарихшунос олим. Ҳақиқий исми-шарифи: Абдулла ибн Муҳаммад ибн Али Насруллоҳий. Ҳаёти ва илмий фаолиятига оид маълумотлар кам. XV асрнинг 80–90-йилларида Балх ҳокими Темурийзода Бадиуззамон мирзонинг хизматида бўлган. Ҳирот Шайбонийхон томонидан ишғол этилган (1507 й.)дан кейин унинг хизматида кирган. Шайбонийхон ҳалок бўлгандан кейин, унинг ўғли Муҳаммад Темур султон ҳузурига, Самарқандга келган. Бобур мирзо қизилбошлар билан иттифоқ тузиб, Мовароуннахрга бостириб кирган (1511 йил январ ойида), Шайбоний султонлар билан бирга Тошкентга келган ва Суюнчхожахоннинг хизматида кирган. Орадан кўп вақт ўтмай, Абдулла Насруллоҳий Суюнчхожахоннинг ўғли, Шоҳ-

руҳия¹ ҳокими Султон Муҳаммад (кўпинча Келди Муҳаммад номи билан машҳур)нинг хизматига ёлланган ва 1525 йили унинг топшириғи билан ўзининг «Зубдат ул-асар» («Солномалар сараси») номли китобини ёзган.

«Зубдат ул-асар» умумий тарих йўналишида ёзилган ва қадим замонлардан то 1525 йилгача муслмон мамлакатларида юз берган ижтимоий-сиёсий воқеаларни қисқача баён қилади. Асар 11 қисм (фасл)дан иборат бўлиб, унинг фақат сўнгги, ўн биринчи қисми асл нусха ҳисобланади. Унда XVI асрнинг биринчи чорагида Хуросон ва Мовароуннаҳрда содир бўлган воқеалар бирмунча кенг ёритилган. Айниқса, Шайбоний султонлар (Суюнчхожахон, Кўчкунчихон, Жонибек султон, Убайдуллахон, Муҳаммад Темур султон) билан Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва унинг иттифоқчилари бўлмиш қизилбошлар ўртасида Мовароуннаҳр учун давом этган қуроли кураш; Суюнчхожахон билан Султон Саидхон (1512–1514 йй.) ўртасида тожу тахт учун бўлган кураш ва Фарғонанинг кўчманчи ўзбеклар тарафидан қайтадан бўйсундирилиши; Шайбонийларнинг 1514, 1520, 1524 йиллари Хуросон устига қилган ҳарбий юришлари ва Балхнинг бўйсундирилиши (1526 й.); Шайбонийлар билан қозоқ султонлари, хусусан Қосимхон (1511–1523 йй.) ўртасида Сирдарё бўйида жойлашган шаҳарлар (Ясси, Саврон, Сузоқ, Сайрам ва б.) учун олиб борилган курашлар тарихи бирмунча кенг баён этилган.

«Зубдат ул-асар»нинг қўлёзма нусхалари жуда кам. Масалан, ундан фақат икки нусха сақланиб қолган. Улардан бири Тошкентда, иккинчиси эса Санкт-Петербургда сақланмоқда. Афсуски, уларнинг ҳар иккаласи ҳам мукамал эмас, масалан, Тошкентда, Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланаётган нусха (инв. № 608) асарнинг фақат 8, 9, 10 ва қисман 11-фасллари ўз ичига олади.

¹ **Шоҳруҳия** — Оҳангарон сойи Сирдарёга келиб қўшиладиган ерда жойлашган ўрта аср шаҳари. Қадимги Банокат.

Тарих 1512 йил воқеалари билан узилиб қолган. Санкт-Петербургда Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлими кутубхонасида сақланаётган нусха (инв. № Д 104) эса фақат асарнинг 10-ва 11-фасллари ўз ичига олади.

Абдуллоҳ Насруллоҳийнинг мазкур асари жуда кам ўрғанилган. Ундан фақат айрим парчалар рус тилида баъзи илмий мажмуаларда чоп этилган.

Муҳаммад Солиҳ (тахм. 1455 — 1535 йй.). Ҳаёти ва фаолияти ҳақида қуйидагилар маълум: туркийзабон билкут қабиласидан чиққан; Шохруҳ ва Улугбек даврида зўр нуфузга эга бўлган амир Шохмаликнинг набираси. Отаси амир Нур Саидбек ҳам йирик амирлардан бўлиб, Мирзо Улугбек, сўнгра Султон Абу Саид мирзо хизматида бўлган; 1464—1467 йиллари Хоразмда ҳоким бўлган ва 1467 йили Султон Абу Саиднинг фармони билан қатл этилган. Муҳаммад Солиҳнинг ёшлиги Ҳиротда кечган ва ўша ерда ўқиб нашъу намо топган, сўнгра Султон Ҳусайн, 1494 йилдан Самарқандда катта нуфузга эга бўлган Темурий амирлардан Дарвиш Муҳаммад тархон ва хожа Убайдулла Аҳрорнинг ўғли хожа Муҳаммад Яҳё, 1500 йилдан эса Шайбонийхоннинг хизматида бўлган; 1500—1504 йиллари мазкур хоннинг Бухоро ва Чоржўйдаги ноиби бўлиб, шундан кейин, то вафотига қадар, Шайбонийлардан Маҳмуд султон (1505 йили вафот этган) ва Убайдуллахоннинг котиби бўлиб хизмат қилган.

Муҳаммад Солиҳ Шайбонийхоннинг ҳаёти ва олиб борган урушлари ҳақида ҳикоя қилувчи шеърини «Шайбонийнома» номли асар ёзиб қолдирган. Асар Шайбонийхон туғилгандан бошлаб, то 1505 йилгача Дашти қипчоқ, Мовароуннаҳр ҳамда Хоразмнинг ижтимоий-сиёсий тарихидан баҳс юритади. Асарда кўчманчилар қўшинларининг ёвузликлари, меҳнаткаш халқнинг оғир аҳволи, Қоракўл, Қарши ва Ҳузурда Шайбонийларга қарши кўтарилган кўзғолонлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар учратамиз. Асар географик ва этнографик маълумотларга ҳам бойдир.

«Шайбонийнома» 1505 йилдан кейин ёзилган. Унинг қўлёзма нусхалари кам, ҳозиргача асарнинг фақат иккита нусхаси аниқланган: улардан бири Вена (Австрия)да, иккинчиси эса Санкт-Петербург университети кутубхонасида сақланади. Асар уч марта (1885, 1908, 1961 йй.) нашр этилган.

Абулғозихон. Хива хони (1643–1663 йй.); йирик тарихчи олим. 1603 йил 23 августда Урганчда туғилган ва 1619 йилгача ана шу шаҳарда истиқомат қилган. Сўнгра инилари Ҳабаш ва Илборс билан тожу тахт учун бўлган курашда мағлубиятга учраб, Бухорога қочиб борди ва Имомқулихон (1611–1642 йй.) саройида паноҳ топди. Акаси Исфандиёр хон бўлган (1623 й.), яна Хоразмга қайтиб борди ва Урганчга ҳоким этиб тайинланди. Лекин, орадан кўп вақт ўтмай (1627 й.), у яна ўзаро курашда, бу сафар Исфандиёрхоннинг ўзи билан бўлган курашда мағлубиятга учради. Бу сафар Абулғозихон Туркистонга қочиб борди ва қозоқ хонларидан Ишимхон (1598–1628 йй.) ҳузуридан паноҳ топди. Орадан бир йил чамаси вақт ўтгач, 1628 йили, яна бир қозоқ хони — Турсунхон уни Тошкентга олиб кетди ва Абулғозихон Тошкентда 1630 йил охиригача истиқомат қилди.

Орадан кўп вақт ўтмай, Абулғозихон Хива туркманларининг таклифи билан яна Хоразмга қайтиб борди, лекин орадан олти ой ўтар-ўтмас, Исфандиёрхон уни Нисо ва Дарунга босқинчилик юриши уюштирганликда айблаб ҳибсга олди ва Эронга, шоҳ Сафиъ I (1629–1642 йй.) ҳузурига омонат тариқасида¹ бериб юборди. Абулғозихон ўшанда Исфаҳондаги Таборак қалъасига қамаб қўйилди ва шу тарзда Эронда 10 йил атрофида кун кечирди. 1639 йили Абулғози қамоқдан қочди ва кўп машаққатлар чекиб, 1642 йили она юртига қайтиб келди. 1643 йили, Исфандиёрхон вафотидан

¹ **Омонат** — тобелик аломати. Ўрта аср анъаналарига кўра, тобеликни қабул қилган ҳукмдор голиб ҳукмдорнинг саройига фарзандлари ёки яқин қариндошларидан бирини гаров тариқасида юборган. Бу ерда шунга ишорат.

бир йил ўтгач, Орол ўзбеклари уни хон қилиб кўтардилар. Ўша йили Абулғозихон Хивадаги рақиблари устидан ҳам галаба қозонди ва Хива тахтига ўтирди.

Абулғозихон кенг маълумотли бўлиши билан бир қаторда, феодал ҳукмдор ҳам эди. У ўз фаолияти билан ана шу эксплуататор синфга хизмат қилди, унинг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилди; бошқа халқлар ва мамлакатлар устига босқинчилик юришлари уюштирди. Масалан, у 1646—1653 йиллари Тажан, Боми Бовурма, Атрок ва Журжон туркманлари устига юриш қилиб, уларни аёвсиз талон-торож қилди, кўплаб бегуноҳ кишиларнинг ёстигини қуритди; 1658 ва 1661 йиллари Бухоро устига қўшин тортди ва унинг талайгина шаҳар ва қишлоқлари (Чоржўй, Қоракўл, Варданзи ва б.)ни талон-торож қилди.

Абулғозихон 1663 йили тожу тахтни ўғли Ануша (1663—1687 йй.)га қолдириб, умрининг охирини бутунлай илмий ишга бағишлади. У 1664 йили вафот этган.

Абулғозихон тарих саҳифасида катта ер эгаси, ҳукмдор сифатида эмас, балки кенг маълумотли катта тарихчи олим сифатида қолди. У «Шажарайи турк ва мўғул» ҳамда «Шажарайи тарокима» номли икки йирик тарихий асар ёзиб қолдирди.

«Шажарайи тарокима» туркман халқи ва Туркманистоннинг ўрта асрлардаги тарихини ўрганишда бош манба ролини ўтайди. «Шажарайи турк ва мўғул» эса Ўзбекистоннинг XV—XVII асрлардаги тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутди.

«Шажарайи турк ва мўғул» 1664 йили ёзилган, лекин Абулғозихоннинг оғир дардга чалиниб қолиши ва тез орада вафот этиши сабабли тамомланмай қолган. Асар IX бобининг давоми, яъни 1644—1663 йиллар воқеалари Анушахоннинг топшириғи билан Маҳмуд ибн мулла Муҳаммад Урганжий деган олим томонидан ёзилган. Асарнинг I—IV боблари ҳам ўша Маҳмуд ибн Муҳаммад Урганжийнинг қаламига мансубдир.

«Шажарайи турк ва мўғул» қисқача муқаддима ва 9 бобдан иборат. Муқаддимада асосан асарнинг ёзилиш сабаблари ҳақида гап боради. I бобда Одам Атодан то Мўғулхонгача, II бобда Мўғулхондан Чингизхонгача, III бобда Чингизхоннинг туғилишидан то вафотигача, IV бобда Ўгадай қоон ва унинг Мўғулистонда ҳукмронлик қилган авлоди, V бобда Чигатойхон ва унинг Мовароуннаҳрда подшолик қилган ворислари, VI бобда Элхонийлар, яъни Эронда ҳукмронлик қилган Чингиз авлоди, VII бобда Жўчихон ва унинг Дашти қипчоқда подшолик қилган авлоди, VIII бобда Шайбонийхон ва унинг Мовароуннаҳр, Қозоғистон, Сибирь ва Қримда ҳукмронлик қилган фарзандлари ва, ниҳоят, IX бобда Шайбонийхоннинг 1511 йилдан Хоразмда подшолик қилган авлоди билан боғлиқ воқеалар баён этилган.

Асарнинг I–VIII боблари компиляция бўлиб, Рашидуддиннинг «Жоме ут-таворих», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарлари, шунингдек, 18 та бошқа тарихий китоблар асосида ёзилган. Унинг фақат IX боби асл нусха ҳисобланади ва унда Хоразмнинг 1512–1663 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихи кенг ва атрофлича баён этилади. Бундан ташқари, асарда муаллиф замонида обод бўлган Хоразм шаҳарлари (Урганч, Вазир, Тирсак, Янги шаҳар, Булдумсоз, Бағдод, Кот, Дурун, Қумкент, Миздахкан, Доруған ота, Бақирғон, Хос минора, Исм Маҳмуд ота, Чилик), Амударё ва дарё ўзанининг ўзгариши, хивалик туркманларнинг оғир аҳволи, XVI–XVII асрларда Хива хонлиги билан Бухоро ўртасидаги сиёсий муносабатлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар учрайди.

Абулғозихон ва унинг «Шажарайи турк ва мўғул» асари тез орада илмий жамоатчиликнинг диққат-эътиборини қозонди. У XVIII асраёқ бир неча Европа тилларига: немис ва француз (1726 й.), рус (1770 й.) ва инглиз (1780 й.) тилларига таржима қилинди. Ўтган асрда бу асар немис (Г. Я. Кёр), рус (Я. О. Ярцев ва Г. С. Саблуков), француз (П. И. Демезон), турк (Аҳмад Вефиқ поша) тилларида чоп қилинди. Асар 1897–1913 йиллари яна турк (таржимон Ризо

Нур) ва 1935 йили форс тилларига таржима қилинди. Асарнинг Г. С. Саблуков (1906 й.) ва П. И. Демезон (1871–1874 йй.) амалга оширган нашрлари мукамал ва зўр илмий қимматга эгадир.

Мунис ва Огаҳий. XVIII асрнинг сўнгги чораги ва XIX асрда ўтган хоразмлик йирик шоир, таржимон ва тарихшунос олимлар.

Мунис (асл исми: Шермуҳаммад ибн Авазбий) 1778 йили Хоразмнинг Кот қишлоғи (қадимда йирик шаҳар)да дунёга келган; Хива мадрасаларида таҳсил кўрган; 1800 йилдан бошлаб хон саройида саркотиб бўлиб хизмат қилган. У 1829 йили 51 ёшида вафот этган.

Мунис атрофлича маълумот олган, турли фанлар, хусусан адабиёт ва тарихдан кенг хабардор бўлган етук олим ва истеъдодли шоир сифатида тарихда қолди. У 1806 йили Элтузархон (1804–1806)нинг топшириғи билан «Фирдавс ул-иқбол» («Жаннат боғи») асарини ёза бошлайди. Лекин асар, айрим сабабларга кўра, тугалланмай қолган.

Мунис зўр таржимон сифатида ҳам маълум. У Мирхонднинг юқорида тилга олинган «Равзат ус-сафо» асари таржимасини ҳам бошлаб берган ва унинг биринчи жилдини таржима қилиб тамомлаган.

Огаҳий (ҳақиқий исми: Муҳаммад Ризо ибн Эрнийезбек) ҳам асли котлик. 1809 йили туғилган. Юқорида зикр этилган Муниснинг жияни ва унинг қўлида тарбия топган. Яхши ўқиб, турли фанларни, хусусан тарих ва адабиётни чуқур эгаллаган. Муниснинг вафотидан (1829 й.) кейин саройни тарк этиб, ота касби — мироблик билан кун кечирган. Огаҳий 1847 йили вафот этган.

Огаҳий ҳам истеъдодли шоир, тарихнавис олим ва таржимон сифатида шуҳрат топди. У тоғаси бошлаган «Фирдавс ул-иқбол»ни охирига етказди. Ундан ташқари, «Риёз уд-давла» («Давлатнинг жаннат боғи»), «Зубдат ут-таво-рих» («Тарихлар сараси»), «Жомиъ ул-воқеоти султоний» («Султон воқеаларининг мажмуаси»), «Гулшан уд-давлат» («Давлат гулшани») каби асарлар ҳам ёзган. Ундан ташқари,

Оғаҳий 19 асарни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Мирхонднинг «Равзат ус-сафо»си, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Зайнуддин Восифийнинг «Бадоиъ ул-вақоий» асари шулар жумласидандир.

Мунис ва Оғаҳий Хоразмнинг қадим замонлардан то Кўнғирот сулоласидан¹ чиққан Оллоқулихон (1825–1842 йй.) замониғача бўлган тарихидан баҳс юритувчи «Фирдавс ул-иқбол» («Иқбол боғи») номли муҳим асар ҳам ёзиб қолдирганлар.

«Фирдавс ул-иқбол» муқаддима ва беш бобдан иборат. 1806 йили бошланган ва 1840 йили ёзиб тамомланган.

Муқаддимада Элтузархон номига ҳамду сано ўқилади; Муниснинг мазкур хоннинг хизматига кириш сабаблари айтилади, шунингдек, асар мундарижаси келтирилади.

Асарнинг I–II боблари исломиятдан аввал ўтган пайгамбарлар, эски тарих китобларда турк-мўғул қабилаларининг аждоди ҳисобланган Ёфас ибн Нуҳ ва кўнғирот амирларининг илк тарихига бағишланган.

Учинчи бобда Буртажон ва Чингизхон тарихи, Мўғул империясининг Чингизхон замонидан то Олтин ўрда хони Бердибек (1357–1361 йй.) давригача бўлган тарихи баён этилган.

Тўртинчи боб Хоразмнинг Шайбонийлар даври (1511–1804 йй.)даги ижтимоий-сиёсий тарихи ҳақидадир.

Бешинчи боб Хива хонлигининг 1804–1825 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олади.

Мунис ва Оғаҳий мазкур асарининг асосий аҳамияти шундаки, унда Хоразмнинг қарийб 300 йиллик (1511–1825 йй.) тарихи яхлит, хронологик тартибда баён этилган. Қолаверса, асар турли мавзудаги далилий маълумотга ниҳоятда бой. Асарда, масалан, Хоразм (Хива хонлиги) ўрамида истиқомат қилган туркман, қорақалпоқ ва қозоқ халқлари ва уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тут-

¹ Кўнғирот сулоласи — Хоразмни 1804–1920 йиллар орасида идора қилган сулола. Асосчиси Элтузархон (1804–1806 йй.)

ган ўрни, катта ер эгаллиги, эксплуатация ва меҳнаткаш халқнинг оғир аҳволи (масалан, халқдан ундириладиган солиқ ва жарималар: хирож, закот, пешкаш, тансуқот ва ҳоказолар; ўн тўрт уруғнинг тарқатиб юборилиши, 1714, 1722–1723 ва 1768 йиллари содир бўлган очарчилик ва қаҳатчилик ва ҳоказо); Хоразм шаҳарлари (Урганч, Кот, Вазир, Янги шаҳар, Тирсак, Гандумкон, Ҳазорасп, Шоҳобод ва б.)нинг умумий аҳволи; туркманлар ва Хоразм ўзбекларининг этник таркиби; Хива хонлигининг бошқа мамлакатлар, хусусан, Эрон, Бухоро хонлиги ва Россия билан бўлган иқтисодий ва сиёсий муносабатлари хусусида қимматли маълумотлар учратамиз.

«Фирдавс ул-иқбол» кам ўрганилган, нусхалари ҳали чоп этилмаган. Ўзбекистон, Россия ва хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланади.

Мирза Олим Тошкандий. Тўла исми: Мирза Олим ибн домла Мирза Раҳим Тошкандий; ҳаётига оид маълумотлар йўқ, «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин» («Султонлар шажараси ва хоқонлар тарихи») асари билан машҳур. Асар XIX аср сўнггида ёзиб тамомланган. Шунга қараганда, олим XIX асрнинг иккинчи ярмида ўтган ва кенг маълумотли кишилар жумласидан бўлган.

«Ансоб ус-салотин» Фарғонанинг XV–XIX асрлар орасидаги тарихини ўз ичига олади. Муаллиф айниқса 1842–1875 йиллар тарихини кенг ёритган.

Асар чоп қилинмаган. Унинг қўлёзма нусхалари ЎЗР ФА Шарқшунослик институти хазинасида (инв. № 3753, 7515, 9841, 1314) ҳам сақланади.

Хоразмнинг кенг қамровли тарихшунос олим ва истеъдодли шоирларидан бири **Муҳаммад Юсуф ибн Бобожонбек Баёний** (1858–1923) дир. Баёнийнинг наслу насаби Хива хонлигини кўп йиллар идора қилган Қўнғиротлар сулоласига бориб уланади. Отаси Бобожонбек Хива хони Элтузархон (1804–1806) га набира бўлади.

Муҳаммад Юсуф Баёний ёшлигидан яхши тарбия топди, кенг маълумот олди. Араб ва форс тилларини яхши

ўрганди, адабиёт, тарих, тибб ва мусиқа илмларини эгаллади. Шу билан бирга хаттотлик илмини ҳам яхши ўрганди. У, айниқса хатларнинг райҳоний, сулс, куфий ва шикаста турлари бўйича моҳир хаттот, мусиқа илмида, айниқса танбур ва ғижжак чалишда маҳоратли созанда бўлиб етишди.

Баёний мумтоз адабиётни, хусусан шеър илмини ҳам пухта эгаллади, ўз замонининг шоири сифатида донг таратди. У мумтоз шеърининг барча турларида ижод қилди. Ўзидан бир шеърини тўплам (девон) қолдирди. Девони ЎзР ФА нинг Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланмоқда.

Баёний асосан йирик тарихшунос олим, Мунис ва Огаҳийларнинг давомчиси сифатида шуҳрат қозонди. У икки йирик асар: «Шажарайи хоразмшоҳий» ва «Хоразм тарихи» асарларининг муаллифидир. «Шажарайи хоразмшоҳий» да Хоразмнинг туркларнинг қадимги подшоси Ёфас ўғлон (Ёфас ибн Нуҳ)дан то Қўнғирот сулоласигача кечган тарихи баён этилган. Асарнинг энг қимматли қисми Муҳаммад Раҳимхон I (1806–1873) ва Асфандиёрхон (1910–1918) давригача бўлган сўнгги қисмидир. Олимнинг яна бир тарихий асари «Хоразм тарихи» деб аталади. Унда Хоразмнинг 1910–1918 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихи кенг ёритилган.

Муҳаммад Юсуф Баёний моҳир таржимон сифатида ҳам ном қолдирган. У кўпгина муҳим тарихий асарларни араб ва форс тилларида ўзбек тилига таржима қилган. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг «Китоб расул ва-л мулук ва-л-хулофо» асари, Дарвеш Аҳмаднинг «Саҳойиф ул-акбар», Камолиддин Биноийнинг (қ). «Шайбонийнома» китоблари шулар жумласидандир.

Олимнинг «Шажарайи хоразмшоҳий» асарининг (1911–1913 йиллари ёзиб тамомланган) бир қисми, яъни Муҳаммад Раҳимхон II замонидан саййид Асфандиёрхон ҳукмронлиги даврини ўз ичига олган 15- ва 16-боблари шарқшунос олима Иқболой Азизова тарафидан, сўзбоши ва зарур изоҳлар билан, 1991 йили «Мерос» тўпламида нашр этилган.

2. Форс-тожик тилидаги манбалар

Мулла Шодий. Ҳаёти ва илмий-адабий фаолиятига оид маълумотлар жуда кам. Шайбонийхоннинг иниси Маҳмуд султон хизматида бўлганлиги ва унинг топшириғи билан ўзининг «Фатҳнома» достонини ёзганлиги, мазкур асарни тамомлаган йили (1502 й.) 55 ёшда бўлганлиги маълум, холос.

«Фатҳнома» тарихий дoston бўлиб, унда Шайбонийхон таваллуд тоғани (1451 й.)дан то Дашти қипчоқ ўзбеклари томонидан Самарқанднинг истило этилиши (сўнгги марта 1501 йил июн ойи)гача Дашти қипчоқ, Хоразм ва Мовароуннаҳрда содир бўлган асосий ижтимоий-сиёсий воқеалар талқин этилади. Асарда айниқса Абулхайрхон вафоти (1468 й.)дан кейин Дашти қипчоқда юз берган воқеалар кенг ёритилган; Хоразм ва унинг Урганч, Вазир ва Адоқ сингари шаҳарлари, Дашти қипчоқнинг аҳолиси, хусусан манғитларнинг туриш-турмуши, шунингдек, Шайбонийхон аскарларининг Туркистон; Андижон, Бухоро, Дабусия ва Қарши вилоятларини ишғол қилганликлари ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд.

Асар ҳозиргача тўла равишда биронта тилга таржима қилинмаган. Унинг қўлёзма нусхалари кўпгина мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланади. Россия ва мамлакатимизда «Фатҳнома»нинг бешта қўлёзмаси мавжуд. Булардан иккитаси Санкт-Петербург Давлат университети кутубхонасида, икки нусхаси Душанбеда (Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар захирасида) ва биттаси Тошкентда, ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланади. Тошкентда сақланаётган нусха (инв. № 5369) жуда қимматли бўлиб, XVI асрда кўчирилган ва турли сюжетдаги 9 та ажойиб миниатюра билан безатилган.

Камолиддин Биноий. XV–XVI аср бошларида ўтган атоқли шоир ва тарихшунос олим. Ҳақиқий исми-шарифи: Али

ибн Муҳаммад ал-Ҳаравий (1453–1512 йй.). Кўпроқ Камоллидин Биноий номи билан машҳур. Ҳиротда кўзга кўринган меъмор устод Муҳаммадхон Сабз оиласида дунёга келган. Ёшлик пайтлари офир шароитда, Шоҳруҳ мирзо вафотидан кейин мамлакатда кучайиб кетган тожу тахт учун кураш ва ўзаро урушлар шароитида кечди. Маълумки, 1458 йили Қора қўюнлулар сулоласидан¹ бўлган Жаҳоншоҳ (1438–1467 йй.) Хуросонга бостириб кирди ва Ҳиротни эгаллади. Лекин, орадан кўп вақт ўтмай, 1459 йили Темурийзода султон Абу Саид қўшинларининг тазйиқи остида у пойтахт шаҳар ва мамлакатни бўшатиб чиқишга мажбур бўлди. Ўшанда Жаҳоншоҳ юз нафар ҳунарманд оилани ўзи билан бирга Форс вилоятига олиб кетди. Булар орасида меъмор Муҳаммад Сабз ва унинг оиласи (беш-олти яшар ўғли Али билан бирга) бор эдилар. Биноийнинг оиласи қарийб уч йил Шерозда истиқомат қилиб, 1461 йили яна Ҳиротга қайтиб келди.

Навоий, Хондамир ва Заҳририддин Муҳаммад Бобурнинг гувоҳлик беришига қараганда, Камолуддин Биноий кенг маълумотли киши бўлиб, шеърят, иншо, илоҳиёт, мусиқа ва тарих илмларини чуқур билган. Бундан ташқари, у меъморчилик санъатида ҳам ўз замонининг пешқадамларидан ҳисобланган. Муҳаммад Сабз ва унинг ўғли қўли билан қурилган бинолар Ҳиротда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида жуда кўп бўлган. Масалан, 1481 йили ҳозирги Афғонистоннинг Мозори шариф шаҳрида (эски номи Хожа ҳайрон) Али ибн Абу Толиб (656–661 йй.) мозори тепасига қурилган муҳташам мақбара ва бошқа бинолар шулар жумласидандир. Етук шоир ва олимнинг «Биноий» деб аталиши ҳам шундан.

Биноий орадан кўп вақт ўтмай Табризга келиб қолди ва 1492 йилга қадар Султон Яъқуб Оқ қўюнлу (1478–1490 йй.)

¹ Қора қўюнлу — 1380–1468 йиллари Ироқи Ажам ва Озарбайжонни идора қилган сулола; асосчиси Қора Муҳаммад Турмуш (1380–1389).

саройида хизмат қилди. 1492 йили у яна Ҳиротга қайтди, лекин, 1495 йили айрим сабабларга кўра (ўзининг сўзлари-га қараганда, баъзи ҳасадгўйларнинг ифвоси туфайли), Самарқандга кетиб қолди. У дастлаб хожа Убайдулла Аҳрорнинг тўнғич ўғли ва сулукда вориси хожа Қутбуддин Яҳё, сўнг Заҳириддин Муҳаммад Бобур, ундан кейин 1501 йилдан то умрининг охиригача, Шайбонийхон ҳузурида унинг сарой шоири ва тарихчиси бўлиб хизмат қилди. 1507 йили Биноий Шайбонийхон билан бирга Ҳиротга келди ва 1510 йилгача она шаҳрида истиқомат қилди. 1511 йили, шаҳарга Исмоил Сафавий қўшинлари яқинлашиши билан, у яна Мовароуннаҳрга кетиб қолди ва Қарши шаҳрида кун кечирди. Камолуддин Биноий 1512 йили Қарши мудофаачилари сафида туриб шаҳарни қамалга олган қизилбошларга қарши курашди ва ўша жангда ҳалок бўлди.

Камолиддин Биноий истеъдодли шоир ва улкан тарихшунос олим сифатида тарихда қолди. У Ўрта Осиё, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг XV асрнинг сўнгги чораги ва XVI асрнинг бошларидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда алоҳида қимматга эга бўлган «Шайбонийнома» номли китоб ёзиб қолдирди.

Биноийнинг «Шайбонийнома»си ҳам юқорида тилга олинган «Таворихи гузида, нусратнома» ва «Фатҳнома» асарлари билан бир режада ёзилган бўлиб, Шайбонийхон таваллудидан то Дашти қипчоқ ўзбеклари томонидан Мовароуннаҳр ва Хоразмни бўйсундирилишига (1505 йилга) қадар Дашти қипчоқ ва Ўрта Осиёда бўлиб ўтган тарихий воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади. Асар 1505–1507 йиллар орасида ёзилган.

«Шайбонийнома»да 1450–1505 йиллар орасида юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар қисқа, лекин аниқ баён этилган. У муҳим географик (масалан, Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган Саброн, Сиғноқ, Арқуқ, Ўтрор, Ясси, Ўзганд, Оққўрғон ва Хоразмга тобе шаҳарлардан Урганч, Вазир, Булдумсоз, Адоқ ва бошқалар ҳақида) ҳамда этнографик (масалан, Дашти қипчоқлик ўзбек қабилалари

ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни) далилларга бениҳоят бой асардир. Бундан ташқари, асарда шайбоний амирлар ва аскарининг бебошликлари ҳақида ҳам муҳим маълумотларни учратиш мумкин.

«Шайбонийнома»нинг матни чоп этилмаган. Унинг қўлёзма нусхалари кўп. Фақат ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасининг бир ўзида асардан етти нусха сақланган. Булардан бири (инв. № 844) энг кўҳна нусха бўлиб, Шайбонийхон ҳаёт чоғида унинг шахсий котиби Муҳаммад Мўмин тарафидан кўчирилган; айрим сатрлари эса Шайбонийхоннинг ўз қўли билан кўчирилган. Яна бир эътиборли нусха (инв. № 3422) «Шайбонийнома»нинг хоразмлик машҳур тарихчи ва таржимон Муҳаммад Юсуф Баёний (1858–1923 йй.) томонидан қилинган ўзбекча таржимасидир. Асардан айрим парчалар рус тилида мажмуаларда эълон қилинган.

Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳон. XV асрнинг охири, XVI асрнинг биринчи чорагида ўтган йирик олим. Тўлиқ исми: Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳон ал-Исфажоний бўлиб, кўпинча хожа Мулло номи билан машҳур. Рузбеҳон 1457 йили Форс вилояти (Эрон)нинг Хунжи қишлоғида таваллуд топган. Отаси Жалолуддин Рузбеҳон йирик илоҳиёт ва фикҳ олими ва мансабдор бўлган. Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳон асосий маълумотни Исфажон мактаблари ва мадрасаларидан бирида олди, сўнг билимини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш мақсадида икки марта (1474 ва 1482 йиллари) Арабистонга борди ва йирик илоҳиёт олими шайх Жамолуддин Ардастоний (1474 йили вафот этган) ҳамда мисрлик машҳур тарихшунос ва тилшунос олим Шамсуддин Муҳаммад ас-Сақавий (1427–1497 йй.)дан таълим олди.

Хуллас, Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳон ўрта аср фанининг бирмунча соҳаларини, хусусан, илоҳиёт, фикҳ, фалсафа, тарих ва Шарқ адабиётини кенг ва чуқур эгаллаган олимдир. Бу ҳол унинг талайгина ҳукмдор саройида зўр эътибор қозонишига сабаб бўлди. Рузбеҳон Султон Яъқуб Оқ кўюнлу (1479–1490 йй.), Султон Ҳусайн Бойқаро (1470–1506 йй.),

Шайбонийхон, ва, ниҳоят, Бухоро ҳукмдори шайбонийзода Убайдуллахон (1533–1539 йй.) саройида хизмат қилди. Энг муҳими, у юқорида айтиб ўтилган фан соҳаларига доир бирмунча йирик илмий асарлар ёзиб қолдирди. «Ҳалли тажаррид» («Абстракциянинг ҳал этилиши»), «Таълиқот бар мухолот» («Ақлга сигмайдиган [нарсалар]нинг изоҳи»), «Бадий уз-замон фи қиссайи Хайй ибн Яқзон» («Хайй ибн Яқзон» қиссасида замон бадиалари), «Тарихи оламорои Амийнӣ» («Амийнӣнинг жаҳонга безак бўлувчи тарихи»), «Ибтол наҳж ал-ботил ва аҳмол кашф ал-оътил» («Нотўғри йўлдан воз кечиш ва бидъатни инкор этиш»), «Сулук ал-мулук» («Подшоларнинг хулқ-атвори ҳақида [рисола]»), «Шарҳи «Қасидаи бурда» ал-Бусирий» (Ал-Бусирийнинг «[Пайғамбарнинг] жандаси» рисоласига шарҳ»), «Меҳмонномаи Бухоро» шулар жумласидандир.

Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг XV асрнинг иккинчи ярми — XVI аср бошларидаги тарихини ўрганишда олимнинг кейинги асари, яъни «Меҳмонномаи Бухоро» зўр қимматга эга. Мазкур асар 1509 йилнинг феврал-сентябр ойлари орасида ёзиб тамомланган.

«Меҳмонномаи Бухоро» Шайбонийхоннинг 1508–1509 йил қиш ойларида қозоқ султонлари Жониш султон, Аҳмад султон ва бошқаларнинг улуси устига уюштирган ҳарбий юриши тарихини баён этади. Бу юриш Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳон келтирган маълумотларга қараганда, мазкур султонларнинг 1508 йилнинг кузида ва 1508–1509 йилнинг қиш ойларида Мовароуннаҳрнинг ўтроқ туманлари устига қилган талончилик хуружларига жавобан уюштирилган. Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳон бу юришда шахсан иштирок этган, юз берган воқеаларнинг кўпчилигини ўз кўзи билан кўрган, баъзиларини эса хон ва унинг яқин кишиларидан эшитган. XV асрнинг иккинчи ярмига оид, шунингдек, ўзбек ва қозоқ хон ва султонларининг келиб чиқиши ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги воқеалар эса Шайбонийхоннинг қўлида бўлган «Насабнома» («Тарихи Ҳумоюн» деб ҳам аталади) асосида ёзилган.


Асарнинг биз учун қиммати шундаки, унда Дашти қипчоқ, Туркистон ва қозоқ улусининг географик ҳолати, Дашти қипчоқ ўзбеклари ва қозоқларнинг келиб чиқиши, уларнинг этник таркиби, турмуши, урф-одати, шунингдек, бойларнинг хўжалигида қул меҳнатидан фойдаланиш ҳоллари ҳақида бениҳоят қимматли маълумотлар учрайди.

Асар Шайбонийхон ва кўчманчи ўзбек катта ер эгаларининг мақсад ва манфаатларини кўзлаб ёзилган. Масалан, Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳон Шайбонийхоннинг қозоқ улуси устига қилган юришини ғайридинларга қарши қилинган ғазот уруши деб атайди ва бу қонли урушнинг асл моҳиятини оқламоқчи бўлади. Шунинг учун ҳам асар ва унда келтирилган маълумотдан фойдаланганда унинг мана шу томонларини эътибордан қочирмаслик лозим.

«Меҳмонномаи Бухоро»нинг кўлёзма нусхалари кам. Ҳозиргача дунёда унинг фақат иккита нусхаси борлиги аниқланган. Улардан бири автограф бўлиб, ЎзР ФА Шарқшунослик институти (инв. № 1414)да сақланмоқда. Иккинчиси Туркияда, «Нури Усмоғия» кутубхонасига (инв. № 3431) қарашлидир. Асарнинг матни кейинги нусха асосида, 1962 йили эронлик машҳур шарқшунос олим Минучеҳр Сетудэ тарафидан чоп этилган. «Меҳмонномаи Бухоро»нинг қисқартирилган русча таржимаси 1976 йили Р. П. Жалилова томонидан Москвада нашр этилган.

Хондамир. XV аср охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида ўтган йирик тарихчи олим. Тўлиқ исми: Ғиёсиддин Муҳаммад ибн хожа Бурҳониддин бўлиб, тахминан 1475 йил атрофида таваллуд топган. Отаси хожа Ҳумомиддин Муҳаммад теурийлардан Султон Маҳмуд мирзо (1459–1494 йиллари Чағониён, Ҳутталон, Кундуз, Бағлон ва Бадахшон ҳокими)нинг вазири бўлган. Она тарафдан у юқорида тилга олинган Мирхонднинг набирасидир.

Хондамир 15–16 ёшлиги чоғида Алишер Навоийнинг эътиборини қозонади ва унинг хизматиға (кутубхонасига) ишға қабул қилинади. У то Навоийнинг вафотиға (1501 йил 3 январ) қадар унинг хизматиға бўлди ва унинг бой



11-расм. Хондамир. «Ҳабиб ус-сияр» (Ўз.Р ФА ШИ қўлёзмаси, тартиб рақами 2153, л. 1 б.)дан саҳифа.

кутубхонасига мутасаддийлик қилди. Хондамир ўзининг кенг ва чуқур маълумотли, илм-фанга чанқоқлиги ва салоҳияти билан кўпларнинг таҳсинига сазовор бўлди. Унинг ҳақида, масалан, Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» (1490 йили ёзилган) асарида мана буларни ўқиймиз: «Мавлоно Хондамир Мирхонднинг фарзандидир ва салоҳиятли йигитдир. Тарих илмида маҳорати бордир...»¹.

Навоий вафот этгандан кейин Хондамир мамлакатда кучайиб кетган ўзаро кураш, айниқса саройда авжига минган фиску фужурлар оқибатида Балхга кетиб қолди ва Бадиъуззамон мирзо (1496–1506 йиллари Балх ҳоқими; 1517 йили вафот этган)нинг хизматига кирди (унинг шахсий котиби сифатида). Ҳирот Шайбонийхон томонидан ишғол этилгандан кейин, у Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳузурига кетиб қолди. Бобур Мовароуннаҳрдан суриб чиқарилгач (1512 й.), Хондамир Гарчистонга борди ва то 1514 йилгача Пашт қишлоғида истиқомат қилди. У асосан илмий фаолият билан машғул бўлди. 1514–1517 йиллари Хондамир ўша йилларда Балх учун кураш олиб борган Муҳаммад Замон (Бадиъуззамон мирзонинг ўғли) билан бирга бўлди ва унинг шахсий котиби бўлиб хизмат қилди. Муҳаммад Замон мирзо қизилбошлардан енгилгач, Хондамир яна Гарчистонга қайтиб борди ва илмий фаолиятини давом эттирди.

1521 йили Хондамир вазир Ҳабибулло Соважийнинг таклифи билан Ҳиротга қайтиб борди ва унинг топшириғи билан ўзининг йирик тарихий асари «Ҳабиб ус-сияр»ни ёзишга киришди. Орадан олти йил ўтгач, 1527 йилнинг июл ойида, Хондамир Ҳиротни яна тарк этди ва бу сафар Ҳиндистонга кетиб қолди. Қишни у Қандаҳорда кечирди ва 1528 йилнинг 17 сентябрида Аграга келиб тушди ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг хизматига қабул қилинди. Унинг вафотидан кейин эса Бобурнинг тўнғич ўғли ва тахт

¹ Алишер Навоий. Асарлар. 12 жилд. Тошкент, 1966, 125-бет.

вориси Ҳумоюн (1530–1540 йй., иккинчи марта 1555–1556 йй.) билан бирга бўлди. Хондамир 1535 йили вафот этди ва ўзининг васиятига биноан Дехлида, шайх Низомиддин Авлиё мазоридида буюк шоир Ҳусрав Дехлавий ёнига дафн этилди.

Хондамир сермаҳсул олим эди. Мовароуннаҳр, Туркистон, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари тарихи ва маданиятига оид ўнга яқин асар ёзиб қолдирган. «Хулосат ул-ахбор» («Тарихлар хулосаси»), «Ҳумоюннома», «Маосир ул-мулук» («Подшоларнинг асрдошлари»), «Номайи номий» («Атоқли мактублар») ва «Ҳабиб ус-сияр» шулар жумласидандир.

Хондамирнинг илмий меросида «Ҳабиб ус-сияр» (тўла номи: «Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул-башар» — «Инсон хабарлари ва фардларида дўстнинг таржимаи ҳоли») алоҳида ўрин тутди ва Мовароуннаҳр ҳамда Хуросоннинг XV аср охири ва XVI асрнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда муҳим ва қимматли манбалардан бири бўлиб хизмат қилади. Асар 1521–1524 йиллар орасида ёзилган. Лекин олим Ҳиндистонда турган йиллари ҳам асари устида мунтазам иш олиб борди; уни янги далиллар билан бойитди, таҳрир қилди. «Ҳабиб ус-сияр» тўла равишда 1529 йили ёзиб тамомланди.

«Ҳабиб ус-сияр» умумий тарих йўналишидаги асар бўлиб, муқаддима (ифтитох), хотима (ихтитом) ва уч жилд (мужаллад)дан иборат. Ўз навбатида ҳар бир жилд тўрт қисм (жуз)га бўлинади. Асарнинг I–II жилдлари ҳамда III жилднинг 1–2-қисмлари (жузлари) Туркистон хонлари, Чингизхон ва унинг Мўғулистон, Дашти қипчоқ, Мовароуннаҳр ва Эронда ҳукмронлик қилган авлоди, Мамлюклар¹, Кирмон Қорахитойлари, Картлар ва Хуросон сарбадорлари тарихини ўз ичига олади. III жилднинг 3- ва 4-қисмлари (жузлари) эса асл нусха бўлиб, Хуросон ва Мовароуннаҳр-

¹ Мамлюклар — турк ва черкас қулларидан чиққан сулола; 922–1217 йиллари Мисрни идора қилган.

нинг XV асрнинг 90-йилларидан то 1524 йилгача бўлган ижтимоий-сиёсий аҳволини чуқур ва атрофлича баён этади. Таъбир жоиз бўлса шуни ҳам айтиш керакки, Хондамир ҳам ҳукмрон синфнинг вакили эди. Шунинг учун ҳам меҳнаткаш халқнинг оғир ва аянчли аҳволи кўп жиҳатдан унинг диққат-эътиборидан четда қолган. Шунга қарамай, «Ҳабиб ус-сияр»да катта ер эгаллиги, зулм, тинимсиз урушлар туфайли оддий халқнинг елкасига тушган оғирликлар хусусида айрим, диққатга сазовор далиллар ва маълумотларни учратиш мумкин. Масалан, асарда ўз аксини топган 1498 йилги Самарқанд қамали пайтидаги (Дашти қипчоқ ўзбеклари томонидан) шаҳар халқининг аянчли аҳволи, 1512 йили Қарши халқининг қизилбошлар ва Бобур қўшини томонидан қирғин (қатли ом) қилиниши, 1514, 1515 йиллари Хуросонда юз берган қаҳатчилик ва очлик ҳақидаги маълумотлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, «Ҳабиб ус-сияр»да муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид, масалан, ер эгаллиги, тархонлар, суюрғол эгалари ва уларнинг жамиятда тутган мавқеи, оғир зулм, Темурийлар давлатининг маъмурий тузилиши ҳақида қимматли маълумотлар бор. Шунингдек, асар этнографик ва географик маълумотларга ҳам бойдир.

«Ҳабиб ус-сияр»нинг қўлёзма нусхалари кўп. Асарнинг матни Бомбай (1857 й.) ва Теҳрон (1954 й.)да чоп қилинган. Ундан айрим парчалар рус, француз ва инглиз тилларида турли тўпламларда эълон қилинган.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. XVI асрда ўтган йирик тарихчи олим. Ота-боболари (Ўртубу, Пўлодчи, Худойдод, Саид Аҳмад, Саид Али, Сонсиз мирзо, Муҳаммад Ҳайдар, Муҳаммад Хусайн) турклашган мўғул уруғларидан дуғлот (мўғ. «доғолот» — чўлоқ) қабиласига мансуб бўлиб, Мўғулистон хонлари (Чигатойлар) даврида улусбеги, Кошғар ҳокими лавозимида турганлар. Олимнинг отаси амир Муҳаммад Хусайн бир вақтлар Андижонда Умаршайх мирзо, сўнгра Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон (1487–1508 йй.) хизматида бўлган. У 1495–1503 йиллари ана шу Сул-

در روزی نمود اطاعت فرود نه بود و در دست خجاک الوصیحی خان بر
 اندون بوده تمامی سلاطین و جی نژاد سر بر خط فرمان او داشتند و بجهت این
 کبکرت اظهار اطاعت رسدات بجهت و تابعی گمبانی ایشان نمود و ان گشته سبط
 خواهد شد و در شاش که بنا کنند شوارست سلطان محمود خان و نام احوال بپوش خان
 که پدر سلطان محمود خانست بجهت اطاعت بر بنیادین آن از ترقیبی نماند زیرا که در کفر محل آن حکام
 موقوف علیه نهاد است محل آن است ذکر خیت بپوش خان احوال او و نقد در دنیا
 بر بیل اجمال سلطان بپوش خان سر آمد و فرید خانان چینی نژاد است در بسیار
 از امور پیش از وی هر دو دمان می شلی می بوده از جمله پیش می خانان چینی نژاد
 اسپین عمر از چهل روز گذشته بلکه اکثر ایشان بپوش رسیده اند و این خان دو پسر
 دارد باینده
 چار سال عمر گذشته و در او اخصیات نایب الگشته است از ادب خود را بحضرت
 اشک و چاشمی بر آید و سپاسی مقرب حضرت که ناصر الدین خواججه سید اند نور
 مرقد و نور محمد درین تاریخ هر جا که حضرت ایشان مذکور شود معضو حضرت خواهد
 درست ساخته بود و در بقا رادت خود را در سکه خدایم استان طایر ایشان آن حضرت
 سنگ که زمینده بود و دیگر بسیاری از شیخ راز کار را در یافته بجهت ایشان رسیده
 و ذات محبت صفات باوقاف فضایل را رسته بود چنانکه فرات قرآن سواد در آن
 و طبع موزون و خوشش مجارده و دلکش در بافت معما و خط و نقوی بعضی دیگر از حرفت
 طبع سلیم را در انداز سازد غانی بجا است معصوم داشته و مدت و از ده سال در
 مولانا شرف الدین علی بزوی بوده شاکرد وی ایشان میگردد و سفارت و عتبت
 بینا که سیده شرح خوبت سبب کتاب فضایل و فقرت ایشان در ممالک در تاریخ
 شده

12-рasm. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий (Ўз.Р.ФА
 ШИ қўлёзмаси, тартиб рақами 1430) дан саҳифа.

тон Маҳмудхон номидан Ўратепани идора қилган. Амир Муҳаммад Хусайн 1503 йили хонлар (Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхон) Ахси атрофида Шайбонийхон қўшини томонидан тор-мор келтирилгани ва асир олинганини эшитиб, Қоратегинга, ундан Қундуз, сўнг Ҳиротга, Султон Хусайн мирзо ҳузурига қочиб борди. Муҳаммад Хусайн кўп ўтмай Кобулга, Бобур мирзо ҳузурига келди; 1507 йили Бобурга қарши фитнада айбланиб, яна Ҳиротга қочиб борди. Муҳаммад Хусайн мирзо 1508 йили Шайбонийхоннинг амри билан қатл этилган.

Муҳаммад Ҳайдар 1500 йили Тошкентда туғилди. Отаси ўлдирилгандан кейин Муҳаммад Хусайнга содиқ кишилар уни бирмунча вақт Бухорода асрадилар, сўнг Бадахшонга олиб бориб қариндоши Султон Увайс мирзо (Хон мирзо)нинг қўлига топширдилар. Муҳаммад Ҳайдар кейинча Кобулга келди ва 1512 йилгача Заҳриддин Муҳаммад Бобур хизматида бўлди. 1512 йили кузда у Андижонга, Султон Саъидхон ҳузурига келди ва у билан қўшилиб Кошғарга кетиб қолди. Султон Саъидхон кўп ўтмай бу ерда Абубакр дуғлот устидан ғалаба қозонди ва Кошғар ҳамда Ёрқандни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Муҳаммад Ҳайдар 1533 йилгача, яъни Султон Саъид вафотига қадар, унинг хизматида бўлди: дастлаб хонзода Абдурашидхонга тарбиячилик (оталик) қилди, сўнг йирик-йирик ҳарбий бўлинмаларга қўмондонлик қилди ва хоннинг Бадахшон, Лодак, Кофиристон ва Тибат устига қилган ҳарбий юришларида фаол иштирок этди.

Лекин отаси ўрнига тахтга ўтирган Абдурашидхон (1533—1570 йй.) дуғлот амирларини таъқиб остига олди, уларнинг баъзиларини қатл этди. Буларнинг орасида Муҳаммад Ҳайдарнинг тоғаси Саид Муҳаммад мирзо ва қариндошларининг кўпчилиги бор эди. Муҳаммад Ҳайдар бундан хабар топиб (у бу вақтда Тибатда эди), Бадахшон тарафга қараб қочди ва кўп машаққатлардан кейин Кобулга, Бобур мирзонинг ўғилларидан Комрон мирзо ҳузурига келди, сўнг у ердан Аграга, Ҳумоюн подшоҳ ҳузурига борди ва унинг хизматида кирди.

Муҳаммад Ҳайдар 1541 йили, Ҳумоюннинг ҳарбий ёрдами билан, Кашмирни бўйсундирди ва у ерда қарийб 10 йил ҳукмронлик қилди. У 1551 йили тоғлик қабилалар билан тўқнашув пайтида ҳалок бўлди.

Муҳаммад Ҳайдар замонасининг ўқимишли ва кенг маълумотли кишиларидан эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг гувоҳлик беришига қараганда, Муҳаммад Ҳайдар дурустгина шоир, хаттот, рассом, шунингдек, найза ва камон ясовчи уста бўлган. Муҳаммад Ҳайдардан бизнинг замонамизгача икки йирик асар етиб келган. Булардан бири «Жаҳоннома» аталиб, эртақ тарзида ёзилган. Унинг ягона қўлёзма нусхаси Берлин (Германия) кутубхоналаридан бирида сақланмоқда. Олимнинг иккинчи асари илм аҳлига кўпдан маълум бўлган «Тарихи Рашидий»дир.

«Тарихи Рашидий» (1544–1546 йилларда Кашмирда ёзилган) икки қисм (дафтар)дан иборат бўлиб, биринчи қисмида Мўғулистон халқларининг тарихи Туғлуқ Темур (1348–1363 йй.)дан то Абдурашидхоннинг тахтга ўтириши (1533 й.) гача бўлган даврни ўз ичига олади. «Тарихи Рашидий»нинг биринчи дафтари турли нақл-ривоятлар, шунингдек, Ёқут Ҳамавийнинг «Мўъжам ул-булдон», Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонкушой», Рашидуддиннинг «Жомеъ ут-таворих», Жамол Қаршийнинг «Мулҳақот ус-Суроҳ», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Мирзо Улуғбекнинг «Тарихи арбаъ улус», ва ниҳоят, Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъ ус-саъдайн» китоблари маълумот асосида ёзилган. Лекин унда ҳам Марказий ва Ўрта Осиёнинг XIV–XV асрлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид янги, асл нусха бўлган маълумотлар кўп. Қолаверса, биринчи дафтар Кошғар, Қозоғистон, шунингдек, Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг XIV–XVI аср бошларидаги сиёсий тарихини мукамал қамраб олиши билан қимматлидир. Иккинчи дафтар эсдалик тарзида ёзилган бўлиб, Кошғар, Ўрта Осиё, Афғонистон ҳамда Шимолий Ҳиндистоннинг XVI асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ўрганишда асосий манбалардан ҳисобланади.

Муҳаммад Ҳайдар ва унинг «Тарихи Рашидий» асари ўтган асрнинг ўрталаридан бери илмий жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келади. Унинг айрим қисмлари уйғур, эски ўзбек ва рус тилларида эълон қилинган. Асарнинг қисқартирилган инглизча таржимаси ҳам бўлиб, 1895 йили Лондонда нашрдан чиққан. Тўла русча таржимаси, сўзбоши ва зарур изоҳлар билан, 1996 йили Тошкентда чоп этилган. «Тарихи Рашидий»нинг қўлёзмалари Санкт-Петербург, Тошкент, шунингдек, кўпгина хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда.

Ҳасанбек Румлу. XVI асрда ўтган йирик Эрон тарихчиларидан. Ҳаёти ва илмий фаолиятига оид маълумотлар кам. Унинг ҳақида фақат қуйидагиларни биламиз: йирик ҳарбий саркарда оиласига мансуб, масалан, бобоси Амир Султон (1539–40 йили вафот этган) ўз вақтида Қазвин ҳамда Соужбулоқ ҳокими бўлган. Ҳасанбек 1530–31 йили Қумда туғилган; яхши ўқиб таълим олган ва 1541–42 йилдан бошлаб отаси билан бирга қурчи бўлиб шоҳ Тоҳмасп (1524–1576 йй.)нинг ҳарбий юришларида қатнашган ва асарида ёзилган воқеаларнинг кўпларини ўз кўзи билан кўрган.

Ҳасанбек Румлу «Аҳсан ут-таворих» («Солномалар сараси») номли 12 жилддан иборат умумий тарих йўналишида ёзилган асар муаллифидир. Лекин асарнинг фақат 11–12-жилдларигина сақланган. «Аҳсан ут-таворих»нинг бу жилдларида 1405–1577 йиллар орасида Эронда, шунингдек, Мовароуннаҳр, Ҳиндистон, Туркия, Озарбайжон ва Гуржистонда бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар йилма-йил баён этилган. Асарнинг 12-жилди асл нусха ҳисобланади ва юқорида қайд этилган мамлакатларнинг, асосан Эроннинг, 1495–1577 йиллардаги сиёсий тарихини ўз ичига олади. Асар 1572–1577 йиллари ёзиб тамомланган.

Ҳасанбек Румлунинг мазкур асарида Сафавия сулоласига мансуб бўлган Эрон подшолари кўкларга кўтариб мақталади; уларнинг фаолияти ва босқинчилик урушлари бир томонлама ёритилади. Шунга қарамай, асарда Эрон-

нинг 1495—1597 йиллар орасида қўшни мамлакатлар, шунингдек, Ўрта Осиё хонликлари (Бухоро, Хива) билан бўлган сиёсий муносабатларига оид қимматли маълумотлар кўп. Заҳриддин Муҳаммад Бобур билан шоҳ Исмоил ўртасида Шайбонийларга қарши тузилган ҳарбий-сиёсий иттифоқ, Шайбонийлар билан Эрон подшолари ўртасида Хуросон учун узоқ йиллар давом этган қуролли кураш ва унинг аянчли оқибати, Хоразмнинг XVI асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳақидаги маълумотлар шулар жумласидандир.

«Аҳсан ут-таворих»дан айрим парчалар рус, грузин ва немис тилларига ўгирилиб, тўпламларда чоп этилган. Форсча матни, инглизча таржимаси билан бирга, 1931 ва 1934 йиллари Ч. Н. Седдон тарафидан Барода (Ҳиндистон)да чоп қилинган.

Ҳофиз Таниш Бухорий. XVI асрда ўтган бухоролик шоир ва йирик тарихшунос олим. 1549 йили Бухоройи шарифда нуфузли мансабдор хонадонидан дунёга келган. Отаси Мир Муҳаммад ал-Бухорий Бухоронинг кўзга кўринган боёнларидан бўлиб, шайбоний Убайдуллахоннинг яқин кишиларидан бўлган; 1550 йилнинг бошларида Кошғарга кетиб қолган ва орадан икки йил чамаси вақт ўтгач, ўша юртда вафот этган.

Ҳофиз Таниш ўз даврининг чуқур ва кенг маълумотли кишиларидан бўлиб, 1584 йили Абдуллахон II нинг яқин одами Қулбобо кўкалтошнинг тавсияси билан Абдуллахон (1583—1598 йй.)нинг хизматига қабул қилинган ва унинг шахсий воқеанависи (тарихчиси) вазифасига тайинланган. Ҳофиз Таниш умрининг охиригача шу лавозимда ишлаган. Баъзи маълумотлар (Малеҳо Самарқандий)га кўра, Ҳофиз Таниш 1589 йили хотини тарафидан заҳарлаб ўлдирилган.

Ҳофиз Таниш ўзининг «Шафарномаи шоҳий» («Подшоҳни шарафловчи китоб») номли асари билан ном чиқарган. Асар кўпинча «Абдулланом» номи билан машҳур. Асарда Ўзбекистон, Қозоғистон, шунингдек, қисман, Афғонистон ва Эроннинг XVI асрдаги ижтимоий-сиёсий

тарихи баён қилинади. Ундан ташқари, асарда Бухоро хонлиги билан Эрон, Ҳиндистон, Кошғар ва Россия ўртасидаги муносабатлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бор. Асар XVI асрнинг 80-йиллари охирида ёзиб тамомланган. Ҳофиз Танишнинг замондоши шоир ва адабиётшунос олим Мутрибийнинг гувоҳлик беришига қараганда, асарнинг охирги қисмини, хоннинг топшириги билан, қози Поянда Зоминий (1602 йили вафот этган) ёзган. Лекин бу фикрни бошқа манбалар тасдиқламайди.

«Шарафномаи шоҳий» муаллифнинг режасига кўра, муқаддима, икки қисм (мақола) ва хотимадан иборат қилиб ёзилиши мўлжалланган. Масалан, муқаддима, одатдагидек, олий ҳукмдорнинг (Абдуллахоннинг) шаънига айтиладиган ҳамду сано, асарнинг ёзилиш тарихи, Абдуллахоннинг ота-боболари, қадимда Марказий Осиёда истиқомат қилган турк-мўғул қавмлари, Чингизхон ва унинг авлоди ҳақида қисқача маълумот; биринчи мақолада Мовароуннаҳрда 1533—1583 йиллар орасида содир бўлган воқеалар; иккинчи мақолада эса Ўзбекистон, Қозоғистон ва қўшни хорижий мамлакатларда 1583 йилдан кейин юз бериши мумкин бўлган воқеалар; хотимада эса Абдуллахоннинг олижаноб фазилатлари, унинг билан замондош бўлган шайхлар, олимлар, шоирлар, вазирлар ва амирлар, шунингдек, Абдуллахон замонида қурилган бинолар ҳақида маълумот берилиши мўлжалланган. Лекин, асар ёзилиш жараёнида режа ўзгарган — биринчи ва иккинчи мақоалар қўшиб ёзилган, хотима эса муаллифнинг бевақт вафоти сабабли ёзилмай қолган.

Муаллиф асар муқаддимасини ёзишда Наршаҳийнинг «Тарихи Бухоро», шайхулислом Сафиуддин Абубакр Абдулло Балхийнинг «Фазоили Балх», Истаҳрийнинг «Китоб масолик ул-мамолик», Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонкушой», Рашидуддиннинг «Жомеъ ут-таворих», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» ва Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарларида келтирилган маълумотлардан фойдаланган. XVI

асрнинг 30–60-йиллари орасида юз берган воқеалар саройда мунтазам юритиб туриладиган кундалик дафтар, содир бўлган муҳим сиёсий воқеаларнинг шоҳиди бўлган кекса кишиларнинг оғзаки ахборотлари асосида, 70–80-йиллар воқеалари эса муаллифнинг бўлиб ўтган воқеаларда шахсан ўзи қатнашиб тўплаган далилий маълумотлар асосида ёзилган.

«Шарафномаи шоҳий» саж, яъни мураккаб бадиий услубда ёзилган. Унда шеъринг парчалар (Фирдавсий, Рудакий, Камолиддин Биноий, Мушфиқий ва муаллифнинг ўз шеърлари), «Қуръон» оятлари ва ҳадислардан парчалар ҳам кўп.

«Шарафномаи шоҳий»да сиёсий воқеалар билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий мавзудаги маълумотлар, масалан, катта ер эгалигининг иқтоъ, суюрғол, танҳоқ каби шакллари; турли-туман солиқ ва жарималар, масалан, хирож, ихрожат, тағор, улүфа, қўналға, мадади лашкар, бож, томға, бегар; ўлжа ва унинг жамиятдаги ўрни, асирни қулга айлантириш ҳоллари; Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари ва ҳунармандчиликнинг умумий аҳволи; Шайбонийлар давлатининг маъмурий тузилиши, Бухоро хонлиги билан Россия, Ҳиндистон ва Кошғар ўртасидаги муносабатлар ҳақида қимматли далил ва маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари, асар этнографик (масалан, ўзбек халқи таркибига кирган уруғ ва қавмлар) ҳамда топографик (масалан, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Термиз, Кўлоб, Балх каби йирик шаҳарлардаги диққатга сазовор бинолар, осору атиқалар, шунингдек, мазкур шаҳарларнинг географик ҳолати ва топографияси) маълумотларга ниҳоятда бойдир.

Мазкур асарнинг қўлёзма нусхалари кўп, матни нашр қилинмаган. Баъзи парчалари рус тилида турли илмий мажмуаларда эълон қилинган. Асар 1942–1952 йиллари тошкентлик машҳур шарқшунос олимлар Содиқ Мирзаев ва охириги қисми Юнусжон Ҳакимжонов томонидан 60-йилларда ўзбек тилига таржима қилиниб, 1–2-жилдлари, зарур тузатишлар, тадқиқот ва изоҳлар билан, 1966 ва 1969

йиллари ушбу сатрлар муаллифи томонидан чоп қилинган. 3–4-жилдлари эса нашрга тайёрланган эди. Лекин, айрим сабабларга кўра, асар тўла босилмай қолган. «Шарафномаи шоҳий»нинг русча нашри ҳам Санкт-Петербурглик шарқшунос олима М. А. Салоҳиддинова томонидан тайёрланиб, унинг биринчи ва иккинчи жилдларигина нашр этилган. Асарнинг 1995–1997 йиллари ушбу сатрлар муаллифи тарафидан тузатилган ва қайта ишланган янги нашри тайёрланди ва 1999 йили икки китоб қилиб чоп этилди.

Абулфазл Алломий — XVI асрда яшаган йирик тарихшунос олим ва давлат арбоби. Ҳақиқий исми-шарифи: Абулфазл ибн Муборак. 1551 йил 14 январда Агра (Ҳиндистон)да туғилган. Отаси шайх Муборак ибн Хизр ўз даврининг машҳур илоҳиёт олимларидан ҳисобланган. Малехо Самарқандийнинг маълумотларига қараганда, шайх Муборак Агра мадрасаларининг бирида мударрислик қилган ва «Нафоис ал-уйюн зу халаф ас-сиддиқ» («Кўзларнинг нафисликларида ростгўй халафларнинг эгалиги»), «Маножих ал-аҳбоб фи баён фазоил рабиъ ул-асҳоб» («Пайгамбар саҳобалари фазилатларининг баёнида дўстларнинг ёруғ йўли») каби асарлари билан шуҳрат топган. Акаси шайх Абулфайз (1596 йили вафот этган) ҳам йирик шоир ва олим бўлган. У «Лайли ва Мажнун» баҳрида «Наъл ва Домон», «Маҳзан ул-асрор» баҳрида «Маркази даввор», «Хусрав ва Ширин» баҳрида «Сулаймон ва Файлакус», «Ҳафт пайкар» баҳрида «Ҳафт кишвар» номли йирик дostonлар ёзиб қолдирган.

Абулфазл Алломий 1574–1602 йиллари бобурий Акбаршоҳ (1556–1605 йй.)нинг Бош вазири бўлган ва Ҳиндистоннинг XVI асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта роль ўйнаган. 1602 йил 22 августда Декан субаси (вилояти)дан қайтиб келаётганда шаҳзода Жаҳонгир ёллаган қотил томонидан йўл устида ўлдирилган.

Абулфазл Алломий Ҳиндистон ва Афғонистоннинг XVI асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихидан баҳс юритувчи «Акбарнома» номли асар ёзиб қолдирган. «Акбарнома» уч китобдан иборат. Биринчи китобда Акбарнинг туғи-

лиши, ота-боболари — Бобур, Ҳумоюн, шунингдек Акбар подшолигининг дастлабки 17 йили ичида Ҳиндистон ва Афғонистонда бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар баён қилинади. Иккинчи китоб Ҳиндистон ва қисман Шимолий Афғонистоннинг 1573—1601 йиллардаги тарихини ўз ичига олади. Ниҳоят, учинчи китобда Бобурийлар давлатининг тузилиши, Ҳиндистоннинг маъмурий бўлиниши, аҳолидан йиғиладиган солиқ ҳамда жарималар ва уларнинг миқдори, ҳиндларнинг дини ва урф-одатлари каби масалаларга кенг ўрин берилган. «Акбарнома»нинг учинчи китоби кўпинча «Ойини Акбарий» («Акбар подшоҳнинг қонунлари») номи билан аталади. Асарнинг матни 1872—1877 йиллари, инглиз тилига қилинган таржимаси 1903—1921 йиллари Калькутта (Ҳиндистон)да чоп этилган.

«Акбарнома» Бобурийлар саройида мунтазам юритилган махсус кундалик дафтар, расмий давлат ҳужжатлари, шунингдек, бўлиб ўтган воқеаларнинг иштирокчилари бўлган, ёки ўша воқеаларни билган кишиларнинг оғзаки ахборотлари асосида ёзилган. Асарнинг ноёблиги ва қиммати ҳам шундадир.

«Акбарнома» Бобурийлар давлати билан Бухоро хонлиги ўртасидаги сиёсий ва маданий муносабатларни ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Муҳаммадёр ибн Араб Каттагон. Ҳаёти ва илмий-адабий фаолиятига оид маълумотлар кам. Ўзининг сўзларига қараганда, у XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII аср бошларида яшаб ўтган; Шайбоний Абдуллахон II ва Аштархонийлардан Боқи Муҳаммадхон (1603—1606 йй.)нинг хизматида бўлган.

Муҳаммад ибн Араб Каттагон ва унинг «Мусаххир ал-билод» («Мамлакатларни бўйсундирувчи») асари яқин вақтларгача илмий жамоатчиликка яхши маълум бўлмаган, қолаверса асар ҳақида турлича, кўп ҳолларда бир-бирига зид фикрлар ҳукм суради. Масалан, К. Г. Залеман (1849—1916 йй.) «Мусаххир ал-билод»ни юқорида тилга олинган

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Шарафномаи шоҳий» асарининг қисқартирилган нусхаси, деб айтган¹ бўлса, инглиз шарқшуноси Ч. А. Стори ҳамда «Собрание Восточных рукописей АН УзССР» каталогининг тузувчилари уни «Тарихи Шайбоний» деб атаганлар². Яқинда «Мусаххир ал-билод» мустақил асар эканлиги аниқланди (М. А. Салоҳиддинова) ва асар ҳамда унинг муаллифи ҳақида қисқа илмий ахборот эълон қилинди.

«Мусаххир ал-билод» Шайбонийлар сулоласи (Абулхайрхондан бошлаб)нинг шажараси баёни бўлиб, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг XV–XVI асрлардаги тарихини ўрганишда муҳим қўлланмалардан бири ҳисобланади. Асар 1610 йил атрофида ёзилган.

Мазкур асар муқаддима ва олти бобдан иборат.

Биринчи боб Абулхайрхоннинг ўғли ва тахт вориси Шоҳ Будоғ султон, унинг ўғиллари Муҳаммад Шоҳбахт (Шайбонийхон) ва Маҳмуд султон ҳамда уларнинг авлоди тарихини ўз ичига олади.

Иккинчи бобда Кўчкунчихон (Кўчумхон) ва унинг Самарқандда ҳукмронлик қилган авлоди тарихи баён этилган.

Учинчи бобда Суюнчхожахон ва унинг Тошкент ҳамда Туркистонда ҳукмронлик қилган авлоди тарихи баён этилган.

Тўртинчи бобда хожа Муҳаммадхон ва унинг Мовароуннаҳрда подшолик қилган авлоди тарихи келтирилган.

Бешинчи боб Абдулмўминхоннинг тахтга ўтириши (1598 й.) ва қисқа ҳукмронлиги ҳақида.

Олтинчи бобда Бухоронинг диққатга сазовор жойлари, муаллиф билан замондош бўлган ва Бухорода истиқомат

¹ Умняков И. И. «Абдулла-наме» Хафиза Таниша и ее исследователи. «Записки коллегии востоковедов», V жилд, Ленинград, 1930, 322-бет.

² Стори Ч. А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. II қисм. 117-бет. Собрание Восточных рукописей ИВ АН УзССР, I-жилд, Тошкент, 1952, 80-бет.

қилган шайхлар, олимлар ва шоирлар ҳақида қисқача маълумот берилади.

«Мусаххир ал-билод» кам ўрганилган, нусхалари ҳам кам. Ҳозир унинг фақат икки қўлёзма нусхаси маълум: бири (инв. № 1505) ЎзР ФА Шарқшунослик институтида, иккинчиси Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида (инв. № С. 465) сақланмоқда. Афсуски, уларнинг ҳар иккаласи ҳам тўла эмас. Биринчи нусхада муқаддима ва биринчи бобнинг катта қисми етишмайди; иккинчи нусханинг эса энг керакли V–VI боблари йўқ.

Асарнинг I–IV бобларида XVI аср тарихига оид манбаларни, хусусан «Шарафномаи шоҳий»дек йирик асарларни ҳам маълум даражада тўлатувчи, уларда баён этилган воқеаларга аниқлик киритувчи қимматли маълумотлар кўп. Шайбонийхон томонидан 1507 йили ўтказилган пул ислоҳоти; Шайбонийлар ўртасидаги келишмовчиликлар ва ўзаро низолар, унинг сабаблари; Шайбонийлар билан қозоқ хонлари ўртасидаги сиёсий муносабатлар; ўша замонларда Сирдарё бўйида истиқомат қилган қорақалпоқлар ва уларнинг XVI асрнинг охири ва XVII аср бошларидаги аҳволи; Тошкент, Туркистон, Сайрам, Андижон ва Ахсикет каби шаҳарларнинг XVI асрнинг сўнгги чорагидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳақидаги маълумотлар шулар жумласидандир.

Амир Аҳмад Розий. XVI асрда ўтган машҳур адабиётшунос олим. Асли Эроннинг Рай шаҳридан; бадавлат ва ўқимишли хонадондан чиққан.

У «Ҳафт иқлим» («Етти иқлим») номли географик-биографик асари (1594 йили ёзиб тамомланган) билан шуҳрат топган. Асар VII асрдан то XVI аср охиригача етти иқлим мамлакатлари ва шаҳарларида истиқомат қилган 1560 нафар йирик шайх, олим, ёзувчи, шоир ва давлат арбоблари ҳақида қисқа, лекин қимматли маълумотлар беради. Муаллиф ўзигача бўлган даврга тегишли масалаларни ёритишда «Сувар ал-ақолим» («Иқлимларнинг кўриниши»), «Ма-

солик ул-мамолик» («Мамлакатлар орасидаги масофалар»), «Тарихи Банокатий» каби асарларга таянган, лекин улардан танқидий фойдаланган, уларни янги далиллар ва маълумотлар билан бойитган.

Шаҳарлар ва мамлакатларни тавсиф қилганда уларнинг географик ўрни, диққатга сазовор жойлари, осори атиқалари, халқи ва унинг ҳаёти, машғулоти ва урф-одатлари, баъзида аҳолисининг умумий сони, хўжалигига оид қимматли маълумотлар келтиради. Масалан, Чингизхон хуружидан аввал Балхда 50 мингдан ортиқ одам истиқомат қилган, XV–XVI асрларда Тошкент атрофидаги тоғларда темир, фируза, оҳак конлари, Хўжандда фируза, Бадахшонда лаъл конлари ишлаб турган.

«Ҳафт иқлим»да Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлоди даврида Ҳиндистон ва Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий аҳволи, Шарқий Туркистон (Кошғар)нинг XVI аср иккинчи ярмидаги умумий аҳволи ҳақидаги зарур маълумотларни учратиш мумкин.

Асарда VII–XVI асрларда Ўзбекистон ва Хуросонда ўтган йирик олимлар ва шоирлар ҳақида келтирилган маълумотлар ўта муҳимдир. Булар орасида «шоирлар подшоси» Рашидуддин Вотвот (1088–1182 йй.), «олимлар фаҳри» Абулқосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий (1074–1144 йй.), бухоролик буюк ҳадис олими Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810–870 йй.)лар бор.

«Ҳафт иқлим»нинг қўлёзма нусхалари мамлакатимиз ва хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарида кўп, лекин ҳали тўлиқ нашр қилинмаган.

Искандарбек мунший. XVI асрда ўтган йирик Эрон тарихчиларидан. Асарида келтирилган айрим далил ва маълумотларга қараганда, 1561 ёки 1562 йили туғилган. Сарой юмушига қабул қилинганга қадар кичик молия хизматчиси бўлиб ишлаган, кейинчалик девони иншога қабул қилинган. Искандарбек мунший 1587 йили ҳарбий хизматга жалб этилган ва шоҳ Аббос I Сафавий (1587–1629 йй.)нинг ҳарбий

юришларида воқеанавис бўлиб иштирок этган; 1593 йили эса сарой муншийси лавозимига тайинланган ва умрининг охиригача шу лавозимда турган. Искандарбек мунший 1634 йили вафот этган.

Искандарбек мунший «Тарихи оламорои Аббосий» («[Шоҳ] Аббоснинг оламини безовчи тарихи») номли асар ёзиб қолдирган. Асарда Эроннинг 1588–1634 йиллар орасидаги тарихи хронологик тартибда баён қилинган. «Тарихи оламорои Аббосий» юқорида тилга олинган «Акбарнома» сингари саройда юритилган кундалик дафтар, расмий ҳужжатлар, баён этилган воқеалар иштирокчиларининг оғзаки ахбороти ҳамда муаллифнинг шахсий кузатувлари билан тўпланган маълумотлар асосида ёзилган.

«Тарихи оламорои Аббосий» муқаддима, хотима ва уч жилддан иборат. Асарнинг I–II жилдлари 1616, учинчи жилди эса 1628 йили ёзиб тамомланган.

«Тарихи оламорои Аббосий»нинг биринчи жилди компиляция бўлиб, Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр», Мир Яҳё Қазвинийнинг «Лубб ат-таворих» («Тарихлар мағзи») ва муаллифи номаълум икки асар: «Тарихи шоҳ Исмоил Сафавий» ва «Тазкирайи шоҳ Тоҳмасп» ҳамда бошқа асарларга таяниб ёзилган. Унда асосан шоҳ Аббоснинг ота-боболари, шунингдек, Эроннинг шоҳ Исмоил I (1502–1524 йй.), Тоҳмасп I (1524–1576 йй.), Исмоил II (1576–1578 йй.) ва Султон Муҳаммад Худобанда (1578–1587 йй.) ҳукмронлиги йилларидаги тарихи умумий тарзда баён этилган.

Асарнинг II–III жилдлари асл нусха ва мустақил аҳамиятга эга. Уларда Эроннинг 1588–1628 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихи кенг ёритиб берилган. Учинчи жилд охирида шоҳ Аббос I билан замондош бўлган шайхлар, олимлар, шоирлар ва хаттотлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Асар Ўзбекистон тарихини ўрганишда ҳам катта аҳамият касб этади. Унда Ўзбекистоннинг XVI аср охири ва XVII асрнинг биринчи чорагидаги сиёсий аҳволи ҳақида ноёб

маълумотларни учратамиз. Бундан ташқари, асар XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг биринчи чорагида Эрон билан Бухоро хонлиги ўртасидаги сиёсий муносабатларни ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Асардан айрим парчалар Б. Дорн (матни) ва В. В. Вельяминов-Зернов томонидан (матни ва қисқартирилган русча таржимаси) нашр этилган. Асар матни яна икки марта Теҳронда: 1896 (тошбосма) ва 1956 йилларда чоп этилган.

Маҳмуд ибн Вали. XVII асрда ўтган балхлик йирик қомусий олим. Отаси Мир Муҳаммад Вали асли фарғоналик (косонлик) бўлиб, Шайбонийлардан Пирмуҳаммадхон I (1546–1567 йй.) даврида Балхга бориб қолган. У ўқимишли ва кенг маълумотли киши бўлиб, асосан фикҳ илмида замонасининг пешқадам кишиларидан ҳисобланган. У Мир Хислат тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Маҳмуд ибн Валининг амакиси Муҳаммад Поянда (1602 йили вафот этган) Самарқанд ҳокими Боқи Муҳаммад (1603–1606 йиллари Бухоро хони) девонида хизмат қилган. Акаси амир Абулборий эса фикҳ, тафсир ва тибб илмини яхши эгаллаган олим киши бўлган.

Маҳмуд ибн Вали 1596 йили туғилган. 19 ёшга борганда, яъни 1614 йили у йирик фикҳ ва ҳадис олими Миракшоҳ Ҳусайнийнинг хизматига киради ва қарийб 10 йил ундан сабоқ олади. Миракшоҳ Ҳусайнийнинг бой кутубхонаси бўлиб, унда, Маҳмуд ибн Валининг сўзларига қараганда, тарих, география, мумтоз адабиёт, фикҳ, ҳадис ва бошқа илмларга доир жуда кўп китоблар сақланар эди. Бу илмга чанқоқ ёш олим учун бебаҳо хазина бўлди, албатта. Кейинчалик Маҳмуд ибн Валининг ўзи кутубхонадаги китобларни ўқиб кўп фойда топганини айтади. Миракшоҳ Ҳусайний вафот этган (1624 йил 13 апрел куни)дан кейин Маҳмуд ибн Вали китобий илмини амалий билимлар билан бойитиш мақсадида бошқа мамлакатларга саёҳат қилишга қарор қилди ва бир йиллик тайёргарликдан кейин, 1625 йилнинг июл ойида савдо карвонига қўшилиб Ҳиндистон томон йўл олди. У Ҳиндистонда қарийб етти йил истиқо-

мат қилди ва унинг Пешовар, Лоҳур, Деҳли, Агра, Рож маҳал, Ҳайдаробод, Вижаянагар, Калькутта, Бихар каби бир қатор йирик шаҳар ва ўлкаларини бориб кўрди ва уларнинг аҳолиси, халқининг урф-одати, тарихи, маданияти, ва ниҳоят, осори атиқалари ҳақида қимматли маълумотлар тўплади. Балхга қайтиб келган (1631 йил 20 август)дан кейин Надр Муҳаммадхон (1606–1642 йиллари Балх, 1642–1645 йиллари Бухоро хони)нинг хизматига кирди ва то умрининг охиригача унинг кутубхонасида китобдор бўлиб хизмат қилди. Маҳмуд ибн Валининг қачон вафот этганлиги маълум эмас.

Маҳмуд ибн Вали фаннинг жуда кўп соҳаларини: тарих, география, илми нужум (астрономия), маъданшунослик (минералогия), ботаника ва ҳоказоларни қамраб олган «Баҳр ул-асрор фи маноқиб ул-аҳёр» («Олижаноб кишиларнинг жасорати ҳақида сирлар денгизи») номли ўта қимматли қомусий асар муаллифидир. Бундан бошқа у «Равоихи таййиба» («Хушбўй ислар»), «Муҳаббатнома», «Нажме соқиб» («Ёруғ юлдуз»), «Рисолайи Биҳория» («Биҳор [вилояти] ҳақида рисола») ва «Ахлоқи Ҳусайний» («Яхши хулқлар») каби бир қатор илмий ва адабий асарлар ҳам ёзган. Лекин уларнинг «Баҳр ул-асрор»дан бошқаси бизгача етиб келмаган.

«Баҳр ул-асрор» (1634–1640 йиллар орасида ёзилган) мундарижасида кўрсатилишича, етти жилддан иборат бўлган. Унинг II–VII жилдлари жаҳон тарихига бағишланган бўлиб, Ўзбекистон ва у билан қўшни мамлакатларнинг қадим замонлардан то 1640 йилгача кечган тарихидан баҳс юритади. Асарнинг биринчи жилди илми нужум, география, маъданшунослик ва ботаника фанларига оид маълумотларни ўз ичига олади. Афсуски, бу муҳим ва қимматли асарнинг фақат I ва VI жилдларигина топилган, холос.

Асарнинг биринчи жилдида етти иқлим мамлакатларининг, шунингдек, Ўзбекистоннинг ўрта асрлардаги шаҳар ва вилоятларининг географик ҳолати, халқи ва унинг турмуш тарзи ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

«Баҳр ул-асрор»нинг VI жилди алоҳида қимматга эга. Унда XIII–XVII асрнинг биринчи ярмида Чигатой улуси (Ўрта Осиё, Мўғулистон ва Шимолий Афғонистон) тарихи кенг ва атрофлича ёритилган.

Маҳмуд ибн Вали ва унинг мазкур асари илмий жамоатчиликка кўпдан (1902 й.) бери маълум бўлса-да, ҳали жуда кам ўрганилган. Асар тўла равишда бирон Европа тилига таржима қилинмаган. Ундан айрим парчалар (русча таржимаси) В. В. Бартольд, Б. А. Аҳмедов ва К. А. Пищулина томонидан эълон қилинган.

Асарнинг олти нафар нусхаси мавжуд. Тўрттаси ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида (I жилд ва VI жилднинг 1–3-қисмлари) икки нусха Англия ва Покистонда (VI жилднинг 4-қисми) сақланмоқда.

Хожа Самандар Термизий. XVII аср тарихчилари жумласидан. Ҳақиқий исми шарифи: Муҳаммад Бақохожа; асли насаф (Қарши)лик; Мир Ҳайдарий тариқати шайхларидан бири оиласида дунёга келган. Хожа Самандар Термизийнинг туғилган ва вафот этган йили аниқланмаган. У Аштархонийлардан Абдулазизхон (1645–1681 йй.) ва Субҳонқулихон (1681–1702 йй.) билан замондош бўлган. У 1702 йилгача Қаршида раислик лавозимида¹ турган; Абдулазизхон ва Субҳонқулихоннинг ҳарбий юришларида иштирок этган. Охири ана шу Мир Ҳайдарий тариқати шайхларидан баъзиларининг ифвоси билан 1702 йили раислик лавозимидан истеъфога чиқишга мажбур бўлди ва умрининг охиригача (1735 йилда у ҳали ҳаёт бўлган) фақат илмий фаолият билан машғул бўлган.

Муҳаммад Бақохожа (хожа Самандар Термизий) ўз даврининг кенг маълумотли кишилари жумласидан бўлган. Ўша вақтларда ёзилган бир қатор китобларнинг («Музаккир ул-аҳбоб», «Муҳит ат-таворих») маълумотларига қараганда,

¹ Раис — XVII–XIX асрларда мусулмонлар томонидан шариат кўрсатмалари қандай бажарилишини назорат қилиб турувчи мансабдор. X–XVI асрларда муҳтасиб деб аталган.

у етук шоир, ёзувчи ва тарихчи олим бўлган; илоҳиёт ил-мини ҳам яхши билган. Муҳаммад Бақохожа кўп саёҳат қилиб, назарий билимини мустақкамлаган.

Бизнинг замонимизгача олимнинг икки муҳим асари етиб келган. Булардан бири «Дастур ул-мулук» («Подшо-ларга қўлланма»), иккинчиси «Онис ул-фуқаро» («Фақир-лар дўсти») номи билан машҳур. Биринчи асар 1695 йили, иккинчиси 1735 йилда ёзилган.

Ўзбекистон тарихини ўрганишда хожа Самандар Терми-зийнинг «Дастур ул-мулук» асари зўр қимматга эга. Асар Бухоро хонлигининг XVII асрнинг 70–90-йилларидаги иж-тимоий-сиёсий аҳволини, шунингдек, Бухоро билан Хива хонликлари ўртасидаги сиёсий муносабатларни ўрга-нишда катта аҳамиятга эга. Асарда ўзаро курашлар, олий мартабали мансабдорлар орасида кенг тарқалган бузуқлик, порахўрлик, зулм ва меҳнаткаш халқнинг оғир аҳволи ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. «Дастур ул-мулук»да ўзбек-ларнинг этник таркиби ҳақида ҳам муҳим далил ва маълу-мотлар учратамиз.

«Дастур ул-мулук» 1971 йили (форсча матни, русча тар-жимаси, зарур изоҳлар билан) М. А. Салоҳиддинова ва ўзбекча нашри 1997 йили Жаббор Эсонов тарафидан амалга оширилган.

Муҳаммад Юсуф мунший. XVII асрда ўтган йирик та-рихчи олим. Ҳаёти ва илмий фаолиятига оид маълумотлар кам. Асарида (қ.) келтирилган айрим далил ва маълумот-ларга қараганда, асли балхлик бўлган ва Субҳонқулихон (1651–1680 йиллари Балх, 1680–1702 йиллари Бухоро хони) ҳамда Муҳаммад Муқимхон (1697–1707 йиллари Балх хони) саройида мунший бўлиб хизмат қилган.

Муҳаммад Юсуф мунший юқорида зикр этилган Муҳам-мад Муқимхонга бағишланган «Тарихи Муқимхоний» ном-ли асар ёзган. Мазкур асар 1697–1704 йиллар орасида ёзилган бўлиб, Балх ва қисман Бухоро хонлигининг XVII асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихини баён этади. Муҳаммад Юсуф мунший агар «жаҳон ҳодисаларининг кучли шамоли унинг

(Муҳаммад Муқимхоннинг — Б. А.) ҳаёт ўтини ўчирмаса, йўқсизлик денгизининг тўлқинлари эса ўйноқи отини ўз гирдобига тортиб кетмаса» ушбу асарининг иккинчи қисмини ҳам ёзиш ниятида эканлигини айтади. Лекин, «Тарихи Муқимхоний»нинг иккинчи китоби ёзилмай қолган. Фикримизча, бунга қандайдир кутилмаган ҳодиса, балки муаллифнинг бирон фалокатга учраб қолганлиги сабаб бўлган.

«Тарихи Муқимхоний» муқаддима ва уч бобдан иборат.

Муқаддимада туркий халқларнинг афсонавий онаси Аланкува; Чингизхоннинг ота-боболари; мўғул қўшинлари томонидан Мовароуннаҳр, Балх ва Бадахшоннинг босиб олиниши тарихи қисқача баён этилган.

Асарнинг биринчи боби Шайбонийлар даврида Мовароуннаҳрнинг умумий аҳволдан ҳикоя қилади.

«Тарихи Муқимхоний»нинг асл нусха ва муҳим қисмининг II—III бобларидир. Иккинчи бобда Балх ва қисман Бухоро хонлигининг XVII асрдаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, шунингдек, Бухоро ва Балх хонлиқларининг Ҳиндистон, Эрон, Туркия ва Қошғар билан бўлган сиёсий муносабатлари, учинчи бобда эса 1702—1704 йиллар воқеалари, хусусан Бухоро билан Балх ўртасида бошланган қуролли кураш ўрин олган.

Асарда хонлар ва катта ер эгалари зулми, меҳнаткаш халқнинг оғир аҳволи ҳақида айрим қимматли маълумотлар учрайди.

«Тарихи Муқимхоний»нинг қўлёзма нусхалари кўп ва Санкт-Петербург, Тошкент, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда. Асардан айрим парчалар француз ва рус тилларида эълон қилинган; тўла равишда эски ўзбек тилига таржима қилинган (1861 й.); тўлиғича рус тилида ҳам чоп этилган (1956 й.).

Мир Муҳаммад Амини Бухорий. XVII асрда ўтган бухоролик ўқимишли ва фозил кишилардан бири. 1645 йилда туғилган; вафот этган йили маълум эмас. Аштархонийлардан Субҳонқулихон ва Убайдуллахон (1702—1711 йй.) саройида бош муншийлик вазифасида хизмат қилган.

Мир Муҳаммад Амин Бухоро хонлигининг 1702–1716 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Убайдуллонома» номи билан машхур бўлган муҳим асар ёзиб қолдирган. Асар 1716 йилдан кейин ёзилган ва муқаддима, хотима ва 80 бобдан иборат.

Муқаддимада муаллифнинг ҳол-аҳволи, яъни Субҳонқулихон ҳукмронлигининг сўнгги йилларида хизматдан четлаштирилиб, оғир аҳволга тушиб қолганлиги ва Убайдуллохон хизматига қабул қилиниши; Абдулазизхон ва Субҳонқулихон даврида Бухоро хонлигининг ижтимоий-сиёсий аҳволи қисқа тарзда баён қилинган.

1–80-бобларда, юқорида айтилганидек, Бухоро хонлигининг қарийб 15 йиллик (1702–1711 йй.) ижтимоий-сиёсий тарихи батафсил ёритилган. Муаллиф мазкур асарида катта ер эгаллиги, зулм (масалан, аҳолидан йиғиладиган солиқ ва жарималар); Бухоро хонлигининг маъмурий тuzилиши; тарқоқликнинг кучайиши, мамлакат бошига тушган иқтисодий қийинчиликлар ва унинг айрим сабаблари каби масалаларга ҳам кенг ўрин берган. Асарда географик ва этнографик маълумотлар ҳам кўп.

Хотимада муаллиф билан замондош бўлган ва Бухорода истиқомат қилган олимлар, шоирлар (масалан, Саййидо Насафий, Қосимхожа, мулла Сарфароз, Фитрат, Мулҳам ва б.), машхур қозилар ҳақида қисқача, лекин эътиборга молик маълумотлар келтирилган.

«Убайдуллонома»нинг 10 дан ортиқ қўлёзма нусхаси мавжуд. Асар тўла равишда рус тилига таржима қилинган (А. А. Семёнов) ва 1957 йили Тошкентда нашрдан чиқарилган.

Мулла Шарафуддин Аълам. XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрнинг биринчи чорагида ўтган шоир ва тарихчи олим. Ҳаёти ва илмий-адабий фаолияти ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. В. Р. Розен ва проф. А. А. Семёновлар келтирган маълумотларга қараганда, мулла Шарафуддин Аълам асли андижонлик; ёш пайтида Самарқандга, отаси ҳузурига келиб қолган. Отасининг исми мулло Нуриддин

бўлиб, халқ орасида охунд мулла Фарҳод номи билан машхур бўлган.

Мулла Шарафуддин ёшлигидан меҳнатсевар ва илмга чанқоқ бўлган. Отасининг ёрдами билан яхши ўқиди, турли илмларни касб этди ва кенг маълумотли олим ва шоир бўлиб етишди. В. Р. Розен ва А. А. Семёновларнинг тадқиқотларидан англанилишича, мулла Шарафуддин Самарқанднинг энг маълумотли олимларидан мулла Боқижон Бухорийнинг хизматида бўлган ва унинг вафотидан кейин ўрнига аъламлик вазифасига ўтирган. Баъзи маълумотларга қараганда, у қозиллик мансабида ҳам турган.

Олим «Тарихи касира» (бошқа номлари «Тарихи саййид Роқим», «Тарихи саййид Роқими Самарқандий») асари билан машхур. Асар машхур шахсларнинг ҳаётига оид мамлакатда бунёд этилган катта бинолар, усти ёпиқ бозорлар (тимлар), ҳаммомлар қурилиши ва машхур кишилар ҳаёти билан боғлиқ саналарга бағишланган тарих (хронограмма)лар мажмуидан иборатдир. У Амир Темур таваллуди (1336 й.)дан то XVIII асрнинг ўрталаригача кечган воқеаларни ўз ичига олади.

«Тарихи саййид Роқим»нинг қўлёзма нусхалари ва тошбосма нашрлари кўп. Асарнинг биринчи тошбосма нашри юқорида номи тилга олинган олим ва йирик давлат хизматчиси Мирза Салимбек (қ.) тарафидан 1913 йили Тошкентда амалга оширилган. Шу ерда мазкур асар хусусида бир дунёбеҳабарнинг «кашфиёти» хусусида эслатиб ўтмоқчимиз. У 1998 йили «Тамм ат-таворих» деган «янги» бир асарни босмадан чиқарди. Лекин текширишда бу асар аслида «Тарихи касира»нинг ўзгинаси бўлиб чиқди.

«Тарихи касира» баъзи муҳим воқеалар тарихини аниқлашда қимматли манба ролини ўйнайди (асарнинг қўлёзма ва тошбосма нусхаларининг кўп бўлиши шундан). Далил сифатида бир неча мисол келтирамиз.

Йирик тарихшунос олим ва вазир Рашидуддиннинг ўлдирилиши воқеаси 1318 йил 27 октябр куни содир бўлган.

Шоир Камол Хўжандийнинг вафоти 1391 йили юз берган.

Амир Темур замонида ўтган йирик аллома Тафтазоний ҳақида қуйидаги муҳим маълумотлар келтирилади. 1322 йили таваллуд топган. 18 ёшлик пайтида Фиждувонда «Шарҳи Занжоний» асарини ёзган. 1347 йилнинг 10 июн куни Жом вилоятида «Шарҳи мулаххис ал-мифтах» китобини ёзиб тамомлаган. 1373 йил 23 май куни Самарқандда «Мақосад ул-калом ва шарҳи мақосад» китобларини ёзиб тамомлаган. 1376 йили, қартайиб қолган пайтида, «Шарҳи қисм ас-солис аз «Мафотих ал-улум» асарини ёзиб тамомлаган. Вафоти 1392 йили содир бўлди.

«Тарихи саййид Роқим»да Амир Темур даврида ўтган яна бир йирик олим — Мир саййид Шариф Журжоний ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз: асли Мозандарон (Эрон)нинг Тоъун қишлоғидан. 1377 йили туғилган. Шероздаги «Дор уш-шифо» ўқув юртида мударрислик қилган. Амир Темур Шерозни ишғол қилган йили (1393 й.) Самарқандга кўчиб келган ва ҳазрат соҳибқироннинг иноят ва марҳаматларига сазовор бўлиб, унинг саройида хизмат қилган. 76 ёшида Шерозда вафот этган.

Мовароуннаҳрлик илоҳиёт олими хожа Муҳаммад Порсонинг вафоти 1419 йили юз берган.

Мирзо Улуғбекнинг биринчи муаллими шайх Озарий (ҳақиқий исми Ҳамза ибн Абдулмалик ат-Тусий) 1440 йили вафот топган. «Тарихи касира»да унинг ҳақида яна қуйидагилар айтилади. Отаси сарбадорлар жамоасига мансуб бўлган. Ўз даврининг етук олими ва шоирлари жумласидан бўлган. Шеърлари машҳур бўлиб, назм ва насрда бир неча асар ёзиб қолдирган. «Жавоҳир ал-асрор», «Турғойи ҳумоюн» ва «Ажойиб ул-ғаройиб» шулар жумласидандир.

Шайбонийлар, хусусан, Муҳаммад Шайбонийхон, Убайдуллахон, Абдуллахон II даврида, Мовароуннаҳр ва Балх шаҳарларида бир талай катта қурилишлар (мадрасалар, масжиду хонақолар, тимлар, йирик сув иншоотлари ва б.) қуриб ишга туширилган. «Тарихи саййид Шариф роқим»да

булар ҳақида ҳам муҳим маълумотлар учратамиз. Бир неча мисол:

Кеш (Шаҳрисабз)да Оқсарой биносининг қурилиши асосан 1382 йилда тамомланган¹.

Мирзо Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасаси 1425 йили қуриб битказилган.

Мирзо Улуғбек расадхонаси 1429 йили қуриб ишга туширилган.

Алайка кўкалтошнинг Самарқанддаги жомеъ масжидида Кўчкунчихон тарафидан қурилган мармар минбар 1528 йили битказилган.

Бухорода Убайдуллахон тарафидан Мир Араб мадрасасининг бино қилиниши 1536 йили содир бўлган.

Мавлоно Мир муфтий тарафидан Бухорои шарифда қурилган қутубхона 1558 йили битказилган.

Жувонмард Алихон тарафидан Бухорода ҳаммом қурилиши 1574 йили поёнига етган.

Меҳтар Қосим тарафидан Фиждувон ёнида, Кўҳак дарёси устига қурилган кўп ошёшлик сув айирғич иншооти 1576 йили қурилиб ишга туширилган.

Абдуллахон II тарафидан Бухорода бунёд этилган чорбоғ 1584 йили қуриб битказилган.

Мазкур хон тарафидан Бухорода Чорсу бозорининг қурилиши 1587 йили тамомланди.

Кармина ёнида, Кўҳак дарёси устига кўприк қуриш ишлари 1587 йили тамомланди.

Китобда машҳур асарларнинг ёзиб тамомланган вақти ҳам кўрсатилган. Масалан, Улуғбек мирзонинг «Зижи жадиди кўрагоний» китоби 1437 йили, Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» асари 1469 йили, «Хусни Хусайн» китоби 1606 йили ёзиб тамомланган.

¹ Лекин, Испания элчиси Луи Гонсалес де Клавихонинг сўзларига қараганда бу ерда қурилиш ишлари 1404 йилда ҳам давом этган.

«Тарихи саййид Роқим» асари, унинг қиймати ва илм-фан учун зарурлиги келтирилган мисоллардан ҳам кўриниб турибди.

Абдурраҳмон Давлат. Убайдуллахон ва Абулфайзхон (1711—1747 йй.) саройида хизмат қилган мунажжим, шоир ва тарихшунос олим. Кўпроқ Абдурраҳмон Толе номи билан машҳур. Туғилган ва вафот этган йили маълум эмас.

Абдурраҳмон Давлат «Тарихи Абулфайзхон» номли тарихий асар ёзиб қолдирган. Мазкур асар ҳажм жиҳатдан кичик (161 варақ) бўлиб, юқорида зикр этилган «Убайдуллонома»нинг давоми ҳисобланади ва Бухоро хонлигининг 1711—1723 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олади. Маълумки, XVIII асрнинг биринчи чорагида Бухоро хонлигининг иқтисодий ва сиёсий аҳволи заифлашади: улус бошлиқларининг, яъни маҳаллий ҳукмдорларнинг мустақиллик учун олиб борган ҳаракати кучайди, уларнинг айримлари (масалан, Балх ва Самарқанд) марказий ҳукуматга бўйсунмай қўйдилар; Фарғона XVIII аср бошларида (1709 йили) Аштархонийлар давлатидан ажралиб чиқди ва бу ўлкада мустақил Қўқон хонлиги ташкил топди; 1722 йили Самарқанд ҳам мустақиллик эълон қилди ва Ражабхон исмили кимсани хон қилиб кўтардилар (1722—1728 йй.); ўзаро урушлар бошланиб кетди. «Тарихи Абулфайзхон» асарининг муаллифи мана шу масалаларни кенг ёритиб берган. Бундан ташқари, асарда Бухоро хонлигининг маъмурий тузилиши ва ўзбек халқининг ўша йиллардаги этник таркиби ҳақида ҳам айрим, диққатга сазовор далил ва маълумотлар бор.

«Тарихи Абулфайзхон»нинг тўла русча таржимаси, зарур изоҳлар билан, 1959 йили А. А. Семёнов тарафидан нашр қилинган (Тошкент).

Хожи Мир Муҳаммад Салим. Хожи Мир Муҳаммад Салим ва унинг «Силсилат ус-салотин» («Подшолар силсиласи») асари яқин кунларгача илмий жамоатчиликка маълум эмас эди. Бунга асар қўлёзма нусхаларининг камлиги ва мамлакат кутубхоналарида йўқлиги асосий сабабдир. Маз-

кур асарнинг бир нусхаси Англияда, Бодлеян кутубхонасида (инв. № 269) сақланмоқда.

Хожи Мир Муҳаммад Салим ҳеч бўлмаганда бирон кичик вилоятга ҳоким бўлиш шарафига муяссар бўлолмаган ва бошидан кўп оғир кунларни кечирган Аштархонийлар жумласидандир. Унинг катта бобоси Турсун Муҳаммад султон 1578—1598 йиллари Самарқанд ҳокими бўлган. Унинг тўнғич ўғли Поянда Муҳаммад султон Балх хони Надр Муҳаммадхонга яқин бўлган (хоннинг синглиси Зубайда бонуга уйланган) ва 1611—1642 йиллари Қундуз вилоятига ҳокимлик қилган. Ана шу Поянда Муҳаммад султон билан Зубайда бонудан туғилган Муҳаммадёр султон Хожи Мир Муҳаммад Салимнинг бобосидир. У 1645 йилгача Шаҳрисабз вилоятига ҳоким бўлган ва Надр Муҳаммадхон Бухоро тахтини ўғли Абдулазизхонга қолдириб кетгандан кейин у билан бирга Балхга қочиб борган. Орадан бир йил ўтгач, 1646 йили, Балх Бобурийлардан Шоҳ Жаҳон қўшинлари томонидан ишғол этилгандан сўнг, хоннинг онаси Шаҳрибону хоним ҳамда Надр Муҳаммадхоннинг бошқа оила аъзоларини олиб Бухорога қочиб келди; Абдулазизхоннинг қалмоқлар, қорақалпоқ ва қозоқ султонларига қарши ҳарбий юришларида иштирок этди; тожу тахт олдида кўрсатган катта хизматлари учун Шаҳрисабзга ҳоким қилиб тайинланди. Муҳаммадёр султон 1647 йилнинг 14 июнида Аврангзеб қўшини билан Балх қишлоғи — Темурободда бўлган жангда ҳалок бўлган. Хожи Мир Муҳаммад Салимнинг отаси Муҳаммад Рустам султон 1645 йили ҳали ёш бўлган ва Абдулазизхон унга иқтоъ¹ тарзида Самарқандга қарашли Сарипул туманини инъом қилган, унга оталиқ² қилиб эса Мир Шоҳхожа Шавдарийни тайинлаган.

¹ **Иқтоъ** (араб. кесим) ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида олий ҳукмдор тарафидан шаҳзода ва йирик амирларга катта хизматлари эвазига инъом қилинган ер-сув, мулк.

² **Оталиқ** — ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликларида амалда бўлган олий мансаб эгаси; шаҳзодаларнинг тарбиячиси ва вазисы.

Лекин 1671 йили Абдулазиз ундан хавфсираб кўзига мил тортириб кўр қилган. Муҳаммад Рустам султон орадан кўп вақт ўтмай, амир Муҳаммадёр оталиқнинг воситачилиги билан, хондан рухсат олиб Ҳажга жўнаган. Лекин, Декан вилоятида давом этиб турган уруш ҳаракатлари сабабли, бандаргоҳ шаҳарлардан биронтасига ўтолмай, Шоҳжаҳонбодга қайтиб келган ва орадан икки йил ўтгач, ўша ерда вафот этган.

Мир Муҳаммад Салимнинг ўзига келсак, у, асарда баён этилган воқеаларга қараганда, отасидан кейин Бухорода қолган. 1711 йили, Убайдуллахон ўлдирилгандан кейин, Ҳаж қилиш баҳонаси билан Арабистонга жўнаган. Бир йилча Исфаҳонда истиқомат қилиб, 1712 йили Туркияга борган. Султон Аҳмад III (1703–1730 й.) уни эҳтиром билан кутиб олган. Тўрт йилча Туркияда туриб, мазкур султоннинг ҳарбий юришларида қатнашган. Мир Муҳаммад Салим 1716 йили Маккага борган ва Ҳаж маросимини адо этгандан кейин, денгиз орқали Ҳиндистонга келган ва Бобурий Носируддин Муҳаммадшоҳ (1719–1748 й.)нинг хизматига кирган. Юқорида тилга олинган «Силсилат ус-салотин» асарини Носируддин Муҳаммадшоҳнинг топшириғи билан ёзган. Хожи Мир Муҳаммад Салимнинг қачон ва қаерда вафот этганлиги аниқланмаган.

«Силсилат ус-салотин» (1731 йили ёзилган) муқаддима ва тўрт қисмдан иборат.

Муқаддимада асарнинг ёзилиш тарихи ҳақида сўз боради ва муаллифнинг 1711 йилдан кейинги ҳаёти ҳақида айрим, диққатга сазовор маълумотлар келтирилади.

Биринчи қисмда исломиятдан аввал ўтган пайғамбарлар, қадимги турклар ва мўғуллар, хусусан, барлослар ва Амир Темурнинг ота-боболари; Амир Темур ва Темурийлар, шунингдек, ҳазрат соҳибқироннинг Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган авлоди тарихи қисқача баён этилади.

Асарнинг иккинчи қисми Мўғулистоннинг Туғлуқ Темурхон (1348–1363 й.)дан то Суюрғатмишхонгача (1370–1388 й.) ўтган даврдаги тарихини ўз ичига олади.

Муқаддима ва I–II қисмларни ёзишда муаллиф ўзидан аввал ёзилган асарлардан, масалан, Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонкушой», Рашидуддиннинг «Жомеъ ут-таворих», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Мирзо Улуғбекнинг «Тарихи арбаъ улус» Хондамирнинг «Хулосат ул-ахбор», «Ҳабиб ус-сияр» ва «Маосир ул-мулук» асарлари, Абулфазл Алломийнинг «Акбарнома», Ҳофиз Дўстмуҳаммад ибн Ёдгорнинг «Мажмуъ ал-ажойиб» (1606 йили ёзилган) ва бошқа 20 га яқин китоблардан фойдаланган.

«Силсилат ус-салотин»нинг III–IV қисмлари фавқуллодда аҳамиятга эга бўлиб, Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистоннинг XVI–XVIII асрнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-сиёсий тарихини баён қилади. Асарда Бухоро хонлигининг Эрон, Ҳиндистон ва Кошғар билан бўлган алоқалари; Бухоро хонлигида ҳокимиятнинг Шайбонийлардан Аштархонийлар қўлига ўтишининг аниқ тафсилоти; XVII асрда Балх ва Бадахшон, шунингдек, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти; Шоҳ Жаҳоннинг Балх ва Бухоро хонлигининг ички ишларига қуроли аралashiши ва Бобурийлар қўшинининг Балх ва унга тобе бўлган ерларни босиб олиши; Хоразмнинг XVI–XVII асрлардаги сиёсий аҳволи хусусида бошқа манбаларда учрамайдиган қимматли далил ва маълумотлар келтирилади. Асарда улус тизими; тиул ва солона каби солиқлар, Ўзбекистон шаҳарлари, уларнинг аҳолиси ва турмуш тарзи ҳақида келтирилган маълумотлар ҳам алоҳида қимматга эгадир. Хожи Мир Муҳаммад Салим Бухоро хонлари (Абдуллахон II, Абдулмўминхон, Динмуҳаммадхон, Имомқулихон, Абдулазизхон, Субҳонқулихон)нинг Ҳиндистон, Эрон ва Туркия ҳукмдорлари билан ёзишмаларининг (20 нафар мактуб) нусхаларини ҳам келтирган. Бу мактублар, шубҳасиз, Бухоро хонлиги билан мазкур мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар тарихини ўрганишда муҳим маъно касб этади.

Муҳаммад Козим. XVIII асрда ўтган марвлик машҳур тарихнавис олим; 1721 йили Марвда туғилган. Отаси (1737 йили вафот этган) машҳур фотиҳ Нодиршоҳ (1736–1747 йй.)нинг яқин кишиларидан бўлиб, унинг дастлабки ҳарбий юришларида қатнашган ва муҳим дипломатик топшириқларини бажарган. Кейинча у Нодиршоҳнинг иниси Иброҳимхон саройида (дастлаб Хуросон, сўнгра, 1736 йилдан, Озарбайжон ҳокими) хизмат қилган.

Муҳаммад Козим бошланғич маълумотни Марвда олди, сўнг 1731 йили отаси уни Машҳадга олиб келди ва бу ердаги мадрасалардан бирига ўқишга берди. Муҳаммад Козим бу ерда сайид Мир Шамсуддин Али Мозандаронийдан таълим олди. 1736 йили у Дарбандга, Иброҳимхон хузурига чақиртириб олинди ва 1739 йилгача хоннинг ясовули лавозимида хизмат қилди. 1739 йилда Муҳаммад Козим Нодиршоҳнинг ўғли Ризоқули мирзо хизматига қабул қилинди ва 1741 йилгача лашкарнавис (ҳарбий котиб) вазифасида хизмат қилди. 1744 йилдан у Нодиршоҳ хузуринида хизмат қила бошлади: 1744–1747 йиллари молия маҳкамасида котиб ва 1747 йилдан подшоҳ қурол-яроғ омборининг мутасаддиси (вазир) бўлиб ишлади. Муҳаммад Козим тахминан 1752 йили вафот этган.

Муҳаммад Козим «Номайи оламоройи Нодирий» («Нодир (шоҳ)нинг жаҳонга безак бўлувчи тарихи») аталмиш йирик тарихий асар (1750–1753 йиллари ёзилган) муаллифидир. Асар уч жилддан иборат. Биринчи жилди Эроннинг 1688–1736 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олади; иккинчи жилдда 1736–1743 йиллари Эронда, шунингдек, Ўрта Осиё ва Кавказ орти мамлакатларида бўлиб ўтган воқеалар баён этилади. Асарнинг учинчи жилди Эрон ва, қисман, Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Туркия ва Кавказ орти мамлакатларининг 1743–1747 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихига бағишланади.

Ўзбекистоннинг XVIII асрдаги тарихини ўрганишда «Номайи оламоройи Нодирий»нинг II ва III жилдлари асосий манбалардан бири ўрнини ўтайди. Айниқса, асарда Эрон қўшинининг 1737 йили Ўзбекистон ҳудудига бостириб кириши ва Фузор, Қарши, Шулуқ ва бошқа шаҳар ва туманларнинг талон-торож қилиниши; Бухоро хонлигининг Нодиршоҳ тарафидан бўйсундирилиши (1740 й.); Хоразмнинг 1746 йилдаги оғир аҳволи; Эрон аскарларининг Ўрта Осиёнинг шаҳар ва қишлоқларига яна бостириб кириши (1747 й.) ва оқибатда меҳнаткаш халқнинг аянчли аҳволга тушиб қолиши; 1741—1742 йилларда Кўлоб, Хисори шодмон, Бадахшон, Балх ва бошқа вилоятлар халқининг катта ер эгаларининг зулм ва чет эл босқинчиларига қарши кўзғолонлари ҳақидаги маълумотлар зўр илмий қимматга эгадир.

«Тарихи оламоройи Нодирий»нинг қўлёзма нусхалари кам. Шу пайтгача асар тўла равишда бирон тилга таржима қилинмаган. Ундан айрим парчалар баъзи илмий тўплам ва журналларда чоп этилган. II жилднинг бир қисми, яъни Нодиршоҳнинг Ҳиндистонга юришини баён этувчи қисми П. И. Петров томонидан рус тилида 1961 йилда нашр этилган. 1960, 1965 ва 1966 йиллари «Тарихи оламоройи Нодирий»нинг фотофаксимил нашри Москвада Н. Д. Миклухо-Маклай томонидан чоп этилди.

Муҳаммад Вафойи Карминагий. Мулла Муҳаммад Вафо ибн Муҳаммад Зоҳир Карминагий (1685—1769 йй.) Бухоронинг ўқимишли ва таниқли кишиларидан; машҳур тарихшунос олим. Ҳаёти ва илмий фаолиятига оид маълумотлар кам. Нисбасига (Карминагий) қараганда асли Бухоронинг Кармина туманидан бўлган. Юқорида қайд этилган «Убайдуллонома» китобининг муаллифи Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг гувоҳлик беришига қараганда, Муҳаммад Вафойи Карминагий Аштархонийлардан Убайдуллохон саройида китобдор бўлиб хизмат қилган. Фикримизча, у Убайдуллохондан кейин тахтга ўтирган Абулфайзхон даврида ҳам ана шу лавозимда турган. Мулла Муҳаммад Вафо

Карминагий «қози Вафо» номи билан ҳам машҳурдир. У қозилик лавозимига янги сулола — Манғитлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Раҳимхон (1753—1759 йй.) замонида эришган.

Муҳаммад Вафо Карминагий Бухоро хонлигининг 1722—1782 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олган «Тухфат ул-хоний» («Хоннинг туҳфаси») ёки «Тарихи Раҳимхоний» («[Муҳаммад] Раҳимхон тарихи») номи асар ёзиб қолдирган. Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, мулла Муҳаммад Вафо асарнинг фақат 1722—1768 йил воқеаларини ўз ичига олган қисминигина ёзиб улгурган (1769 й.), холос. Унинг давомини, яъни 1768—1782 йиллар воқеаларини баён этувчи қисмини насафлик домла Олимбек ибн Ниёзқулибек ёзган.

«Тухфат ул-хоний» саж билан ёзилган, лекин воқеаларнинг тўла ва кенг ёритилиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, географик ҳамда этник далилларга бойлиги билан биринчи даражали манбалар қаторида туради. Асар Бухоро хонлигида XVIII асрнинг 20-йилларидан бошлаб кучайиб кетган иқтисодий ва сиёсий тангликни, ижтимоий-сиёсий тарқоқликнинг кучайиши ва бунинг натижасида марказий давлат бошқарувининг заифлашуви, манғит ҳукмдорларининг улуслар ва қабилаларни бўйсундириш мақсадида олиб борган тинимсиз урушлари ва бунинг оқибатида кўплаб шаҳарлар ҳамда қишлоқларнинг вайрон этилиши, меҳнаткаш халқ турмушининг оғирлашиб бориши ва унинг асосий сабабларини аниқлашга ёрдам бериши мумкин бўлган далилий маълумотга ўта бойдир. «Тухфат ул-хоний», бундан ташқари, ўзбек қавмлари, уруғлари ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни; Аштархонийлар ва Манғитлар ҳукмронлиги даврида ўзбек қўшини ва манғитлар давлатининг тузилиши; 1722—1782 йилларда Бухоро хонлигининг Эрон, Афғонистон, Қозоқ ва Қўқон хонликлари ҳамда Қошғар билан олиб борган сиёсий муносабатлари ҳақида ҳам эътиборга молик маълумотлар кўп учрайди.

«Тухфат ул-хоний»нинг қўлёзма нусхалари кўп. Масалан, фақат Санкт-Петербург, Ўзбекистон, Тожикистон кутубхоналарида ундан 23 нусха сақланмоқда. Шунга қарамай, бу муҳим асар кам ўрганилган. Асар бирон тилга тўла таржима қилинмаган ҳам. Асардан кичик бир парча, яъни Муҳаммад Раҳимхоннинг 1747 йили Сарахс атрофида Эрон кўшинлари билан тўқнашуви рус тилида (1938 й.) эълон қилинган, холос.

Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммад Шариф. XVIII асрнинг иккинчи ва XIX асрнинг биринчи ярмида ўтган бухоролик тарихшунослар. Ҳаёти ва илмий фаолиятига оид маълумотларга ҳозир эга эмасмиз. Лекин уларнинг қаламига мансуб бўлган «Тарихи амир Ҳайдар» («Амир Ҳайдар тарихи») асарининг номаълум муҳаррир тарафидан қисқартирилган нусхаси (ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 1836) орқали биламиз.

«Тарихи амир Ҳайдар» кичик асар (жами 96 варақдан иборат); муҳим тарихий манбалар асосида ёзилган ва Бухоро хонлигининг Аштархонийлар, шунингдек, асосан, Манғитлар сулоласидан бўлган амир Ҳайдар ҳукмронлиги (1800–1826 йй.) давридаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олади.

Асар 81 боб (достон)дан иборат. 1–2-боблари Бухоро шаҳри тарихига бағишланган; 3–6-бобларда Аштархонийлар тарихи қисқача баён этилган; 7–81-бобларда эса Бухоро амирлигининг амирзода Ҳайдарнинг туғилишидан то унинг вафоти (1826 йил 6 октябр)гача бўлган тарихи ҳикоя қилинади.

Асар 50-йилларда проф. А. А. Семёнов томонидан рус тилига таржима қилинган, лекин нима сабабдандир қўлёзма нашр этилмай қолган. Таржима қўлёзмаси ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланмоқда.

Мир Олим Бухорий. Ҳаёти ва фаолияти ҳақида фақат куйидагилар маълум: Амир Насрулло даври (1826/27–1860/61 йй.)да Ҳузор (Фузор) ҳокими бўлган Муҳаммад Олимбекнинг хиз-

матида бўлган ва унинг топшириғи билан «Фатҳномаи султоний» («Султон фатҳномаси») номли тарихий асар ёзган.

«Фатҳномаи султоний» амир Шоҳмурод (1785/86–1800 йй.) давридан то амир Насрулло ҳукмронлигининг дастлабки йилларигача Бухоро амирлигида бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олади, лекин Шоҳмурод ва амир Ҳайдар даврлари қисқача (ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 1838, в. 7 б–55 б.), Насрулло даври эса батафсил ёритилган.

Мазкур нусха асарнинг биринчи жилди бўлиб, иккинчиси бизга маълум бўлмаган сабабларга кўра ёзилмай қолган.

«Фатҳномаи султоний»нинг биринчи қисми марҳума О. Д. Чехович тарафидан рус тилига таржима қилинган. Таржима қўлёзмаси ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланмоқда.

Ҳакимхон тўра.(тахм. 1802 – вафот этган йили маълум эмас) Қўқонлик йирик тарихчи олим. Ота тарафдан нақшбандия тариқатининг йирик намояндаларидан бири, йирик илоҳиёт олими Маҳдуми Аъзам Косоний (1461/62–1542/43 йй.)нинг авлоди, она тарафдан Қўқон хони Норбўтахон (1770–1800 йй.)нинг набирасидир. Отаси саййид Маъсумхон тўра Умархон даври (1809–1822 йй.)да ва Муҳаммад Алихон ҳукмронлиги (1822–1842 йй.)нинг дастлабки йилларида хонликнинг шайхулисломи лавозимини эгаллаб турган. Ҳакимхон тўра Муҳаммад Алихон ҳукмронлиги аввалида Наманган, Тўрақўрғон ва Косонсойда ҳоким бўлган. Лекин кўп ўтмай отаси ҳам, ўзи ҳам хоннинг ғазабига дучор бўлиб, эгаллаб турган лавозимларидан бўшатирилган ва Ҳаж маросимини адо этиш учун Арабистонга жўнатиб юборилган. Отаси йўлда, Мозори шарифда 1834 йили вафот этган. Ҳакимхон тўра эса кўп машаққатлар чекиб, етти йилдан кейин Россия, Туркия, Ироқ, Сурия ва Фаластин орқали Маккага етиб борди. Ўшанда 1824 йили у Оренбургда подшо Александр I билан учрашиш шарафига муяссар бўлган. Ҳакимхон тўра Макка ва Мадина зиёратидан қайтгач (1828 й.)

Муҳаммад Алихондан чўчиб Кўқонга бормади ва қолган умрини Китобда кечирди. Ўзининг ёзишича, Китобда унинг қариндошлари ва озми-кўпми ер-суви бўлган.

Ҳакимхон тўра йирик тарихшунос олим сифатида зўр шуҳрат қозонган. У «Мунтахаб ут-таворих» («Сайланма тарих») асарининг муаллифидир. Асар тўла равишда Китобда 1843 йилнинг 29 май куни ёзиб тамомланган.

«Мунтахаб ут-таворих»да қадимий замонлар (исломиятдан аввал ўтган пайғамбарлар, қадимги Эрон подшолари, Хитой ва Европанинг қадимий подшолари ва халифайи рошидиндан то Мовароуннаҳрнинг Манғит ва Минг сулоласидан чиққан олий ҳукмдорлар замонигача кечган) тарихи баён этилади.

Асарда Кўқон хонлигининг хонлик асосчиси Шоҳруҳхон (1709–1721 йй.)нинг ўғли ва тож-тахт вориси Абдурахимхон (1721–1724 йй.) замонидан то Норбўтахон, Олимхон ва Умархон давригача кечган тарихи ҳақида ҳикоя қилинади. Айниқса, Норбўтахон, Олимхон ва Умархон даври тарихи яхши ёритилган. Асарда муаллифнинг Россия, Туркия, Ироқ, Шом (Сурия) ва бошқа мамлакатларга қилган саёҳати чоғида олган таассуротлари ва ўша мамлакат халқларининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, тарихи ва ҳаёт тарзи ҳақида келтирган маълумотлари ҳам диққатга сазовордир.

«Мунтахаб ут-таворих»нинг қўлёзма нусхалари кам. Унинг Душанбе (Тожикистон)да, проф. А. А. Семёновнинг уй-музейида сақланаётган форсча нусхасининг фотонусхаси тожикистонлик йирик шарқшунос олим Аҳрор Мухторов тарафидан 1983 йили икки китоб қилиб, Душанбеда чоп этилган. Асарнинг ўзбекча нусхаси ҳам бўлиб, ҳозирда ЎзР ФА Шарқшунослик институти хазинасида (инв. № 594) сақланмоқда.

Аҳмад Дониш. Ҳақиқий исми: Аҳмад ибн Носир ибн Юсуф ал-Ханафий ал-Бухорий (Аҳмад калла номи билан ҳам машҳур); XIX асрда ўтган кўзга кўринган мутафаккир шоир,

адиб, тарихнавис олим ва дипломат; 1827 йили Бухорода туғилган. У ёшлигидан яхши ўқиб тарих, мумтоз адабиёт, риёзиёт (математика), илми нужум (астрономия), мусиқа ва тиббиёт илмларини яхши ўрганган; хуснихат ва мусавирлик сирларини ҳам эгаллаган.

Аҳмад Донишнинг фаолияти хаттотликдан бошланган ва 50 йил (XIX аср) бошларида амир Насрулло хизматига қабул қилинган, 1870 йили истеъфога чиқиб, илмий фаолият билан машғул бўлган.

Аҳмад Дониш 1857 йили амир Насрулло, 1869 ва 1874 йиллари амир Музаффар (1860–1885 йй.) элчилиги таркибида Петербургда бўлди ва Россиянинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти билан яқиндан танишди. Бу сафарлар олимнинг дунёқарашига катта таъсир кўрсатди. Лекин у Бухоронинг Россияга қараганда қолоқлигининг ҳақиқий сабабларини тушуниб етмади. У жамиятни мавжуд қонун ва тартибларни такомиллаштириш йўли билан, одил подшоҳнинг қўли билан қайтадан қуриш мумкин, деб ҳисобларди. Олимнинг бу қарашлари унинг «Наводир ул-вақоеъ» («Нодир воқеалар») асарида (1875–1882 йиллар орасида ёзилган) ўз аксини топган. Аҳмад Дониш мазкур асарида амирга давлатни бошқариш ишларини қайтадан қуришни маслаҳат берди. Лекин амир бундан даргазаб бўлди ва 70-йиллар охирида Аҳмад Дониш пойтахтдан узоқлаштирилди ва Ғузорга қози қилиб юборилди. 1885 йили, амир Музаффар вафотидан кейин, у Бухорога қайтиб келди ва умрининг қолган қисмини илмий машғулотлар билан кечирди. Аҳмад Дониш 1897 йили вафот этди.

Аҳмад Дониш илоҳиёт, илми нужум, география, адабиёт ва тарихга оид 20 га яқин асар ёзиб қолдирди. «Манозир ул-кавокиб» («Сайёраларнинг манзаралари»), юқорида қайд этилган «Наводир ул-вақоеъ», «Таржимаи аҳволи амирони Бухоройи шариф аз амир Дониёл то асри амир Абдулаҳад» («Бухоройи шариф амирларининг таржимаи аҳволи. Амир Дониёлдан то амир Абдулаҳадгача») асарлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг XIX асрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганишда олимнинг сўнги асари — «Таржимаи аҳволи амирони Бухоро» (1885 йилдан кейин ёзилган) катта аҳамиятга эга. Асарда, катта сўз боши (сайёраларнинг инсон тақдиридаги аҳамияти, дин ва унинг ўрни)дан кейин қисқа тарзда амир Дониёл (1758–1785 йй.), Шоҳмурод (1785–1800 йй.), Ҳайдар ва амир Насрулло ҳукмронлиги йилларида бўлиб ўтган воқеалар баён этилади.

Асарнинг катта ва сўнги қисми амир Музаффарга бағишланган. Бу қисмда Бухоро хонлигининг XIX аср иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, шунингдек, чор Россияси қўшинлари томонидан Жиззах (1866 й.) ҳамда Самарқанд (1868 й.)нинг ишғол қилиниши воқеалари баътафсил баён этилган.

«Таржимаи аҳволи амирони Бухоройи шариф»нинг қўлёзма нусхалари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Душанбе кутубхоналарида сақланади. Асарнинг матни машҳур шарқшунос олим проф. Абдуғани Мирзаев томонидан чоп этилган. Унинг қисқартирилган русча таржимаси ҳам Душанбеда нашр қилинган (1960 й.).

Мирзо Абдуазим Сомий Бўстоний (1838/39–1914 йилдан кейин) — бухоролик машҳур тарихшунос олим ва шоир. Бошланғич маълумотни она юрти Бўстон қишлоғида (Бухоронинг шимолида, ундан 40 км нарида) олган, сўнгра Бухоро мадрасаларидан бирида ўқиган; сўнг дастлаб вилоят ҳукмдорлари (ҳокимлар) қўлида котиб, амир Музаффар тахтга ўтиргандан кейин унинг шахсий котиби (муншийси) бўлиб хизмат қилган. Амир Абдулаҳад ҳукмронлиги (1885–1910 йй.)нинг сўнгида (1898 ёки 1899 йилда) подшоликка қарши фикрлари учун саройдан четлатилиб, умрининг охирини ночорликда кечирган.

Сомий Бўстоний бир неча адабий ва тарихий асар ёзиб қолдирган. «Миръот ул-хаёл» («Хаёл кўзгуси»), «Иншо», «Тухфайи шоҳий» («Подшоҳнинг тухфаси»), «Тарихи салотини Манғития» («Манғит ҳукмдорлари тарихи») шулар жумласидандир.

Олимнинг юқорида зикр этилган асарларидан энг муҳими сўнгги икки тарихий асардир. Лекин «Тухфайи шоҳий» (1900–1902 йиллар орасида ёзилган) ҳам, «Тарихи салотини Манғития» (1907 йили ёзиб тамомланган) ҳам бир давр тарихига, Бухоро хонлигининг амир Музаффар давридаги тарихига бағишланган. Бироқ, улар маълум даражада бир-биридан фарқ қилади. Масалан, «Тухфайи шоҳий» тўлароқ, лекин олий ҳукмдорни кўкларга кўтариб мақташ (панегоризм) руҳида битилган. «Тарихи салотини Манғития» эса нисбатан ҳолисона ёзилган. Асарнинг илмий аҳамияти шундаки, унда Бухоро амирлигининг Ўрта Осиёнинг Россия тарафидан босиб олиниши арафасидаги иқтисодий ва сиёсий аҳволи, шунингдек, Бухоро–Россия муносабатлари бирмунча кенг ёритилган.

Асарнинг қўлёзма нусхалари кўп. Унинг ўзбекистонлик шарқшунос олима Л. М. Елифанова томонидан қилинган русча таржимаси, сўз боши ва зарур изоҳлари билан бирга, 1962 йили, Москвада чоп этилган.

Мирза Салимбек (тўла исми: Мирза Салимбек ибн Муҳаммад Раҳим) XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи чорагида ўтган тарихшунос олим. Ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида фақат қуйидагилар маълум: 1850–51 йиллари Бухоройи шарифда таваллуд топган; бадавлат ва нуфузли хонадонга мансуб; 1871 йили Нахрпой (Норпой) ва Зиёвуддин ҳокимига котиб бўлиб ишга кирази, лекин олти ойдан кейин амир Музаффарнинг фармойиши билан Тошкентга кузатувчи (рус маъмурларининг хатти-ҳаракати ва айниқса Бухоро хусусида тутган сиёсатини кузатиб борувчи) қилиб юборилди. Мирза Салимбек Тошкентга чойфуруш қиёфасида келди ва бу ерда 12 йил истиқомат қилди. 1880–1883 йиллари у амир ҳузурида, 1884–1885 йиллари Туркистон генерал-губернатори ҳузурида Бухоро вакили бўлиб хизмат қилди. 1885 йили Мирза Салимбек Сомжин туманига амлақдор қилиб тайинланди. Шундан кейин унинг мартабаси йил сайин ортиб

борди: 1888–1893 йиллари Бухоро шахрининг миршаби, 1893–1920 йиллари Яккабоғ, Нурота, Бойсун, Шеробод, Шаҳрисабз, Чоржўй вилоятларининг ҳокими ва бош закотчи вазифаларида турди. 1920 йилги инқилобдан кейин Мирза Салимбек шўро ташкилотларида, Бухорода ташкил этилган «Анжумани тарих» («Тарихшунослар жамияти»)да хизмат қилди. Мирза Салимбекнинг вафот этган йили маълум эмас.

Мирза Салимбек бир неча йирик тарихий ва адабий асарлар ёзиб қолдирган. «Кашкули Салимий» («Салимийнинг кашкули»), «Жомий ул-гулзор» («Гулзорлар мажмуи»), «Қаъб ал-ахбор ҳикоялари», «Ҳикояти Абдулла ибн ал-Муборак», «Тарихи Салимий» («Салимийнинг тарихи») шулар жумласидандир.

Тарихчилар учун энг муҳими унинг сўнги асари — «Тарихи Салимий»дир. Асарнинг ёзилган йили номаълум. Тадқиқотчилардан бири (Н. Норқулов)нинг фикрига қараганда, асримизнинг 20-йилларида ёзилган. Унинг бош қисми (Чингизхондан то амир Музаффар давригача) компиляция бўлиб, мустақил аҳамиятга эга эмас. Асарнинг 1860–1920 йиллар воқеаларини ўз ичига олган катта қисми асл нусха бўлиб, муаллифнинг ўзи бу воқеаларнинг гувоҳи бўлган.

Асарда амир Музаффар даврида Ҳисор, Кўлоб, Балжуан, Қоратегин ва Дарвозда бўлиб ўтган исёнлар, Бухоро-Қўқон ва Бухоро-Россия муносабатлари, шунингдек, Бухоро амирлигининг XIX асрнинг иккинчи ярмидаги умумий аҳволи ва маъмурий тузилиши ҳақида қимматли маълумотлар бор.

«Тарихи Салимий»нинг қўлёзма нусхалари кўп. Асар 1968 йили Н. Норқулов томонидан рус тилига таржима қилинган, лекин, афсуски, ҳали чоп этилмаган.

Муҳаммад Солиҳ Тошкандий (тўла исми шарифи Муҳаммад Солиҳ домла Раҳим Қорахожа ўғли). Тошкентлик йирик тарихшунос олим; тахминан 1830 йили туғилган; вафот этган вақти номаълум. Бошланғич маълумотни бобоси мулла Абдураҳимхожа (у Қиёт маҳалласида жойлаш-

ган Бекмуҳаммадбий масжидида имом бўлган)дан олган, сўнг Бекларбеги ва хожа Аҳрор мадрасаларида ўқиган. Фарғонанинг Кўқон (1853 й.), Марғилон, Наманган ва Ўш (1853 й.) шаҳарларида, кейинчалик Бухоро, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда бўлиб, мадрасада олган билимини кенгайтди. 1863 йилдан бошлаб илгари бобоси имомлик қилган масжидда имом бўлиб хизмат қилди, айти пайтда дарс ҳам бериб турди.

Муҳаммад Солиҳ турли илмлар (тарих, география, адабиёт, тибб)дан хабардор бўлган кенг маълумотли киши эди, лекин унинг тарихга рағбати кўпроқ бўлган. У Абу Тоҳир-хожа (XIX аср)нинг «Самария»сига ўхшаш Тошкент, унинг тарихи ва осори-атиқаларига бағишлаб бир асар ёзишни кўпдан орзу қилиб юрган ва ниҳоят, 1863–1888 йиллари мақсадига эришган. Бу асар «Тарихи жадидаи Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи») деб аталади ва икки жилдан иборат. Биринчи жилда қадим замонлардан то XV аср охиригача Шарқ мамлакатларида, шунингдек Ўрта Осиёда бўлиб ўтган воқеалар, иккинчи жилда эса Кўқон хонлигининг XV аср охиридан (Заҳриддин Муҳаммад Бобур давридан) то XIX асрнинг 80-йилларигача бўлган ижтимоий-сиёсий аҳволи, маданий ҳаёт ҳақида қимматли маълумотлар учратамиз.

Асар ҳали бирон тилга таржима қилинмаган. Қўлёзма нусхалари мавжуд. Фақат Тошкентда, ЎзР ФА Шарқшунослик институтида, унинг уч нусхаси (инв. № 7791, 11072–73, 5732) сақланади.

Ниёз Муҳаммад Хўқандий. XIX асрда ўтган фарғоналик тарихчи олим; тахминан 1803 йили Кўқонда йирик ҳарбий хизматчи оиласида туғилган; Худоёрхон қўшинида (фикримизча, лашкарнавис, яъни ҳарбий котиб лавозимида) хизмат қилган; 60-йиллар бошларида истеъфога чиқиб, илмий фаолият билан машғул бўлган. 1876 йилдан кейин вафот топган.

Ниёз Муҳаммад кенг маълумотли киши бўлиб, «Ниёзий» таҳаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Лекин, йирик

тарихий асар — «Тарихи Шоҳруҳий» (Шоҳруҳ [бек] тарихи) номли асари билан кўпроқ машҳур. «Тарихи Шоҳруҳий» Қўқон хонлигининг (1709–1876 йй.) мукаммал тарихи бўлиб, унда ушбу хонликка қарам бўлган бошқа (Тошкент, ҳозирги Қирғизистон, Қозоғистоннинг жанубий вилоятлари) ҳудудларининг ижтимоий-сиёсий тарихи ҳам баён этилган. Асарда Қўқон хонлигининг Бухоро, Шарқий Туркистон ва бошқа қўшни мамлакатлар билан бўлган иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари ҳақида ҳам эътиборга молик маълумотлар келтирилган.

«Тарихи Шоҳруҳий»нинг матни Н. Н. Пантусов томонидан 1885 йили Қозонда чоп этилган. Айрим парчалари В. В. Бартольд, Н. Г. Маллицкий ва В. А. Ромодин тарафидан рус тилига таржима қилинган. Асар кейинги йиллари салоҳиятли шогирдимиз Т. К. Бейсембиев (Олмаота) тарафидан чуқур ва атрофлича ўрганилган ва чоп этилган (Алма-ата, 1987).

3. География ва космографияга¹ оид асарлар

Китоби Муллазода(«Муллазода китоби») — Бухоройи Шарифнинг XIV–XV асрлардан қолган осори-атиқалари ва машҳур зиёратгоҳлари, у ерда дафн этилган валийлар, шайхлар, умуман машҳур кишилар ҳақида маълумот берувчи асар. XIV аср охири — XV аср бошларида ёзилган.

Муаллиф ҳақида маълумотлар кам. Исми шарифи: Аҳмад ибн Маҳмуд бўлиб, мўъйин ул-фуқаро (фақирлар таянчи) тахаллуси билан ҳам машҳур бўлган.

Асар яқин-яқинларгача кўпчилик тадқиқотчиларга маълум эмас эди. Бунга унинг қўлёзма нусхалари маълум бўлмаганлиги сабаб бўлган. 1960 йили асарнинг форсча матни Теҳронда Гулчин Маъоний тарафидан чоп этилгандан кейин илмий жамоатчилик орасида асарга қизиқиш бирмунча кучай-

¹ **Космография** — астрономия ва табиий географиядан умумий маълумот берувчи фан.

ди. Асар 1992 йили рус тилида Р. Л. Гофурова тарафидан эълон қилинди.

«Китоби Муллазода» — қабристонларни эркак ва аёллар зиёрат қилсалар бўлади ва бу зиёратни қандай адо этиш ҳақидаги икки махсус боб ва икки қисмдан иборат асар. Биринчи қисмда шаҳар ичидаги ва унинг ташқарисида, шаҳардан ярим фарсах масофада дафн этилган улуғ шахслар (шайхлар, дин уламолари) ва уларнинг муқаддас мазорлари ҳақида маълумот беради. Булар ичида машҳур шайх, имом ва илоҳиёт олими хожа Абу Ҳафс кабир (хожа Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс ибн ал-Забаркан ибн Абдуллоҳ ибн ал-Баҳр ал-Ижлий ал-Бухорий; 767–832 йй.), шогирди хожа Абдуллоҳ Сафидмуний, Саффария имомларининг мазорлари, йирик имом, муҳаддис Абу Ҳафс кабир, Чашмайи Аюбдаги мазорлар, Исмоилия имомларининг мазорлари, Талли хожа Чоршанбадаги мазорлар, Сафидмун ва хожа Жанди қишлоқларидаги мазорлар шулар жумласидандир.

Асарнинг иккинчи қисмида Бухоройи шарифнинг машҳур қишлоқларидан Фатҳободдаги муқаддас зиёратгоҳлар, масалан, шайх Абулмаолий (1190–1261 йй.), унинг икки ўғли Хованд Жалолиддин ва Хованд Мутаҳируддинларнинг мазорлари ва ўзлари ҳақида маълумот келтирилади.

Шу қисмда жой олган Бухоро садрлари (Бурҳонийлар) ҳақида келтирилган маълумотлар ҳам ўта муҳимдир.

Икки оғиз сўз Бухоро садрлари ҳақида. Аслида улар ким эдилар? Бухоро садрлари бир хонадонга (Абдулазиз ибн Умар Моз хонадонига) мансуб бўлган ва мухтасиб (раис) лавозимини эгаллаган олий насаб шахслар эдилар.

«Китоби Муллазода»да уларнинг келиб чиқиши (шажараси) ҳақида, ҳаёти ва вафот этган йиллари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади.

Бухоройи шарифда ўтган буюк шахслар: хожа Абубакр тархон, мавлоно Ҳофизуддин Кабир, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Бухорий, етти қози (Абу Зайд Абдуллоҳ Умар ибн Исо ад-Дабусий, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Амр аш-

Шабий, Исмоил Мустамолий ва б. қ.) ҳақида келтирилган маълумотлар ҳам диққатга сазовордир. Масалан, имом Абу Зайд Убайдуллоҳ Умар ибн Исо ад-Дабусий ҳам йирик фикҳ ва илоҳиёт олими бўлган. Унинг мусулмон қонунчилигига оид «Омад ал-Ақсо» («Сўнгги ҳудуд») ўз замонасида жуда машҳур бўлган. Абу Зайд Абдуллоҳ Умар 1038 йили 63 ёшида вафот этган.

Пировардида XVIII асрга оид ва Самарқанддаги зиёратгоҳлар ва шаҳар топонимикасига оид яна бир китоб — Абу Тоҳирхожанинг «Самария» асари ҳақида қисқача маълумот келтирмоқчимиз.

Асар муаллифи Самарқанд қозиси Абу Саъид ибн Абдулхайнинг ўғлидир. Абу Тоҳирхожа отаси ҳам, бобоси мавлоно Мир Абдулхай ҳам ўқимишли кишилар бўлишган. Мавлоно Мир Абдулхай (1755–1827 йй.) Самарқандда 40 йил қозикалон мансабида турган. Шу билан бирга у бир талай илмий асарлар ёзиб қолдирган. «Ҳавоши шофий бар шарҳи Байзавий», «Саҳиҳи Бухорий»нинг форсча шарҳи, «Забури Довудий»нинг форсийча шарҳи, «Ахлоқи Баҳодурхон» шулар жумласидандир. Отаси Абу Саъидхожа (1849 йил 28 августда вафот топган) ҳам кенг маълумотли киши бўлган. Фикҳ ва калом (диний ақидаларни исботлаш илми)да беназир бўлган.

«Самария» 11 боб, муқаддима ва хотимадан иборат бўлиб, Самарқанд шаҳрининг бунёд этилиши, шаҳарнинг «Самарқанд» деб аталишининг сабаблари, шаҳарнинг географик ҳолати, об-ҳавоси, унинг XIX асрнинг учинчи чорагига қадар сақланиб қолган осори-атиқалари ва машҳур кишилари ҳақида маълумот беради.

Асарнинг ўзбекча таржимаси 1921 йили самарқандлик ёш, салоҳиятли олим Абдулмўъмин Сатторий тарафидан амалга оширилган эди. Лекин, оғир хасталик ва бевақт ўлим (1925 йил 23 июлда) унга таржимани чоп қилишга имкон бермади. Атоқли ёзувчи ва олим Садриддин Айний 1925 йили ўша йиллари маориф нозирини бўлиб ишлаб турган Абдурауф Фитратнинг таклифи билан, уни таҳрир қилиб,

нашрга тайёрлаган эди. Лекин асар чоп этилмай қолди. Айний домланинг қўлёзмаси ҳозирда ЎзР ФА ШИ фондида 600-рақам остида сақланмоқда.

Асар биз тарафимиздан, А. Жувонмардиев билан бирга, қайта нашрга тайёрланди ва чоп этилди (Тошкент, 1991 йил).

«**Мажмуъ ал-ғаройиб**» («Ғаройиботлар мажмуъаси») 1569 йили Балх хони Шайбоний Пирмуҳаммадхон I (1546–1566/67)нинг топшириғи билан ёзилган. Асар муаллифи балхлик олим Султон Муҳаммад бўлиб, унинг ҳақида бизга фақат қуйидагилар маълум. Отаси мавлоно Дарвиш Муҳаммад Балхнинг ўқимишли ва катта нуфузга эга бўлган кишиларидан бири эди. Шайбоний ҳукмдорлардан Хуррамшоҳ султон (1506–1511) ва Кистинқора султон (1526–1544) даврида Балхнинг муфтийси лавозимида хизмат қилган. Эски ўзбек тилида шеърлар ҳам битган. Шеърларидан айрим парчалар «Мажмуъ ал-ғаройиб»да келтирилади. Дарвиш Муҳаммад муфтий 1550 йил 19 февралда вафот этган. Асар муаллифи Султон Муҳаммад Балхий ҳам замонасининг кенг маълумотли кишиларидан бўлган. У хусусан тарих, география, астрология, минералогия, илоҳиёт, фикҳ (мусулмон қонуншунослиги) ва адабиёт илмларидан бохабар киши бўлган. Отаси вафотидан кейин унинг мансабида турган Султон Муҳаммад 1573 йил 12 май куни вафот этган.

«Мажмуъ ал-ғаройиб»ни ёзишда Султон Муҳаммад ал-Балхий ўзидан аввал ўтган олимларнинг асарларидан, шунингдек Балх мамлакати бўйлаб қилган саёҳатлари пайтида тўплаган маълумотлардан кенг фойдаланган. Олим фойдаланган асарлар ичида етиб келмаганлари ва кам маълум бўлганлари ҳам кўп. «Ор ал-мутақаддимин» («Салафларнинг фикрлари»), «Тарихи сақолиба» («Славянлар тарихи»), «Онис ул-вахдат ва жолис ул-хилват» («Ёлғизлар дўсти ва хилватда ўлтирувчилар суҳбатдоши») каби асарлар шулар жумласидандир.

«Мажмуъ ал-ғаройиб» илм аҳли орасида кенг тарқалган асар. Унинг ҳозиргача сақланган нусхалари 80 дан ортиқ.

Унинг маълумотларидан жуда кўп олимлар фойдаланган. Улардан машхур «Абдуллонома» асарининг муаллифи Ҳофиз Таниш Бухорий, «Ажойиб ат-табақот» китобининг мусаннифи мавлоно Муҳаммад Тоҳир ва XVII асрда ўтган қомусий олим Маҳмуд ибн Вали шулар жумласига киради.

Асарнинг айниқса 3, 11, 12- ва 18-боблари муҳимдир. Уларда Бухоро, Балх, Тамғач, Марв, Сиёвуш, Соғониён, Термиз, Тибат, Туркистон, Самарқанд ва Булғор каби йирик шаҳарлар ва улкан мамлакатлар, Мурғоб, Вахш, Жайхун, Кўҳак, Чирчиқ дарёлари, дунёда юз берган муҳим воқеалар, машхур шайхлар, олимлар ва ҳукмдорлар, Балх ва Бадахшоннинг минерал бойлиги ҳақидаги қисмлари муҳим аҳамиятга эга.

Асар ва унинг танқидий матни тайёрланган эди, лекин чиққанича йўқ. Афғонистонда кейинги 15 йил ичида юз берган мудҳиш воқеалар тадқиқотчи ва унинг илмий фаолиятига салбий таъсир кўрсатмадимикан деган ташвишдамиз.

«Ажойиб ут-табақот» («Ер қатламларининг ажойиботлари») — далилий маълумотларга бой, кам ўрганилган геокосмографик асар. Бир қанча тарихий, географик ва космографик асарлар ҳамда сайёҳларнинг эсдаликлари ва муаллифнинг шахсий кузатувлари асосида ёзилган бўлиб, Ўрта Осиёнинг XVI–XVII асрлардаги тарихи ва географик шароитига оид маълумотларга бой.

«Ажойиб ут-табақот» мавлоно саййид Муҳаммад Тоҳир тарафидан Балх хони Аштархоний Надр Муҳаммадхон (1606–1642 йй.)нинг топшириғи билан ёзилган. Муаллифнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида аниқ маълумотларга эга эмасмиз. Мазкур асарнинг муқаддимасида келтирилган айрим маълумотларга қараганда, у мазкур хон саройида хизмат қилиб турган олимлар жумласига кирган.

«Ажойиб ут-табақот»нинг ёзилиш тарихини қуйидаги далилларга асосланиб белгилаш мумкин. Муҳаммад Тоҳир асарининг «Балх» қисмида Хожа ҳайрон қишлоғидаги ҳазрат Али (656–661 йй.) мозори тепасига қурилган ҳашамат-

ли бино ҳижрий 886 йилда атоқли шоир ва тарихчи олим Камолиддин Биноий ва унинг отаси уста Муҳаммад Сабз тарафидан қурилганлигини айтади ва шундан бери 172 йил ўтди, деб ёзади. Шу 172 га 886 (бинонинг қурилган йили)ни қўшадиган (172+886) бўлсак, 1058 ҳосил бўлади. 1058 ни милодий йилга ўгирадиган бўлсак, 1648 йил келиб чиқади. Шунга асосланиб, асар ҳижрий 1058 (милодий 1648) йили ёзилган деб айтиш мумкин.

Муҳаммад Тоҳир мазкур асарини ёзишда юқорида тилга олинган «Мажмуъ ал-ғаройиб»дан ташқари ал-Баттоний (852–929), Абу Райҳон Берунийнинг «Қонуни Масъудий», «Жавоҳирнома», шунингдек, Абдулмалик Марварудий, Носируддин Тусий, Наршахий ва бошқа олимларнинг асарларидан фойдаланган.

«Ажойиб ут-табақот» кам ўрганилган; нашр этилмаган. Унинг учинчи қисми (табақа) илмий қимматга эга. Унда Ўзбекистоннинг Самарқанд, Тошкент, Андижон, Термиз ва бошқа шаҳарлари, шунингдек Шарқий Туркистон (Кошғар) ва Афғонистон ҳақида қимматли маълумотлар учрата-миз.

Асарнинг яна бир қимматли томони бор. У чиройли насх хати билан битилган. Унвон ва сарлавҳалари рангли ва тилло суви бериб ёзилган: Каъба ва пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Мадинадаги муборақ қабри тасвири ҳам келтирилган.

Шаҳарлар тавсифи баҳоли имкон тўлиқ берилган. Сўзимизнинг исботи учун Балх ва Қубодиён шаҳарлари ҳақида берилган тавсифни келтира-миз.

«**Балх** — улуғ шаҳар; Хуросонга қарайди; тўртинчи иқлимга киради. Уни қадимги Эрон подшоларидан Каюмарс қурган, Тахмурад обод қилган, Луҳросип Қайтадан қуриб, те-варак-атрофини пишиқ девор билан ўраттирган. Бир ривоятга кўра, уни биринчи бунёд қилган киши Қобил ибн Одам... бошқа ривоятга кўра шоҳ Гиштосип Айюб пайғамбарнинг амри билан қурдирган... Учинчи ривоятда келтири-лишича, (уни) Минучеҳр ибн Ирож бино қилган. «Тарихи

Балх»¹ китобида ёзилишича, Балхнинг қалъаси (кўп бор) вайрон қилинган ва 22 марта қайтадан тикланган. Балхнинг энг сўнги иморати бир вақтлар Хуросон ҳокими бўлиб турган Абу Муслим Марвозий тарафидан қурдирилган. Ундан кейин шаҳид этилган Абдулмўъминхон² шаҳарнинг гарбий ва жанубий тарафларидаги деворни таъмирлатган. Унинг узунлиги 20 минг қадам.

Шаҳар икки қисмдан: ташқи шаҳар (шаҳри бирун) ва ички шаҳар (шаҳри дарун)дан иборат.

Ички шаҳар аркдан иборат. Арк шаҳарга асос солингандан бери улуг подшолар ва қудратли хонларга макон бўлиб хизмат қилган... Ҳозирги кунларда ҳам шундай. Балх шаҳарида Меҳробии Сангин деб аталувчи бир масжид бор. Ушбу ривоятни айтгувчининг ҳикоя қилишича, шаҳарга мўминлар ҳукмдори ҳазрат Алининг (худо ундан рози бўлсин), мактубини олиб келганларида, уни баландроқ бир жойдан овоза қилмоқчи бўлдилар, токи унинг мазмунидан ҳамма бахтиёр бўлсин. Бахтга қарши шу пайт қаттиқ шамол туриб, мактубини учириб кетди. Бир пайт мўминлар Маккани зиёрат этиб юрганларида бир (сеҳрли) тош ва ундаги ёзувга кўзлари тушган. Ёзувда (ҳазрат Алининг) ўша мактуби битилган экан. (Шу сабабдан) тошни муқаддас ҳисоблаб, (Балхга) олиб келганлар ва ўша масжиднинг меҳробига ўрнатган эканлар. Бошқа бир ривоятда бундай гап бор: тошни олиб келганларидан кейин уни уч қисмга бўлганлар ва бир бўлагини ўша масжидда (Меҳробии Сангинда) қолдирганлар, яна бир парчасини ташқи шаҳарнинг (шаҳри бируннинг) жанубий тарафида, шаҳардан бир миля³ нарида жойлашган Масжиди хожа Нўҳ гунбадон масжидига олиб бориб ўрнатган-

¹ «Тарихи Балх» — шайхулислом Сафиуддин Абубакр Абдулла ал-Балхийнинг асари. Ҳақиқий номи «Фозоили Балх».

² Абдулмўъминхон — Шайбоний хонлардан; 1598 йили олтой Бухоро тахтида ўтирган; унга қадар Балхни идора қилган.

³ Миля — турли мамлакатларда турлича бўлган масофа ўлчови; тахминан 7 метрга тенг бўлган.

лар. Маълумки, Нўҳ гунбадон нур таратувчи манзил бўлиб, Қаъб ал-ахбор ҳазратларининг, ундан худо рози бўлсин, зикр этилган мозорда бино қилинган. Нўҳ гунбадон масжиди гўзал ва мустаҳкам бир бинодир. Айтишларича, Чингизхон хуружи пайтида Балхоб дарёсини шаҳарга буриб юборганлар. Ўшанда масжид олти ой сув остида қолиб кетган. Лекин унинг қолдиқлари ҳали ҳануз сақланиб қолган. Зикр этилган тошнинг учинчи қисмини шаҳарнинг кун чиқиш тарафида, ундан икки фарсанг нарида жойлашган Хожа Хайрон қишлоғида бино этилаётган масжиднинг меҳробига ўрнатдилар. Қишлоқнинг кун чиқиш тарафида, ундан 100 зираъ¹ масофада мўминлар амири Али ибн Абу Толибнинг қабри топилган. Ва ҳақ йўлга тушиб олганлар намунаси жаноб мавлоно Биноийки, маълумотли ва бинокорлик илмида тенги йўқ киши эди, аввалги бинокорларнинг ҳаракати беҳуда кетган ва бино бўш қурилган деб ҳисоблаб, ҳижрий 886 йили, падари бузруквори билан биргаликда ўша муқаддас мозорда пишиқ ғиштдан баланд бир бино қурди. Лекин, ўша бино, қурилганига 170 йил ўтганига қарамай, унинг бирон жойи бузилмаган. (Оллоҳ тарафидан) мағрифат қилинган марҳум Вали Муҳаммадхон (1601 йили) Балхга ҳукмдор этиб тайинлангандан кейин баландлиги тахминан 30 зираъ, айланаси бир жариб² бўлган бир олий бино қурдирди ва унинг (теварак-атрофини) обод қилди. Атрофида (гўзалликда) Чин санами билан беллаша оладиган бир чорбоғ ва унинг ичида 18 та чаманзор қурдирди. Ўша чорбоғнинг шимолий тарафида жаннат булоғига ўхшаган бир ҳовуз ҳам қурдирди.

Балхнинг ташқи шаҳарида (шаҳри бирунда) ва валийлар кутби хожа Абу Наср Порсонинг³ обод мозори бор. Бу мозорнинг айланаси тахминан 15 жариб. Ушбу муқаддас мақ-

¹ **Зираъ** — узунлик ўлчови; 81, 28 см. га тенг.

² **Жариб** — ер ўлчови; бир таноб; 4097 кв. метрга тенг бўлган.

³ **Хожа Абу Наср Порсо** — Балх шайхулисломи, тахминан 1460–61 йили вафот этган.

баранинг кун ботиш тарафида иккита катта масжид бор. Ҳар чоршанба кун, пешин номозидан кейин, ўша саодатли мақбара теварагида донишманд кишилар, уламо ва шуаро ибодат учун йиғилишади. Сўфийлар бош эгиб, ярим оҳангда (бир-бирлари билан) суҳбатлашадилар, уламолар баҳслашадилар, шуаро мушоира ва ҳазил-мутойибага бел боғлайди. Суҳбат шу зайлда кечгача давом этади.

Ва яна ўша ташқари шаҳарда (шаҳри бирунда) шайх Шақиқи Балхий ҳазратларининг, шунингдек жабрланган хожа Исҳоқ ва бошқа валийларнинг мақбаралари жойлашган.

Ва яна шаҳарнинг кунботар тарафида Султон Иброҳимнинг тўнғич ўғли Адҳам Соқанинг нурга чўмган мақбараси жойлашган. Шу кунларда бу мақбара Хожа рушнойи номи билан машҳур.

Ва яна мазкур шаҳарнинг жануб тарафида хожа Султон Аҳмад Ҳазравия жаноблари ва ул кишининг ёстиқдоши Биби Фотиманинг маъқулланган мақбаралари жойлашган.

Ва яна шаҳарнинг кунчиқар тарафида хожа Уккоша жанобларининг мақбул мақбараси жойлашган.

Қубодиён. Мовароуннаҳрнинг катта қишлоқларидан; тўртинчи иқлимга киради. Қайқубод ибн Ирож асос солган. Айтишларича, Зол ўғли Рустам Қайқубодни ўша ердан Эронга олиб келиб тахтга ўтқизган. Бу вилоят қадимда Қубодобод деб аталган. Кейинча Қубодиён номи билан шуҳрат топган. Ҳозирги пайтда олий ҳазрат, Оллоҳнинг ердаги сояси Надр Муҳаммаднинг адлу эҳсони туфайли у шу қадар обод бўлдики, ҳар ким у вилоятдан ўтадиган бўлса елкаси девор ва дарахтларнинг сояси остида бўлади. Об-ҳавоси юмшоқ. У ерда турли навдаги ширин-шакар мевалар кўп етиштирилади. Хусусан, анори кўп машҳур. У вилоятда қовун ва узум сотиш ва сотиб олиш одати йўқ. Уларни бир харвардан кам бўлса пулга сотмайдилар ва сотиб олмайдилар, балким ҳарким истаганича олиши мумкин. Эгалари бунга монелик қилмайдилар.

Халқи меҳрибон ва меҳмондўст. Меҳмон учун алоҳида хона тутадилар. Одамлари ўқишга ихлосманд, аксарий қишлоқларида мадраса ва мударрис бор.

«Ажойиб ат-табақот»да Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарлари ҳақида ҳам мана шундай маълумотлар учратамиз.

Мазкур асарнинг яна бир муҳим тарафи шундаки, унда қимматбаҳо тошлар ва металллар (филиззот) ва уларнинг конлари ҳақида ҳам эътиборга молик маълумотлар бор.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, мазкур асарда Абу Райҳон Берунийнинг «Жавоҳирнома» асарининг бизнинг замонимизгача етиб келган нусхаларида тушиб қолган парчалар учрайди. Бу парчалар буюк олимнинг мазкур йирик асарини қайтадан нашр қилишда жуда зарурдир.

«Дили ғаройиб». Гео-космографик хилдаги, кўп жиҳатдан кўчирма асар бўлиб, 1831–32 йили хивалик олим Худойберди ибн Қўшмуҳаммад тарафидан Раҳмонқули иноқнинг топшириғи билан ёзилган. Муаллифнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Бир жойда у ўзини Сўфизода деб атайди. Шунга қараганда, отаси Қўшмуҳаммад ибн Ниёзмуҳаммад Хива масжидларидан бирида сўфилик қилган ва Кубровия тариқатига мансуб бўлган. Худойберди ибн Қўшмуҳаммад кенг маълумотли, араб ва форс тилларини яхши билган киши бўлиб, асосан таржимонлик билан шуғулланган. У асосан тарихий ва географик асарларни ўзбек тилига таржима қилиш билан шуғулланган. Масалан, у Шермуҳаммад Муниснинг топшириғи билан Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сини форсчадан ўзбек тилига қисқартириб таржима қилган (1823–1826 йй.).

«Дили ғаройиб» кўчирма асар, яъни юқорида номи тилга олинган Маҳмуд ибн Валининг «Сирлар денгизи» ва мавлоно Муҳаммад Тоҳирнинг «Ажойиб ат-табақот» асарларига тақлид қилиб ёзилган асар бўлса-да, унда аниқ маълумотлар ҳам учрайди. Улар Хоразм ва унинг шаҳарлари ҳақидаги

маълумотлардир. Ундан баъзиларини мисол тариқасида келтирамиз.

Хоразм мамлакати. У катта мамлакат. Бир тарафдан Сайхун дарёси билан, иккинчи тарафдан ҳозирги пайтда Бақиртон номи билан машҳур бўлган Оқ қўрғон билан, учинчи тарафдан чўл билан ва тўртинчи тарафдан бир замонлар Фаридун тарафидан қаздирилган наҳрнинг шимолий тарафида жойлашган Ўнгуз отли манзил билан туташ. Хоразмнинг яна бир тарафида Сарой султон жойлашган. Бу ҳадлар орасида катта-кичик қалъалар ва кентлар жойлашган. Хоразмнинг жанубий тарафида Қизилқум бўлиб, унда саксовул ўсади.

Қадимда Хоразмнинг ўн тўрт дарвозали шаҳарлари кўп бўлган. Шулардан бири Журжония, иккинчиси Урганч бўлган.

Журжония. Журжонияга сув Сирдарёдан олиб келинган. Бу шаҳарнинг жойлашган ўрнини қуйидагича белгилаганлар. Унинг кунчиқиш тарафида Бағлон ва шимол тарафида Оқча денгизи, кунботишида Гурлан, жануб тарафида Кот жойлашган. Уларнинг (Гурганжнинг) харобаликка юз тутиши, айтишларича, сув бўлмаётгани сабабдан бўлган. Сирдарёдан келиб турган сув зироатига етмай қолган. Шу сабабли уч қирни ошиб наҳр қаздириб Амударёнинг сувини буриб олиб келганлар. Аму Гурганжни сув билан таъминлаб, Унқузнинг жанубидан Урганчга қараб оқар ва жануб бўйлаб оқишни давом эттириб ва жанубий-шарқий тарафдан Абулхон тоғларини айланиб ўтиб, Ўғирчагача етган ва сўнг Мозондарон денгизига¹ бориб қуйилган.

Журжониянинг теварак-атрофи маҳкам қилиб мустаҳкамланган жойлар, экинзорлар ва боғлар бўлган. Вақт ўтиши билан Журжония қалъаси сув остида қолди ва шаҳар харобаликка юз тутди. Айтишларича, ундан фақат битта минора қолган, кейинча уни Бойназар сўфи исмлиқ бир

¹ Мозондарон денгизи — Каспий денгизининг ўрта асрлардаги номларидан.

авлиё буздириб ташлатиб, ўрнига масжид қурдирган. Бу масжид ҳозир ҳам ўз ўрнида турибди. Язир алайҳиссалом ва Юмалоқ авлиё қабри ўша ерда. Саксондан ошган ва буларнинг ҳаммасини кўрган ёки (кимдандир) эшитган кексаларнинг сўзларига қараганда, минорани бузаётганларида унда бир ёзувга кўзлари тушган. Ёзувдан маълум бўлишича, мазкур минора шу жойдаги жумъа масжидининг кичик минораси бўлган; теварак-атрофдаги одамларни намозга чорловчи миноранинг баландлиги 100 қаридан кам бўлмаган. Бу ерда қуръон тиловат қилувчи қори, имом, муаззин (сўфи) ва фаррошнинг маоши ҳар бирига 300 оқчадан белгиланган. Масжид ёнида мадраса, бозор ва карвонсарой ҳам бўлиб, уларнинг барчаси сув остида қолган.

(Хоразмнинг) яна бир шаҳари **Гурганж** бўлиб, Чингизхон тарафидан вайрон этилган. Ушбу золим келганга қадар унинг 12 жумъа масжиди бўлиб, ... уларнинг ҳар бири уч танобдан майдонни эгаллаган эди. Унинг теварагида дарахтлар ичида чўмган (обод) намозгоҳлар бўлиб, уларнинг ҳар бирига (намоз кунлари) уч-тўрт лак¹ халқ тўпланар эди. Уларнинг ҳар бирида 1000 тадан одам хизмат қилган.

Шаҳар аҳолисининг катта қисмини Яъқуб пайғамбарнинг ... авлодлари ташкил қилади. Унинг ўғли Шамуннинг муқаддас мозори ҳозирда Хожа эли (Хожайли) деб аталмиш Миздахкандадир.

Шу кунларда Урганч вайронагарчиликка юз тутган, жабретган шайх Нажмиддин Кубро ва хожа Али Азизон жанобларининг мақбаралари Гурганждадир.

Хоразмнинг яна бир шаҳари **Рамлдир**. Унга (қадимги Эрон подшоларидан) Сом ибн Наримон асос солган... Уни отасининг² кemasига ўхшатиб қурдирган. Ҳозирда Хивақ номи билан маълум. Айтишларича, бу сўзда («Рамл» сўзида — **Б. А.**) Паҳлавон Маҳмуд ҳазратларининг вафот этган

¹ Лак — ўлчов бирлиги; Ҳиндистонда 100 минг рупий.

² Аслида улуг аждоди.

йили тарихи яширинган. Шу боис бу тарих шаҳарга ном бўлиб қолган... Ва яна айтадиларки, Хивақ кўп бор вайрон қилинган ва қайта тикланган. У аъло ҳазратлари хоннинг (Оллоқулихоннинг — Б. А.) отаси (Оллоқ тарафидан мағфират қилинган) Абулғози Муҳаммад Раҳимхон¹ ва унинг отаси марҳум Кутлуғ Мурод иноқ тарафидан обод қилинган. Уларнинг саъй-ҳаракати билан шаҳарда олий мадраса бино қилинган. Бунга номи юқорида зикр этилган иноқнинг катта хизматкорларидан бири Шер девонбеги ва вазири аъзам Муҳаммад Ризо девонбегиларнинг ҳиссалари катта бўлган. Жаннатмакон хоннинг амри билан яна бир карвонсарой, тим ва уларнинг ўртасида [яна бир] катта мадраса қурилди], [Хивак] қалъасида саййид Алоуддин Хивақий ва уч юз машҳур шайх дафн этилган. Шаҳар ташқарисида шайх Абулвафо Хоразмий жаноблари, ёнида эса мингдан ортиқ авлиёлар дафн этилган.

Шаҳарнинг жануби-шарқий тарафида, ундан 200 қадам нарида, ҳазрат шайх Ҳусайн Бобонинг ... манзилгоҳи жойлашган. У ерда соя-салқин бериб турувчи гужум отли катта бир дарахт бор...

Хивақнинг қовуни ва гурунчи жуда мазали. Унинг обҳавоси яхши, одамлари хушфеъл, лекин қиши совуқ келади. Энг совуқ кунлари бир ой давом этади. Шу пайтда ерни тахминан уч қарич муз қоплайди. Гурлан, Хўжайли ва Кўнғиротда уч-тўрт газ қалинликда қор ёғади.

Журжониянинг ўрнида ҳозирда сув оқади ва у Сир (денгизи)га бориб қуйилади. Унинг оқибатида Гурганж харобаликка юз тутди ва чўлга айланиб қолди. Бу ҳодиса ҳижрий 984 йили содир бўлди.

Сир (денгизи) ҳеч вақт тўлмайди. Қайиқларда ов қилиб юрган балиқчилар «(денгиз) тубида тошдан қурилган биноларнинг қолдиқларини кўрадилар. Шунингдек, катта бир қалъанинг қолдиғи ҳам бор», деб айтадилар...

¹ Бу ерда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I (1825/26–1842 йй.) назарда тугилади.

Хоразмда мевалар ва галла яхши етишади, хусусан қовун шундай етиштирилган: қовун уруғини янтоқ ўзагига жойлаштириб, уни маҳкам қилиб боғлаб қўйганлар. У сувсиз, янтоқ томиридан нам олиб, етишган. Лекин жуда ширин бўлган.

Хоразмнинг, хусусан Хазораспнинг олмалари жуда ширин. Айтишларича, бу шаҳарга (Хазораспга — Б. А.) Сулаймон пайғамбар асос солган. Хазораспда асосан шоли етиштирилган.

Хоразмнинг ўриклари ва узуми (ҳам) кўп бўлади. Масалан, Чинкнинг пастида бир қишлоқ бор, номи Экинлик. Унинг узумидан ширин узум (бошқа ерда) учрамайди.

(Хоразмнинг яна бир шаҳари) **Замашар**. Хиванинг кун ботиш тарафида, ундан бир кунлик йўлда жойлашган. Жаннатмакон, олий жаноб хон (Оллоқулихон)нинг отаси у ерга сув олиб келиб уни обод қилган.

Асарда Гурлан ва унинг осори атиқалари, Хиванинг кунчиқиш тарафида қурилган катта янги бозор ҳақида ҳам қизиқ маълумот келтирилган. Муаллифнинг гувоҳлик беришича, бу бозор шу ердаги катта бир қўл устига қурилган. «45 кун ичида, — деб ёзади Худойберди ибн Қўшмуҳаммад, — майдони беш-олти таноб келадиган қўл кўмиб ташланди».

Асар ўзбек тилида. ЎЗР ФА ШИ кутубхонасида унинг уч қўлёзма нусхаси сақланади. Улардан бири (инв. № 1335) тўла ва муаллифнинг ўз қўли билан ёзилган нусха деб ҳисобланади.

4. Ўзбек халқининг шаклланишига оид манбалар

Ўзбек халқининг шаклланиши масаласи яхши ўрганилмаган, ечимини топмаган илмий муаммолардан бири. Масалани бир манба билан, бир тадқиқотчи, у гарчи фан миришкори бўлганда ҳам, ечиб беролмайди. Бунинг учун узоқ ўтмишдан қолган ва турли тилларда: қадимги эрон,

юнон, рим, хитой, араб, форс ва туркий тилларда ёзилган кўлёма ва тошга, ёғочга, сополга ва бошқа буюмларга битилган ёзувларни ўқий оладиган мутахассис — манбашунос, археолог, этнограф ва антрополог олим, адабиётшунос (фольклоршунос), тилшунос ва географ олимлар биргалашиб, бир илмий жамоа бўлиб ишлашлари зарур бўлади. Афсуски, бизга шундай ҳамкорлик етишмай турибди. Лекин, бу ишни ўзбек олимлари ечиб беришлари керак. Пайсалга солмасдан яқин уч-тўрт йил ичида! Ваҳоланки, муҳтарам Президентимиз И. А. Каримов жуда тўғри айтганларидек, «Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, наслу насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди»¹. Демак, бу — халқ талаби, Ватан талаби.

Ўзбекларнинг халқ бўлиб шаклланишига оид бирон алоҳида манба йўқ. Бу масалага оид маълумотлар тарихий, географик, лингвистик ва халқ оғзаки адабиётига оид асарларнинг барчасида мавжуд. Лекин уларни синчковлик билан битталаб териб олиш керак бўлади. Уларни Табарий ва араб география олимларининг асарларида, Низомиддин Шомий ва Шарофуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида, Жувайний ва Рашидуддуннинг юқорида тилга олиб ўтилган асарларида «Нусратнома» ва «Абдуллонома»да ва X—XVI асрда ёзилган барча асарларда учратиш мумкин.

XV аср охири ва XVI аср бошида икки азим дарё — Амударё билан Сирдарё оралиғида жойлашган кўҳна мамлакатимизга кўшни Дашти қипчоқдан 20 дан ортиқ қавм: кўнғирот, найман, минг, дўрмон ва бошқа қавмлар кўчиб келиб, маҳаллий туркийзабон халқ таркибига кўшилдилар. «Тарихи Абулхайрхоний», «Абдуллонома» ва «Мактуботи Алломий» (XVI аср) китобларида келтирилган маълумотларга қараганда, ўзбек халқи таркибига кирган қавмлар сони 92 тага етган. Бу ҳақда маълумот берувчи учта-тўртта асарни мисол тариқасида тилга олиб ўтамиз.

¹ Каримов И. А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», 1-бет.

«Тарихи Абулхайрхоний». Бағдод халифалигининг шарқий қисмида жойлашган мамлакатлар ва Мовароуннаҳрнинг қадим замонлардан то XV асрнинг 60-йилларигача кечган тарихини қисқача баён этади. Асарнинг сўнгги қисми, яъни Дашти қипчоқда Абулхайрхон бош бўлган кўчманчи ўзбеклар давлати тарихига бағишланган қисми ноёб ҳисобланади.

«Тарихи Абулхайрхоний» Шайбоний Абуллатиф султон (Самарқанд хони; 1540–1551 й.й.) ҳукмронлигининг бошларида Шайбоний Кўчкунчихон (1510–1530 й.й.)нинг собиқ котиби Масъуд ибн Усмон Кўҳистоний тарафидан ёзилган. Асарда Абулхайрхон давлатига асос солган ва XVI аср бошида Шайбонийхон билан бирга Мовароуннаҳрга кўчиб ўтган буркут, дўрмон, ийжон, кенагас, қиёт, қўнғирот, қушчи, қурловут, масит, тубойи, уйшин, коонбойли, қудағай, манғит, мулуж, найман, уйғур, чимбой, қорлиқ, ёнқоғар, нукуз, тимат, туман-минг, ўтарчи қавмлари ҳақида маълумот учратамиз.

«Насабномайи ўзбек». Бор-йўғи икки варақдан иборат кичик бир асар. Унда 92 ўзбек қавмининг рўйхати келтирилади. Улар қуйидагилар: минг, юз, қирқ, ўзбек, ўн қажот, жалоир, сарой, қўнғирот, олчин, арғин, найман, қипчоқ, чақмоқ, азақ, қалмоқ, торлиқ, тудак, бурлоқ, самарчиқ, кибча, келачи, кинакаш, буйрак, урот, қиёт, хитой, туниди, ўзжулачи, қойчи, ўтажи, бўлотчи, жуют, жоб, чилчут, буймаут, уймовут, орлот, кераит, унгут, тангут, манбит, чилчувит, месит, маркит, буркут, қурлас, ўкалан, қори, араб, илочи, жубурған, тишлиқ, керай, туркман, дўрмон, тобин, тама, рамадан, кўйтан, уйшин, бадаий, ҳофиз, қирғиз, можор, кўчалик, саврон, бахрин, уйрис, жуброт, бидай, татар, табаш, мичқир, сулдус, тубойи, тилов, кирдор, бактия, қарқин, ширин, ўғлон, қурлат (қурлавут), бағлон, чинбой, чехилкас, уйғур, агар, ёбу, тарғил, туркан, қоҳат.

«Асомийи наваду ду фирқайи ўзбек. («Тўқсон икки ўзбек фирқасининг номлари»). Тўрт нафар мустақил асар: «Маж-

маъ ал-ғароиб», «Солномаи хожа Абдулҳаким Термизий», «Тарихчайи Сомий» ва номи аниқ бўлмаган гео-космографик асар билан бирга бир муқовада (ЎЗР ФА ШИ қўлёзма-си, инв. № 1330). Чингизхондан то Аштархоний Абулфайзон (1711–1747) давригача кечган воқеалар қисқача баён этилади. «Солномаи Абулҳаким Термизий»дан кейин «Асомиийи наваду ду фирқайи ўзбек» асари бошланади ва ўзбек халқи таркибига кирган 92 қавмнинг номи келтирилади. Улар қуйидагилар: минг, юз, қирқ, ўнг, ункажот, жалоир, сарой, хитой, қипчоқ, найман, чақмоқ, урмоқ, тудак, бўстон, самарчиқ, қалмоқ, қорлиқ, қатагон, орлот, арғин, барлос, бўйтай, кенагас, келачи, буйрак, уйрот, қиёт, қўнғурот, қонгли, ўз, жуловчи, жусуловчи, кажи (хожи), ўтарчи, қирловчи, жуют (жиют), жид, чулчут (чилчут), буёзит (баёзит), уймовут, керай, бағлон, лонғит, тангут, манғит, марки, буркут, моди қиёт, ўкалан, олчин, қори, ғариб, шибирғон, қишлиқ, туркман, дўрмон, табаи, там, тобин, рамадан, митон, уйшун, бўса, ҳафт, қирғиз, татар, бочқир, сулдус, келовчи, дужор, журот, бадаи, ўғлон, қурювут, чимбой, меҳди, чилкас, уйғур, афаркон, нукус, қора тушлуб, ёбу, торғил, кўхат, шуран, ширин, тама, баҳрин, керай, татхиён, муғол, қоён.

XVII асрда ўтган демократ шоир Турди Фароғий ҳам ўзбеклар ўша даврда 92 қавмдан иборат эканлигини айтади:

*Тор кўнгиллик беклар, манман деманг, кенглик қилинг,
Тўқсон икки бори ўзбек юртидир, кенглик қилинг!
Бирни қипчоқу, бирни юз, бирни найман деманг,
Қирқу юз, минг сон бўлиб, бир жон ойинлик қилинг!
Бир яқодин бош чиқориб, барча бир тўнға кириб,
Бир ўнгирик, бир терезлик, бир яқо-енглик қилинг!*

VI боб. БИОГРАФИК ВА МЕМУАР АСАРЛАР

Ўзбекистон тарихини (умуман тарихни) ўрганишда биографик асарлар (тазкиралар, маноқиблар) ва мемуар асар-

ларнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Баъзан махсус тарихий асарларда учрамайдиган маълумотлар биографик ва мемуар асарларда учрайди.

Шулардан баъзиларига, битта-иккиталарига, мисол тариқасида тўхталиб ўтамиз.

1. Биографик асарлар

Давлатшоҳ Самарқандий. XV асрнинг кўзга кўринган адабиётшунос олимларидан. Тўлиқ исми шарифи: Давлатшоҳ ибн Алоуддавла Бахтишоҳ ал-Ғозий ас-Самарқандий. Таржимаи ҳолига оид маълумотлар жуда кам. Асарида («Тазкират уш-шуаро»да) ўзи келтирган баъзи маълумотларга қараганда, у йирик ҳарбий хизматчи ва давлат арбоби оиласидан чиққан. Отаси амир Бахтишоҳ Шоҳруҳ султоннинг яқин кишилари ва эътиборли хизматкорлари жумласидан бўлиб, унинг кўпгина ҳарбий юришларида қатнашган ва тожу тахт соҳибига садоқат билан хизмат қилиб, жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган. Унинг «ал-Ғозий» деб аталиши ҳам шундандир.

Давлатшоҳнинг туғилган вақти маълум эмас. Лекин буни бошқа далил ва маълумотларга таяниб, тахминан аниқласа бўлади. Давлатшоҳнинг ўзи мазкур асарини 50 ёшга кирганда ёза бошлаганини айтади. Биз бу асарни 1487 йили ёзиб тамомланганлигини биламиз. Бу катта ва муҳим асарни ёзиш учун камида икки-уч йил вақт сарфланган, албатта. Шундай тахмин қилинганда, Давлатшоҳ 1435–1436 йиллари таваллуд топган чиқади.

Давлатшоҳ Самарқандий ёшлигида дурустгина таҳсил кўрди; ўша даврнинг энг кўзга кўринган олимларидан, масалан, фақиҳ ва шоир хожа Фазлуллоҳ Абдуллайсийдан ҳам таълим олган. Лекин, 1480 йилларга қадар илмий ёки адабий фаолият билан шуғулланмаган, балки сарой хизмати ва ҳарбий юмушларга жалб қилинган. Шоҳруҳ ва Султон Ҳусайн Бойқаронинг кўпгина ҳарбий юришларида иштирок этган. У сўнгги марта Султон Ҳусайн билан тему-

рий Султон Маҳмуд мирзо (Ҳисори шодмон ва Бадахшон ҳокими) ўртасида Чакмонсаройда (Афғонистоннинг Анд-ҳой вилоятида жойлашган манзил) бўлган урушда ишти-рок этган. Бу уруш, Хондамирнинг маълумотларига қара-ганда, 1471 йилда содир бўлган. Давлатшоҳ Самарқандий 60 йилга яқин умр кўриб, 1495 йили вафот этган.

Давлатшоҳ Самарқандий юқорида тилга олинган аса-рини ёзишда жуда кўп манбалардан: ўзидан олдин ёзилган тазкиралардан, масалан Абу Тоҳир Хотунийнинг «Ман-қиб уш-шуаро», Авфийнинг «Лубоб ул-албоб» китоблари-дан, кўпгина тарихий ва географик асарлардан, хусусан, Истахрийнинг «Китоб масолик ул-мамолик», Гардизий-нинг «Зайн ул-ахбор», Абулфазл Байҳақийнинг «Тарихи Оли Сабуктакин» ва бошқалардан, шунингдек, тазкирада қайд этилган шоир ва адибларнинг асарларидан кенг фой-даланган.

Тазкирада VII–XV асрларда яшаб ижод этган 155 шоир ҳақида қисқача, лекин ниҳоятда қимматли маълумотлар келтирилган. Тўғри, ҳар қандай илмий асарда бўлгани каби Давлатшоҳ Самарқандийнинг тазкираси ҳам айрим жузь-ий камчиликлардан ҳоли эмас. Масалан, айрим ҳолларда, саналар, у ёки бу шоирнинг туғилган жойи нотўғри кўрса-тилган, айрим жойларда келтирилган маълумотлар чалка-шиб кетган. Шунга қарамай, асарнинг фойдали томонла-ри кўп. Биринчидан, у жуда катта тарихий давр ичида, қарийб 800 йил ичида Эрон ва Ўзбекистонда яшаб, ижод этган шоирлар ва адиблар ҳақида умумий маълумот бера-ди. Қолаверса, асарда қимматли тарихий маълумотлар ҳам кўп.

«Тазкират уш-шуаро» («Тазкират уш-шуаройи Давлат-шоҳ» деб ҳам аталади) муқаддима, хотима ва етти қисм (табақа)дан иборат.

Муқаддимада асарнинг ёзилиш сабаблари, VII–X аср-нинг биринчи ярмида ўтган арабийнавис шоирлардан 10 нафари (Лабид, Мутанаббий, Абу Аъло ал-Маърий ва б.) ҳақида маълумот берилган.

Биринчи ва иккинчи қисм X–XI асрда Эрон ва асосан Ўзбекистонда яшаб, ижод этган 40 йирик шоирнинг қисқа таржимаи ҳоли ва ижодига бағишланган.

Учинчи-бешинчи табақаларда Хоразмшоҳлар — Ануштегинийлар (1077–1231 й.й.), Элхонийлар (1256–1353 й.й.) ва Музаффарийлар (1314–1393 й.й.) замонида ўтган 54 шоир ҳақида маълумот келтирилган.

Сўнги икки табақада Темур ва Темурийлар замонида ўтган 41 шоир ҳақида маълумотлар келтирилган.

Хотимада XV асрнинг иккинчи ярмида ўтган ва тазкира муаллифи билан замондош бўлган йирик шоир ва адиблар: Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, шайх Аҳмад Суҳайлий, хожа Афзалуддин Маҳмуд Кирмоний, хожа Шиҳобуддин Абдулла Марварид ҳамда хожа Асафий ҳақида ҳикоя қилинади.

Тазкирада тилга олинган шоирлар орасида форс-тожик мумтоз шеърятининг йирик намояндаси ватандошимиз Абу Абдулла Жаъфар Рудакий (тахминан 860–941 й.й.), форсий-дарий тилига оид «Қавснома» номли луғат тузган тилшунос олим Қатрон ибн Мансур (тахминан 1010–1073 й.й.), хоразмлик машҳур шоир ва адабиётшунос, шеърят илми — поэтикага оид «Ҳадоиқ ас-сеҳр» («Сеҳр боғлари») номли китоби билан донг чиқарган Рашидуддин Вотвот (тахминан 1087–1182 й.й.), асли шаҳрисабзлик бўлиб, Ҳиндистонда кун кечирган ва бой ижоди билан донг тартган буюк шоир, олим ва мусиқашунос Хусрав Деҳлавий (1253–1325 й.й.), юқорида номи зикр этилган йирик тарихчи олим ва адиб Шарафуддин Али Яздий, шоир ва қиссахон шайх Ориф Озарий ва бошқалар бор.

Қисқаси, «Тазкират уш-шуаро» Ўрта Осиё, Ўзбекистон ва Эроннинг X–XV асрлардаги маданий ҳаётини, ўзаро адабий алоқалар тарихини ўрганишда муҳим манба бўлади. Асарда, юқорида қайд этилгандек, тарихий маълумотлар ҳам кўп. Булар ичида XIV асрнинг 30–80-йилларида Хуросонни ларзага келтирган сарбадорлар ҳаракати ҳақида келтирилган маълумотлар айниқса муҳимдир.

«Тазкират уш-шуаро» нинг тўла матни Бомбай (1887 й.), Лондон (1901 й.) ва Техронда (1958 й.) чоп қилинган. Ундан айрим таржималар Россияда (В. А. Жуковский, Ф. Эрдман), Ўзбекистонда (Б. Аҳмедов), Францияда (Э. Браун, А. Фольконер), Туркияда (Фаҳим Сулаймон афанди), шунингдек Голландия ва Германияда босилган. Унинг ўзбек тилида (Хоразм шеvasида) қилинган таржимаси (1900 йил; таржимон Муҳаммад Рафеъ) ҳам мавжуд бўлиб, қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида сақланади. Инглизча тўла таржимаси 1900 йили Э. Браун томонидан Лейденда эълон қилинган.

Хожа Баҳоуддин Ҳасан Нисорий. XVI асрда ўтган шоир ва тазкиранавис олим. Таваллуд топган йили номаълум; 1596–97 йили вафот этган. Асли бухоролик, машҳур шоир; ахлоқий-дидактик руҳда ёзилган «Мифтоҳ ул-адл» («Адолат калити») ва «Гулзор» шеърий китоби ва «Мақсад ул-атвор» («Сирлар хазинаси») достонининг муаллифи Подшоҳхожа (1450 — вафот этган йили маълум эмас)нинг оиласига мансуб. Хожа Баҳоуддин Ҳасан яхши маълумот олди. Шеърият илмидан ташқари, тиббиёт, тафсир, ҳандаса (геометрия), фалакиёт (астрономия), мусиқа ва хаттотлик илмларини ҳам эгаллаган. Унинг ижтимоий аҳволи ва фаолиятига оид ҳам айрим маълумотлар сақланган. Масалан, у ўз даврида Сўғд ҳокими бўлиб турган Шайбоний Рустам султоннинг садри бўлиб хизмат қилган; 1526 йилдан кейин Балхда Камолуддин қўноқ мадрасасида ҳандасадан дарс берган.

Хожа Баҳоуддин Ҳасан «Музаккир ул-аҳбоб» [«Аҳбоблар (яъни дўстлар) зикрида»] номли асари (1566–67 йилда ёзилган) билан шуҳрат топган. Асар машҳур Жуйборий хожалардан хожа Муҳаммад Ислоом (1493–1563)га бағишланган ва XVI асрнинг биринчи ярмида Бухорода ўтган 261 туркийзабон шоирлар ҳақида қисқача маълумот келтирган.

«Музаккир ул-аҳбоб» қисқа сўзбоши, муқаддима, тўрт боб ва хотимадан иборат.

Сўз бошида мазкур асар муаллифи олдига қўйилган ва- зифа, унинг мазмуни ҳақида маълумотлар келтирилади. Сўз бошида айтилишича, олим мазкур асарини Алишер Наво- ийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарининг давоми сифатида ёзган.

Муқаддима қисмида шеърятда қалам тебратган Шай- боний султонлар: Шайбонийхон, Убайдуллахон, Абдул- латиф султон, Рустам султон, Абдулазизхон, Султон Саъ- ид султон, Жувонмард Алихон, Дўстмуҳаммад султон, Абулғози султон ва Бобурийлардан Ҳумоюн, Акбар, Ком- рон, Мирзо Аскарӣй, Ҳиндол, Хон Мирзалар ҳақида қисқача маълумот ва шеърларидан намуналар келтирил- ган. Асарда Шайбонийхоннинг 1487–88 йиллари Бухоро- да кечган ҳаёти ҳақида келтирилган маълумотлар бениҳо- ят қимматлидир. Айтилишича, Шайбонийхон Бухорога Темурийзода Султон Аҳмад мирзо (1469–1494) ва Бухо- ро ҳокими амир Абдуали тархоннинг таклифи билан кел- ган. Шайбонийхон шу бир йил ичида Бухоронинг Омон- кент қишлоғида истиқомат қилган ва хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг набираси хожа Мирмуҳаммад Нақшбанд- га мурид бўлган. Хожа Мирмуҳаммад Нақшбанд ўша вақт- да бобосининг Қасри орифондаги мазорида мутаваллий бўлиб хизмат қилар эди. Шайбонийхон ундан Нақшбан- дийлик таълимотини ўрганди. Тазкирада айтилишича, пири Шайбонийхонга яқин орада улуг мартабага эриши- шини каромат қилган. Хожа Баҳоуддин Ҳасан сўзида да- вом этиб, «кўп вақт ўтмай, 12 йилдан кейин, Шайбо- нийхон Туркистондан то Домғонгача чўзилган катта мам- лакатга эга бўлди», деган. Ундан ташқари, муқаддимада шайбонийзодалардан Рустам Султон, Абдулазизхон ва Жувонмард Алихонларнинг шахсий ҳаёти ҳақида ҳам қим- матли маълумотлар келтирилади.

Асарнинг биринчи бобида муаллиф ўзи шахсан таниш бўлмаган, тазкира тузилмасдан анча илгари оламдан ўтган, бухоролик 84 шоирнинг ҳаёти ва ижодидан намуналар кел- тирилади.

Иккинчи бобда муаллиф билган, лекин тазкира ёзилмасдан сал илгари ҳаётдан кўз юмган 64 бухоролик шоир ҳақида маълумот келтирилади.

Учинчи боб тазкира ёзилаётганда ҳаёт бўлган 59 бухоролик шоир ижодига бағишланади.

Ва ниҳоят, тўртинчи бобда муаллиф билан замондош, лекин у билан таниш бўлмаган 44 нафар мовароуннаҳрлик шоир ижодидан намуналар келтирилган.

Хотимада муаллиф ўзининг ота-боболари ҳақида, хусусан улуғ бобоси Абдулваҳобхожа, отаси Подшоҳхожа ва бирмунча вақт Шайбоний Рустамхоннинг хизматида (шайхулислом лавозимида) бўлган иниси Абдуссамадхожа ҳақида, шунингдек, рубоийнавис шоир Шоҳхожа ҳақида зарур маълумотлар келтирган.

Мазкур тазкирада, шоирликни ўзига касб-ҳунар қилиб олган шоирлар билан бир қаторда, бошқа касб-ҳунар эгалари, масалан, савдо-сотик, табиблик, хаттотлик, рассомлик, меъморлик ва бошқа касб-ҳунар эгаси бўлган ҳунарманд шоирлар ижодидан ҳам намуналар келтирилган. Уларнинг орасида олимлар ҳам бўлган. Тазкирада, масалан, машҳур шоир ва олим амир Муҳаммад Солиҳнинг ўғли Мирзо Улуғбек ҳақида бундай маълумот келтирилган: У XVI асрнинг бошларида Нисо вилоятининг ҳокими бўлган. Ҳасан Нисорийнинг отаси Дарун ҳокими Подшоҳхожа билан дўст бўлган. Улар тез-тез бир-бирларини зиёрат қилиб турганлар ва шоирларнинг мажлисларини уюштириб турганлар.

Хожа Баҳоуддин Ҳасан Нисорийнинг мазкур асарида Шайбоний ҳукмдорлардан Убайдуллахон замонида Бухоро ва Самарқандда бунёд этилган масжид, мадраса ва хонақоҳлардан ташқари, кўприклар, сув иншоотлари ва кутубхоналар ҳақида ҳам маълумотлар учратамиз. Бухоройи шарифда қурилган Мир Араб мадрасаси, Пири Марза қишлоғида қурилган чорбоғ, меҳтар Қосим тарафидан Кўҳак дарёси устига қурилган кўприк, Абдулазизхон тарафидан Бухоро шаҳрида бунёд этилган кутубхона шулар жумласидандир.

Хуллас, хожа Баҳоуддин Ҳасан Нисорийнинг «Музақ-қир ул-аҳбоб» асари Бухоройи шарифнинг XVI асрнинг биринчи ярмидаги адабий муҳити ва маданиятини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Асарнинг қўлёзма нусхалари Россия, Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарида мавжуд. Унинг ўзбекча таржимаси 1993 йили Тошкентда чоп этилган (таржимон ва ношир Исмоил Бекжонов).

Мутрибий. XVI асрнинг иккинчи ярми — XVII асрнинг 30-йилларида ўтган шоир ва тазкиранавис олим. Ҳаёти ва илмий-адабий фаолиятига оид маълумотлар кам. Бу ҳақда унинг «Хотироти Мутрибий» деган асаридан қуйидагиларни аниқлаймиз: маълум бўлишича, Мутрибий 1559 йили Самарқандда таваллуд топган. Бобоси Малик арғун (ота тарафдан) ва шоир Басрий (она тарафдан) замонининг машҳур шоирлари жумласидан бўлишган. Мутрибий дастлабки маълумотни она шаҳри Самарқандда олган, сўнг Бухорога бориб, атоқли шоир ва тазкиранавис олим хожа Ҳасан Нисорийга шогирд тушган. 1620 йилдан бошлаб Мутрибий асосан Самарқандда истиқомат қилган ва Самарқанд ҳокими Ҳожибий қушчининг хизматида бўлган. 1625 йилнинг кузида ўғли Муҳаммад Алини ўзи билан бирга олиб, Ҳиндистонга жўнаб кетади. Бу вақтда у 69 ёшда бўлган ва 1627 йили Самарқандга қайтиб келган. Унинг бундан кейинги тақдири ва вафот этган йили маълум эмас.

Мутрибийдан уч муҳим асар ёдгор бўлиб қолган. Улардан бири «Тазкират уш-шуаройи Мутрибий» бўлиб, унда мовароуннаҳрлик 320 шоир ҳақида қисқача маълумот ва шеърларидан намуналар келтирилади. Иккинчи асари «Нухайи забойи Жаҳонгирий» («Подшо Жаҳонгирнинг зебо тазкираси») деб аталади. Мутрибий бу асарини ҳали Ҳиндистонга кетмай туриб Самарқандда бошлаган ва 1626 йили Лоҳурда тамомлаган. Асарда Мовароуннаҳр, Хуросон, Балх, Бадахшон ва Ҳиндистонда XVI асрнинг иккинчи ярмида истиқомат қилган 292 шоир ҳақида маълумот келтирилади ва асар ўша йилиёқ Жаҳонгир подшоҳ (1605–1627)га тақдим этилади. «Хотироти Мутрибий»да айтилишича, тазки-

ра подшоҳ ва унинг яқинларига маъқул бўлади. Нуриддин Жаҳонгир суҳбат охирида Мутрибийга Ҳиндистонда XVI асрнинг иккинчи ярмида, яъни марҳум отаси Жалолиддин Акбаршоҳ даврида ўтган шоирлар ҳақида тўплаган материалларини берган ва ундан мазкур тазкирага ўз номини қўшишни илтимос қилган. Жаҳонгир подшоҳ берган материаллар Мутрибийнинг иккинчи тазкирасидан 16 варақ жой олган. «Нусхайи зебойи Жаҳонгирий» нинг яхши қўлёзма нусхаси 1665 йилда Шоҳжаҳонободда кўчирилган ва шу кунларда «Индия оффис» кутубхонасида сақланмоқда.

Мутрибийнинг учинчи асари «Хотироти Мутрибий» («Мутрибийнинг эсдаликлари») деб аталади ва муаллиф уни 1427 йил 25 феврал куни ёзишга киришган. Асар Мутрибийнинг Лоҳурда турган пайтида подшоҳ Жаҳонгирнинг 24 мажлисида кўтарилган масалалар ҳақида ҳикоя қилади. «Хотирот» да Мовароуннаҳрнинг XVII асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи ва маданий ҳаёти, Самарқанднинг осори атиқалари ва унинг ўша даврдаги аҳволи ҳақида ўта қимматли далил ва маълумотлар келтиради. Шулардан баъзиларини келтириб ўтамиз.

Жаҳонгир подшоҳни Бухоро ва Балх хонларининг ҳамда уларга яқин амирлар ва Жуйбор хожаларининг шахсий ҳаёти, турмуши ва феъл-атвори кўпроқ қизиқтирган. Шунингдек, Жаҳонгир подшоҳ, фикримизча, бошқа Бобурий ҳукмдорлар ҳам, Бухоро ва Балх хонларининг қиёфасини чиздириш билан шуғулланганлар. Масалан, 18-чи хотиротда қуйидагиларни ўқиймиз: «Кунлардан бир куни подшоҳнинг остонасига бош қўйгани борган эдим. Подшоҳ қандайдир суратларни диққат билан томоша қилиб ўлтирган экан. Менга «ўлтир!», деб ишорат қилдилар. Сўнг суратларни мен тарафга ўгириб сўрадилар: «Диққат билан қараб кўрчи, булар кимларнинг сурати экан?» Қараб кўрсам уларнинг бири Абдуллахон ўзбек¹, иккинчиси (унинг ўғли)

¹ Абдуллахон ўзбек — машҳур Бухоро хони Абдуллахон II (расман 1583–1598).

Абдулмўминхоннинг сурати экан. Подшоҳ мендан сўради: «Суратлар асилми, ёки сенинг бошқа фикринг борми? Агар бўлса, айт». Мен жавоб қилдим: «Абдуллахон сал тўлароқ тасвирланган. Бўйнидаги чандиқ эса ўнг томонда бўлиб қолган. Аслида у қўп ҳам тўла эмас, бўйнидаги чандиқ эса сўл тарафда. Подшоҳ рассомни чақиртирди ва суратни мен айтгандек қилиб чизишни буюрди. Шундан кейин подшоҳ мендан: «Абдулмўминхоннинг сурати хусусида нима дейсан?», деб сўради. Жавоб қилдим: «Абдулмўминхонни буғдой рангли қилиб чизибдилар. Аслида у оқ-сарикдан келган (йигит), саллани сал олдинга қилиб ўрайди, бу анча чиройли чиқади», дедим. Подшоҳ рассомни чақиртирди ва бу суратни ҳам мен айтгандай қилиб чизишни буюрди».

Хотиротлардан яна бирида Мутрибий 1626 йили Бухородан Ҳиндистонга келган Бухоро хонининг элчиси хожа Абдурахим билан бўлган суҳбатни келтиради. Жаҳонгир подшоҳ Жуйбор хожаларига зўр ҳурмат-эҳтироми бўлишига қарамай, Мутрибийга: «Нима учундир, Иномқулихон Надр девонбеги тоғойидек бообру мулозимлари бўла туриб, ҳузуримизга навкарларини юборибди?», деган.

Олимнинг Кобулдан Лоҳурга меҳмон бўлиб келган Муҳаммад Ҳаким мирзо шарафига уюштирилган зиёфат ҳақида ёзган хотираси ҳам диққатга сазовордир. Мажлисда гап «муסיқа» атамасининг келиб чиқиши, маъноси, шашмақом («Ироқ», «Ҳусайний», «Сегоҳ» ва б. қ.) нинг тарихи ҳақида муסיқашунослар ўртасида (унда Мутрибий фаол қатнашди) бўлган баҳс ҳақида боради. Мутрибий бу ҳақда фойдали маълумотлар келтирган.

Хотиротларда Самарқанддаги тарихий обидаларнинг (Гўри Амир, Шоҳи зинда, Улуғбек расадхонаси ва б. қ.) нинг XVII аср бошларидаги аҳволи, Сиёб (Сиоб) ариғи устига қурилган қоғоз корхоналари (жувози қоғозлар)нинг аҳволи ҳақида ҳам қимматли маълумотлар мавжуд.

Умуман, Мутрибийнинг тазкиралари («Тазкирайи Мутрибий», «Нусхайи зебойи Жаҳонгирий») ва «Эсдаликлари» Ўзбекистон, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг XVI

асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрнинг биринчи ярмидаги фан ва маданияти, Бухоро хонлигининг зикр этилган мамлакатлар билан алоқалари тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири бўлиши мумкин.

Малеҳо Самарқандий — XVII асрда ўтган йирик шоир ва Тазкиранавис олим. XVII асрда яшаб ижод этган 200 дан ортиқ мовароуннаҳрлик шоирларнинг қисқача таржимаи ҳоли ва асарларидан парчаларни ўз ичига олган «Музаққир ал-асҳоб» («Дўстларни эслатувчи китоб») асарининг муаллифи. Асар 1682–1692 йиллар орасида ёзилган.

Тазкирада келтирилган маълумотларга кўра, шоир ва олим ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин. Унинг ҳақиқий исми Муҳаммад Бадиъ ибн Муҳаммад Шариф Самарқандий бўлиб, 1641 йили Самарқандда, ўқимишли (фақиҳ) ва ўзига тўқ оилада таваллуд топган. Отаси Муҳаммад Шариф Самарқанд қозиси, сўнг муфтий маҳкамасида хизмат қилган. Вафоти (1670 йили)дан сўнг унинг бойлиги Абдулазизхон (1645–1680)нинг амри билан ўғлига (Муҳаммад Бадиъга) қолдирилган. Демак, олимнинг ҳаёти қийинчилик, муҳтожликсиз, яхши кечган. Шунинг учун ҳам у яхши ўқиган ва кўп ерларга саёҳат қилиш имкониятига эга бўлган.

Муҳаммад Бадиъ бошланғич маълумотни Самарқандда олган. Кўп илмларни (фиқҳ, фалсафа, илоҳиёт, мантиқ) отасидан, шеър илмини қози Лутфуллоҳдан мадрасада олган. Булардан ташқари, у мадрасада ўқиб юрганида тафсир, астрономия, тарих ва адабиётни ҳам ўрганган. «Хусусан,— деб ёзади у тазкирасида,— «Чағминий шарҳи»¹ ва Али Қушчининг форсча рисоласини² ўша мавлоно Лутфуллоҳдан ўрганганман». Малеҳо 11 ёшида шеър ёза бошлаган ва баъзи қийин шеърий атамаларни изоҳлай олган.

¹ Саййид Шариф Журжонийнинг «Ал-мулоххас фи-л-ҳайъат» асари назарда тутилади.

² Олимнинг Мирзо Улуғбекнинг «Зижи жадиди кўрагоний» асарига ёзган «Шарҳи Зижи Улуғбек» асари назарда тутилади.

Олим 1670 йили, отаси вафотидан кейин, Эрон бўйлаб саёҳат қилган ва уч йил мобайнида мамлакатнинг ўша вақтдаги пойтахти Исфаҳон ва катта шаҳарларидан Нишопур, Кошон, Машҳад ва бошқа шаҳарларида бўлган. Ўша йиллари бўлажак асари («Музаккир ул-асҳоб») учун маълумотлар тўплаган. 1673 йили у она шаҳри Самарқандга қайтиб келди ва етти йил мобайнида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида фикҳ, тафсир ва ҳадис илмларидан олган маълумотини Қозихожа Мирақшоҳ раҳбарлигида чуқурлаштирган. 1689 йили Самарқанд ҳокими Иброҳимбий уни Шайбонийхон мадрасасига мударрис этиб тайинлайди. Олим юқорида тилга олинган асарини шу ерда тамомлади. Малехонинг қачон вафот этгани маълум эмас.

«Музаккир ул-асҳоб», унда тилга олинган шоирларнинг асарларидан бошқа жуда кўп, турли мавзудаги асарларда келтирилган маълумотларни ўрганиш асосида ёзилган таъкиранинг манбалари ичида Мирхонднинг «Равзан ус-сафо», имом Абулфазл Муҳаммад ас-Самарқандийнинг «Қандия», Яҳё Сибак Нишопурийнинг «Шабистони хаёл», Али ибн Хусайн Воъиз ал-Кошифийнинг «Рашаҳоту айн ул-ҳаёт», мулла Содик Самарқандийнинг «Риёз уш-шуаро», Мир Саид Шариф Роқимнинг «Тарихи кесира», хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук» асарлари ҳам бор. Шунинг учун ҳам асарда шеърят илмидан ташқари, тарихий ва географик маълумотлар ҳам кўп.

Тарихий маълумотлардан Хива хони Анушахоннинг 1681 ва 1686 йиллари Бухоро хонлиги ҳудудларига бостириб кириши, 1681 йили Бухоро атрофидаги туманлар ва Бухоро шаҳристонининг босиб олиниши, 1686 йили Самарқанд, Қарши ва Шаҳрисабзнинг босиб олиниши ва бунинг оқибатида халқ ва ҳукуматнинг оғир аҳволга тушиб қолиши ҳақидаги маълумотлар диққатга сазовордир.

Асарда мамлакатнинг **ижтимоий-иқтисодий** аҳволига оид маълумотлар ҳам учрайди. Ҳунармандчилик (мискарлик, кимухтгарлик, бўёқчилик (сабботий), гилкорлик, кавушдўзлик, зардўзлик, қассоблик, карбозфурушлик,

атторлик, заркашлик, базозлик, темирчилик, хиргоҳ-тарошлик, наққошлик, саррофлик, жомабофлик, муҳр-гарлик ва бошқалар, хожа Убайдулла Аҳрор авлодининг мол-мулки ҳақида маълумотлар учратамиз. Аштархонийлар давлатининг тузилиши, хусусан оталик, муставфий, парвоначи, мироҳур, додхоҳ, тўқсабо, сипоҳсолор, судур, фақиҳ, аълам, муфтий, қози аскар, раис, китобдор, мударрис, мутавалий, юз боши, мири ҳазар, воқеанавис ва б. қ. мансаблар ҳақида ҳам ўта қимматли маълумотлар учратамиз.

Асарда келтирилган Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг топографияси ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовордир. Масалан, Самарқанд гузарларидан Дегрезон, Ҳовузи сангин, Бўстон боло, Мир Саид ошиқ, Кимухтарон, Бўстини хон, Гавкашон, Собунхона, Атторон, Сангтарошон, Хон Саид имом, Лаби ҳовуз, Дарвазойи об гузарлари тилга олинади. Бухоро ва Самарқанддан ташқари, Амир Темур ва Шайбоний Абдуллахоннинг Қарши ва Шаҳрисабзни обод қилиш йўлида олиб борган ишлари ҳам тилга олинади. «Насаф,— деб ёзди Малехо,— обод вилоят. Унинг ободонлиги шу даражадаки, таъриф ва тавсифга муҳтож эмасдир. Масжид ва сардобадан ташқари, бу шаҳарда Абдуллахон тарафидан кўп иморатлар бунёд этилган. «(Амир) Боқибий, Абдуллахоннинг кўрсатмаси билан ушбу шаҳарда мадраса, карвонсарой, ҳаммом, (мармар) тошдан тимлар қурдирган». Шаҳрисабз ҳақида ўқиймиз: «Кеш вилояти, худди Самарқанд сингари, аввал салтанат пойтахти бўлган. Шаҳид султон Улуғбек кўрагон тарафидан бино қилинган жомий масжид, жаноб шайх (Шамсуддин) Кулол мақбараси, мирзо Жаҳонгирнинг мадраса ва мақбараси шулар жумласидандир...»

Хуллас, Малехонинг мазкур асари Мовароуннаҳрнинг XVII асрнинг иккинчи ярмидаги тарихи ва маданиятини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

«Музаккир ул-асҳоб»нинг қўлёзма нусхалари Ўзбекистон, Россия ва бошқа хорижий мамлакатларнинг кутубхо-

наларида кўп. Фақат ЎзР ФА ШИ захирасида асардан саккиз нусха сақланмоқда. Асар нашр қилинмаган.

Маноқиблар (йирик дин арбоблари ва тариқат пешволарининг ҳаёти ва фаолияти, уларнинг кароматлари ҳақидаги асарлар) ҳам биографик асарлар жумласига киради. Маноқибларда, улар устида кўп йиллардан бери ишлаш¹ шуни кўрсатдики, ўта қимматли ижтимоий-иқтисодий, тарихий ва маданий ҳаётга оид далиллар ва маълумотларни кўп учратиш мумкин. Шунга қарамай, бу хилдаги манбалардан фойдаланиш ишини яхши деб бўлмайди.

Мутахассислар, умуман тарихшунос тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборини тортиш мақсадида, маноқиблардан баъзиларига тўхталиб ўтамиз.

«Тазкирайи Буғрохоний» («Буғрохоннинг ҳаёт йўли ва айтанлари»). Асар Аҳмад ибн Саъдулла ал-Ўзгандий қаламига мансубдир. Ўз номидан ҳам кўриниб турибдики, машҳур Қорахоний хонларидан Сотуқ Буғрохон (955 йили вафот этган)га бағишланган. Асарда Увайсия тариқати ва унга эргашган толибларнинг, шулар қатори Сотуқ Буғрохоннинг ҳам таржимаи ҳоли берилган. Асар «Увайсия» (машоихлари)нинг таржимаи ҳоли» деб ҳам аталади.

«Тазкирайи Буғрохоний» илк тариқатлардан бўлмиш Увайсия тариқати тарихи ва Ўрта Осиёда ислом динининг тарқалиши тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Асар чоп этилмаган. Қўлёзма нусхалари ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёмалар хазинасида мавжуд.

«Маноқибн хожа Юсуф Ҳамадоний». («Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёт йўли»). Асар муаллифи Хожагон тариқатининг асосчилари ва назариячиларидан бири Абдулхолиқ ибн Абдулжамил Ғиждувоний (1179 й. вафот этган) бўлиб,

¹ Б. А. Аҳмедов. Жития мусульманских святых, как исторический источник.— «Источниковедческие изыскания», Т. II, Тбилиси, 1988, 207–214-бетлар.

у мазкур асарини устози хожа Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёт йўли ва таълимотига бағишлаган.

Асарнинг яна бир бошқа номи: «Рисолайи шайх аш-шуйх ҳазрат хожа Абу Юсуф Ҳамадоний» («Машоихлар шайхи ҳазрат хожа Юсуф Ҳамадоний ҳақида рисола») деб ҳам аталади.

Асарнинг яхши бир қўлёзма нусхаси ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

«**Рисолайи шайх Нажмиддин Кубро**» («Шайх Нажмиддин Кубро рисоласи»). Кубровия тариқатининг асосчиси шайх ва шоир Нажмиддин Кубро (1221 й. Гурганжни мўғуллардан мудофаа қилиш вақтида жангда ҳалок бўлган) қаламига мансуб асар.

Ҳажм жиҳатдан унча катта бўлмаган (ҳаммаси бўлиб 9 варақ) бу асарда тасаввуф ҳақида фикр юритилади, муаллиф ўзининг шахсий кечинмалари ва руҳий изтиробларини баён қилади.

Асарнинг яхши бир қўлёзма нусхаси ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда.

«**Маноқиб Амир Кулол**» («Амир Кулолнинг ҳаёт йўли»). Нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган намояндаларидан бири, ҳазрати соҳибқирон Амир Темурнинг пирларидан Амир Кулолнинг ҳаёт йўлига бағишланган. Амир Кулол асли Бухоройи шарифнинг Сухори қишлоғидан бўлиб, ота-боболаридан тортиб қулолчилик билан тирикчилик ўтказганлар, тариқатда хожа Муҳаммад Бобойи Сомосий (1354 й. вафот этган)нинг халфасидир.

Асар муаллифи: Амир Кулолнинг набираси Шиҳобиддиндир.

Асарнинг яхши бир нусхаси (XVII асрда кўчирилган) ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланади. «Маноқиб Амир Кулол»нинг тошбосма нашрлари ҳам бор.

Хожа Муҳаммад Порсо (ҳақиқий исми: Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ҳофиз ал-Бухорий (1419 й. Маккада вафот этган). Нақшбандия тариқатининг назариячи олимларидан,

мазкур тариқат ва унинг кўзга кўринган намояндаларига атаб бир неча йирик асар ёзиб қолдирган.

Улардан бири «Мақомати хожа Алоуддин Аттор» («Хожа Алоуддин Атторнинг ҳаёт йўли») бўлиб, муаллиф унда Нақшбандия тариқатининг йирик вакилларида бири Хожа Бузург (хожа Баҳоуддин Нақшбанд)нинг халфаларидан бири хожа Алоуддин (асли хоразмлик, 1400 йили вафот этган)нинг айтганларини жамлаган.

«Мақомати хожа Алоуддин Аттор» нашр этилмаган. Қўлёзма нусхаси ЎзР ФА Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланмоқда.

Хожа Муҳаммад Порсонинг яна бир асари «Фасл ул-хитоб» («Равшан фикрлар») бўлиб, унда эътиқод, диний маросимлар, ақидапарастлик ва фалсафий оқимлар ҳақида мутасаввуфна фикр юритилади. «Фасл ул-хитоб» тасаввуф бўйича қомусий асар ҳисобланади.

Асарнинг қўлёзма нусхалари Ўзбекистон, шунингдек, Германия, Франция ва бошқа хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарида мавжуд. 1913 йилда амалга оширилган тошбосма нашри ҳам бор.

Хожа Муҳаммад Порсонинг пири муршиди хожа Баҳоуддин Нақшбандга атаб ёзган «Рисолайи қудсия» («Қудсий калималар ҳақида рисола») асари бўлиб, олим бу асарида устозининг айтганларини зўр эътибор билан жамлаган. Хожа Муҳаммад Порсо бу асарини устози хожа Алоуддин Атторнинг илтимоси билан ёзган.

Олимнинг булардан бошқа тасаввуфнинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган «Маҳақ ал-орифин» («Маърифатли кишиларни ажратувчи маҳақ тоши»¹), «Таҳқиқот» («Ҳақиқатни излаш») ва «Рисола» деган асарлари ҳам мавжуд.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, унинг ҳаёти, айтганлари, кароматлари ҳақида ҳикоя қилувчи яна бир муҳим асар Абул-

¹ **Маҳақ тоши** — кумуш ва олтинларга суртиб, уларнинг соф ёки қалбакилигини аниқлаб берувчи сирли бир тош.

муҳсин Муҳаммад Бокир ибн Муҳаммад Алининг «Маноқиби хожа Баҳоуддин Нақшбанд» («Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўли») асаридир. Абулмуҳсин Муҳаммад Бокир мазкур асарини ёзишда Хожойи бузургнинг яқин кишилари билан суҳбатлари чоғида йиққан маълумотлардан ва хожа Муҳаммад Порсонинг китобларидан олинган маълумотлардан фойдаланган.

«Маноқиби хожа Баҳоуддин Нақшбанд» муқаддима, хотима ва уч қисм (мақсад)дан иборат.

Муқаддимада Хожойи бузургнинг таваллуд топиши ва келиб чиқиши, биринчи қисмда ҳазрат эшон фаолиятининг бошланиши, иккинчи қисмда ҳазрат эшоннинг сулуклари ва айтганлари, ва ниҳоят, учинчи қисмда ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг кашфу кароматлари баён этилган.

Хотима ҳазрати бузургнинг вафоти хусусидадир.

Асар Маҳмуд Ҳасанов тарафидан ўзбек тилига таржима қилинган ва, зарур изоҳлар билан, 1993 йили нашр этилган.

Нақшбандия тариқатининг яна бир йирик намояндаси, маърифатпарвар ва раиятпарвар инсон хожа **Убайдулла Аҳрор Валининг** ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолиятига бағишланган икки муҳим асарни тилга олиб ўтмоқчимиз. Улардан бири «**Мақомоти хожа Аҳрор**» («Хожа Аҳрорнинг ҳаёти») деб аталади ва эшон буванинг набираси хожа Абдулло томонидан ёзилган (XVI аср). Хожа Абдулло ёшлигидан бобосининг хизматида бўлган ва мазкур асарида ҳазрат эшондан ўзи эшитган, унинг яқинлари ва мулозимлари, беклар ва амирларнинг оғзидан эшитган, шунингдек Темирийзодалар: Султон Аҳмад (1469–1494) ва Умаршайхдан эшитганларини қунт билан тўплаб китоб ҳолига келтирган.

Асарда Ўзбекистон ва у билан қўшни мамлакатларнинг XV асрдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётига оид ўта қимматли маълумотлар бор.

Асар ҳозирча нашр этилмаган. Кўлёзма нусхалари ЎЗР
ФА Шарқшунослик институтининг кўлёмалар хазинасида
сақланмоқда.

Хожа Убайдулла Аҳрор ҳақида ёзилган яна бир муҳим
асар «**Рашахоту айн ул-ҳаёт**» дир. Асар муаллифи кўпинча
ас-Сафий тахаллуси билан машҳур бўлган илоҳиёт, ҳадис,
тафсир ва адабиёт фанларини чуқур билган машҳур олим-
дир. Тўла исми: Фаҳруддин Али ибн Али ал-воиз ал-Ко-
шифий ал-Байҳақий (1453–1513) дир. Ҳаёти ва фаолияти-
га оид маълумотлар жуда кам. Асарларидан маълум бўли-
шича, у Байҳақ (Эрон)нинг ўқимишли хонадонларидан би-
рига мансуб бўлиб, отаси илоҳиёт, тафсир ва ҳадис илмига
оид асарлар ёзган ва Нақшбандия тариқатининг етакчи-
ларидан хожа Убайдулла Аҳрор (1404–1490 й.), хожа Яҳё
ва бошқаларнинг диққат-эътиборини қозонган кишидир.
Ас-Сафийнинг ўзи хожа Убайдулла Аҳрорнинг муридлари
жумласидан бўлиб, унинг котиби лавозимида ишлаган. Хожа
Аҳрор вафот этгандан кейин, темурий Султон Ҳусайн
Бойқаронинг хизматида кирган ва унинг воизи (ваъз ай-
тувчиси, хутба ўқувчиси) бўлиб хизмат қилган.

Ас-Сафий ўрта аср фанининг айрим соҳаларига бағиш-
ланган 10 га яқин асар ёзиб қолдирган. Турли латифа ва
бадиъаларни ўз ичига олган «Латоиф аз-зароиф» («Заро-
фатли кишиларнинг латифалари»), «Маҳмуд ва Оёз» дос-
тони, ал-кимёга бағишланган «Тухфат ал-хоний» («Хон-
нинг туҳфаси»), «Ҳирз ал-омон мин фатан аз-замон» («За-
моннинг зийраклиги билан жодуни қайтарадиган тумор»),
шунингдек, Нақшбандия тариқатининг таълимоти ва унинг
йирик намояндалари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган
«Усули Нақшбандия» ва юқорида тилга олинган «Рашахоту
айн ул-ҳаёт» («Ҳаёт чашмасидан томчилар») асарлари шулар
жумласидандир. Бундан ташқари, ас-Сафий таржимонлик
билан ҳам шуғулланган. Масалан, у шайх Шихобуддин Суҳ-
равардий (1234 йили вафот этган)нинг «Уюн ал-хақоиқ ва
изоҳ ал-тароиқ» («Ҳақиқатлар булоғи ва тариқатлар изоҳи»)
китобини арабчадан форс тилига таржима қилган. Бу тар-

жима «Китоб кашф ул-асрори Қосимий» («Қосимий сирларининг кашф этилиши ҳақида китоб») номи билан маълум. Ас-Сафий Шарқ мамлакатларида машҳур бўлган «Калила ва Димна» достонини ҳам қайта ишлаган. Бу асар «Анвари Суҳайлий» («Суҳайл юлдузининг нурлари») номи билан машҳур.

Ўзбекистоннинг XV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда ас-Сафийнинг айниқса «Рашахот» асари (1503 йили ёзиб тамомланган) муҳим ўрин тутди. Асар Нақшбандия тариқати машоихларининг қисқача таржимаи ҳоли ҳамда тариқатнинг йирик намояндларидан хожа Убайдулла Аҳрорнинг ҳаёти ва мақомотларини ўз ичига олади.

Ас-Сафий мазкур асарини ёзишда хожа Муҳаммад Порсонинг «Фасл ул-хитоб», Шиҳобуддин ибн Амир Ҳамза (1405 йили вафот этган)нинг «Мақомоти Амир Кулол», Муҳаммад ал-Бухорийнинг (XII аср) «Маслак ул-орифин», мавлоно Муҳаммад қозининг (1516 йили вафот этган) «Силсилат ул-орифин ва тазкират ас-сиддиқин» асарларидан фойдаланган. Лекин, асарнинг катта қисми, яъни хожа Убайдулла Аҳрорнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги қисми, муаллифнинг шахсий кузатувлари ва сўраб-суриштириб тўплаган маълумотлари асосида ёзилган.

«Рашахот» қисқача сўз боши (дебоча), кириш (мақола) ва уч қисмдан иборат.

Сўз бошида мазкур асарнинг ёзилиш сабаблари, муаллифнинг исми шарифи, асарнинг ёзилиб тамомланган вақти, шунингдек, хожа Убайдулла Аҳрорнинг Нақшбандия тариқатига муносабати ҳақида сўз боради.

Кириш қисмида Нақшбандия тариқати машоихларининг (хожа Юсуф Ҳамадонийдан то мавлоно Шамсуддин Рухийгача) қисқача таржимаи ҳоли баён қилинган.

Асарнинг I–III қисмларида хожа Убайдулла Аҳрор ва унинг фарзандлари (хожа Зикриё, хожа Яҳё), шунингдек, хожа Аҳрорнинг яқин муридларининг ҳаёти ва мақоматлари ҳақида ҳикоя қилинади.

«Рашахот»нинг биз учун қимматли томони шундаки, унда, айниқса асарнинг учинчи қисмида, Ўзбекистоннинг XV асрдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволига оид қимматли маълумотлар мавжуд. Хожа Убайдулла Аҳрорнинг ер-сувлари ва бошқа мулки, томға солиғи, Ўзбекистон билан хорижий мамлакатлар ўртасида бўлган савдо-сотик алоқалари ва мамлакатда кучайиб кетган ўзаро кураш ва бунда мусулмон руҳонийлари, хусусан хожа Аҳрорнинг иштироки ҳақидаги маълумот ва хабарлар шулар жумласидандир.

«Рашахот» Ҳиндистонда (1890, 1897 ва 1906 йиллар) ҳамда Тошкентда (1911 йили) чоп этилган. Асар араб (1852, 1889 й.й.) ҳамда турк (1888 й.) тилларига таржима қилинган.

XVI–XVIII асрларда ёзилган мақомотлар ҳам бир талай. Улар ҳам биографик асарлар сирасига киради. Уларнинг кўплари XVI асрга оиддир. Маҳдуми Аъзам Косонийнинг набираси хожа Абулбақонинг қаламига мансуб бўлган «**Жомий ул-мақомоти Маҳдуми Аъзам Косоний**» («Маҳдуми Аъзам Косоний мақомотлари мажмуъи»). Муҳаммад Раҳим тарафидан ёзилган «Сирож ус-салокин ва латоиф ул-орифин» («Тўғри йўлдан борувчилар учун чироғ ва доноларнинг лутф сўзлари»). Дўстмуҳаммад ал-Бухорийнинг «Жуйбор ул-асрор» («Кўп ирмоқли манзилнинг сиру асрорлари»). Ҳусайн ибн Мир Ҳусайн Сарахсийнинг «Маноқиби саъдия» («[Хожа] Саъднинг мақомотлари»), Муҳаммад Толиб ибн хожа Тожиддиннинг «Матлаб ут-толибин» («Толиблар матлаби») китоби, Бадриддин Кашмирийнинг «Равзат ур-ризвон ва хадиқат ул-ғилмон» («Жаннат боғи ва чангалзор маҳрамлари»), XVII–XIX асрларда ёзилган асарлардан Муҳаммад Қосимнинг «Насимот ул-қудс» («Қудсийликнинг майин шабадаси»), Муҳаммад Авазнинг «Зиё ал-қулуб» («Қалблар зиёси»), хожа Ҳошим Кишмийнинг «Зубдат ул-мақомот» («Мақомотлар зубдаси»), Сайид Али Зинданинг «Самарот ул-машоих» («Машоихлар натижаси»), Муҳаммад Тоҳир ибн Муҳаммад

Таййиб Хоразмийнинг «Силсилати хожағони Нақшбандия» («Нақшбандия хожаларининг силсиласи») шулар жумласидандир.

Юқорида тилга олинган асарлардан XVI–XVII асрларга оидлардан учта-тўрттасига тўхталиб ўтамиз.

«**Равзат ур-ризвон ва хадиқат ул-ғилмон**» («Жаннат боғи ва чангалзор махрамлари») XVI–XVII асрларда Ўзбекистон ва унга қўшни мамлакатлар (Хуросон, Шимолий Ҳиндистон ва Кошғар)нинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта нуфузга эга бўлган Жуйбор хожалари, хусусан хожа Муҳаммад Ислом (1493–1563), хожа Саъд (1531–32–1589) ва хожа Тожиддин Ҳасан (1574–1646)ларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи асар. XVII асрнинг биринчи ярмида ёзиб тамомланган.

Асар муаллифи Бадруддин ибн Абдуссалом ибн саййид Иброҳим ал-Ҳусайний ал-Кашмирий. Асар муқаддимасида ўзи келтирган маълумотларга қараганда, асли кашмирлик бўлиб, 1554 йили Бухоройи шарифга кўчиб келган ва юқорида номи тилга олинган хожа Муҳаммад Ислом хизматида (унинг шахсий котиби сифатида) кирган. Унинг вафотидан кейин ўғиллари хожа Саъд ва хожа Тожиддин Ҳасанларнинг хизматида (унинг фаолияти бошида) бўлган. Асар мазмуни, услуби ва унда турли мавзу бўйича тўпланган маълумотлардан кўринишича, Бадриддин Кашмирий кенг маълумотли, тарих, шеърят, иншо илмларини чуқур эгаллаган киши бўлган. У «Равзат ур-ризвон»дан бошқа «Шамъи дилафруз» («Дилни равшан қилувчи чироғ»: 1568–69 й. ёзилган), «Меърож ул-комилин» («Комил кишиларнинг меърожга кўтарилиши»: 1573–74 йили ёзиб тамомланган), «Равзат ул-жамол» («Гўзал боғ»: 1575–76 й. ёзиб тамомланган), «Баҳр ул-авзон» («Вазнлар ўлчови»: 1583 й.) ва «Русулнома» (1593 й.) каби назмий ва насрий асарлар ёзиб қолдирган. Сўнгги асарининг тўртинчи қисми «Зафарнома» (1593 йили ёзилган) деб аталади. «Зафарнома» шеърӣ дoston бўлиб, унда Шайбоний Абдуллахон II нинг тарихи баён қилинган.

«Равзат ур-ризвон» — катта асар (552 varaк): муқадди-ма, хотима ва етти бобдан иборат.

Муқаддимада хожа Муҳаммад Ислоннинг авлод-аждо-ди, ҳазрат эшоннинг хулқ-атвори, хориқ одатлари ва оли-жаноб фазилатлари ҳақида маълумотлар келтирилади; Бад-риддин Кашмирийнинг Бухорога кўчиб келиши сабабла-ри, мазкур асарнинг тўрт йил ичида ёзиб тамомлаганлиги ва бунинг эвазига ҳазрат эшондан 2.500 Абдуллахоний ку-муш танга ва бошқа инъомлар олгани ҳақида гап боради.

Биринчи бобда Мовароуннахрнинг XVI асрнинг бирин-чи ярмидаги (Бухоронинг Абдуллахон II тарафидан ишғол этилиши; 1556 й.) ижтимоий-сиёсий ҳаёти, Абдуллахон-нинг ғалабалари ва бунда хожа Муҳаммад Ислоннинг иш-тироки ва ўрни ҳақида қимматли, кўп ўринларида тарихий асарларда учратиш қийин бўлган маълумотлар мавжуд.

Асарнинг иккинчи боби ўта қимматли. Унда Шайбоний султонлар — Муҳаммад Амин султон, Динмуҳаммад сул-тон, Хисрав султон, Абдулқуддус султонларнинг хожа Муҳаммад Ислон ва хожа Саъд номига йўллаган арзно-малари ва Бухоро, Самарқанд, Марв ва Бадахшон шоир-лари (Мушфиқий, Маҳрабий, Шуурий, Восифий, Саб-рий ва б. қ.)нинг ҳазрат эшон — хожа Муҳаммад Ислон ва хожа Саъдлар шарафига битган шеърларидан намуналар келтирилган. Бу ерда келтирилган арзно-малар, шунингдек хон ва султонларнинг фармонлари асосан уч масала: 1) Бухоро хонлигининг XVI асрдаги ички аҳволи, яъни мар-казий ҳукумат билан улус (вилоят, ўлка) ҳокимлари ўрта-сидаги муносабат; 2) хонликнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи; 3) Бухоро хонлиги билан Эрон, Шимолий Ҳинди-стон ва Кошғар ўртасидаги муносабатлари масалаларига тўхта-линган. Арзнома ва шеърлар Ўзбекистоннинг XVI асрдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва маданиятини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Асарнинг учинчи ва тўртинчи бобларида хожа Муҳаммад Ислоннинг XVI асрнинг 60-йиллари бошидаги ҳаёти ва фао-лияти билан боғлиқ маълумотлар келтирилади, шунингдек,

Жуйбор хожаларининг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ишлари ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Бу маълумотларнинг кўпчилиги ҳатто шу масалани махсус ўрганган тадқиқотчиларга ҳам маълум бўлмаса керак.¹

«Равзат ур-ризвон»нинг бешинчи боби ҳам ёзишмаларга бағишланган. Бу бобда Абдуллахоннинг хожа Муҳаммад Ислом ва хожа Саъдга йўллаган 100 дан ортиқ мактубининг нусхалари, Шайбоний султонлар, йирик олимлар ва вилоят ҳокимлари, шунингдек Ҳиндистон, Эрон ва Кошғар ҳукмдорларининг Жуйбор хожаларига йўллаган мактубларининг нусхалари келтирилган. Булар орасида ҳазрат хожаларга инъом этилган мулклар, ҳазрат эшоннинг ерларини обод қилиш юмушига аҳолини мажбурий сафарбар қилиш ва деҳқонларни ерга бириктириш ҳақидаги фармонларнинг нусхалари келтирилган.

Жуйборий хожаларга шеър (қасидалар, маснавийлар, таърихлар) бағишлаган шоирлар (Меҳрий Бухорий, Раҳимий Самарқандий, Масиҳо, Фоний, Ҳофиз Ҳусайн, Меҳрий, Ҳофиз Иброҳим ва б. қ.)га асарнинг олтинчи боби бағишланган. Тарихда Абдуллахон ва Жуйборий шайхлар қурдирган бинолар ҳақида муҳим далил ва маълумотлар келтирилган.

Асарнинг сўнгги, еттинчи бобида Бухоро хонлигининг хожа Саъд ва Абдуллахон давридаги ижтимоий-сиёсий аҳоли ҳақида муҳим, диққат-эътиборга сазовор маълумотлар келтирилади.

«Равзат ур-ризвон»нинг яхши ва ягона нусхаси ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзма китоблар хазинасида 2094 рақами остида сақланмоқда. Асар ҳали бирон хорижий тилга таржима қилинмаган.

¹ Из архива шейхов Джуйбари. Материалы по земельным и торговым отношениям Средней Азии XVI века. Под редакцией Е. Э. Бертельса, М.—Л., 1938. Иванов П. П. Хозяйства Джуйбарских шейхов. К истории землевладения Средней Азии XVI—XVII вв., М.—Л., 1954.

«Жомиъ ул-мақомати Маҳдуми Аъзам Косоний» («Маҳдуми Аъзам Косонийнинг мақомотлари мажмуъи»). Нақшбандия тариқатининг йирик намояндаларидан бири хожа Аҳмад ибн мавлоно Жалолиддин Косоний (1461–62–1542)нинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асар.

Маҳдуми Аъзам Косоний йирик тариқат етакчиси бўлиши билан бир қаторда, сермаҳсул олим ҳам эди. У этика, сиёсат ва илоҳиётга оид «Танбеҳ ус-салотин» («Султонларга насиҳат»), «Асрор ул-никоҳ» («Никоҳ сирлари»), «Рисолайи самоъия» («Дарвешлар учун ихтиро этилган мусиқалар»), «Рисолайи вужудия» («Чин ҳақиқат ҳақида рисола»), «Одоб ус-соликин» («Дарвешлар одоби ҳақида»), «Одоб ус-сиддиқин» («Содиқ кишилар одоби»), «Ганжнома», «Рисолайи бакоъия» («Кўз ёши тўкиб тавба қилиш ҳақида рисола»), «Насиҳат ус-соликин» («Сўфийлик йўлида борувчилар учун насиҳат»), «Рисолайи зикр» («Зикр ҳақида рисола»), «Рисолайи баёни силсила» («Нақшбандия тариқати бошлиқлари силсиласи»), «Рисолайи чаҳор калима» («Абдулҳолиқ Фиждувоний айтган тўрт калима ҳақида рисола»), «Рисолайи ботихия» («Ўзни нариги дунёдаги ҳаётга ҳозирлаш ҳақида рисола»), «Миръот ус-сафо» («Поклик кўзгуси»), «Зубдат ус-соликин ва танбеҳ ус-салотин» («Сўфийлик йўлидан борувчилар учун зубда ва султонлар учун танбеҳ»), «Рисолайи Бобурия» каби 30 га яқин асар ёзиб қолдирганлар. Маҳдуми Аъзам Косонийнинг илмий меъроси яхши ўрганилмаган.

Бу улуғ зотнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ушбу асарни («Жомиъ ул-мақомат»ни) олимнинг набираси хожа Абулбақо ибн Баҳоуддин ёзган. Асар Маҳдуми Аъзам Косонийнинг яқин халифаларидан Али Ахсикатий, мавлоно Дўст саҳҳоф, мавлоно Бобойи хужрадор, Ҳофиз Иброҳим ва бошқаларнинг берган маълумотларига асосланиб ёзилган.

Муаллифнинг ҳаётига оид маълумотлар жуда кам. Асарида келтирилган баъзи маълумотларга қараганда, хожа Абулбақо кенг маълумотли ва ўзига тўқ одам бўлиб, савдо-сотик билан ҳам машғул бўлган. Унинг қарвонлари Мовароуннаҳр билан

Балх, Ҳиндистон ва Кошғар ўртасида қатнаб турган. Ўзи Шайбоний Абдулазизхон (1540–1549)нинг қўлида масъул лавозимда (хукмгар) турган. Кейинча Фарғона хукмдори (муаллиф уни Муҳаммадшоҳ деб атайди) номидан Қозоқ султони ҳузурига элчи бўлиб борган, сўнг 1556 йили, Абдуллахон II Бухорони қамал қилиб турганда Бухоро ҳокими Бурҳон султон ва номи юқорида зикр этилган, хожа Муҳаммад Исломнинг илтимоси билан унинг ўрдасига элчи бўлиб борган ва сулҳ тузиш хусусида хон билан музокара олиб борган.

«Жомиъ ул-мақомат» қисқача анъанавий сўз боши, хотима ва уч бобдан иборат.

Биринчи бобда Маҳдуми Аъзам Косонийнинг шажараси (Муҳаммад пайғамбарга уланган) ва улуғ боболари ҳақида қисқача маълумот келтирилган. Иккинчи ва учинчи боблар тўлиғича Маҳдуми Аъзам Косонийнинг ҳаёти, фаолияти ва кароматлари ҳақида ҳикоя қилади.

Хотимада ҳазрат эшон ҳаётининг охири ва унинг вафоти (1542 йил 7 май куни) тафсилоти баён этилган.

Бир сўз билан айтганда, «Жомиъ ул-мақомат»да турли мавзу: сиёсий тарих, ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий ҳаёт, география ҳамда халқаро муносабатларга тегишли, ҳатто бошқа манбаларда учрамайдиган маълумотлар мавжуд. Шундай маълумотлардан айримларини қуйида келтирамиз.

Тарихий маълумотлар. Маълумки, XVI асрнинг биринчи ярми Шайбоний султонларнинг ўз улусларида ўз ҳукмронлигини тўла ўрнатиш йўлида олиб борган курашлари, масалан, Кўчкунчихон, Жонибек султон, Дўстмуҳаммад султон ва Кепак султонларнинг Фарғона устига юриши, Тошкент ҳокими Наврўз Аҳмад (Бароқ) хоннинг, Самарқанд ҳокими Абдуллатиф султон билан биргаликда Бухоро устига қилган юриши, Суюнчхожахоннинг Тошкентга юриши ва Тошкентнинг қамал қилиниши, Суюнчхожахон билан Кошғар хони Султон Саидхон ўртасида Тошкент учун бўлган кураш, юқорида номи тилга олинган Султон Саидхоннинг Аҳси, Андижон ва Косон устига қилган хуружи, Суюнчхожахон, Кўчкунчихон ва Убайдуллахоннинг Кошғар хони Сул-

тон Саидхон билан олиб борган уруши ва Султон Саидхоннинг Кошғардан қочиби кетиши, Тошкент ва Қарши Косонда XVI асрнинг 40-йилларида бўлиб ўтган халқ кўзғолонлари ҳақида маълумотлар учратамиз.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ҳақидаги маълумотлар. «Жомий ул-мақомот» да Кўҳак дарёсининг баъзи йиллари тўлиб-тошиб оқиши, айрим йилларда сатҳи пасайиши, ёки ўзанининг ўзгариши оқибатида қурғоқчилик содир бўлиши ва унинг теварак-атрофидаги қишлоқларга сув чиқмай қолиб, аҳолининг иқтисодий қийинчиликлар исканжасида қолиши; қурғоқчилик йиллари Мовароуннахрнинг айрим ҳудудларини чигиртка ва қора қузғун босиб кетганлиги, шунингдек, Шайбонийлар даврида ҳам тархонлик институти (бу институт Амир Темур ва Темурийлар даврида кенг тарқалган эди) ҳақида ҳам ўта муҳим маълумотлар учратамиз.

Биографик ва географик маълумотлар ҳам мазкур асарда жуда кўп учрайди. Биографик маълумотлардан, фикризмизча Маҳдуми Аъзам, унинг хотинлари ва фарзандлари ҳақидаги маълумотлар диққат-эътиборга сазовордир. Ҳазрат эшоннинг болалари ўз вақтида Мовароуннахр, Кошғар ва Бадахшоннинг XVII асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ишлар қилганлар. Масалан, кошғарлик хотини Бибича Кошғарийдан туғилган ўғли хожа Исҳоқ (1599 йили вафот этган) Кошғар хожалари: Офоқ-хожа ва Қорахожаларнинг аждоди бўлган. Асарда тошкентлик машҳур диний арбоб Шайх Хованд Таҳур (тахм. 1350 йили вафот этган)нинг авлодлари хожа Муҳаммад Али, хожа Хурд, хожа Исо ва хожа Тоҳир ҳақида ҳам эътиборга молик маълумотлар учратамиз. Бундай маълумотлар орасида XVI асрда ўтган йирик шоир ва адабиётшунос олим Подшоҳхожа ва «Абдуллонома» асарининг муаллифи, Ҳофизи Таниш Бухорийнинг отаси, мавлоно Мир Муҳаммад ҳақида келтирилган маълумотлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Асарда келтирилган географик маълумотлардан Тошкентнинг Паркент туманидаги Иссиқ чашма, Миёнқолдаги Гармакўз, Тошкент — Аҳси йўлидаги Қизил кўргон,

Кармана туманидаги Хушикиён ва Ануз қишлоқлари, Самарқанд билан Тошкент оралиғидаги чўлда жойлашган Ёғочлик, Бухоро билан Кармана оралиғидаги Жомработ манзиллари ҳақида келтирилган маълумотлар ўта муҳимдир.

Фарғонанинг шарқий тарафида истиқомат қилувчи қирғиз қавмлари, уларнинг ҳаёт тарзи ва ўзаро муносабатлари ҳақидаги маълумотлар ҳам муҳимдир.

«Жомий ул-мақомот» нашр этилмаган, лекин унинг қўлёзма нусхалари қўлёзмалар сақланаётган кутубхоналарда мавжуд. Масалан, ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида ундан олти нусха сақланиб турибди.

«**Насимат ул-қудс мин ҳадонқ ал-унс**» (Авлиёлик шабадасининг яқинлик боғидан эсиши). Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон ва Шарқий Туркистонда XVI–XVII асрларда фаолият кўрсатган Нақшбандия тариқати намояндalари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ва 754 варақдан иборат йирик асар. Хусайн Воиз ал-Кошифийнинг (қ.) «Рашахоту айн ул-ҳаёт» асарининг давоми ҳисобланади.

Муаллиф Нақшбандия тариқатининг Ҳиндистондаги йирик намояндalаридан бири Муҳаммад Бақо Сирҳиндий (1563-64—1603-1604)нинг топшириғи билан шу тариқатнинг ғоявий раҳбарларидан Муҳаммад Ҳошим Сирҳиндий тарафидан 1622 йили ёзилган.

Асарда айниқса биографик маълумотлар кўп. Шулардан учтасини келтирамиз. XVI асрда Кошғарнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида биринчилик учун курашган хожа Убайдулла Аҳрорнинг авлоди хожа Хованд Маҳмуд билан Маҳдуми Аъзам Косонийнинг ўғли хожа Исҳоқ ўртасидаги кураш, мамлакатда (Кошғарда) ислом динининг тарғиботчиларидан бири бўлмиш хожа Тожиддин (хожа Муҳаммад Порсонинг авлоди) ҳақидаги маълумот диққатга сазовор.

Хожа Хованд Маҳмуд ҳақида. Хожа Хованд Маҳмуд Шоҳибекхон ўлдирилгандан кейин Кошғарга кетиб қолди. Султон Саъидхон¹ уни хурсандчилик билан кутиб олди, илтифотлар кўрсатди ва унга Кошғарда муридлар орттири-

¹ Султон Саъидхон — Мўғулистон (Жете) хони (1514–1532).

шига кўмаклашди, Хожа Юсуф 1532 йилнинг 12 сентябрида оламдан ўтди.

«Тарихи Рашидий» китобининг муаллифи¹ яна бир қизиқ маълумотни келтиради: «Хожа Хованд Маҳмуд² мурид ортириш учун Кошғарга келганда унинг билан хожа Юсуф ораларида рақобат бошланди. Шундай бўлдики, бир куни хожа Хованд Маҳмуднинг олдига борсам ҳузурларида хожа Муҳаммад Исҳоқ ўлтирган эканлар. (Улар нималарнидир сўзлашиб ўлтирган эканлар.) Хожа Хованд Маҳмуднинг жаҳли чиқиб деди: «Хожа Исҳоқ! Нима сабабдан сен менга бунақа гапларни айтиб ўлтурибсан? Агар сен отангининг муроди бўлсанг, мен ҳазрати олийлари (хожа Убайдулла Аҳрор — Б. А.)нинг муридман. Бундан ташқари, сен ёш жиҳатдан менга ўғил ўрнидасан. Хожа Исҳоқ жавоб қилди: «Мен ҳам ул жанобнинг марҳаматига таянаман». Тортишув тугагач, ўша куниеқ хожа Хованд Маҳмуд Бадахшонга кетиб қолдилар. Орадан икки — уч кун ўтгач, кимдур менга хожа Исҳоқнинг тўсатдан ўсаллаб, вафот этганини хабар қилди.

Маҳдуми Аъзам Косонийнинг ўғли хожа Исҳоқ ҳақида.

Олийжаноб хожа (Самарқанддан) Кошғар ва Хўтанга жўнаб кетдилар. Кошғар ва Хўтан халқи ул жанобнинг саъй-ҳаракатлари билан чин динни (исломни) қабул қилди. Кошғар ҳокими Муҳаммадхон хожанинг ҳақиқий ва софдил муриди бўлиб қолди. Хуллас, мазкур хожа туфайли Нақшбандия — Хожагон тариқати ўша ўлкада ёйилди. Сўнг ўрнига муриди Девони Аштарни кўйиб, ўз юртига қайтди ва 1599—1600 йили вафот этди. Даҳбед ёнидаги Сафед қишлоғидаги қабристонга дафн этилди. Отасидан кейин у шу қишлоқда истиқомат қилиб турган эди.

Хожа Муҳаммад Порсонинг (улуғ) аждоди хожа Тожиддин ҳақида. Хожа Тожиддин хожа Ҳофизиддин Бухорий-

¹ Мирзо Муҳаммад Ҳайдар (1500—1551) асари.

² Хожа Хованд Маҳмуд (ҳақиқий исми хожа Шаҳобиддин Маҳмуд) — хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг набираси.

нинг¹ аждоди, хожа Рашидиддиннинг ўғлидир. Хожа Рашидиддиннинг отаси хожа Шужоь Чингизхон хуружи вақтида Мўғулистонга кетиб қолган ва хожа Рашидиддин ўша ерда туғилган. Унинг саъй-ҳаракатлари билан мўғуллар ислом динига кирганлар. Хожа Тожиддин хожа Убайдулла даврида Мовароуннаҳрга келган ва мавлоно Ироқий Тусийдан таълим олган. Мавлоно Ироқий Тусий жаноб хожа Аҳрорнинг дўстларидан бўлгани туфайли, хожа Тожиддин ҳазрат эшоннинг (хожа Убайдулла Аҳрорнинг) қабул ва суҳбати шарафига муяссар бўлган. У кўп вақт унинг остонасини ўпиш шарафига ва хайр-эҳсонига муяссар бўлган. Шундан кейин Кошғар шаҳарларидан Турфонга кетишга ижозат олган. Турфон ҳокими унинг келишини яхшиликка йўйиб, ўзи ва болаларига иззат-ҳурмат кўрсатган. Улардан баъзилари ҳозирги кунгача ўша мамлакатнинг эҳсонларига мушаррафдурлар.

«Матлаб ут-толибин» («Ҳақиқат изловчиларнинг мақсади»). Машҳур Жуйборий хожалардан юқорида («Равзат ар-ризвон»да) номлари келтирилган хожа Муҳаммад Ислоом, хожа Саъд, хожа Тожиддин Ҳасан, хожа Абдурахим (1575–1629), Абдихожа (1577–1607) ва Муҳаммад Юсуфхожа (1595–1652)ларнинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти баён этилган асар.

Муаллиф юқорида номи айтиб ўтилган хожа Тожиддиннинг ўғли Абдулаббос Муҳаммад Толибдир. Асар 1663–64 йили ёзиб тамомланган.

«Матлаб ут-толибин» фақат биографик асаргина бўлиб қолмай, унда мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳволига оид ҳамда Бухоро хонлиги билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларга тегишли ўта муҳим маълумотлар мавжуд. Шунинг учун ҳам «Матлаб ут-толибин» В. Л. Вяткин ва П. П. Ивановга Жуйборий хожаларнинг ер-суви

¹ Хожа Ҳофизиддин Бухорий — Хожа Муҳаммад Порсоний ҳақиқий исми (1419 йили вафот этган).

ва мол-мулкини тадқиқ этишда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилган.

Муаллиф ҳақида қуйидагилар маълум. Асарда учраган баъзи маълумотларга қараганда, отаси вафот этган (1608) йили у 39 ёшда бўлган. Шунинг эътиборга оладиган бўлсак, Муҳаммад Толибнинг туғилган йили 1569 йил бўлиб чиқади. У хожа Тожиддин Ҳасаннинг иккинчи ўғли бўлиб, ҳамма вақт отаси билан бирга Бухорода истиқомат қилган. 1623 йили ота-бола Балхга борганлар. Унинг ҳам хўжалиги катта бўлган. Отасидан олган улушидан ташқари, 1632–1633 йили бефарзанд холасининг ер-суви ва бошқа мулки ҳам Муҳаммад Толибга берилган. Мулк отаси тириклигида 400 минг тангага баҳоланган.

Энди икки оғиз «Матлаб ут-толибин»нинг мазмуни ҳақида. Асар, ўша замонларда амалда бўлган анъанага биноан, муқаддима, хотима ва саккиз бобдан иборат қилиб ёзилган.

Муқаддимада анъанавий фотиҳа ва ҳамду санолардан кейин, мазкур асарни ёзишда муаллиф ўз олдига қўйган вазифалар ҳақида сўз юритилади ва асар мундарижаси келтирилади.

«Матлаб ут-толибин»нинг ноёб қисми унинг IV–VIII бобларидир.

Тўртинчи бобда хожа Саъднинг кароматлари, мол-мулки ва хизматкорлари, XVI асрнинг 80-йилларида мамлакатдаги мавжуд сиёсий вазият ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади. Айтишларича, хожа Саъднинг Бухоро, Миёнқол, Самарқанд, Саврон, Туркистон, Ахсикат, Насаф, Ҳисор, Термиз, Кубодиён, Балх, Бадахшон, Ҳирот, Марв, Мурғоб, Меҳна, Машҳад, Чоржўй ва Андхуд вилоятларида катта мол-мулки, ер-суви, кўп сонли мол-қўйлари, дўконлари, ҳаммомлари, сардобалари ва қуллари бўлган. Масалан, ҳазрат эшоннинг тилга олинган вилоятларда 2000 жуфти гов¹ экин ери, 2500 бош қўйи, 1500 оти, 12 та ҳаммоми, 10 та

¹ **Жуфти гов** — бир жуфт хўкиз билан ҳайдаб экиладиган ер; тахминан саккиз — тўққиз гектарга тенг бўлган.

сардобаси, кўплаб бозорлари, савдо дўконлари ва устахоналари, 100 нафар кули ва бошқа бойликлари бўлган. Унинг ҳар бир вилоятда галла омборлари бўлган. Фақат Бухорои шарифнинг бир ўзида шундай омборлардан тўрттаси қурилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида 100 манн¹ галла сақланган. Хожа Саъднинг йиллик даромади 60.000 тангага баробар бўлган. Ҳазрат хожанинг мол-мулкани кўп сонли ва турли лавозим (саркор, вакил, дафтардор, соҳиби хирож, керак ярқ, баковул, қози, доруға, миршикор)даги мансабдорлар бошқариб турганлар.

Тўртинчи бобда келтирилган сиёсий воқеалар ичида Абдуллахон II нинг Андижон ва Хоразм устига қилган ҳарбий юришлари (XVI асрнинг 80-йилларида), Абдуллахон билан Ўзбек султон ўртасидаги келишмовчиликлар, Шайбоний кўшинларининг Иссиққўл вилояти устига қилган ҳарбий юриши ҳақидаги маълумотлар ўта муҳимдир.

Яна шу бобда баён қилинган воқеалар ичида Самарқанд ҳокими Шайбонийзода (Абдуллахон II нинг иниси) Ибодулла султоннинг ўлдирилиши сабаблари ҳақида айтилган фикрлар зўр аҳамиятга эгадир. «Абдуллонома» муаллифининг сўзларига қараганда, Ибодулла султоннинг ўлимига унинг шариат қоидаларини бузганлиги, яъни рамазоннинг биринчи куни рўза тутмай, ичкилик ичганлиги сабаб бўлган. Лекин, 1586 йили Бухоро ва Самарқандда бўлиб ўтган воқеаларни чуқурроқ таҳлил этадиган бўлсак, бу фақат бир баҳона, сабаби эса тамоман бошқача бўлган. Масалан, «Матлаб ут-толибин» да келтирилган маълумотларга қараганда, XVI асрнинг 80-йиллари бошида Шайбоний султонлар, хусусан Ибодулла султон билан Абдуллахон ўртасидаги муносабатлар бир қадар бузилиб қолган. Бунга Абдуллахоннинг 1583 йили Андижон устига, Исфандиёр султонга қарши кўшин тортганда мазкур султоннинг юришда иштирок этишдан бош тортгани сабаб бўлган. Асарда келтирилган маълумотлар

¹ **Манн** — ўрта асрларда бир манн 25,6 килограммга тенг бўлган.

мотларга қараганда, 1586 йилнинг 3 август куни Тошкент ҳокими Дўстим султон, Андижон ҳокими Исфандиёр султон ва Ҳисор вилоятининг ҳокими Ўзбекхон, ва Самарқанд ҳокими Ибодулла султоннинг элчилари Самарқандга тўпланиб кенгаш ўтказганлар ва гапни бир ерга қўйиб Абдуллахон II га қарши ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузганлар. Орадан кўп вақт ўтмай, Ибодулла султон Абдуллахоннинг йўқлигидан фойдаланиб, Самарқанд теварагидаги туманларни босди ва уларни талон-торож қилди. «Матлаб ут-толибин» муаллифи яна қуйидагиларни ёзади: «(Ибодулла) султон рамазон ойи бошларида қаттиқ ичиб маст бўлгани сабабдан Мирзо Абдурахим кечаси махфий равишда унинг хонасига кирди ва ханжар зарби билан уни ўлдирди. Ўша кунлари ҳазрат эшон (хожа Саъд) Ҳисори шодмонда эдилар. Тун яримлаганда дин суянчиғи бўлмиш амирн ул-умаро Қулбобо кўкалтош (ҳазрат эшоннинг ҳузурига) кириб келди ва Ибодулла султоннинг ўлдирилганлигини айтди. Бундан сал аввал ҳазрат эшон онасини тушида кўрганлигини ва мулозимларига «Яқин орада Ибодулла султон бу дунёни тарк этса керак», деб айтган. Асарда келтирилган бу маълумотларни диққат билан таҳлил қилинганда Ибодулла султон Абдуллахоннинг одамлари тарафидан ўлдирилганлиги ўз-ўзидан маълум бўлади.

Яна шу бобда Абдуллахоннинг 1583 йили Андижон устига, Исфандиёр султонга қарши, ва сал кейинроқ Хоразмга қўшин тортгани ҳақида маълумотлар бор.

Асарнинг бешинчи боби хожа Тожиддин Ҳасаннинг туғилган кунидан то вафотигача Мовароуннаҳрда кечган воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади. Бу ерда келтирилган маълумотлар орасида ҳокимиятнинг Шайбонийлардан Аштархонийлар сулоласи қўлига ўтиш вақти ҳақидаги маълумотлар қимматлидир. Маълумки, баъзи китоблар ва хронологиялар (Стенли Лян — Пуль, Е. Цамбаур ва б. қ.)га оид китобларда бу воқеа ҳижрий 1006 (милодий 1598) йили содир бўлган, деб айтилади. Лекин кейинроқ атрофлича ўрганилган «Баҳр ул-асрор», «Тарихи оламоройи Аббосий», «Силсилат ус-салотин» асарларида бу воқеа ҳижрий 1009 (милодий 1601)

йили содир бўлганлиги очиқ айтилган. «Матлаб ут-толибин»да шу фикр аниқ ва ишонарли далиллар билан эътироф қилинган.

Яна шу бобда Абдуллахон II билан унинг ўғли ва тахт вориси Абдулмўмин султон ўртасида бошланган зиддият ҳақидаги маълумотлар тарихимизнинг яхши ёритилмаган масалаларига аниқлик киритишда муҳим аҳамият касб этади. Бу жиҳатдан мана шу бешинчи бобда келтирилган маълумотлар диққатга сазовордир.

Булардан бири, Жуйборий хожаларнинг мол-мулки йил сайин ортиб боришидир. Масалан, хожа Саъднинг вориси хожа Тожиддин Ҳасаннинг мол-мулклари орасида янгилари (янги қурилган Ҳасанобод қишлоғи, 50 нафар чорбоғ, 20 қатор¹ туя ва б. қ.) ҳам бўлган. Шунини ҳам айтиш керакки, хожа Тожиддин фикҳ, ҳадис ва тарихга оид қимматли китоблар йиғишга ҳам катта эътибор берган. «Матлаб ут-толибин» да келтирилишича, унинг кутубхонасида 1000 жилд қимматли китоблар сақланган. Уларнинг айримлари безакли, тилла суви бериб ёзилган китоблар бўлган. Уларнинг орасида балки юқорида тилга олинган Бадриддин Кашмирийнинг «Равзат ур-ризвон» ва «Зафарнома» асарлари ҳам бўлгандир.

Иккинчиси Абдуллахон билан унинг ўғли ва тахт вориси, Балх ҳукмдори Абдулмўмин султон ўртасида XVI асрнинг 80-йилларидан бошлаб кучайиб кетган зиддиятлар ва Абдуллахоннинг вафоти хусусидадир. Бу ҳақда «Матлаб ут-толибин» да қуйидагиларни ўқиймиз: «Абдуллахон мамлакатни 44 йил идора қилди. Отаси Искандархон тириклиги чоғида 28 йил унинг номидан, отаси вафот этгандан кейин 18 йил мустақил идора қилди. Салтанатнинг бир учи Андижонда, иккинчи учи Хоразмда, учинчи учи Дашти қипчоқда, тўртинчиси Хуросон билан Сеистонда бўлган. Айтишларича, Абдулмўминхон Муҳаммад Боқибий билан тил бириктириб, отасининг овқатига заҳар қўшириб берган ва хон ҳижрий 1006 йили вафот этган.

¹ Бир қаторда тахминан 150 нафар туя бўлган.

«Матлаб ут-толибин»нинг олтинчи боби Жуйборий хожаларнинг яна бир намояндаси хожа Абдураҳимнинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятига бағишланган. Бу бобда йирик хўжаликларда қул меҳнатидан фойдаланиш, ер эгаллигининг танҳо ва суюрғол шакллари; керак яроқчи лавозими ва унинг вазифалари, Бухоро хонлиги билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади.

Керак яроқчи ҳақида мазкур асарда, масалан, бундай дейилади: «Мулла Мирмуҳаммад хожа (Абдураҳим)нинг хизматкорлари жумласидан эди. Унинг зиммасига керак яроқчилик вазифаси юклатилганди. Унинг зиммасига хожанинг хонадони учун керак бўлган ҳарир матолар ва бошқа нарсаларни топиб келтириш мажбурияти юклатилганди. Бир пайт ҳисобчилари мулла Мирмуҳаммад керак яроқчини тафтиш қилганларида унга хожанинг саркорлигидан берилган нақд пулдан ташқари, унинг савдогарлар ва бошқа шаҳарлардан 90 минг хоний қарз олганлиги, лекин шу ҳақидаги тилхатлардан 1000 хоний маблағ ҳақидаги тилхатларда хожа (Абдураҳим)нинг муҳри йўқлиги аниқланган. Шундан кейин хожа (Абдураҳим) уни ҳузурига чақиртириб: «Нега айтилган қарз ҳақида ўз вақтида бизга маълум қилмадингиз ва тилхатларни бизга кўрсатмадингиз?», деб сўраганда, мулла Мирмуҳаммад (хожага) бундай жавоб қилган: «Биз сизнинг соҳиби ҳимматлигингизга ва қўллаб-қувватлашингизга ишонган эдик». Шундан кейин хожа мулла Ҳожибек девонбеги билан мутаваллийни чақиртириб, мулла Мир Муҳаммаднинг барча қоғозларини йўқ қилиб юборишни буюрган». Келтирилган парчадан керак яроқчининг вазифалари ва ҳуқуқлари, ортиқча изоҳсиз ҳам кўриниб турибди.

Асарнинг сўнги, еттинчи боби Абдихожанинг ҳаёти, фаолияти ва кароматлари баёнига бағишланган. Лекин тадқиқотчи учун ўта зарур бўлган далил ва маълумотлар, масалан, Бухоро хонлигининг Абдуллахон II вафотидан (1598 й.) кейинги ички аҳволи, Жуйборий хожаларнинг, масалан,

Абдихожанинг бундаги ўрни ва вазифаси, Шайбонийлар давлатининг тузилиши, хусусан, девонбеги, мирохур, оталиқ, шиговул, ясовул, нақиб, қози, баковул, қурчи боши, додхоқ, парвоначи, шайхулисом, кўкалтош, кадхудойи даҳа (даҳабоши), чироқчи, мунший ва ҳ.к. лавозимлар ҳақида, шунингдек, ўзбек халқининг этник таркибига кирган сарой, қўнғирот, найман, қатағон, юз, арғин, кенас ва бошқа қабилалар ва уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган.

Абдихожанинг XVI асрнинг охири ва XVII аср бошларида Бухоро хонлигининг ички аҳволи ва унинг мамлакатнинг сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва мавқеъи ҳақида асарда қуйидаги маълумотларни учратамиз. Сўнги Шайбоний Пирмуҳаммад II (1598—1601 йй.) даврида мамлакатнинг ички аҳволи беқарорликка юз тутди. Шу пайт (1600 йили бўлса керак) Абдихожа Бухорони тарк этиб Самарқандга борди. Унинг ҳоқими Аштархоний Боқи Муҳаммаднинг омади юришиб, тож-тахтни эгаллагундай бўлса, иккалалари давлатни биргаллашиб бошқаришга аҳд қилдилар. «Матлаб ут-толибин» да Боқи Муҳаммадхоннинг мана бу сўзлари келтирилади: «Агар биз Бухоро билан Балхни эгаллашга муяссар бўлсак, унда мамлакатни Сиз, мен ва Вали Муҳаммад ўртасида учга тақсимлаймиз...» Эртаси кун эрталаб, нонушта пайтида Абдихожа Боқи Муҳаммадхонга мурожаат қилди: «Табриклаймиз, улуғ аждодларимиз Сизга пойтахт шаҳар Бухорони инъом қиладилар». Боқи Муҳаммадхон (ичига сиғмай) суюниб кетди ва синглисини Абдихожага хотинликка берди. Абдихожа ҳаммаси бўлиб Бухорода бир йилга яқин истиқомат қилди. Шундан кейин Абдихожанинг нуфузи ортди. Муҳаммад Толиб бу ҳақда яна мана буларни ёзди: «Ҳазрат хожанинг улуғлиги ва куч-қудрати шу даражага бориб етдики, жиноят содир этган киши унинг ҳузурига қочиб бориб, унинг хизматига киргундай бўлса, у жазога тортилмаган. Хожанинг таъсири барча вилоятларда шу қадар кучли эдики, бирон зот унинг сўзини қайтармас эди.

Кайфияти йўқ пайтларда Боқи Муҳаммадхонни ҳам менсимас эди. Агар хон бирон шахсни остонасидан қувиб юборгудай бўлса, хожа уни ўз ҳимоясига олар эди. Хожа тез-тез хонга ўзгалар олдида танбеҳ берарди. Одамлар ва ҳарбийлар фақат хожага ёрдам сўраб мурожаат қилар эдилар. Хулласи калом, йирик мансабдорлар, аслзодалар ва сипоҳийлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳазрат хожанинг паноҳига қочиб ўта бошладилар. Баъзи сипоҳийлар хожага: «Сиз бизнинг пуштипаноҳимизсиз. Биз Сизни подшоҳ этиб сайламоқчимиз», деб мурожаат қила бошладилар.

«Матлаб ут-толибин» чоп этилмаган. Унинг қўлёзма нусхалари кўпгина кутубхоналарда сақланмоқда. Шундан уч нусха ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида мавжуд.

2. Мемуар асарлар

Бобур. XVI асрда ўтган йирик олим ва истеъдодли оташнафас шоир. Фарғона ҳокими Темурийзода Умаршайх мирзонинг тўнғич ўғли; 1483 йилнинг 14 февралда Андижонда туғилган; 1494 йил 5 июнда 12 ёшлигида отаси ўрнига Фарғона тахтига ўтқизилган. Лекин, орадан кўп вақт ўтмай, мамлакатда кучайиб кетган тожу тахт учун бўлган кураш натижасида, Султон Аҳмад Танбал бош бўлган катта ер эгалари гуруҳи билан курашда мағлубиятга учраб, Фарғонани ташлаб чиқишга мажбур бўлди. Унинг 1497–1500 йиллари Самарқанд тахти учун олиб борган кураши ҳам мағлубият билан тугади. Бобур 1504 йилга қадар Фарғона ва Самарқанд учун курашди, лекин муваффақият қозонолмай, 1504 йилнинг ёзида (июнь ойида) Мовароуннахрни тарк этди ва Афғонистонга ўтиб кетди. Ўшанда Бобур Афғонистондаги тарқоқликдан фойдаланди ва Кобулни эгаллаб, мамлакатда ўз ҳокимлигини ўрнатди.

1511 йилнинг кузида Бобур Эрон подшоси Исмоил Сафавий (1502–1524 йй.)нинг ҳарбий ёрдамига таяниб, Самарқандни эгаллашга муваффақ бўлди, лекин унинг ҳукмрон-

лиги бир йилга ҳам етмади. 1512 йилнинг баҳорида Кўли малик (Хайробод билан Қоракўл орасида жойлашган тарихий мавзеъ) деган жойда бўлиб ўтган урушда Шайбонийларнинг (Убайдуллахон, Муҳаммад Темур султон, Жонибек султон ва б.) бирлашган кучлари уни тор-мор келтирдилар. Бобур Ҳисори шодмон тарафга қочди ва қарийб икки йил мобайнида ўша вилоятда кун кечирди ва 1514 йили яна Кобулга қайтди. У 1514—1526 йиллар орасида Шимолий Ҳиндистонга, уни бўйсундириш мақсадида, беш марта қўшин тортиди. Лекин фақат сўнгги юриш (1526 й.) да у бу бой мамлакатни бўйсундирди ва тарихда Бобурийлар (Европада Буюк мўғуллар) империяси номи билан машҳур бўлган давлатга асос солди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1630 йилнинг 26 декабрида 47 ёшида вафот этди.

Бобур ўзининг ажойиб лирик шеърлари ҳамда «Бобурнома» номли қомусий асари билан тарихда ўчмас ном қолдирди.

«Бобурнома» мемуар асар бўлиб, унда Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Ҳисори шодмон, Чағониён, Афғонистон ҳамда Шимолий Ҳиндистоннинг XV асрнинг 80—90- йиллари ва XVI асрнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи ёритилган. Бундан ташқари, асар географик ҳамда этнографик далиллар (Фарғонанинг турк-мўғул қабилалари, кўчманчи ўзбеклар қўшинининг тузилиши, Моваруннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистон халқларининг урф-одатлари ва ҳоказолар)га жуда бой.

Зайниддин Восифий. XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида ўтган таниқли адиб ва олим. Тўла исми шарифи: Зайниддин Маҳмуд ибн Абдужамил. 1485 йили Ҳиротда туғилган. Отаси ўзига тинч ва маълумотли киши бўлиб, Султон Ҳусайн Бойқаро саройида кичик лавозимлардан бирини (мунший ёки воқеанавис) эгаллаган.

Зайниддин Восифий яхши ўқиди, илоҳиёт, тарих, адабиёт ва бошқа илмларни пухта эгаллади. 16 ёшида қариндоши ва Ҳиротнинг таниқли зотларидан бўлган амир Соҳибдоронинг ёрдами орқасида Алишер Навоийнинг диққат-

этиборини қозонишга муяссар бўлди. У 1500—1502 йиллари ҳиротлик нуфузли амир Шоҳвали кўкалтошнинг хонадонада муаллимлик қилди: 1502—1507 йиллари Султон Ҳусайн мирзонинг ўғилларидан Фаридун Ҳусайннинг кутубхонасида китобдор (кутубхоначи) мансабида ишлади. 1507—1511 йиллари Восифий Шоҳруҳ мирзо мадрасасида Хуросонда кўзга кўринган илоҳиёт олими Имоиддин Иброҳимдан таълим олди.

Зайниддин Восифий Сафавийлар ҳукмронлиги ўрнатилиши (1511 йил) ва сунна мазҳабидаги мусулмонларни таъқиб этиш кучайиб кетганлиги туфайли 1512 йилнинг 17 апрелида бир гуруҳ руҳонийлар (саййид Шамсуддин Курти, амир Ҳусайн ва б.) билан бирга Мовароуннаҳрга кетиб қолди ва умрининг охиригача шу мамлакатда истиқомат қилди. Восифий Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг кўпгина шаҳарлари (Самарқанд, Бухоро, Ясси, Саброн, Шоҳруҳия, Тошкент ва б.) да истиқомат қилди ва мударрис, имом, тарбиячи (масалан, Суюнчхожагоннинг кенжа ўғли Наврўз Аҳмадгоннинг тарбиячиси) бўлиб хизмат қилди; Шоҳруҳияда бўлган йиллари эса Келди Муҳаммадгон ҳукуматида қози аскар (ҳарбий судья) лавозимида турди. Восифий 1551 йили Тошкентда вафот этди ва муқаддас манзилгоҳлардан шайх Хованд Таҳур мазорига дафн қилинди.

Зайниддин Восифий «Бадоеъ ул-вақоеъ» («Нодир воқеалар») номли тарихий-мемуар асари билан шуҳрат қозонди. Асарда 1512—1532 йиллар орасида муаллифнинг Хуросон ва Мовароуннаҳрда кўрган-кечирганлари, ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий вазият зўр маҳорат ва юксак санъат билан баён этилади. «Бадоеъ ул-вақоеъ» да Мовароуннаҳрнинг XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига оид қимматли маълумотлар кўп. Асар 1538—1539 йиллари ёзиб тамомланган.

«Бадоеъ ул-вақоеъ» асосан икки қисмдан иборат. Унинг биринчи қисми (11 бобдан иборат) Восифийнинг Ҳиротдан қочиб чиқиши (1512 й.)дан то унинг Шоҳруҳияга, Келди

Муҳаммадхон саройига келгунга қадар (1518 й.) Хуросон ва Туркистонда бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олади.

Иккинчи қисмда Восифийнинг мазкур хон саройида тез-тез бўлиб турадиган адабий йиғинлар ҳақидаги эсдаликлари жой олган.

«Бадоеъ ул-вақоеъ»нинг кўлөзма нусхалари кўп. Биргина ЎЗР ФА Шарқшунослик институти кутубхонасида мазкур асарнинг ўндан ортиқ нусхаси сақланмоқда. Асарнинг танқидий матни Санкт-Петербурглик йирик шарқшунос олим А. Н. Болдирев томонидан 1961 йили икки жилд қилиб чоп этилган. У Хоразмда 1826 ва 1907 йилларда Диловархожа ва Муҳаммад Амин тўра томонидан эски ўзбек тилига (Хоразм лаҳжасида) таржима қилинган. Айрим парчалар рус тилида А. Н. Болдиревнинг ўзи ва В. П. Юдин тарафидан эълон қилинган. «Бадоеъ ул-вақоеъ» нинг айрим қисмлари ҳозирги ўзбек тилига ҳам таржима қилинган ва 1979 йили нашр этилган.

Фасиҳ Аҳмад Ҳавофий. XV асрнинг кўзга кўринган тарихчиларидан. Тўла исми: Фасиҳ Аҳмад ибн Жалолиддин Муҳаммад; 1375 йили Ҳиротда йирик мансабдор оиласида туғилган. Фасиҳ Аҳмад турли юксак давлат мансабларида турган; 1405—1424 йиллари Алоуддин Али тархон ва Шоҳруҳ девонида хизмат қилган. У 1440—1441 йиллари Гавҳаршод бегим (Шоҳруҳнинг суюкли ва нуфузли хотини)нинг амри билан қамоққа тушиб қолди. Озод қилингандан (1441 йил 2 ноябрь) сўнг фақат илм билан машғул бўлган ва 1442 йили ўзининг йирик тарихий-биографик асари «Мужмали Фасиҳий» [«Фасиҳийнинг (тарихлар) мажмуаси»] асарини ёзиб тамомлаган ва Шоҳруҳга тақдим этган. Фасиҳ Аҳмад Ҳавофийнинг қачон вафот топгани маълум эмас.

Фасиҳ Аҳмад Ҳавофийнинг мазкур асари кўпгина тарихий, адабий, биографик, географик асарлар, масалан, ал-Маъсудий, ибн ал-Асир, ибн Ҳаллиқон, Нисовий, Жувайний, Рашидиддин, Фаҳриддин Банокатий, Вассоф, Ҳофизи Аbru, Робиъа Фушанжий, Ибн Ямин Фарюмадий, Солмон Соважий ва бошқаларнинг асарлари асосида, шу-

нингдек, муаллифнинг кузатиш ва тафтишлари натижасида тўпланган бой далилий маълумот асосида ёзилган.

Асарда Одам Атодан то муаллиф замонигача Эрон ва Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган муҳим тарихий воқеалар; машҳур олимлар, шоирлар, адиблар ва бошқа таниқли кишиларнинг таржимаи ҳоли, шунингдек, йирик сув иншоотлари ҳамда диққатга сазовор бинолар (масжид, мадраса, сардоба, карвонсарой, ҳаммом ва б.)нинг қурилиши ҳақида қисқача, лекин бениҳоят қимматли далилий маълумотлар келтирилган. Воқеалар йилма-йил, хронологик тартибда берилган. Бу ҳол асардан фойдаланишни бирмунча осонлаштиради.

«Мужмали Фасиҳий» сўз боши (дебоча), кириш (муқаддима), хотима ва икки қисм (мақола)дан иборат.

Дебочада тарих фанининг хосияти ва уни ўрганишнинг аҳамияти ҳақида гап боради; асарнинг номи ва мундарижаси келтирилади.

Муқаддимада дунёнинг «яратилиши» дан то Муҳаммад пайғамбарнинг туғилишигача бўлган давр ичида кечган воқеалар ҳақида маълумот берилади.

Биринчи мақола Муҳаммад пайғамбарнинг туғилишидан то унинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилиши (622 йили)гача бўлган даврни ўз ичига олади.

Иккинчи мақолада жуда катта давр: 622 йилдан то 1442 йилгача мусулмон оламида юз берган воқеалар баён этилади.

Хотима махсус Ҳирот шаҳарига бағишланган.

Фасиҳ Аҳмад Хавофий ва унинг мазкур асари XIX аср ўрталаридан бери илмий жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда ва машҳур шарқшунос олимларнинг (Б. А. Дорн, В. Р. Розен, Э. Г. Браун, Ч. А. Стори, В. В. Бартольд, И. П. Петрушевский, Х. Раверти, Абулҳай Ҳабибий ва б.) юксак баҳосига сазовор бўлган.

«Мужмали Фасиҳий»нинг матни 1961-1963 йиллари Маҳмуд Фаррух (Эрон) томонидан, русча таржимаси эса (фақат иккинчи мақола) 1980 йили Д. Ю. Юсупова (Тошкент) томонидан чоп этилган.

Сейди Али Реис — XVI асрда ўтган турк адмиралли; шоир ва ёзувчи. Тўлиқ исми: Сейди Али Ҳусайн ўғли; шеърлари-ни Котибий Румий тахаллуси билан ёзган.

Сейди Али Реис Буюк географик кашфиётлар натижа-сида йирик мамлакатлар: Буюк Британия, Голландия, Пор-тугалия ва Туркия каби мамлакатлар ўртасида Америка, Хитой ва Ҳиндистонга олиб борадиган денгиз йўлларига эгалик қилиш учун кураш қизғин паллага кирган бир за-монда яшади. Ҳаётини батафсил билмаймиз. Унинг ҳақида фақат қуйидагиларни айтиш мумкин. Кенг маълумотли денгизчи; султоннинг Мағриб денгизи (Ўрта Ер денгизи)-да олиб борган барча урушларида, Хайруддин пошо ва Синон пошо раҳбарлигида иштирок этган. Ота-боболари Фалатиядаги доруссалохийи омира (қурол-яроғ омбори)га бошчилик қилганлар.

Унинг хавф-хатарлар билан тўла саргузаштлари 1554 йил-нинг феврал ойида Басра (Сурия)дан бошланади. У аввал шу ерда Пийрибек раисдан қолган 15 та бузуқ кемани таъ-мирлаш ишига раҳбарлик қилади ва уларни ўзининг бўла-жак денгиз юришига ҳозирлайди. Сузиш мавсуми келгач, у Басра ҳокими Мустафо пошога қарашли қўриқчи кема етак-чилигида Басрадан чиқиб, Хормуз (Эрон) га қараб йўл олади. Басрадан Хормузгача бўлган йўл устида душман (Португа-лия) кемалари учрамади. Шу боис, Ҳиндистонгача бўлган йўлни хавф-хатарсиз ҳисоблаб, Мустафо пошонинг қора-вул кемасига ижозат беради ва ўзи, ихтиёридаги 15 кема билан, Басрадан чиққанларидан 40 кун ўтгач, 1554 йил-нинг 17 июлида Масқат (Ўммон султонлигининг марказий шаҳари, Масқат қўлтиғидаги бандаргоҳ) билан Калхат (Ма-сқатдан 126 км. жануби-шарқда жойлашган шаҳар ва бан-даргоҳ) га келиб тушади. Шу ерда душман кемалари билан тўқнашиб қолади. Бу ерда душманнинг 32 кемаси турган экан. Турклар билан португалияликлар ўртасида оғир жанг бўлади. Икки томон ҳам талафот кўради. Лекин қаттиқ ша-мол Сейди Али Реиснинг кемаларини очиқ денгизга суриб кетмаганда туркларнинг аҳволи не кечишини тасаввур қил-

са бўлади. Бир куни Сейди Али Реис ва унинг денгизчилари Форс қўлтигидаги Кермон вилоятига қарашли Жош бандаргоҳига келиб қоладилар, лекин тўхташ имконияти бўлмагач, Кичик Макронга келадилар. Бир қисми Эронга, шарқий тарафи Ҳиндистонга қарашли бўлган бу ернинг асосий халқини балиқчилар ташкил қиларди. Сейди Али Реис ва унинг денгизчилари Кичик Макрондан Белужистоннинг ғарбий тарафида жойлашган Ҳиндистонга қарашли Гвадор бандаргоҳига келиб тўхтайдилар.

Сўнг турклар деярли ишдан чиққан, бузуқ кемаларида Ҳинд океани бўйлаб сузишга мажбур бўладилар. Улар энди Яман қирғоқларига қараб сузадилар. Довуллар, тўфонлар шароитида сузишга тўғри келади. Оғир юкларни сувга улоқтиришга мажбур бўладилар. Кашявар ярим оролидаги Диу бандаргоҳига яқинлашганларида тўфон тинади. Душманга сездирмасдан Фармиён, Мангрол ва Сумот ёнидан ўтиб, Диуга яқинлашадилар. Диу бандаргоҳи кофирлар (португалияликлар) қўлида бўлганлиги учун ундан елканларни тушириб тамом яшириниб ўтадилар. Тўфон яна кўтарилади. Оғир қийинчиликлар билан сузиб, бир илож қилиб, Гужоратга етиб оладилар. Кучли довул ва тўфонларни енгиб, охири Гужоратнинг Даман бандаргоҳига етиб оладилар. Лекин, қудратли Португалия флотига қарши курашиш имконияти йўқ эди, чунки кемалар деярли ишдан чиққан, матрослар ҳолдан тойган ва аввалги жанговар руҳдан асар ҳам қолмаган эди. Шуни ҳисобга олиб Сейди Али Реис кемалари, қурол-аслаҳа ва аскарининг бир қисмини Даман ҳокими Малик Асадга топшириб, ўзи орқага — Суратга чекинишга қарор қилди. Одамнинг бир қисмини ҳам Малик Асадга топшириб кетди.

Шундан кейин Сейди Али Реис ҳамроҳларининг Ҳиндистон, Бадахшон, Мовароуннаҳр, Хоразм, Дашти қипчоқ, Хуросон ва Ироқи Ажам (Ғарбий Эрон)да кечган саргузаштлари бошланиб кетди.

Сейди Али Реис ўз юртига қайтиб боргунча (1556 й.) ўша мамлакатларда кўрган-билганларини бир китобга жам-

лаб, уни «Миръот ул-мамолик» («Мамлакатлар кўзгуси» деб атади.

Асарда нафақат адмиралнинг кўрган-кечирганлари, балки босиб ўтган мамлакатларнинг XVI аср ўрталаридаги ижтимоий-сиёсий аҳволи ва халқи ҳақида қимматли маълумотлар учратамиз.

Масалан, Сейди Али Реис ўша пайтларда Мовароуннахрни эгаллаб турган Наврўз Аҳмад Бароқхон ва Шайбонийлар билан Туркия ўртасидаги муносабатлар ҳақида мана бу маълумотларни келтиради: «Самарқанди беҳишт монандга доҳил бўлди. Бу ерда Наврўз Аҳмадхон, яъни Бароқхон билан кўришиб, унга келтирган фақирона тортиғимизни тақдим этдик. Хон бу фақирга битта от, бош-оёқ сарупо марҳамат қилди. Бундан аввал саодатли подшо (Султон Муҳаммад Фотих) шайх Абдуллатиф ва Додош элчи орқали Бароқхонга бир миқдор милтиқ отувчилар ва бир қанча қалъа тўплари юборган эди. Элчилар келган пайтда Самарқанд подшоси Абдуллатифхон вафот этиб, Бароқхон Самарқандда хонлик тахтига ўтирган, Балхда Пирмуҳаммадхон, Бухорода эса саййид Бурҳон султон ўз номларига хутба ўқитганлар. Бароқхон шу икки хонга қарши бирор чора кўришга қодир бўлмаса-да, кейинроқ уларнинг ўзаро низоларидан фойдаланган. Аввал Самарқандни олган, кейин Шаҳрисабзга бориб у ерда ҳам кўп урушган. Бу урушларда румликлар (турклар)нинг бир қанча бошлиқлари ўлган. Ниҳоят, Шаҳрисабз ҳам унинг қўлига ўтган. Яна у ердан Бухорога бориб шаҳарни бир неча вақт қамал қилган. Бухоро хони саййид Бурҳон Бароқхонга бардош беролмай, Қоракўлни Балх хони Пирмуҳаммадга берган. Пирмуҳаммадхон ўз иниларини юбориб, Қоракўлни қўлга киритган. Охири саййид Бурҳон дош беролмай, Бароқхондан омонлик тилаб, ўртада сулҳ тузилган. Бароқхон Бухорони яна саййид Бурҳонга топшириб, ўзи Қоракўл устига юрган. Пирмуҳаммадхоннинг инилари Бароқхондан омонлик тилаб, Қоракўлни унга топширганлар. Бароқхон уни ҳам саййид Бурҳонга қайтариб, ўзи Самарқандга қайт-

ган... Бароқхоннинг ёнида атиги 150 га яқин румлик найзабоз қолган. Қолганлари унинг ўғиллари ёнида қолган» («Миръот ул-мамолик», 101—102- бетлар).

Сейди Али Реиснинг Қазвинда Эрон подшоси шоҳ Таҳмосп (1524—1576) билан учрашуви ҳақида келтирган маълумотлар ўша йиллари Туркия Шайбонийлар давлати ва Эрон ўртасидаги муносабатларни тушунишда жуда муҳимдир. Асарда хусусан мана буларни ўқиймиз: «Шоҳнинг (шоҳ Таҳмоспнинг — Б. А.) элчиси Собит оға Табриз йўли орқали подшоҳ ҳазратлари (Султон Сулаймон II қонуний [1520—1566]) ҳузурига биздан олдин жўнаб кетган эди, шоҳ [шу сабабдан] бир ойгача бизга кетишга рухсат бермай, бир неча мартаба чақириб, кўп суҳбатлашди. Бир кун суҳбат вақтида «Рум диёридан Бароқхонга ёрдам бериш учун 300 та яничар¹ юборилган экан»,— деди. Мен: «Улар Бароқхонга ёрдам бериш учун эмас, балки шайх Абдуллатиф ҳазратларини қўриқлаб Румга олиб кетиш учун юборилган эди, чунки Аштархон (Астрахан) йўлида хожа Аҳмад Яссавийнинг авлодларидан Бобо шайхни черкас шаҳид қилгани сабабли, бу йўллар ёлғиз юришга хатарли ҳисобланиб қолган эди. Агар ёрдам учун юборилганда, фақат 300 тагина эмас, балки бир неча минг аскар юборилар эди»,— деб жавоб бердим»,— («Миръот ул-мамолик», 122-бет).

«Миръот ул-Мамолик» да адмирал ва унинг шериклари босиб ўтган мамлакат ва шаҳарлар, уларнинг осори атиқалари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган.

«Миръот ул-мамолик»нинг қўлёзма нусхалари ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Лекин, унинг тошбосма ва босма нусхалари, хусусан Аҳмад Жавдод амалга оширган босмалари (Истанбул Дар ас-саодат, «Иқдом» матбааси, 1895) бор. Асарнинг А. Вамбери таржима қилган инглизча нашри (Лондон, 1899) ҳам мавжуд. Асар Ш. Зуннунов тарафидан ҳозирги ўзбек тилига таржима қилиниб, 1963 йил Тошкентда («Фан» нашриётида) чоп этилган.

¹ **Яничар** — ени (янги) черик; аслзодалар ва ҳарбийларнинг болаларидан йиғиб, махсус ўргатилган сипоҳий.

VII боб. САЙЁҲЛАР ВА ЭЛЧИЛАРНИНГ ЭСДАЛИКЛАРИ

Араб, Хитой, Россия элчилари ва сайёҳларининг эсдаликларида ҳам тарихимизни чуқур ва атрофлича ўрганиш учун зарур далилий маълумот кўп. Шу боис эсдаликлар ҳам муҳим тарихий манба ҳисобланади.

Шуни эътиборга олиб, улардан айримларига қисқача тўхталиб ўтишга қарор қилдик.

1. Сайёҳларнинг эсдаликлари

Аҳмад ибн Фадлан. X асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган араб сайёҳи, илоҳиёт, тарих, география фанларини яхши эгаллаган олим ва ёзувчи. Ҳаётига оид маълумотлар кам. Ибн Фадлан 921—922 йиллари Булғор (Волга бўйи) подшосининг илтимосига биноан булғорлар орасида исломни мустаҳкамлаш, Булғор подшолигини қўшни Хазар хўқонларининг ҳужумидан ҳимоя қилиш учун қалъалар бино қилишда ёрдам бериш учун халифа Муқтадир (908—932 йй.) томонидан Бағдоддан юборилган элчилик билан (унинг котиби лавозимида) Булғорга келган. Бағдод элчилари Булғорга Ҳамадон, Рай, Домғон, Нишопур, Сарахс, Марв, Пойканд, Бухоро, Хоразм, Устюрт, Ёйиқ (Ўрол) орқали бордилар.

Ибн Фадлан ана шу саёҳат вақтида кўрган ва эшитганлари ҳақида «Рисола» деб аталган бир китоб ёзиб қолдирган. «Рисола» хусусан этнографик маълумотларга бой бўлиб, унда ўғизлар, бошқирлар, Волга ва Кама дарёлари атрофида истиқомат қилган халқлар: булғорлар, руслар, юрлар, шунингдек, Волганинг қуйи оқими ҳамда Каспий денгизи бўйларида истиқомат қилган хазар халқлари ҳақида, уларнинг турмуши, машғулоти ва урф-одати хусусида қимматли маълумотлар беради.

Ибн Фадланнинг мазкур асари XII—XIII асрлардаёқ илмий жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига тортган; география ва тарихшунос олимлар ундан биринчи манба

сифатида фойдаланганлар. Лекин, рисоланинг асли бизгача етиб келмаган. Ундан айрим парчалар Ёқут Ҳамавийнинг (қ.) «Мўъжам ул-булдон» асарида сақланган. 1923 йили унинг қисқартирилган нусхаси Машҳад кутубхоналаридан бирида топилди. Бу Ибн Фадлан ва унинг асарини кенг ўрганишга йўл очиб берди.

Ибн Фадлан рисоласининг арабча матни 1823 йили Петербургда (Ёқут Ҳамавий асарида сақланган парчалар асосида) ва 1959 йили Дамашқда нашр қилинган. Асарнинг русча таржимаси (таржимон А. П. Ковалевский) 1939 йилда нашр қилинган.

Абу Дулаф. X асрда ўтган араб сайёҳи ва географ олими. Тўла исми: Мисъар ибн Муҳалҳил ал-Хазражий ал-Янбуий. Нисбасига қараганда, Мадинанинг машҳур хазраж қабиласига мансуб бўлиб, асли Қизил денгизнинг бандаргоҳ шаҳари Янбудандир. X аср бошларида Бухорога келган ва шоир сифатида Наср II ибн Аҳмад Сомоний (тахм. 914—943 йй.) хизматига қабул қилинган. 942 йили Бухородан қайтаётган Хитой элчиларига қўшилиб, Шарқий Туркистон орқали Хитой пойтахтига борган, у ердан Ҳиндистонга ўтган. Сўнгра Сежистон (Сеистон) орқали Эронга келиб, Бувайҳийлар (932—1062 йй.) вазири, адиб ва маърифатпарвар Исмоил ибн Аббос (995 йили вафот этган) хизматига кирган.

Абу Дулаф шу ерда ўзларини Сосонийлар деб атовчи дайди ва дарбадарларнинг қилиқлари ва хос сўзлари (жаргонлари) тавсифига бағишланган «Сосонийлар қасидаси» ҳамда Бухородан Хитой ва Ҳиндистонга қилган сафари вақтида кўрган-билганлари ҳақида «Рисолайи аввал» («Биринчи рисола») асарини ёзган. Олимнинг Озарбайжон, Арманистон ва Эрон шаҳарлари бўйлаб қилган саёҳати ва уларнинг осори атиқалари ҳақида ҳикоя қилувчи «Рисолайи ухро» («Иккинчи рисола») асари ҳам Эронда ўша вақтда ёзилган. Лекин, ҳар иккала рисола ҳам 1923 йилга қадар илмий жамоатчиликка маълум эмас эди. Улардан айрим парчалар Ёқут Ҳамавий ҳамда Закария ибн Муҳаммад Казвиний асарлари

орасида сақланган. Бу парчалар, немисча таржимаси билан бирга, Ф. Вюстенфельд (1842 й.) ҳамда К. Шлёцер (1843 й.) томонидан чоп этилган. Абу Дулаф ва унинг асарлари рус шарқшунос олимлари В. В. Григорьев, В. В. Бартольд, И. Ю. Крачковский, В. Ф. Минорский, П. Г. Булгаков, А. Б. Холидов, шунингдек, немис олими И. Марквартнинг диққат-эътиборини қозонган. Аммо уларнинг айримлари (В. В. Григорьев, В. В. Бартольд, В. Ф. Минорский) Абу Дулаф келтирган, далилларга шубҳа билан қараганлар. 1923 йили Машҳад кутубхоналарининг биридан Абу Дулаф рисоаларининг қўлёзмаси топилди. И. Ю. Крачковский қўлёзмани атрофлича таҳлил этиш ва уни Ёқут Ҳамавий асаридаги парчалар билан солиштириб ўрганиш натижасида Абу Дулаф асарида келтирилган далиллар холис эканлиги, бинобарин, у Ўрта Осиё, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Озарбайжон ва Арманистоннинг тарихий географиясини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини айтди. «Рисолайи ухро» П. Г. Булгаков ҳамда А. Б. Холидов томонидан рус тилига таржима қилинган (1960 й.).

Яна бир европалик сайёҳ **Марко Поло** (1254—1324)нинг 1271—1275 йиллари Мўғулистон ва Хонбалиқ (Хитой)га қилган саёҳати ҳам шу мақсадни кўзлаган эди. Марко Поло 17 йил давомида Хитойнинг кўп вилоятларини бориб кўрган. У Самарқандда ҳам бўлган ва у ҳақда мана бу маълумотларни қолдирган: «Самарқанд катта, машҳур шаҳар. Унда сарасинлар билан бирга христианлар ҳам истиқомат қиладилар». Марко Полонинг китобида Олтин Ўрда ва Чигатой улусига қарашли шаҳарлар, уларнинг халқи ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган. Унинг асари 1298 йили чоп этилган ва бир қанча Европа тилларига таржима қилинган. Асарнинг русча нашри 1955 ва 1990 йиллари амалга оширилган.

Амир Темур даврига оид хотира асарлар ва эсдаликлар орасида бавариялик рицарь, қурчи **Иоганн Шильтбергер** ва Кастилия (Испания) қироли Генрих III (1390—1407)нинг элчиси **Луи Гонсалес де Клавихонинг** «Эсдаликлари» алоҳида ўрин тутади.

Маълумки, усмонли турклар XIV асрнинг 60- йилларида Болқон яриморида истилочилик юришларини давом эттирдилар. 1362 йили улар Шарқий Фракиянинг Адринополь (Эдирне) билан қўшни бекликларини, шундан кейин Булғориянинг Филиппополь (Пловдив), София, Шумер, Ниш ва Сербиянинг бир қатор шаҳарларини эгаллаб олдилар. Сербия билан Босния уларнинг ҳужумкорлик ҳаракатларини тўхтатмоқчи бўлдилар, лекин 1389 йилнинг 15 июнь кунини турклар Сербиянинг бирлашган кучларини Косово поседа тор-мор келтирдилар.

Усмонли туркларнинг ҳарбий тазйиқи тобора ортиб борди. Йилдирим Боязид I (1389—1402) даврида улар тамом Булғория, Сербия, Македония ва Фессалияни бўйсундирдилар; 1394 йили Мореяга бостириб кириб, унинг шаҳар ва қишлоқларини талон-торож қилдилар; Валахияни ўлпон тўлашга мажбур қилдилар; Византия устидан назорат ўрнатдилар. Шундан кейин бир қатор Европа давлатлари: Франция, Испания, Италия, Англия, Германия, Чехия ва б. қ. усмонли туркларнинг Европадаги ҳужум ҳаракатини тўхтатишга қасд қилдилар ва ҳарбий кучларини бирлаштириб, Булғория устига келдилар. Икки ўртадаги уруш Булғориянинг Никополь шаҳри ёнида 1396 йилнинг 15 сентябрида содир бўлди. Бу сафар ҳам туркларнинг қўли баланд келди.

Ўшанда Шильтбергер немис қўшини орасида эди. У турклар тарафидан асир олинган европаликлар билан қўшиб Туркияга олиб кетилди ва қарийб 8 йил Боязид I нинг хизматида бўлди. Кейин, 1402 йили Анқара ёнида бўлган урушда Амир Темур тарафидан асир олинди ва Самарқандга олиб кетилди. Амир Темурнинг вафотидан (1405) кейин у дастлаб Шоҳруҳ, сўнгра Мироншоҳ ва унинг ўғли Абубақр мирзо хизматида бўлди. Шундан бошлаб унинг Осиё ва Африка бўйлаб жаҳонгашталиги бошланди. Шильтбергер қарийб 31 йил мобайнида қилган «саёҳати» пайтида кўрган-билганларини эсдалик сифатида ёзиб қолдирган. Унда жуда кўп ноаниқликлар (айрим воқеаларни бўрттириб ёки камситиб ёзишлар) бор. Шунга қарамай, Иоганн Шильтбергер-

нинг кундаликларида қимматли тарихий маълумотлар, муҳим далилларни ҳам учратамиз. Бир-иккита мисол:

1) Темурийлар, хусусан уларнинг Озарбайжондаги ноиблари (масалан, Абубакр мирзо) Олтин Ўрда ҳукмдорларининг ўзаро курашларига аралашиб турганлар.

2) XV асрнинг бошида Олтин Ўрданинг ички аҳволи ва бунда қудратли амир Едигей (Идику Ўзбек)нинг номи кўрсатиб ўтилади.

3) Озарбайжон, Дашти қипчоқ ва унинг халқи ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади. Масалан, Озарбайжон ҳақида бундай маълумотлар бор: Табриз Эроннинг бош шаҳарларидан. Унинг савдодан оладиган фойдаси тамом бир христиан давлати топадиган фойдадан ортиқ; «Султония, Рай, Мароға, Ахлат, Гилон ҳам ушбу мамлакатнинг йирик шаҳарларидан ... Райнинг халқи бошқалардан шу билан фарқ қиладики, у Муҳаммадга эмас, балки Алига имон келтиради. Уларни рофизийлар¹ деб атайдилар». Дашти қипчоқ ва унинг халқи ҳақида Иоганн Шильтбергернинг «Эсдаликлари» да мана бундай гаплар бор: «Мен, шунингдек, Буюк Татаристонда² ҳам бўлдим. Халқи дон экинларидан фақат тарих экади. Улар умуман нон ва вино истеъмол қилмайдилар. Вино ўрнига от ва туянинг сутини ичадилар, шу ва бошқа ҳайвонларнинг гўштини ейдилар ... Яна шуни ҳам айтиш керакки, хон сайлашда уни оқ кигизга ўтқизиб, уч марта кўтариб ерга қўядилар, сўнг чодир атрофида айлантириб, кейин ичкарига олиб кирадилар ва тахтга ўтқизадилар.»

Умуман, бу китоб Шарқий Европа, Кичик Осиё, Эрон, Мовароуннаҳр, Дашти қипчоқ, Ироқ, Сурия ва Миср мамлакатлари тарихи ва халқи ҳақида айрим, диққатга сазовор маълумотлар беради.

¹ **Рофизийлар** — ғайридинлар. Сунна мазҳабидаги мусулмонлар шиаларини шу ном билан атаганлар.

² **Буюк Татаристон** — европаликлар Дашти қипчоқ (Иртиш дарёсининг бошланишидан Днепр дарёсигача бўлган ерлар)ни XI асрдан бошлаб шундай атаганлар.

Иоганн Шильтбергернинг мазкур асари «Иоганн Шильтбергернинг Европа, Осиё ва Африка бўйлаб қилган саёҳати (1394—1427 йй.)» деб аталади ва унинг рус тилида (немисча таржимаси 1859 йили амалга оширилган) учта яхши нашри бор. Биринчиси Одесса университетининг профессори Ф. К. Брун тарафидан 1867 йили, иккинчиси Озарбайжон Фанлар Академиясининг академиги З. М. Бунёдов (1984), ниҳоят, учинчиси 1997 йили Тошкентда амалга оширилган.

Луи Гонсалес де Клавихонинг «Эсдаликлар»ида XV аср бошидаги Мовароуннахрнинг ички аҳволи, унинг обод шаҳар ва қишлоқлари, хусусан Шаҳрисабз ва пойтахт шаҳар Самарқанд ҳақида, Амир Темур саройидаги удумлар, соҳибқироннинг хотинлари ва уларнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади.

Масалан, Кеш (Шаҳрисабз) ҳақида Клавихонинг «Эсдаликлар»ида қуйидагиларни ўқиймиз: «Эртаси куни, 1404 йилнинг 28 август пайшанба куни, тушлик пайтида Кеш деб аталмиш катта бир шаҳар олдиға келиб тўхтадик. Шаҳар ҳар тарафини сой ва ариқлар кесиб ўтган текислик ерда жойлашган экан. Шаҳарнинг тевараги обод қишлоқлар ва боғлар билан ўралган эди. Унинг теварак атрофи ҳам текис бўлиб, кўпгина обод қишлоқлар, наҳрлар, ўтлоқлар бор. Ёзда бу ер жуда чиройли. Суғориладиган ерларида буғдой, узум, пахта, қовун-тарвуз етиштирилади; катта мевали дарахтлар ўсади. Шаҳар пахса девор ва чуқур хандақ билан ўралган; дарвозалари қаршисига осма кўприклар ўрнатилган. Темурбекнинг асли шу Кешдан. Отаси ҳам шу ерда туғилган. Катта иморатлар ва масжидлари кўп. Иморатларидан бири, Темурбек ҳали қуриб битирмаган жуда катта сарой; унинг ичида катта бир мақбара жойлашган. Унга Темурбекнинг отаси дафн этилган. Яна битта мақбара ҳам бўлиб, уни Темурбек ўзи учун қурдирган. Лекин у ҳали битказилмаган. Айтишларича, у бундан бир ой олдин Кешда бўлганида уни кўриб ёқтирмаган, чунки эшиклари паст қилиб қурилган экан. Темурбек уни қайтадан қуришни буюрган. Ҳозир қурилишда усталар ишлаб турибди. Бундан ташқари, мазкур мақбара ичида ҳозир унинг Жаҳон-

гир исмли тўнғич ўғли ётибди. Масжид билан мақбаранинг девор ва шиплари олтин, ложувард ва кошинлар билан қопланган; саҳни катта ва унга дарахтлар экилиб, ҳовузлар қурилган. У ерга Темурбекнинг амри билан ҳар куни, отаси ва ўғлининг руҳини йўқлаб йигирмата пиширилган қўй гўшти юбориб турилади. Элчиларни ушбу масжидга олиб бордилар ва уларнинг олдида дастурхон ёзиб, кўп гўшт ва мевалар тортиб зиёфат қилдилар. Зиёфатдан кейин уларни катта бир қасрга олиб бориб жойлаштирдилар.

Эртасига, жумъа куни, элчиларни Темурбекнинг амр-фармони билан қурилаётган катта бир саройга олиб бордилар. Айтишларича, унда йигирма йилдан бери усталар ва ишчилар тиним билмай ишлаб турибдилар. Саройга кириш йўли узун, дарвозалари баланд. Киришда, дарвозаларининг ўнг ва сўл тарафида пишиқ ғиштдан қурилган ва ҳар хил нақшин кошинлар ва нақш билан безатилган пештоқ бор. Пештоқ остидаги супаларда Темурбек саройда бўлган пайтларда соқчилар ўтирган. Биринчи дарвозанинг кетидан иккинчи дарвоза келади ва улардан ўтиб саройнинг саҳнига ўтилади. Устига оқ мрамор ётқизилган ва атрофи безатилган айвонлар билан ўралган катта ҳовлига кирилади. Ҳовли ўртасида катта ҳовуз бор. Ҳовлининг саҳни энига уч юз қадам келади. Саройнинг энг катта хонасига шу ҳовли орқали кирилади. Унга катта йўлак ва олтин суви берилган, ложувард ва кошин билан қопланган, катта санъат билан ишланган улкан ва баланд эшик орқали кирилади. Эшик тепасида, унинг ўртасида, кўёш фониде турган шеър тасвири туширилган. Шундай тасвир эшикнинг ёнларига ҳам туширилган. Бу — Самарқанд подшосининг гербидир... Шу эшик орқали тўртбурчакли, олтин, ложувард ва бошқа рангдаги кошинлар билан қопланган қабулхонага кирилади...»

Клавихонинг бу ҳикоясида Амир Темур Шаҳрисабзда қурдирган маҳобатли ва гўзал Оқсарой кишининг кўз олдида намоён бўлади. Лекин, Клавихо бўлган пайтда, сарой қурилиши ҳали охирига етказилмаган эди. Шунинг учун унинг асл моҳиятини, не мақсадда қурдирилганлигини бирдан англаш қийин бўлади. Жумбоқни тахминан 90 йил ўтиб кел-

ган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ечиб берган. Унинг сўзларига қараганда ҳазрат соҳибқирон Кешни бошда пойтахт қилмоқчи бўлгани учун оқсаройни ҳам подшонинг аҳлу оиласи билан, турар жойи ҳамда давлат муассасалари жойлашган расмий қароргоҳ сифатида қурдирган. «Бобурнома»да, масалан, мана бундай дейилган: «Темурбекнинг зоду буди Кешдин (бўлғони) учун шаҳар ва пойтахт қилурга кўп саъй ва эҳтимоллар қилди, олий иморатлар Кешга бино қилди. Ўзига девон ултирур учун бир улуғ пештоқ ва яна унинг ёнида ва сўл ёнида тавочи беклари ўлтуруб девон сўрар учун, икки кичикроқ пештоқ қилибдур. Яна саврун эли ўлтирур учун бу девонхонанинг ҳар зильида кичик-кичик тоқчалар қилибдур. Мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар. Дерларким, Кисро токидин бу бийикроктур».

Клавихо Амир Темурнинг отаси ва хотинлари ҳақида ҳам ўта қимматли маълумотлар келтирган. Масалан, амир Тарағай баҳодир ҳақида бундай дейди: «Темурбекнинг отаси олийжаноб одам бўлган, чиғатой уруғидан. Маишати ўртача бўлган. Уч-тўрт йигити бўлиб, Шаҳрисабздан кўп ҳам олис бўлмаган қишлоқлардан бирида яшаган.»

Ҳазрат соҳибқироннинг хотинлари қабул маросимлари ва подшонинг мажлисларида эркаклар билан бир қаторда иштирок этганлар. Клавихо Амир Темурнинг хорижий мамлакатлардан келган элчиларни қабул қилиш маросимларидан бири ҳақида ҳикоя қилар экан, унда ҳазрат соҳибқироннинг хотинлари Сарой Мулк хоним (Каньо), кичик хотини Чўлпон Малик ва катта келини Хонзода бегойимлар ҳозир бўлиб, Амир Темурнинг ёнида ўлтирганлар.

Темур ўз даврида қонун устиворлигини, у ҳамма учун баробар эканлигини таъминлаган давлат арбоби эди. У етти йиллик (1399—1404) ҳарбий юришдан қайтиб келгач, бозор майдонида мансабини суиистеъмол қилган бир вазирни, молини ортиқ нархда сотган бир неча косибни ҳамманинг олдида тергаб-текшириб жазога буюргани маълум. Бу воқеани ўз кўзи билан кўрган Клавихо бу ҳақда қуйидагиларни ҳикоя қилади: «Подшо биринчи бўлиб, ўзининг маш-

хур вазирларидан бирини жазога тортди. Темурбек етти йиллик юришга кетаётиб уни давлат тепасига қўйиб кетган эди. Темурбек йўқ пайтида ўша вазир, айтишларича, ўз мансабини суистеъмол қилган... Темурбек баъзи дўкондорларни, гўштни қиммат баҳода сотган қассобни, молини ортиқ баҳода сотган махсидўзларни, этикдўзларни ва косибларни ҳам жазога буюрган».

Клавихонинг «Эсдаликлар»ида Самарқанднинг осори атиқалари ва бозорлари, у ерга кўп мамлакатлардан олиб келинган моллар ҳақида ҳам ўта қимматли маълумотлар келтиради.

Клавихонинг 1404 йили Самарқандга, Амир Темур саройига қилган саёҳатномаси 1582 ва 1779 йиллари эски испан тилида нашр этилган. Асарнинг русча таржимаси К. И. Срезневский таҳрири остида 1881 ва И. С. Муракова тарафидан 1990 йили нашр этилган.

2. Рус элчилари ва ҳарбий мутахассисларининг эсдаликлари

Ўрта Осиё Россия ва унинг сармоядор гуруҳларини ҳар жиҳатдан: ҳарбий-стратегик, яъни унинг Ҳиндистон ва Хитойга яқинлиги, заминининг бойлиги ва халқининг соддадил ва меҳнатсеварлиги билан кўп вақтлардан бери қизиқтириб келган. Ўрта Осиё билан қизиқиш, уни Россиянинг мустамлакасига айлантириш йўлидаги ҳаракат подшо Михаил Фёдорович (1613—1645) давридан бошланди ва икки юз қирқ беш йилдан кейин, 1865 йили Қўқон, Бухоро ва Хива хонликларини бўйсундириш билан якунланди.

Россия ҳукумати ўзининг бу сиёсатини амалга ошириш учун Ўрта Осиёни яхши билган, кенг маълумотли дипломатлари ва ҳарбийларидан фойдаланди. Улар оғизда савдо ва маданий алоқаларни ривожлантириш учун, аслида эса мамлакатдаги ҳарбий-сиёсий вазиятни ўрганиш, Қўқон, Бухоро ва Хива хонликларининг қўшни давлатлар: Ҳиндистон, Эрон, Туркия ва Хитой билан қандай муносабатда экан-

лигини аниқлаш ва Ўрта Осиё шаҳарларига олиб борадиган яқин ва қулай йўлларни белгилаш учун юборилди.

Сўзимизнинг исботи учун 1620 йилдан то рус армиясининг Ўрта Осиёга бостириб киришигача кечган икки юз йил мобайнида мамлакатимизга Россиядан келиб кетган баъзи элчиликлар ва ҳарбий мутахассисларнинг фаолиятига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Иван Данилович Хохлов элчилиги. Хохлов — XVII асрда ўтган истеъдодли рус дипломати. Ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар жуда кам. И. Д. Хохловни махсус ўрганган йирик рус шарқшунос олими Н. И. Веселовский (1848—1918) келтирган¹ маълумотларга кўра, у аслида қозонлик бўлиб, аслзода (боярин) оиласида дунёга келган. Унинг ҳақидаги дастлабки маълумот XVI асрнинг 90- йилларига тегишли. У ўша вақтда, оғаси Василий билан бирга, давлат хизматида бўлган ва Қозондаги ўқчилар қисмига бош бўлиб турган. 1600 йили юртига қайтиб кетаётган Эрон элчиси Пирқулибекни Қозондан Саратовгача (шаҳарга 1590 йили асос солинган) кузатиб қўйган.

1606 йили И. Д. Хохлов, оғаси Василий ҳамда воевода Головин билан биргаликда Терекка, унинг халқини янги подшо **Василий Иванович Шуйский** (1606—1610)га қасамёд қилдириш учун юборилади. Лекин, терекликлар янги рус подшосини тан олмайдилар, Хохловни бўлса қаттиқ дўппослаб, қамаб қўядилар. Маълум вақт ўтиб терекликлар И. Д. Хохловни соқчи қўшиб Астраханга жўнатиб юбордилар. Шу тариқа у Астраханда етти йил, 1613 йилгача қамоқда ўтирди. 1617 йили Астраханда ҳокимият атаман И. В. Заруцкий қўлига ўтди ва у И. Д. Хохловни озод қилиб, Эронга, шоҳ Аббос I (1587—1629/30) ҳузурига элчи қилиб юборди. Атаман Заруцкий шоҳдан пул, озиқ-овқат ва аскар билан ёрдам беришини сўради ва Москвани эгалла-

¹ **Веселовский Н. И.** Иван Данилович Хохлов (русский посланник в Персии и Бухаре в XVIII веке), ЖМНП, ч.273, Москва, 1891, с.48—72.

гандан кейин Астраханни унга инъом қилажагини билдирди. Шоҳ Аббос I бошда бунга кўнди ва атаманга 12 туман нақд пул ва катта миқдорда озиқ-овқат юборишини ваъда қилди. Лекин кейинча, ўз элчиси хожа Муртаздан атаман Заруцкий исёни барбод бўлгани ва тож-тахт Михаил Фёдорович қўлига ўтганини, Эронга Россиядан Алексей Бухарин ва Михаил Тиханов бошлиқ янги элчилар келгани ҳақидаги хабарни эшитганидан кейин, фикридан қайтди. Шоҳ Россия элчиларини катта совға-саломлар билан қайтариб юборди. Ўшанда И. Д. Хохловга ҳам кетишига ижозат берди. Лекин, Владимирга етганларида подшонинг амри билан уни тутиб қолдилар. 1615 йилнинг июль ойида, Астраханда Заруцкий исёни бартараф қилингандан кейин, И. Д. Хохловнинг гуноҳидан кечдилар ва уни қўйиб юбордилар. Д. Хохловнинг тақдири 1620 йилгача қандай бўлганлиги бизга маълум эмас.

Фикримизча, шу давр ичида у Қозон ҳокими (воеводаси)нинг хизматида бўлган.

1620—1622 йиллари у подшонинг фармони билан Ўрта Осиёда, Бухоро ва Хива хонликларида бўлди. Россияга қайтгандан (1622 йил 12 декабр куни) кейин у бирмунча вақт Москвада истиқомат қилди; 1623 йилнинг бошларида унга Қозонга қайтишига ижозат берилди ҳамда воевода Иван Одоевскийнинг хизматида бўлди. И. Д. Хохлов 1624 йилнинг 8 декабрида яна Москвага чақиртириб олинди ва Бухоро ва Хива хонликлари ҳақидаги маълумотларни тартибга солиш ҳақида топшириқ олди.

И. Д. Хохловнинг ҳаётига оид сўнги маълумот 1629 йилга тегишли. Ўша йили у Эрон элчиси Муҳаммад Силибек ва Эроннинг савдо карвонини Қозондан Москвагача ва Москвадан Қозонгача кузатиб қўйган.

И. Д. Хохловдан икки муҳим ҳужжат: подшонинг махсус топшириғи (наказ) ва И. Д. Хохловнинг Бухоро ва Хива хонликларининг аҳволи ҳақида подшога ёзган ахбороти (Статейный список) қолган.

Биринчи ҳужжатда элчилик зиммасига юклатилган вазифалар ҳақида сўз боради. Унинг вазифаси энг аввало,

ҳар икки хонлик ҳукмдорларини Россия билан дўстлашиш, савдо ва борди-келди алоқаларини ўрнатишга кўндириш; хонларни Россия қудратли давлат эканлиги ва унинг бошқа нуфузли давлатлар билан яхши муносабатда эканлигига ишонтириш, хонликлардаги рус асирларини озод қилиш; ҳар иккала хонлик ўртасидаги мавжуд муносабатлар, хонликларнинг Эрон, Туркия ва Грузия билан муносабатлари қандай эканлигини аниқлаш, табиий бойликлари ва ҳарбий қудратини аниқлашдан иборат бўлган.

Ҳўш, И. Д. Хохлов элчилиги ўзига топширилган бу вазифаларни бажара олдимми ёки йўқми? Унинг Элчилар маҳкамаси (Посольский приказ)га ёзган ахбороти (Статейный список)га қараганда, у ўзига юклатилган вазифанинг катта қисмини бажарган.

Масалан, Имомқулихон ўз ихтиёридаги 23 рус асирини озод қилган. Бой-бадавлат кишилар, амирлар ва савдогарлар қўлидаги асирлар хусусида Имомқулихон элчига «уларни қидиришга ҳозирча фурсат йўқ, хизматкори (Тошкент ҳокими Турсунхон) исёнини бостиргандан кейин император жаноби олийларининг бу илтимосини бажарамиз ва топганларимизни ўзимиз юборамиз», деб ваъда берган.

Ҳар иккала хонликдаги ички вазият ҳақида ҳам Россия элчиси кўп маълумотлар тўплашга муваффақ бўлган. Элчининг ахборотида, масалан, қуйидагиларни ўқиймиз: «... (биз Бухорода бўлган пайтда) Бухоро хони билан Тошкент ҳокими ўртасида уруш бораётган эди. Хон унга қарши ўзининг катта амири Надр девонбегини 40 минг аскар билан жўнатди. Шулардан 10 минг навқарини Тошкент ҳокими урушда ҳалок қилди. Шундан кейин Имомқулихоннинг шаҳзодалари бориб Турсун султоннинг йигитларини мағлубиятга учратдилар. Икки ўртадаги уруш ҳали бир ёқлик бўлгани йўқ ...»

Имомқулихон Россия элчиси келиб-кетган вақт ичида ўзаро урушлар ва исёнлар туфайли Балх билан Самарқандда турди. Шу вақт ичида элчи уни икки марта бориб кўрди,— биринчи марта, Бухорога келганидан ўн кун кейин, иккинчи марта юртига қайтиб кетиши (1622 йил 3 август) олдидан. И. Д. Хохловнинг ахборотида ўқиймиз: «Хон ўша вақтларда

Самарқандда эмас эди. Иниси Надр Муҳаммад ҳузурига қочиб бориб турган эди.» Имомқулихон Самарқандга И. Д. Хохлов Бухорога келгандан бир ҳафта ўтгандан кейин, қайтиб келди. Лекин қаттиқ оғриб қолди. Рус элчиси билан музокарани Надр девонбеги олиб борди. Музокараларда кўтарилган асосий масала қалмоқлар, нўғайлар, шунингдек, рус асирларини озод қилиш масаласи бўлди. Рус асирлари хусусида Надр девонбеги элчига бундай жавоб берди: «Имомқулихон сизга қуйидагиларни айтишимни буюрди: «Барча рус асирларини хон бўшатиб юборишни буюрди. Бошқаларини иншооллоҳ, Турсун султон билан уруш тугагандан кейин қидиртириб топади ва юртига жўнатиб юборади. Сизнинг подшоҳингиз ҳам шу тарзда иш тутиб, қўлидаги Имомқулихоннинг одамларини бўшатиб юборсин».

Бухоро ва Хива хонликларининг ички аҳволи ҳақида ҳам И. Д. Хохлов муҳим маълумотлар тўплаган. Унинг маълумотларидан маълум бўлишича, мамлакат ўзаро урушлар исканжасида қолган, Балх, Тошкент ва Самарқанд устида турган ноиблар марказий ҳукуматга бўйсунитдан бош тортиб, ўзларини мустақил тутаётганликлари натижасида ҳукумат кучсизланиб қолган.

Хива хонлигида ҳам айнан шундай вазият ҳукм сурар эди. Бу ерда Араб Муҳаммадхон (1602—1623) билан унинг ўғиллари Аванеш ва Ильборс ўртасида тож-тахт учун кураш борарди. И. Д. Хохловнинг Элчилар маҳкамасига ёзган ахборотида ўқиймиз: «Урганч заминида исён бошланган. Арабхоннинг ўғиллари Аванеш билан Ильборс (отасини) тутиб олиб кўзига мил тортганлар. Арабхоннинг бошқа ўғиллари: Абулғози билан Шариф Султон Бухоро хони ҳузурига қочиб кетганлар».

Россия элчиси Хива хонлиги ҳудудларига Ёйиқ (Ўрол) казаклари ва қалмоқларнинг тез-тез қилиб турган талончилик хуружлари ҳақида ҳам муҳим маълумотлар келтиради. Бу ҳақда И. Д. Хохловнинг маълумотномасида мана буларни ўқиймиз: «Иван Боватда (Богогда) тутқинда турган пайтда Урганчга қарашли кўчманчи халқ устига босқинчи рус казаклари Трен-

ка Усь ва унинг одамлари бостириб кириб, туркманларни талон-торож қилдилар; кўп одамларни ўлдирдилар, кўпларини асир қилиб олиб кетдилар... Урганч ерларига қалмоқлар ҳам кўп бор бостириб келган. 1220 ва 1221 йиллари Урганчга қарашли ерларга бостириб кириб, кўпларни ўлдирган».

Россия элчисининг хабарномасида Бухоро, Хива шаҳар ва қишлоқларининг умумий аҳволи ҳақида ҳам муҳим маълумотлар келтирилади. Улар элчи келган пайтда анча харобаликка юз тутиб қолган эди. Элчининг сўзларига қараганда, бунга тинимсиз ўзаро урушлар, тожу тахт учун кураш ва қозоқ, қалмоқ ва ёйиқ казакларининг тез-тез қилиб турган хуружлари сабаб бўлган. Маълумотномада божхона тўловлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар учратамиз. Божхона ҳақи, биринчидан, мамлакатдан мамлакатга ўтгандагина эмас, балки бир мамлакатнинг ўзида бир вилоятдан иккинчи вилоятга ўтганда ҳам олинган. Иккинчидан, у нақд пул билан ҳам, мол билан ҳам тўланган. Масалан, ҳар бир юкдан 33 парча мато ҳажмида бож олинган.

Шунингдек, И. Д. Хохлов Бухоро ва Хива хонликларининг Ҳиндистон ва Эрон билан бўлган муносабатлари ҳақида ҳам айрим маълумотлар тўплаган. Масалан, унинг хабарномасида бундай гаплар бор: «Имомқулихоннинг, Балх хони Надр Муҳаммадхоннинг қизилбошлар подшоси шоҳ Аббос билан алоқаси ёмон. Улар (бир-бирлари билан) уруш ҳолатидадирлар. Ҳозирги пайтда улар орасида уруш бўлаётгани йўқ. Тинчлик ҳам ўрнатилмаган. Урушнинг йўқлигига сабаб, шоҳ билан Ҳиндистон ўртасида (Қандаҳор учун) уруш бормоқда». Бухоро ва Балх хонликлари билан Ҳиндистон ўртасида ҳам муносабатлар айнан шу вақтда яхши бўлмаган. Бунинг сабабини Россия элчиси бундай шарҳлайди: «Бухоро хони Имомқулихон Ҳиндистон подшосига лочин юборган эди. Балх хони Надр Муҳаммадхон бўлса уни (Бухоро элчисидан) тортиб олди. Шу сабабдан Ҳиндистон подшоси у билан савдо алоқаларини узди, савдогарларини Балх билан Бухорога юбормай қўйди, Бухоро савдогарларига Ҳиндистон молларини олиб кетишни ман қилди...»

И. Д. Хохловнинг гувоҳлик беришича, Хива хонлиги билан Эрон ўртасидаги муносабатлар ҳам ўша пайтларда яхши бўлмаган. У, масалан, ёзади: «Урганчликлар шоҳ Аббос билан яхши муносабатда эмаслар. Иван (Хоразмда турган кунлари) хонзода Ильборс қизилбошларга қарашли Обивардга ҳужум қилган, обивардликларнинг отлари ва туяларини тортиб олган. Шунингдек, 100 одамни асир қилиб ҳайдаб кетган...»

Ака-ука Пазухинлар элчилиги. Ака-ука Пазухинлар Ўрта Осиё хонликларининг умумий аҳволи, хонликларга, Эрон ва Ҳиндистонга Астрахан орқали олиб борадиган карвон йўли ҳақида кенг маълумот олиб келган Россия элчилари.

Ака-ука Пазухинларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар кам. Бу ҳақда қуйидагиларни айтиш мумкин. Келиб чиқиши аслзода (дворян) авлоди. Катта Пазухин — Борис Андреевич Пазухин 1669—1673 йиллари стольник мансабида давлат хизматида бўлган ва иниси Семён Иванович билан биргаликда 1669—1671 йиллари Бухоро, Балх ва Урганчга юборилган Россия элчилигига бошчилик қилган. Орадан саккиз йил ўтгач, 1679 йили Қримга элчи қилиб юборилган. Йўлда исёнчи рус казакларининг ҳужумига дучор бўлган ва олишув пайтида ўлдирилган.

Ака-ука Пазухинлар (элчилик таркибида 10 киши бўлган) Бухорога Ёйиқ-қалмоқ улуси ва Хива орқали борганлар, қайтишда эса Эрон — Шемаха ва Боку орқали қайтишган.

Элчилар Бухоро ва Хивада ҳаммаси бўлиб икки ярим йил турганлар.

Подшо ва элчилик маҳкамаси тарафидан берилган ҳужжатлардан маълум бўлишича, ака-ука Пазухинлар элчилиги олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:

1) ҳар икки давлат: Россия ва Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги дўстлик ва савдо алоқаларини мустаҳкамлаш. Подшо Алексей Михайлович (1645—1676 йй.) нинг Бухоро хони Абдулазизхон (1645—1680 йй.) номига йўллаган мактубида ўқиймиз: «...биз ота-боболаримизнинг (ишларини) ўзаро дўстлик ва иззат-ҳурматда бўлиш, борди-келди ало-

қаларини давом эттириш ҳақидаги кўрсатмаларини эсда тутиб, сизнинг савдогарларингизга бизнинг мамлакатимизга, бизнинг савдогарларимизга Сизнинг мамлакатингизга бемалол бориб келишларини яхшилайллик».

2) Бухоро, Балх ва Хива хонликларида сақланиб турган рус асирларини озод қилишга ҳаракат қилиш. Элчилик маҳкамаси (Посольский приказ) берган махсус йўриқнома (Наказ)да бундай дейилади: «Бухоро, Балх ва Урганчга қарашли ерларда сақланаётган рус асирлари (барча чоралар билан) озод қилинсин. Шуни ҳам айтиш керакки, элчиликка «Подшо олий ҳазратларига тегишли кишиларни, аслзода (дворян ва бояр)ларнинг болаларини қидириб топиб озод қилишга» алоҳида эътибор бериш топширилди.

3) Ўрта Осиё хонликларининг ички ва халқаро аҳволини, улардан қайсиларига суяниш мумкинлигини аниқлаш. Масалан, Элчилик маҳкамасининг йўриқномасида (Наказида) мана бундай гаплар бор: «(хонликлардан) қайсиниси кучлироқ ва ишончлироқ бўлса, ўшаниси билан алоқа ўрнатиш лозим. Борис ва унинг ҳамроҳлари Бухоро, Балх ва Урганчда бўлганларида уларнинг хонлари ҳозирги пайтда Туркия султони, Эрон шоҳлари ва Грузия билан қандай муносабатда эканлигини, кимлар билан алоқаси йўқлигини, шу кунларда Хоразм тахтида ким ўтирганини ҳар қандай йўл билан аниқласинлар; Бухоро, Балх ва Урганч хонларининг хазинаси бойми, аскарлари кучлими, шуларни ҳам аниқласинлар».

Москва ҳукумати ака-ука Пазухинларга ҳам Бухородан Ҳиндистонга олиб борадиган қулай йўлни аниқлаш вазифасини юклаган эди. Улар бу вазифани бажариш учун таржимонлар Никита Медведев ва Семён Измайловларни Балхга жўнатдилар. Улардан фақат Никита Медведев Пазухинлар ҳузурига қайтиб келди (иккинчи таржимон Семён Измайлов Кобулда қолди) ва Балхдан Ҳиндистон пойтахти Шохжаҳонobodга олиб борадиган йўл ҳақида маълумот келтирди. У, хусусан, бундай деди: «Ҳиндистонга олиб борадиган йўл Балхдан аҳоли яшаб турган қишлоқлар орқали ўтади. Йўлда ҳеч

қандай одобсизлик, талон-торож ва бож олиш деган нарсалар йўқ». Таржимон Шоҳжаҳонobodга йўл Хинжон, Парвон, Кобул, Пешовар орқали ўтишини айтди. Яна деди: «Хинжон билан Парвон оралиғида Ҳинд тоғлари (Ҳиндикуш Б.А.) ётади. Тўғри йўлдан, тоғ орқали борилганда масофа 6 кунлик, тоғни айланиб борилганда — 4 ҳафталик йўл».

Ака-ука Пазухинларнинг ҳисоботларидан (Статейный список) кўринишича, элчилар ўзларига топширилган ҳамма топшириқни тўла бажаролмаганлар.

Ака-ука Пазухинларнинг маълумотномасида Ўрта Осиё хонликларининг иқтисодий аҳволи ҳақида қуйидагилар келтирилади: Заминининг бойлигига қарамай, ғалла кам етиштирилиши ва шу сабабдан ғалла танқислиги мавжудлиги айтилади. «Бухоро, Балх ва Хивада, — ўқиймиз унда, — ғалла кам экилади. Ғалласи йил сайин камайиб бораётир.» Шунинг билан бир қаторда, хонликларда пилла етиштириш яхши йўлга қўйилгани ва ипакни ҳатто Туркия орқали Германияга олиб бориб сотилаётганини маълум қилади. Чунки, элчиликка Осиё ипаги савдосини Россияга буриб юбориш хусусида махсус топшириқ берилган эди. Хусусан, «Йўриқнома» да бу тўғрида «Бухоро ва бошқа шаҳарларда хом ипак етиштирилади. Уни Эрон ва Туркия орқали Германияга элтиб сотадилар, Астрахан ва Москвага эса олиб бормайдилар». Шу сабабдан ака-ука Пазухинларга хом ипак ишлаб чиқарувчилар ва бу маҳсулот билан савдо қилувчиларни қандай бўлмасин «маҳсулотни Астрахан ва Москвага олиб боришга кўндирсин», дейилган.

Хонликлардаги иқтисодий аҳвол хусусида берилган ахборотлар ичида мана бу маълумот ҳам ўта муҳимдир: «Хоннинг хазинаси ғариб, чунки ҳамма қишлоқлардан ундириладиган хирож ҳарбийлар ва мансабдорларга маоши учун (танҳо) тақсимлаб берилган». Бошқа сўз билан айтганда, солиқлардан келадиган даромад камайиб кетган.

Ака-ука Пазухинлар Ўрта Осиё хонликларидаги мавжуд ҳарбий-сиёсий аҳвол ҳақида ҳам муҳим маълумотлар тўплаганлар. Элчилик маҳкамасига (Посольский приказга) берил-

ган ахборотдан маълум бўлишича, Бухоро билан Балх хонлиги ўртасидаги зиддиятлар ниҳоятда кучайиб кетган. Элчилар келган пайтда (1669 йили) Балх хони Субҳонқулихон Бухорога итоат этмай қўйган ва мамлакатининг мустақиллигини эълон қилган эди. Натижада икки ўртада уруш хавфи туғилди. Субҳонқулихон дарёнинг сўл қирғоғида катта қўшин тўплади. Абдулазизхон ҳам шундай қилди. Амударёнинг ўнг соҳилига қўшин юборди ва хон ўрдасини Бухородан Қаршига кўчиртирди. Абдулазизхон бу билангина кифояланиб қолмади. Балх хонига қарши Хива хони билан иттифоқ тузди. Анушахон (тахм. 1663— 1687) 1670 йили катта қўшин билан Балх остонасида пайдо бўлди ва Балхга қарашли барча қишлоқларни талон-торож қилди. Ўшанда Абдулазизхон ҳам, Субҳонқулихон ҳам қўшин билан дарё ёқасида бир ярим йилдан ортиқ турдилар, лекин дарёдан ўтишга ботинолмадилар.

Ахборотда (Статейный список) Ўрта Осиё хонликларининг, хусусан, Бухоро хонлигининг, маъмурий ва давлат тузилиши ҳақида ҳам диққатга сазовор маълумотлар келтирилган. Унда, хусусан, юқори мансабда турган амалдорлар, масалан оталиқ, девонбеги, меҳтар, парвоначи, додхоҳ, ясовул, баковул, тўпчибоши, доруға ва бошқалар, уларнинг вазифалари ва мавқеи ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. Масалан, доруға билан меҳтарга элчиларни зарур озиқ-овқат, от-улов, ем-хашак билан таъминлаш вазифаси юклатилган. Девонбеги «оталиқдан кейин турган ва элчиларни, улар ўзи билан олиб келган мактублар (ва совғасаломларни) қабул қилган», «тўпчибоши эса замбараклар ва пиёда аскарларга бошчилик қилган».

Ахборотномада ўзбек хонлари саройида амалда бўлган қабул маросимлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Унда, хусусан, бундай дейилади: «(Арк) ... дарвозаси олдида Борис ва унинг ҳамроҳларини Малайбек (тўпчибоши) кутиб олди. Борис ва унинг ҳамроҳлари (тўпчибоши олиб келган) отларга миндилар. Подшо қасрига етганда уларни отдан туширдилар, чунки подшоҳ қасрига отлиқ кириш ман этилган. Бориснинг ўнг тарафига Бухоронинг атоқли зотла-

ри, хон авлодидан бўлган хожа ва хоннинг яқин мулозимлари, чап тарафда, катта амир (боярин) хоннинг яқин мулозимлари ва бошқа лавозимдаги мансабдорлар, (умуман) 100 дан ортиқ киши жой олдилар ... Абдулазизхоннинг ўнг тарафидан хожалар, руҳонийлар ва уламолар ўрин олдилар. Хоннинг олдида унинг қиличи, ўқ-ёйи ва қалқони қўйилган эди. Унинг орқасида 12 нафар найза ва қилич кўтарган уй хизматкорлари турган эди. Хоннинг олд тарафида 200 дан ортиқ ясовул (ва қўриқчилар) тик турар эдилар...»

Ака-ука Пазухинларга берилган яна бир муҳим топшириқ — Ўрта Осиё хонликларида тутқунликда бўлган рус асирларини аниқлаш ва уларни озод қилишдан иборат эди. Пазухинлар бу масалада ҳам баъзи ишларни амалга оширдилар, хусусан Бухоро, Балх ва Хива хонларининг шахсий хўжаликларида 300 дан ортиқ рус асири меҳнат қилаётганини аниқладилар. Шундан 22 нафарини 685 сўм олтин ҳисобида тўлаб озод қилишга муваффақ бўлдилар. «Ахборотнома» («Статейный список»)да кўрсатилишича, Пазухинлар бадавлат кишиларнинг қўлидаги рус асирлари сонини аниқлай олмаганлар. Рус элчиси Элчилар маҳкамасига (Посольский приказга) тақдим қилган «Хабарнома» да хусусан мана буларни ўқиймиз: «Бухоролик мансабдорлар қўлида, шаҳарда ва улусларда уларни аниқлаш мумкин бўлмади. Қишлоқлардан келиб турган одамларнинг сўзларига қараганда, улар кўп». Қулга айлантирилган рус асирлари асли Қозон, Уфа, Симбир уездидан ва Волга бўйи қишлоқларидан бўлганлар ва бошқирд ҳамда қалмоқ босқинчилари уларни тутиб Астраханга олиб бориб хиваликларга пуллаб турганлар. Ака-ука Пазухинларнинг мана бу гувоҳликлари ҳам диққатга моликдир: («бошқирд ва қалмоқ босқинчиларидан» уларни) хиваликлар сотиб олар эканлар. Улар махсус рус товарлари учун Астрахандан (рус юртларига), қалмоқ ва бошқирд улусларига борар, баъзи ҳолларда у ерларда рус асирларини кутиб анча вақт туриб қолардилар. Сўнг рус асирларини олиб уларни ўз юртларига ҳайдаб олиб борардилар. Борис ва унинг ҳамроҳлари Хивага бораётганларида қалмоқ улусидан рус асирларини ҳайдаб келлаётган хиваликларни учратдилар. (Хивага ҳайдаб келинаёт-

ган) асирларнинг сони 200, балки ундан ортиқроқ эди. Уларнинг ҳар бирини 40 ёки ундан сал ортиқроқ сўмга сотиб олардилар. Уларнинг кўпчилигини Эрон ва Ҳиндистонга ҳам олиб бориб сотар эдилар».

В. А. Даудов ва Муҳаммад Юсуф элчилиги. Василий Александрович Даудов асли форс (эронлик) бўлиб, 1653 йили Қозонда христианликни қабул қилган, Россия давлатининг хизматида кирган ҳам стольник ва воевода лавозимида хизмат қилган¹. Муҳаммад Юсуф Қосимов эса асли мусулмон (татар). У ҳам русларнинг хизматида бўлган.

Аввало шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, ҳар иккала элчи — В. А. Даудов ва М. Ю. Қосимов Бухорогача бирга боришган бўлсалар-да, элчилар маҳкамасидан алоҳида-алоҳида топшириқ олганга ўхшайдилар, чунки В. А. Даудов ва М. Ю. Қосимовга берилган йўриқнома (наказ) бизгача етиб келмаган. У 1800 йилгача Россия ташқи ишлар маҳкамасининг архивида сақланар эди. 1806 йили ўтказилган текшириш пайтида у турган жойидан топилмаган. Шу сабабдан В. А. Даудов билан М. Ю. Қосимов қандай вазифаларни адо этганликларини аниқ билмаймиз. Буни В. А. Даудовнинг элчилик маҳкамасидан олган йўриқномаси (наказ)дан тахминан билиб олиш мумкин. Улар қуйидагилар:

1. Бухоро ва Хива хонликларининг Москва ҳукумати билан дипломатик алоқаларни ривожлантиришга хоҳиши борми-йўқми, шуни аниқлаш;

2. Хонликларда яшаб турган рус асирларини озод қилиш;

3. Икки давлат (Россия, Хива ва Бухоро хонликлари) ўртасидаги савдо ва элчилик карвонларининг хавфсизлигини таъминлаш учун Каспий денгизининг кун чиқиш тарафида, денгиз соҳилидаги Саратош тепалигида кемалар тўхтайдиган бандаргоҳ қуришга Хива хонининг розилигини олиш;

4. Амударёнинг боши ва ўзани, дарё соҳилида истиқомат қилиб турган халқлар, уларнинг машғулоти ва турмуш тарзи ҳақида маълумот тўплаш;

¹ В. А. Даудов ҳақида батафсил қаранг: Автобиография В. А. Даудова, «Русский архив», год 27, 1889, кн.2, с 5—20.

5. Бухородан Ҳиндистонга олиб борадиган йўллар, Ҳиндистон ҳукуматининг Россия билан савдо ва дипломатик алоқалар ўрнатишга хоҳиши бор-йўқлигини (М. Ю. Қосимовга берилган топшириқ) аниқлаш.

Элчилик Бухоро билан Хивада, йўлга кетган вақтни қўшиб олганда, Бухорода 1675 йилнинг 15 майидан — 1676 йил 2 октябригача бўлган.

Элчилик Бухорога келиб тушгандан (1676 йил 20 январ куни) кейин Муҳаммад Юсуф ўз вазифасини адо этиш учун Ҳиндистонга жўнаб кетди.

Юқорида биз Даудов ва Қосимов элчилигининг ҳисоботи («Статейный список») 1800 йилдан кейин жойидан топилмаган, яъни йўқолганини айтиб ўтган эдик. Шу сабабдан, элчилар ҳукуматининг топшириқларини қай даражада бажарган, ёки йўқлиги ҳақида аниқ фикр айтиш қийин. Лекин, Н. Селифонтов, В. В. Бартольд ва А. Б. Панков асарларидан («Очерк служебной деятельности и домашней жизни стольника и воеводы XVIII столетия Василия Александровича Даудова. Летопись занятий Археографической комиссии, вып. 5, СПб., 1871, с.1—41; В. В. Бартольд, История изучения Востока в Европе и России, соч. Т. IX, Москва, 1977, с. 372; А. Б. Панков, К истории торговли Средней Азии с Россией в 1675—1725 г.г., Ташкент, 1926 ва В. А. Даудовнинг автобиографиясидан («Русский архив», год 27, 1889, кн.2) маълум бўлишича, Бухоро ва Хива хонлари Россия билан савдо-дипломатик муносабатларни ривожлантиришга тарафдор эканликларини билдирганлар ва шунга ҳаракат қилганлар. Тез орада Каспий денгизи соҳилида Қараған бандаргоҳининг қуриб ишга туширилиши ва Бухоро хони ўз хўжалигида хизмат қилиб турган рус асирларидан 38 тасини озод қилганлиги ҳам юқорида билдирган фикримизга далил бўлиши мумкин. Хива хони Анушахонга келсак, у бир тарафдан туркманлар билан қалмоқлар ва қозоқларнинг тез-тез Хива ҳудудларига қилиб турган талончилик юришлари, иккинчи тарафдан Бухоро билан Хива ўртасидаги зиддиятлар натижасида Россиянинг иқтисодий ва ҳарбий ёрдамига муҳтож эди. Бу жиҳатдан Василий Даудовга, Бухоро

родан қайтишида Хивада Анушахоннинг оталиғи айтган мана бу гаплар диққатга сазовордир: «Анушахон Василийга Хива хони яқинда подшо олий ҳазратлари улуғ княз Алексей Михайлович дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини давом этиши ва ҳар икки томондан савдо карвонлари борди-келди қилиб туришлари (зарурлиги) ҳақида мактуб олдилар. (Ўз навбатида) Хива хони ҳам подшо олий ҳазратлари улуғ княз билан шундай алоқаларни аввалгидан ҳам зиёда бўлишини истайдилар».

Муҳаммад Юсуф элчилигига келсак, унга Бухородан Ҳиндистонга олиб борадиган йўллар ва Ҳиндистон подшоси Аврангзеб (1658—1707)нинг Россия билан дипломатик алоқалар ўрнатишга майли борми-йўқми эканлигини аниқлаб келиш топширилган эди. Шунинг учун ҳам у Бухорога келганларидан кўп вақт ўтмай, Ҳиндистонга жўнаб кетди. Муҳаммад Юсуф Қосимов фақат Кобулгача борди. «Шоҳ (Аврангзеб — Б. А.) улуғ подшо билан дўстона алоқалар ўрнатишни истамагани» учун орқага қайтишга мажбур бўлди. У 1677 йили Москвага қайтиб келди.

Флорио Беневини элчилиги. Шарққа катта ҳарбий куч юбориш ва уни қурол воситаси билан эгаллаш ҳаракати подшо Пётр I (1682—1725) давридан бошлаб кучайиб кетди. Пётр I — Александр Бекович-Черкасскийни мукамал қуролланган 5000 аскар билан Хивага, уни Россия ҳомийлигига киритиш хусусида хон билан музокаралар олиб бориш учун юборди. Аслида бу шунчаки элчилик эмас, балки хонни чалғитиб, Хива хонлигини куч билан бўйсундиришга қаратилган ҳаракат эди. Лекин Пётр I мақсадига эришолмади. Бекович-Черкасский экспедицияси муваффақиятсизликка учради. Шерғозихон (1715—1728) Россия подшосининг аслини ўз вақтида пайқади ва Бекович-Черкасский экспедициясини даф қилди.

Шундан кейин Россия Хива ва Бухоро хонлиқларини бўйсундириш пайти келмаганлигини, уни осонликча бўйсундириш мумкин эмаслигини, уларни ҳали кўп ўрғаниш зарурлигини англади.

Россия Элчилик маҳкамасининг масъул ходими Флорио Беневини элчилиги шундай мақсад билан Ўрта Осиёга юборилди. Шунинг ҳам айтиш керакки, Бухоро ва Хивада А. Бекович-Черкасский воқеасидан кейин Пётр I Ўрта Осиёга каттароқ қўшин юборади, деган хавф-хатар туғилган эди. Шунинг учун бўлса керак, Абулфайзхон 1717 йили Россияга элчи юбориб, у билан дўстона ва савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатиш истагини билдирди.

Флорио Беневини учун тузилган ва 1718 йил 13 июль куни Пётр I тарафидан тасдиқланган қўлланмада элчига қуйидаги топшириқлар берилган:

1) Флорио Беневини Бухоро хони ҳузурига подшо ҳазратларининг элчиси сифатида боради. Шу ҳақда унинг қўлига подшо ҳазратларининг Бухоро хони номига ёзилган мактуби топширилди. Элчи Петербургдан Москвага қайтиб бориши ҳамано Астраханга жўнаб кетади. Астрахандан Бухорогача Абулфайзхоннинг уни Астраханда кутиб турган элчиси билан бирга боради.

2) Лекин Абулфайзхоннинг элчисига ўзини танитмайди. Йўлда, айниқса Бухоро хонлиги ҳудудларидан ўтаётганда, ҳамма ерларни, хусусан бандаргоҳлар, қалъалар ва шаҳарларни диққат билан кўздан кечириб боради.

3) Хон билан учрашганда уни Эрон ва бошқа давлатларнинг элчилари қаторида зўр ҳурмат ва эҳтиром билан қабул қилинишига эришсин. Подшо ҳазрати олийлари у билан дўстлик ва савдо-сотиқ алоқаларини илгаригидан ҳам зиёда бўлишини истаётганини хонга маълум қилсин.

4) Бухорода бўлганида, қандай бўлмасин, Бухоро хонлигининг қалъалари, қўшини, отлиқ ва пиёда аскарларининг умумий сони, уларнинг қурол-аслаҳалари ва қанча замбараги борлигини, қўшиндаги умумий аҳвол, қалъаларининг қўриқланишини билиб олсин.

5) Абулфайзхоннинг Эрон шоҳи ва Хива хонлари билан муносабати қай даражада эканлигини аниқласин. Хива хонига қарши ҳарбий иттифоқ тузиш таклиф этилсин.

6) Бухорода қандай товарлар ишлаб чиқарилади ва улар қаерларга олиб бориб сотилади? Бухорога денгиз ёки қуруқликдан қайси йўл билан бориш мумкин? Бухорода қайси рус товарларига эҳтиёж катта? Россия билан савдо-сотиқни кучайтириши мумкинми? Мана шу масалаларни аниқласин.

7) Амударёда олтин борми? Бухоро хонини қўриқлаш учун бир неча юз гвардиячи, ёки қўшин юборилса, хон бунга рози бўладими? Шуни ҳам аниқласин.

Ҳар иккала элчилик, Бухоро хонининг Россиядан ватанига қайтиб кетаётган элчиси ва Флорио Беневини 1721 йил 6 ноябрда Бухорога етиб олдилар. Флорио Беневини ва унинг ҳамроҳларини Бухорога 10 верст¹ қолганда йўл устида Бухоро тўпчибошиси бошлиқ 50 кишидан иборат сарой мулозимлари кутиб олдилар.

Россия элчилиги Бухорода уч ярим йил (1721 йил 6 ноябрдан — 1725 йил 8 апрелгача) турди ва подшонинг юқоридаги топшириқлари бўйича қимматли маълумотлар тўплади. Уларнинг муҳим-муҳимларини қуйида келтириб ўтамиз.

Бухоро ва халқининг қурол-аслаҳалари ҳақида Флорио Беневинининг ўз ҳукуматига берган маълумотнома (реляция)сида хусусан қуйидагиларни ўқиймиз: «(Қалъаси) ярим вайрон бўлган хандақ билан ўралган. Шаҳарда лойдан қурилган 15 минг ҳовли-жой мавжуд. Шаҳар марказида пишиқ гиштдан қурилган баланд минорали хон саройи ва мадрасалар жойлашган.

Жуда кам ўзбекда милтиқ бор. Улар асосан ўқ-ёй ва найза билан қуролланган. Шаҳарда ҳаммаси бўлиб 15 нафар замбарак бор. Лекин, уларнинг фақат биттасидан байрам кунларида отиш мумкин».

Маълумотномада Бухородаги рус асирлари ҳақида ҳам маълумот бор. «Бухорода, — деб айтилади бу ҳужжатда, — хон ва бошқа ўзбеклар қўлида 250 га яқин асир бор... Уларнинг умумий сони 1000 га етади. Айтишларича, уларнинг сони Бухоро хонлигида 2000, Хива билан Оролда 1500 га етади.

¹ Верста — масофа ўлчови; 1,6 км. га тенг бўлган.

Мамлакатнинг ер ости ва ер усти бойликлари ҳақида турли вақтларда жўнатилган маълумотномаларда (Ф. Беневини Бухорода тўплаган маълумотларини қўлда сақлашдан кўрқиб одамлари орқали Москва ва Петербургга жўнатиб турган) қуйидагиларни ўқиймиз:

«Амударёнинг бош қисмида олтин йўқ. Лекин, унга Кўкча дарёси келиб қўшилган жойда кумлоқ ерларда олтин бор, чунки Кўкча дарёси олтин ва бошқа рудаларга бой тоғлардан бошланади. Кўкчанинг бошланиш қисмида, хусусан ёз фаслида маҳаллий аҳоли катта-катта олтин парчаларини топиб оладилар.»

«Бадахшондан ташқари, олтин, кумуш, аччиқтош, кўрғошин, олий навли темир конлари Самарқанд ва Бухорода ҳам бор».

«(юқорида) тилга олинган Сирдарёда олтин топса бўлади. Лекин Андижонда ва Марғилонда кўпроқ. Бошқа ердагилари ҳақида чопаримиз (Николай Минер) аниқ қилиб айтиб беради. Сирдарё соҳилларида кумдан топилган олтин парчасини ундан бериб юбормоқдаман».

«Ўша дарёда (Сирдарёда — Б. А.) олтин бор. (Теварактрофдаги) тоғларда, хусусан Кошғарда, Марғилонда, Андижонда ва Тошкентда ҳам бор. Ҳар ҳолда биз шундай деб эшитдик».

Ф. Беневинининг мана бу маълумоти ҳам муҳим: «Бадахшон тоғларидаги олтин, лаъл ва заҳар мўҳра конларининг барчаси маҳаллий беклар қўлида».

Ф. Беневини Бухоронинг XVIII асрнинг биринчи чорагидаги ички ва халқаро аҳволи ҳақида ҳам ўта муҳим маълумотлар тўплаган. Унинг ўз ҳукуматига юборган маълумотнома (реляция)сида бу ҳақда мана буларни ўқиш мумкин:

«Уни (камердинер Н. Минерни — Б. А.) савдогар қиёфасида, мол билан, Балх ва Бадахшонга жўнатган эдим. Ва улардан ўтиб Лохургача боришини буюрган эдим. Лекин йўлда талончилар кўплигидан Балхдан орқага қайтди».

«Ўша Бадахшон ва Балх мамлакатлари мустақил бўлиб олганлар. У ёки бу хоннинг қўл остида. Лекин хонларини тез-тез алмаштириб турадилар».

«... бекларнинг ўзбошимчалиги туфайли бутун мамлакат исён ва туғёнлар исканжасида қолган».

«Хусусан пойтахт шаҳар тўс-тўполонлар ва исёнлар дас-тидан оғир аҳволда қолган. Айниқса, Иброҳимбий кенагас исёни туфайли Абулфайзхон шаҳарни ташлаб чиқишга маж-бур бўлган, сўнг ўгли билан бирлашиб, Бухоро ва унинг ат-рофини талон-торож қилиб катта зарар етказди». «Шаҳар озиқ-овқат ва ем-хашак хусусида шу қадар ғариб бўлиб қол-дики, оддий халқ тирикчилик деб ўз болаларини сотди, кўп одам ўлиб кетди, мол-қўйи ва от-туялари қирилиб кетди».

Бухоро хонлигидаги тарқоқлик XVIII асрнинг бошла-рида шу даражада кучайган эдики, масалан, Фарғона во-дийси ва Самарқанд Бухородан ажралиб чиқиб, Қўқон хонлиги (1709—1876) ва Ражабхон бошлиқ Самарқанд бек-лиги ташкил топди. Хусусан, Самарқанд беклигининг таш-кил топиши ҳақида Ф. Беневинининг 1723 йил 4 март куни юборган махфий ахборотида бундай дейилган: «... собиқ (Бухоро) оталиғи Иброҳимбий Самарқанд устига юрди ва уни эгаллади. Шундан кейин бошқалар билан кўшилиб, хон авлоди бўлган Шерғозихонни Ражабхон номи билан (Самарқанд) тахтига ўтқизди ва уни ўзига куёв қилиб олди. Ўзи эса оталиқ лавозимини эгаллади».

Бир фурсат вақт ўтиб, Ражабхон махфий тарзда Бене-вини билан алоқа боғлади. У рус элчисидан ҳақиқатан ҳам Россия А. Бекович-Черкасскийнинг қасдини олмоқ учун Хива устига юришга аҳд қилган-қилмаганлигини билмоқчи бўлди. Бу ҳақда Хиванинг ўзида ҳам гап-сўзлар юрар эди. 1723 йили Шерғозихоннинг ўзи қалмоқ хони Аюқдан «руслар Саратовда аскар тўплаётибдилар ва балки 1724 йилнинг ба-ҳорида Хива устига юрсалар керак», деган гапни эшитган эди. Шундан кейин, Шерғозихонни Орол ўзбеклари рус-ларни Хива устига бошлаб келмасмикан, муқобил беклар уни тахтдан тушириб, салтанат тепасига Темур султонни ўтқизмасмикан, деган шубҳа босди.

XVIII асрнинг бошларида Бухоро билан Хива ўртаси-даги муносабатлар бирмунча оғирлашган эди. Бунга, би-

ринчи навбатда, Хива хонларининг Бухоро, Чоржўй ва ҳатто Самарқанд ҳудудларини талон-торож қилишлари асосий сабаб бўлди. 1721 йилга келиб икки ўртада уруш чиқиши хавфи яққол кўзга ташланиб қолди. Беневинининг 1721 йил 25 май куни Москвага йўллаган хабарида масалан, қуйидагиларни ўқиймиз: «Хива хони ҳақиқатан ҳам бухороликлар билан урушмоқчи. Шунга тайёргарлик кўрмоқда. Лекин, катта беклари бунга йўл бермай турибдилар. Улар ҳатто Шерғозихонни тахтдан тушириб, 15 йилдан бери Бухоро хони ҳузурида кун кечираётган Мусохонни тахтга ўтқизмоқчи бўлмоқдалар. Шу ҳақда Хиванинг катта беклари Бухоро хони билан борди-келди қилиб турибдилар». Беневини Хиванинг ўзи ҳам нотинч бўлиб, икки йирик арбоб: Шерғозихон билан Темур султон ўртасида ҳокимият учун кураш бораётгани ва Россия Темур султонни қўллаб-қувватласа фойдали бўлишини айтди. «Агар Шерғозихон йўқотилса,— деб ёзади Беневини,— бу ерда тинчлик ўрнатилади, ҳамма йўллар очик бўлади».

Флорио Беневини тўплаган маълумотлар Россия ҳукумати, унинг ташқи сиёсати учун келажакда қўл келиб қолди.

Митрополит Хрисанфнинг эсдаликлари. Хрисанф асли грек; венециялик аслзода (дворян)лардан: Афина яқинида жойлашган Янги Патор черковининг митрополити бўлиб хизмат қилган. Ҳақиқий исми шарифи: Контарипи. 1724 йили муқаддас патриарх Самуел тарафидан Истанбул атрофида жойлашган Хироти нисан черковига митрополит этиб тайинланган. Подшо (маҳаллий ҳоким)нинг тазйиқи оқибатида 1784 йили Истанбулга кетиб қолди. Кўп вақт ўтмай, Хрисанф Ливон орденига қарашли черковлар билан танишиш мақсадида Шом (Сурия)га, у ердан Халаб (Алеппо)га борди. Ўша ерда инглиз савдогарлари билан танишиб қолади ва улар билан бирга Фрот (Ефрат) дарёси билан Форс қўлтиғига борди ва у ерда кемага тушиб, Маскат орқали Ҳиндистоннинг Сураат бандаргоҳига келиб тушди. Сўнг Ҳиндистон, Кашмир, Кобул, Балх ва Самар-

қанд орқали Бухорога борди. Хрисанф Ўрта Осиёнинг бир қанча шаҳарларида бўлди, бир йил Хивада турди. Сўнг 1792 йили Аштархонга борди ва бир фурсат ўша ерда истиқомат қилди. Кенг маълумотли ва кузатувчан бу одам тез орада Астраханда кўпларнинг диққатини ўзига тортди. Аштархан епископи унинг ҳақида муқаддас Синодга ахборот юборди. Сўнг Хрисанф Москвага чақиртирилади. Муқаддас Синод уни ҳар тарафлама текшириб кўриб ва кенг маълумотли одам эканлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин, Хрисанфни Кавказ ўлкасига, уни батафсил ўрганиш учун юборди. Сўнг, 1796 йилнинг бошида, Рязань, Тамбов ва Кавказ ўлкаларининг генерал-губернатори граф Гудвич подшой олий ҳазратларининг амри билан Хрисанфни Петербургга, Невский монастырига митрополит Гавриил хузурига жўнатиб юборди.

Митрополит Хрисанфнинг бирдан пойтахтга чақирилиши, Хрисанфни яхши билган шарқшунос В. В. Григорьевнинг фикрича, Россиянинг яқин орада Эронга бостириб кириш режалари билан боғлиқ бўлса керак. Рус ҳарбий экспедициясининг раҳбари Валериян Зубовга сайёҳнинг Эрон ва Ўрта Осиё ҳақидаги кенг билими керак бўлиб қолган. Орадан бир йил ўтгач, 1797 йили Хрисанф муқаддас Синоднинг фармони билан Екатеринослав епархиясига хизматга жўнатилди. 1798 йилнинг 20 январида митрополит Хрисанф Феодосияга жўнаб кетди. Унинг кейинги ҳаёти ва фаолияти ҳақида бошқа маълумотга эга эмасмиз.

Митрополит Хрисанфнинг Ўрта Осиёга қилган саёҳати кундалиги бир пайтлар рус ҳарбий экспедициясига бошчилик қилган граф Валериян Зубов қўлида бўлган. Кундалик, баъзи шаҳар ва вилоятлар ўртасидаги масофа, аҳолисининг умумий сони ҳақидаги ноаниқликларни ҳисобга олмаганда, катта қимматга эга. Унда мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи, халқининг турмуш шароити, эътиқоди ҳақида, шунингдек, Ўрта Осиёда истиқомат қилиб турган рус ва эронлик асирларнинг аҳволи ҳақида қисқа, лекин ўта муҳим маълумотларни учратиш мумкин.

Масалан, Бухоро хонлигининг йирик шаҳарларидан Самарқанд, Бухоро ва Балх ҳамда Хоразмнинг XVII—XIX асрлардаги пойтахти Хива ҳақида Хрисанф мана буларни ёзади:

Самарқанд ҳақида: «Самарқанд шу кунларда деярли бўш қолган. Уни эгаллаб олган баҳайбат махлуқ самарқандлик ноиб (Ражабхон — Б. А.) уни илгаригидек обод қилиш учун қанчалик уринмасин, меҳнати зое кетди. Эшитишимча, унинг теварак-атрофидаги тоғларда конлар бор, табиати ёқимли ... Теварак-атрофида ҳам ўзбеклар истиқомат қиладилар».

Бухоро ҳақида: «Бухоро — тўқ шаҳар. Унда савдогарлар ва бошқа (бой-бадавлат) одамлар кўп. У асосан кумуш, олтин, марварид ва қимматбаҳо тошларга бой. Хон тез-тез Балх ва Машҳад устига талон-торож юришлари уюштириб туради. Бухороликлар жон-жаҳд билан жанг қиладилар».

Балх ҳақида: «Балх вилояти ҳақида гапирмасам гуноҳи азим бўлади. Агар Бухоро ҳукмдорлари тез-тез ҳужум уюштириб, уни талон-торож қилмаганларида у обод, қудратли ва бой вилоят бўлур эди. Нодиршоҳ вафот этгандан бери шу вақтгача афғон подшолари қўлида. Унинг қалъаси чор тарафдан (сув билан тўлдирилган хандақ билан ўралган) тепалиқда жойлашган. Балх аталувчи катта қалъаси бор. Қалъа ҳозиргача мустақил. Аҳмадшоҳдан бошқа ҳеч кимга бўйсунмайди. Деворлари пишиқ ғиштдан...»

Бухоро хонлигининг минерал бойликлари ҳақида Хрисанф қуйидаги маълумотларни келтиради: Бухоро билан Балх ўртасида баланд бир тоғ бор. Унда қизил тусли мрамар (парчалари)га ўхшаш тусдаги туз конлари мавжуд. Ўша вилоятда шундай тоғлар ҳам мавжудки, уларда ҳар турли маъдан конлари бор. Бу тоғларда ўзбекларнинг кўнғирот қавми истиқомат қилади. Бу тоғлар шимолда Самарқандгача, шарқда Бадахшонгача чўзилган.

Бухорода истиқомат қилиб турган асирлар ҳақида мана бу маълумот келтирилган. «Бухорода кўп рус асирлари бор, эронликлардан 6000 га яқин асир бор. Улар хўжайинларига қарши кўзғолон кўтариш даражасига етишган».

Хива шаҳри ҳақида ўқиймиз: «Ерли аҳоли икки тоифадан: маҳаллий котликлардан (Хрисанф уларни Кидиты деб

атайди — Б. А.) ва бошқа ерлардан кўчиб келган кўнғиротлардан ташкил топган. Улар Котдан чиққан вазир ўлдирилгандан бери ўзаро ёвлашиб келадилар. Котликлар 5000 га яқин хонадондан иборат. Улар ўта кек сақловчи халқ. Котликларнинг тайёр қўшини йўқ. (Зарур бўлиб қолганда) келишиб одам ёллайдилар. Ойига кимга ўн сўм, кимга бир сўм берадилар. Айтишларича, хиваликларнинг ҳарбий кучи 20000 кишини ташкил қилар эмиш. Лекин бу гап тўғри эмас, масалан, ўтган йили, мен ўша ерда эканлигимда Авазбий Иноқнинг¹ топшириғи билан аҳолини ҳисоб-китоб қилганларида, мамлакатда ҳаммаси бўлиб 3000 хонадон борлиги аниқланган. Лекин ҳукмдорга яхши кўриниш учун (қўшин сонини) 20000 кишидан иборат деб айтадилар. Кўнғиротлар жаҳддор халқ. Бошлиқлари бой-бадавлат кишилар, оддий халқ эса қашшоқ... Хиваликларнинг кўпчилиги Астрахан ва Бухоро билан савдо-сотиқ олиб боради. Котликлар келгиндилар (кўнғиротлар)дан қутулиш учун Россия билан иттифоқ тузишни хоҳлайдилар, лекин (русларнинг уруш очмоқчи бўлиб тургани ҳақида) тарқалган хабарнинг оқибатидан кўрқар эдилар. Мингқишлоқ туркманлари ҳам шуни истар эдилар, лекин қозоқлар хавфидан кўрқардилар».

Бундай далил ва маълумотларни митрополит Хрисанфнинг хотиротларида кўп учратиш мумкин.

XVIII асрнинг 70- йилларидан бошлаб Россия ҳукумати Ўрта Осиё хонликлари ва Қозоғистоннинг сиёсий, иқтисодий ва халқаро аҳолини, хусусан ўша мамлакатларга олиб борадиган йўللарни ўрганишда кенг маълумотли ва зеҳн-идрокли ҳарбийлардан ҳам кўпроқ фойдалана бошлади. Улар Россия ҳукуматига бу ҳақда ўта муҳим маълумотлар тўплаб бердилар. Ана шундай ҳарбий мутахассислардан айримлари ва улар тўплаган маълумотларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Филипп Назаровнинг эсдаликлари. Ҳаётига оид маълумотлар жуда кам, 1789 йили Омск шаҳрида Осиё билим юртини тугатиб, 1804 йили Тобольск губерниясидаги Иртиш чизии

¹ Кўнғиротлар сулоласидан, ҳукмронлик йиллари аниқ эмас.

фидаги Чарлаковск чегара постига таржимон бўлиб хизматга кирган. Ундан кейин хизмат юзасидан бошқа чегара пунктларига ҳам бориб ишлаган. Қўқонга жўнаб кетиши (1813 йил) олдидан «Алоҳида Сибирь полки» да таржимон бўлиб хизмат қилган. 1813 йили Фарбий Сибирь генерал-губернатори Глазemannнинг махсус топшириғи билан Петербургдан юртига қайтишда йўлда, Петропавловск (Шимолий Қозоғистон) да ўлдирилган Қўқон хонининг элчиси билан боғлиқ жанжални тинчитиш учун Қўқонга юборилди. Шу билан бирга унинг хотира ёзувларидан маълум бўлишича, унга Қўқонга Сибирь орқали олиб борадиган йўллар, йўл устидаги шаҳар ва қишлоқлар, хонликнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи, унинг мудофаа салоҳиятини кузатиш ҳам юклатилган.

Филипп Назаров Қўқонга сибирлик рус савдогарлари карвонига қўшилиб, 1813 йил 16 май куни жўнаб кетди. Карвон Қозоғистон чўллари ва Жанубий Қозоғистондаги Сузоқ ва Чимкат орқали Тошкентга, ундан 1813 йил октябрь ойи бошларида Қўқонга кириб борди. У Қўқонда бир йил атрофида турди ва 1814 йилнинг август ойида, Қўқон хони Умархон (1810—1822) нинг элчиси билан бирга Петропавловск шаҳрига қайтиб кетди.

Филипп Назаров бир йил мобайнида хонлик пойтахти Қўқондан ташқари, Марғилон, Андижон, Наманган, Янгикўрғон ва Хўжанд шаҳарларида бўлди ва бу шаҳарлар, уларнинг халқи ҳамда машғулотлари ҳақида қимматли маълумотлар тўплади.

Булардан айримларини келтирамиз:

«Қўқон катта ва аҳолиси кўп шаҳар. Унда 400 га яқин масжид бор. Текисликда жойлашган; хон саройидан бошқа мустақкам бирон иморати йўқ. Теварак-атрофи обод қишлоқлар, булоқларга мўл жилға ва экинзорлар билан ўралган. Замини тузли, кўчалари тор. Ерига кўпроқ пахта экилади. Уйлари гувала ва лойдан қурилган. Шаҳар ўртасида тошдан бунёд этилган учта бозор бор. Бозорларда савдо ҳафтасига икки марта бўлади. Хон саройи олдида хон арғумоқлари учун пишиқ фиштдан қурилган катта отхона жойлашган.

Кўқон ва унга қарашли ерларда пахта етиштирадилар, ипак қурти боқилади. Етиштирилган пахта ва ипакдан мато тўқийдилар ва уни бухороликларга Россиядан келтирилган моллар эвазига, масалан, темирга, сусар териси, тўтиё, бўёқ, қозон, темир ва пўлатдан ясалган уй-рўзғор буюмлари ва бошқаларга алмашадилар».

Марғилон. Шаҳарнинг айланаси тахминан 300 верст. Ермозордан бошқа ҳеч қандай ҳарбий истехкоми йўқ. Унда 20 мингга яқин аскар туради. (Марғилондаги) уйлар ҳам лойдан қурилган; кўчалари тор, уйларининг деразаси йўқ. ... Бозорлари қатор расталардан иборат; ҳафтада белгиланган икки кун аҳоли келиб эртадан кечгача савдо-сотиқ қилади. Шаҳарда ҳар турли корхоналар кўп. Уларда Эронда ишлаб чиқарилган парчалар, бахмал, шарқ газмоллари ишлаб чиқарилади ва Бухоро билан Кошғарга олиб бориб сотилади. Кошғардан эса чой, чинни идишлар, кумуш, хитой атласи, бўёқ ва бошқа зарур хитой моллари олиб келадилар ... Шаҳарликлар тўқ ва осуда турмуш кечирадилар ...

Бизларни Марғилондан бир кузатувчи билан кичик шаҳар Андижонга жўнатдилар ... Андижон Кошғар билан чегарадош. Теварак-атрофи обод қишлоқлар, мевазор боғлар билан ўралган. Аҳолиси ипак қурти боқиш, пахтадан ип-газлама ишлаб чиқариш ва деҳқончилик билан шуғулланади. Яқин атрофда кўчиб юрган қирғизлар билан савдо-сотиқ олиб борадилар. Улардан эса ҳар хил чорва моллари сотиб оладилар. Андижонда ҳокимнинг уйидан бошқа бирон мустаҳкам кўрғон йўқ. У ерда 10 минг аскар туради.

Наманган. Андижонда икки кун туриб, у ердан Наманганга бордик. Йўлда Кўқон ҳокимига қарашли ва ариқлар билан ўралган (икки бетида) қамиш ўсиб турган жилғаларни кўрдик. Жилғаларда ов қилиш учун бу ерга ҳокимнинг ўзи, мулозимлари билан келиб туради.

Наманганнинг ҳам, ҳокимнинг маҳкамасидан бошқа, мустаҳкам иморати йўқ. Шаҳарда 1500 га яқин киши истиқомат қилади... Қоғоз ишлаб чиқарадиган корхоналари бор, тут дарахти кўп ўсади. Тут меваларини Кўқоннинг барча

шаҳарларига олиб бориб сотадилар. Шунингдек, [теварак-атрофдаги] қирғизлар билан ҳам савдо-сотик олиб борадилар. Йўлда бир-бирига туташ жуда кўп қишлоқларга дуч келдик. Янгиқўрғоннинг ҳам, ичига 200 аскар сиғадиган шаҳар бошлиғининг ҳовлисидан бошқа, бирон мудофаа иншоотини учратмадик.

Янгиқўрғонда бир кеча тунаб, шаҳардан 10 верст нарида оқиб турган Сирдарёдан ўтдик ва тахминан 12 верст йўл босиб Қорақалпоқ деган жойга бориб тушдик. Халқи гилам ва жундан мато тўқир экан.

1814 йили Қўқонга қайтдик...

Қўқон ва унга қарашли бошқа шаҳарларда ҳукумат савдогарлар ўлчов ва тарозидан уриб қолмасликлари устидан қаттиқ назорат ўрнатган. Қўқонда бўлганимда бир одамни матони газга солишда уриб қолгани учун яланғоч қилиб, қамчилаб шаҳар айлангирганларини кўрдим. Қамчи зарбидан у тез-тез «мен газдан уриб қолдим», деб қичқириб борди. Қўқонликлар суд ишини ҳеч қандай ёзувсиз олиб борадилар. Икки киши гувоҳлик берса ва жиноятчи қасам ичса бас.

Ўғрилиқ қилгани учун қўлини кесадилар...»

Филипп Назаров ва унинг ҳамроҳлари Қўқон хонлигига қарашли Хўжанд шаҳрини ҳам бориб кўрганлар. Масалан, Хўжанд ҳақида унинг эсдаликларида қуйидагиларни ўқиймиз: «Хўжанд ҳажм жиҳатдан Қўқондан кичик эмас. У Бухоро тарафдан баъзи ерлари нураб қолган баланд девор билан, бошқа тарафдан Сирдарё билан ҳимояланган. Шаҳардан ариқ ва каналлар ўтказилган. Қўқондагига ўхшаш корхоналари ва хордиқ чиқарадиган ерлари кўп...»

Филипп Назаровнинг эсдаликлари «Филипп Назаров: «Записки о некоторых народах и землях Средней Азии» номи билан икки марта: 1821 ва 1968 йиллари нашр этилган.

Россия ҳарбийлари Ўрта Осиё хонликларини ғарб тарафдан, Астрахан, Каспий ва Орол денгизлари орқали ҳам тафтиш қилдилар. Н. Н. Муравьев (1819—1926), Г. И. Данилевский (1842—1843) ва А. Н. Бутаков (1848—1849) экспедициялари шундай мақсадларга хизмат қилган.

Николай Муравьёвнинг Туркменистон билан Хивага саёҳати. Н. Н. Муравьёв (1794—1866) — маҳаллий ҳарбий мутахассис; 1812—1814 йиллари Россиянинг Эрон ва Туркияга қарши олиб борган урушларида иштирок этган; 1816—1828 йиллари Кавказ армиясида хизмат қилган. 1819—1820 йиллари рус армиясининг Кавказдаги бош қўмондони генерал Ермоловнинг топшириғи билан Боку — Каспий денгизи — Челекан ороли — Қорақум орқали Хивага борган.

Н. Муравьёв кузатувчан одам эди. Мазкур сафари ҳақида ёзиб қолдирган асариди («Путешествие в Туркмению и Хиву гвардейского генерального штаба капитана Николая Муравьёва», ч. I—II; Москва, 1822). Хива хонлиғи ҳақида муҳим ҳарбий, иқтисодий, тарихий ва этнографик маълумотлар тўплаган.

Асарда Хива хонлигининг ҳудуди, йирик шаҳарлари, халқи ва унинг машғулоти ва мудофаа салоҳияти (ҳарбий қудрати) ҳақида диққатга сазовор маълумотлар келтирилади. Унда хусусан қуйидагиларни ўқиймиз:

«Хива хонлиғи шимолда Орол денгизи ва унинг шимолида жойлашган чўл билан чегарадош. Чўлда қозоқлар истиқомат қиладилар. Шимоли-шарқий ҳудуди Амударё билан туташ. Шимоли-ғарбий тарафи чўл ва қумликлардан иборат. Бу ҳудудда туркманларнинг Така қавми истиқомат қилади.

Ғарбий тарафи 800 верстга чўзилган саҳро бўлиб, у ерларда Каспий денгизи атрофидаги қавмлар истиқомат қиладилар».

Хива хонлигининг бешта катта шаҳари бор. Улар: Хива, Янги Урганч, Шовот, Кот ва Гурлан.

«Хива» — пойтахт шаҳар. Айтишларича, қадимда Хивақ деб аталган. Амударё ўз ўзанини ўзгартирмасдан аввал, бунёд этилган.¹ У катта шаҳар. Машҳур иморатлари: мадраса, хон саройи ва ибодат қиладиган масжид бўлиб, мас-

¹ Бу воқеа Араб Муҳаммадхон (1602—1623) ва Абулғозихон (1643—1663) замонида содир бўлган. Хива эса 2500 йил муқаддам бунёд этилган.

жид гумбази феруза рангли кошин билан қопланган. Хоннинг ҳовлиси кўп ҳам катта бўлмай, унда ҳам бир неча кичик масжид мавжуд. Уйлари лойдан қурилган, кўчалари тор. Шаҳарда бир неча кичик дўконлар ҳам бўлиб, (бозорида) ҳафтада икки марта олди-сотди бўлади. [Хивада] 3000 га яқин хонадон бўлиб, халқи 10000 жон атрофида. Шаҳар, хонликдаги бошқа шаҳарлар сингари, экинзорлар ва катта боғ-роғлар билан ўралган. Боғ ўртасида кичик-кичик қалъалар ва уйлар жойлашган».

Янги Урганч — шу кунларда хонликнинг янги пойтахти; хон ноибни Қутли Мурод иноқнинг турар жойи. У Хивадан каттароқ; хонликнинг тамом савдо-сотиғи шу ерга тўпланган; аҳолисининг кўпчилигини сартлар¹ ташкил қилади. Дўконлари кўп ва гавжум бўлган бу шаҳарда Шарқ мамлакатларида етиштириладиган ҳар хил қимматли матолар, зеб-зийнат молларини харид қилиш мумкин. Ҳафтада бир неча кун савдо-сотиқ бўлади. Янги Урганчликлар бошқа мамлакатларга ва хонликнинг бошқа шаҳарларига ҳам ўз молларини олиб бориб, савдо-сотиқ қиладилар. Янги Урганч мустақкам девор билан ўралган».

«**Шовот** билан **Кот** бир қадар кичикдир. Биринчисида 2000 га, иккинчисида 1500 га яқин халқ яшайди. Ҳар иккала шаҳар ҳам мустақкам девор билан ўралган.

Хонликнинг бешинчи шаҳри **Гурлан** деб аталади. Унда тижорат аҳли кўп. Уйлари лойдан қурилган ва ғариб. Масжиддан бошқа яхши бинолари йўқ. Деворларининг асоси тошдан. Уйлари лойдан бўлишига қарамай, пишиқ қилиб қурилган...

(Хоразмда) савдо-сотиқда шаҳардан қолишмайдиган катта қишлоқлар ҳам кўп. Бухоро йўлида жойлашган Ҳазорасп, Қипчоқ, Қўнғирот, Оқсарой, Хон қалъа, Мойжойгил ва бошқалар шулар жумласидандир...

Янги Урганч Кўҳна Урганч ўрнида эмас, ундан олисроқда, Хиванинг ғарбий тарафида; катта масофа улуғвор имо-

¹ Сартлар — ўтроқ савдогар халқ.

ратларнинг вайроналари, пишиқ ғишт ва тошдан ясалган буюмларнинг парчалари билан тўлиб-тошиб ётибди. Ўша жойларда ҳозирда ҳам олтин тангаларни топиш мумкин. Бу ҳол Амударёнинг эски ўзани бўйларида (қадимдан) шаҳар ва хонадонлар бўлганидан гувоҳлик беради. Шулардан Луазан қалъаси, Қизил қалъа, Шоҳсанам, Ўтин қалъа ва бошқаларнинг харобалари ҳозир ҳам кўзга ташланиб турибди. Хиванинг ғарбий тарафидаги чўлда сақланиб қолган уйлар ва наҳрларнинг излари қадимдан бу ерларда маданияти гуллаган Хива ёки Хоразм давлати бўлганлигидан дарак беради...

Хива хонлигида истиқомат қилган халқ кўпроқ ғалла етиштириш ва боғдорчилик билан машғул. Уларнинг даромади асосан ғалладандир. Ҳамма ерда обод қишлоқлар, канал ва ариқларнинг бўйларида экинзорлар, узумзорлар ва серҳосил боғлар ...

Уларнинг эгалари бой-бадавлат ва фаровон ҳаёт кечирадилар. Етиштирилган ғалла ва мева истеъмол талаби даражасидан ортиқроқ. Ғалла ва меванинг истеъмолдан ошиб қолган қисмини теварак-атрофда кўчиб юрган қабилаларга: қозоқлар ва туркманларга, Абулхон ва Мингқишлоқ халқига олиб бориб сотадилар.

Хиваликлар кўпроқ буғдой экадилар ва ғалла уларнинг юртида яхши битади. Унинг катта қисми сотувга юборилади. (Хиваликлар) буғдойдан бошқа яна шоли экадилар, лекин кўзланган миқдорда ҳосил ололмайдилар, чунки шоли сувда ўсади, сув эса кам. Шунга қарамай, хиваликлар уни экадилар, чунки ундан тайёрланган таом ўта ширин бўлади ... Лекин уни сотишга чиқармайдилар, ўзларига зўрға етади. Хонликда кунжут ҳам яхши ўсади. Ундан мой оладилар ва кўп қисмини қўшни юртларга олиб бориб сотадилар. Ҳаракат қилсалар уни бундан ҳам кўп миқдорда етиштириш мумкин. Кунжут мойи хонликда кўпроқ етиштирилади. Лекин арпа билан каноп Хивада яхши ўсмайди. Шу сабабдан уларни кам экадилар. Каноп мойи ўрнига кунжут мойини кўпроқ ишлатадилар...

От еми учун кўпроқ юлғун деб аталган ўт ишлатилади. Уруғи овқат учун ишлатилади, лекин уни кўп қайнатиш керак бўлади. Бу таом кўжа деб аталади.

... Боғларида кўп миқдорда турли навли узум етиштирилади. Аҳоли учун қуритиб сотадилар. Биз уни кишти деб атаймиз. Уни узумнинг шундай аталган навидан тайёрлайдилар, унинг уруғи бўлмайди.

Хиванинг боғларида кўп миқдорда турли навли олма ҳам етиштирилади; олмурут, бодом, нок, гилос, олча, тут ва анор, шунингдек, бошқа мевалар етиштирилади.

Сабзавотдан, Россияда ўсадиган карам, шолғом ва картошкадан бошқа ҳам сабзавот етиштирилади. Пиёзи йирик бўлади.

Хиванинг қовуни ва тарвузи катта ва ширин бўлади.

Хива хонлигида чорвачилик, хусусан, туячилик, қўйчилик, молчилик ривожланган ... Чорвадорлар уни сотишдан ҳам катта фойда кўрадилар.

Хиваликлар бундан (ғаллачилик, боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликдан) ташқари, хунармандчилик билан ҳам шуғулланадилар. Улар ўзлари учун зарур бўлган кийимлардан ташқари, ўзлари ишлаб чиқарган ипак ва ип матолардан ва Бухородан сотиб олиб келинган матолардан кийим-кечак тикадилар. Улар тўқиган газмол чиройли ва нафис бўлмаса-да, пишиқлиги билан ажралиб туради. Корхоналар йўқлиги сабабли кийим-кечак билан ўзларини зўрға таъминлайдилар, бошқа юртларга мол чиқаролмайдилар. Хивалик туркманлар туя жунидан чодир, арқон, чиройли ва пишиқ гиламлар тўқийдилар. Хиваликлар (бундан ташқари) чиройли ипак белбоғлар ҳам тикадилар. Лекин, у ҳам, бошқа қўл маҳсулотлари сингари, четга чиқарилмайди, Хиванинг ўзида қолади. Хиваликлар бой-бадавлат ва тўкин-сочин яшамайдилар, пуллари кам. Топгани кундалик тирикчилик ва хонга солиқ тўлашдан ортмайди.

Умуман олганда, хиваликлар хунармандчиликда кўп ҳам малакали эмаслар. Умуман темир идиш ва буюмларни ясамайдилар, уни рус асирлари ясайдилар. Гарчи мис ўша ердаги конлардан қазиб олинса-да, ундан буюмлар ясаш-

ни билмайдилар. Мисдан ясалган идиш-товоқ ва бошқа буюмларни Россиядан олиб келадилар. Ойна ҳақида эса ҳеч нарса билмайдилар, кўпчилик уни ҳатто кўрмаган ҳам. Шу сабабдан Хивада ойна жуда кам ва қиммат».

Хива хонлигининг ҳарбий аҳволи ҳақида Николай Муравьев мана бу маълумотларни келтиради:

«Муҳаммад Раҳимхон¹ салтанат курсисига ўлтиргунга қадар қабилалар орасида авжига минган ўзаро уруш-талашлар ва ташқаридан қилинган босқинлар оқибатида халқ, (айниқса) бадавлат кишилар ўзини босқин ва талон-торожлардан сақлаш учун уйларини мустаҳкамлаб қалъага айлантирганлар. Бу мустаҳкамланган (кичик) қалъалар, ёки кўрғонлар кўпинча ўзларининг далалари, ёки боғлари ўрғасида қурилган. Унинг ичида турар жойлар, ҳовузлар, кўрғон соҳиби ва хизматкорларнинг уйлари, тегирмон, қушхона, молхона, омборхона ва бошқалар фавқулодда юз берган ҳодисалар вақтида 100—150 кишини сақлайдиган нарсалар бор.

Бу қалъалар тўрт бурчакли, пахсадан бино қилинган, баъзиларида девор тагига тош қўйилган. Деворининг паст қисми тўрт аршин², тепа қисми ярим аршин; баландлиги — уч сажен³ атрофида, девор ташқарисида, (ҳар ер-ҳар ерда) пахсадан думалоқ суянчиқлар қўйилган. Деворнинг тепа қисмига кўнгиралар қилинган...

Хонлиқнинг юқорида тилга олинган бешта шаҳари: Хива, Янги Урганч, Шовот, Кот ва Гурлан ҳам мустаҳкам пахса девор билан ўралган. Шу сабабдан хиваликлар уларни қалъа деб атайдилар... Қалъаларда биронта ҳам замбарак йўқ; уларда аскар ҳам йўқ. Шаҳарларини аҳолининг ўзи ҳимоя қилиши керак бўлади.

Хиваликларда мунтазам қўшин йўқ. Уруш чиқиб қолгудек бўлса, қўшин ўзбеклар ва туркманлардан тузилади.

¹ Хива хони Муҳаммад Раҳим I (1806—1825 йй.)

² Аршин — Россияда амалда бўлган узунлик ўлчови; 0,711 метрга тенг бўлган.

³ Сажен — 2, 13 м. га баробар бўлган узунлик ўлчови.

Кўшин асосан сипоҳийлар табақасидан. У хоннинг буйруғи билан белгиланган ерга тўпланади ва асосан отлик аскардан иборат бўлади.

Н. Муравьёвнинг эсдаликларида ўзбекларнинг феъл-атвори, табиати ва қиёфаси ҳақида ҳам эътиборга лойиқ маълумотлар келтирилган. Унда хусусан ўқиймиз: «Ўзбеклар умуман ақли ва ёқимли, ҳазил-мутойибани яхши кўрадиган, бирон ишга жазм қилгудек бўлса, қарорида қатъий, тўғри сўз, ёлгонни ва эгриликни ёмон кўрадиган, руҳи тетик, хушбичим ва жисмоний кучли халқ ...

Ҳарб ишларида ҳориб-чарчамайдилар, кўрқмас ва жасур кишилардир...»

Сирдарёнинг қуйи оқимидаги шаҳар ва қишлоқлар, Орол денгизини ўрганиш учун юборилган яна иккита ҳарбий экспедиция: поручик Гладишев ва контр-адмирал А. И. Бутков экспедициялари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Поручик Дмитрий Гладишев ва ер ўлчовчи Иван Муравинлар Хивага 1740 йили давлат арбоби ва тарихчи олим В. Н. Татищевнинг ташаббуси билан Сирдарёнинг қуйи оқимидаги шаҳар ва қишлоқларни текшириш, улар ҳақида маълумот тўплаш учун юборилди. Орсқда олган кўрсатмага биноан, улар 1717 йили Пётр I замонида Россия тобелигига ўтган Кичик Жуз хони Абулхайрхон (1695—1748) билан ҳам учрашиши зарур эди. Лекин, бу пайтда Абулхайр Оролда эди. Мамлакатни эса Эрон подшоси Нодиршоҳ босиб олган эди. Шунинг учун Гладишев билан Муравин Абулхайрнинг иниси Нурали ва тоғаси Ниёз билан бирга Оролга жўнаб кетдилар ва икки ойда хон ҳузурига етиб бордилар. Эртаси куни Хивага бордилар. Ўша вақтда Абулхайр хон деб эълон қилинган эди. Гладишев билан Муравин Шовотда (9 ноябр куни) Нодиршоҳ ҳузурини бўлганлар ва унга Абулхайрхон билан Хива Россиянинг табақалари эканлигини айтиб, Хивага меҳру шафқат қилинишини сўраганлар. Зобитларнинг сўзларига қараганда, уларнинг илтимоси ижобат топган. Лекин улар Абулхайрхон билан учрашолмаганлар. Шундай бўлса-да, Абулхайр шоҳдан

чўчиб 12 ноябрда рус зобитлари билан бирга Оролга қочиб кетди. Бу ерда кўп тортишувлардан кейин Нурали хон деб эълон қилинди. Абулхайр Гладишев билан Иван Муравинни олиб Одам ато ариғи бўйида жойлашган эски ўрдасига қайтди. Гладишев ва Муравин 1741 йилнинг апрел ойида у ердан Орска қайтиб келдилар.

Гладишев ва Муравиннинг мазкур саёҳати пайтида тўплаган маълумотлари уларнинг «Гладишев — Муравин. Поездки из Орска в Хиву и обратно 1740—1741 годах поручиком Гладишевым и геодезистом Муравиным, ИРГО, вып. IV, СПб., 1850, С. 519—599» деб аталган.

Гладишев ва Муравин тўплаган маълумотларнинг аҳамияти шундаки, уларда Орол денгизининг соҳиллари, Хоразмнинг Хива, Шоҳтемир, Хожайли, Хонқа ва Шовот шаҳарлари ҳақида, шунингдек, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ ва туркман аҳолиси ҳақида айрим маълумотлар келтирилган.

Булардан баъзиларини шу ерда келтирамиз.

1) Гладишев ҳамроҳлари билан Хивага келиши билан уни хон қароргоҳига олиб бордилар. Унда хон билан бирга Орол бийлари ва хоннинг амирлари ўлтиришган эканлар. Хон Гладишевдан сўради: «Сен қаердан бўласан?» Гладишев жавоб қилди: «Мени император ҳазрати олийлари жўнатдилар, марҳаматли мактуб билан», деди ва мактубни хонга узатди. Хон мактубни олиб, муҳрини пешонасига суртди ва уни ёзиб (котибига) узатиб, «ҳамманинг ҳузурида ўқи!», деб буюрди. Мактуб ўқилиб бўлингач, ҳузурида ўлтирганларга қараб деди: «Кўрдиларингми, умид боғлаб турган олдимдаги чирогни кўряписизларми? Шу нур ёрдамида сизларни (Нодиршоҳдан) ҳимоя қилмоқчиман». Шундан кейин менга қараб деди: «Сенинг ҳақингда эшитганман. Йўлда сенга озор етказибдилар. Ҳузуримга эсон-омон етиб келишинг учун одам билан мактуб юбордим. Чунки, маълумки, Эрон подшоси Нодиршоҳ Хива шаҳрини эгаллаш учун келаётир. Мен эсам ўзим ҳам, бу шаҳар ҳам мен каби император ҳазратларининг қўл остида бўлишини истаймиз. Мен унинг ҳузурига бормоқчиман. Сенинг ҳам унинг ҳузурига

боришинга тўғри келади. Император ҳазратларининг сен олиб келган мактубини Хивадан унга юборамиз, токи шахсан мен билан жанжаллашиб юрмасин». Гладишев хонга жавоб қилди: «Мен сизнинг ҳузурингизга юборилганман. Шундай бўлгач, сизнинг амр-фармонингизда бўламан».

Шундан кейин (Абулхайрхон) Гладишев одамларидан икки кишини, хусусан ер ўлчовчи Муравин билан таржимон Усмон Арслоновни ажратиб олиб ва император олий ҳазратлари жўнатган мактубни қўлларига бериб, уларга мактуб билан тўрт одамни — ороллик бир қорақалпоқ ва бир қозоқни қўшиб, Эрон подшоси ҳузурига жўнатди. Шоҳ ўша вақтда Хивадан 35 верст нарида жойлашган Хонқада турган эди. Улар шоҳга «(Абулхайр)хон император ҳазратларининг табаасидир; ушбу шаҳарни ҳам у ўз тобеълигига қабул қилди», дедилар. Хон эшитдики, Эрон шоҳи Россия империяси билан иттифоқ тузмоқчи эмиш. Шу сабабдан у Хивани ва унга қарашли ерларни талон-торож қилмайди», деган хабарни етказишлари лозим эди».

Дмитрий Гладишевнинг Хивада истиқомат қилиб турган рус асирлари ҳақида келтирган маълумотлари ҳам ўта муҳимдир. У ёзади: «Ўша ерда асирда бўлган Ёйиқ казаги Андрей Бородиндан эшитдимки, Хивада Бекович-Черкасский экспедициясидан асирга тушиб қолган руслар, қалмоқлар ва бошқа ерликларнинг сони 3000 кишига етади. У (Андрей Бородин — Б. А.) уларни яхши билади. Баҳорда уларни Хива теварагидаги ариқларни тозалашга ҳайдаб борадилар. Оролда шундай асирлар сони 500 киши. Тахминан шунча асир Қозоқ ва Қорақалпоқ ўрдаларида яшаб турибдилар...»

Шелделтоғда ҳам рус асирлари турадилар. Ўша тоғда кумуш ва олтин конлари бор. Қазилган рудаларни текшириб қараганларида унинг учдан бир қисми соф олтин бўлиб чиқди. Буни аниқлаган одам Шерғозихонга бориб айтди. Хон уни тириклайин кўмиб ташлашни буюрди, «токи у бу гапни бошқа бировга бориб айтмасин, деб».

Хиваликларнинг касб-кори ҳақида ҳам Гладишев айрим маълумотлар келтирган: «Улар,— деб ёзган эди у,—

буғдой, арпа, жўхори, тариқ, кунжут, пахта ва тамаки экадилар. Ери, баъзи ерлари қумлоқ, баъзилари лойқадан иборат; суғориб экадилар. Уни ҳўкиз билан ҳайдайдилар...

Чорвалари: туя, от, мол, арғумоқлар ва оддий отлар, эшак, қўй, эчки.

Кушлари: ўрдак, товуқ.

Мевадан: олма, анор, узум, тут, шафтоли, жийда, олмурут.

Полиз экинларидан: қовун, тарвуз, турп, шолғом, карам, пиёз етиштирилади.

Дарахтлар: сада қайрағоч, терак, тол ... ўсади. Шунингдек, тут мева беради, барги билан пилла қурти боқилади.

Хивада мис пул зарб қилинади, милтиқ дори тайёрланади...

Қамиш ва беда етиштирилади.

Дарёларида: Сирдарё, Қувондарёда, Улуғ дарёда кечувлар бор. Икки саженлик, икки ярим ва уч саженлик қайиқлари мавжуд. Уларда 5 бошгача от юклаб ўтиш мумкин... Сирдарё билан Улуғ дарёда балиқ кўп.

Қамишзорларида барс, бўри, шағол, тулки каби йиртқич ҳайвонлар яшайди».

Россия учун Орол денгизининг иқтисодий ва ҳарбий-стратегик аҳамияти катта эди. Шунинг учун ҳам Орол флотилиясининг бошлиғи контр-адмирал А. И. Бутаков (1816—1869) га 1848 йили Орол денгизини ўрганиш ва уни тавсифлаш вазифаси юклатилди.

А. И. Бутаковнинг кузатишлари унинг «Кундаликлар»ида (тўла номи «Дневные записки плавания по Аральскому морю в 1848—1849 г», подготовка к печати Е. К. Бетгера, Ташкент, 1953) баён этилган. Унинг ёзишича, «Орол денгизи тинч денгизлардан бўлмастай, айниқса шамол турган пайтида паноҳ топиш қийин». «Унинг Ғарбий соҳилини суратга туширишни Қумсуат қўлтиғидан бошладик. Қумсуатдан бошлаб менга денгиз чуқурлаша боргандай туюлди...» Бутаков ўшанда Орол денгизини ва унинг бандаргоҳ қуриш мумкин бўлган ерларини қаричма-қарич ўлчаб чиқди.

Умуман, контрадмирал Бутаковнинг кузатишлари, Россия ҳукуматига келажакда денгизда ҳарбий ва савдо флоти куриш мумкинлигини кўрсатди. Бу режа подшо Россиясига Сирдарё ва Амударёда ҳам кемалар қатновини йўлга қўйишга ва бу билан Кошғар ва Ҳиндистонга сув йўлини очиб бериш имконини берар эди.

СЎНГГИ СЎЗ

Кўриб турибсизки, Ўзбекистон тарихининг манбалари ранг-баранг ва катта. Улар кўп тилларда: қадимги Эрон, Хоразм, сўғд, қадимий турк, юнон, лотин, хитой, араб, форс, мўғул ва бошқа тилларда ёзилган. Лекин, уларнинг ичидаги маълумотларни бир ерга тўплаб ўрганишнинг ўзи бўлмайди. Уларнинг ҳаммасини бир китобга сиғдириш ҳам мумкин эмас. Шунинг учун, тарихшунос ва манбашунос олимларнинг диққат-эътиборини тортиш мақсадида, уларнинг муҳим-муҳимларига қисқача тўхталиб ўтдик, холос.

Мазкур қўлланмада, асосан, тарихий, географик, геокосмографик, агиографик, яъни азиз-авлиёлар, тариқат етакчиларининг ҳаёти ва кароматларига бағишланган асарлар, олимлар, ёзувчилар ва сайёҳларнинг эсдаликлари, элчиларнинг ҳисоботларига диққат-эътиборингизни тортдик.

Муҳтарам Президентимиз И. А. Каримов 1998 йили бир гуруҳ етакчи тарихшунос олимлар билан бўлган учрашувда мамлакатда тарих фанининг бугунги аҳволдан қониқмаётганликларини рўй-рост айтдилар. Бу, шубҳасиз, ҳақ гап. Мана, миллий мустақилликка эришганимизга ҳам ўн йил ўтаётибди. Лекин шу пайтгача холос, ҳаққоний тарихимизни ёза олганимиз йўқ. Бунинг битта сабаби бор. Биз тарихнинг манбаларини яхши билмаймиз, кўпчилигимиз уни ўқий олмаймиз ҳам. Манбани яхши билган, бемалол ўқий оладиган тарихчиларимиз етишмайди. Манбасиз эса тарихни, ҳаққоний тарихни ёзиб бўлмайди. Президентимизнинг сўзлари билан айтадиган бўлсак, «(тарихчиларимизнинг)

талабга жавоб берадиганлари жуда камчиликни ташкил этади»¹. Тил биладиган, манба билан ишлаш малакасига эга бўлган тарихчиларимиз ҳозир ҳам битта яримта топилади. Лекин улар қартайиб қолишган. Агар зарур шароит яратилса, улардан ҳам фойдаланиш мумкин. Лекин, бу билан кифояланиб бўлмайди. Тарих, шарқшунослик, университет, педагогика институтлари тарих факультетларида Шарқ тилларини ўқитишга, қўлёзма асарлар устида ишлай билиш малакасини ўргатиш, ишлаш ва етук манбашунослар тайёрлаш ишини тўғри йўлга қўйиш зарур. Ҳар иккала шарқшунослик институтида, тарих институтида қадимий қўлёзма асарларни ўрганиш ва нашр этиш ишини тубдан яхшилаш лозим. Бир сўз билан айтганда, «биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур»². Холис, ҳаққоний тарихни эса манбасиз, ундаги хилма-хил бой маълумотсиз ёзиб бўлмайди.

¹ И. А. Каримов. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». «Мулоқот», 1998, № 5, 14- бет.

² И. А. Каримов. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». «Мулоқот», 1998, №4, 13- бет.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Биринчи қисм	7
<i>I боб. Тарихий манбаларнинг турлари, уларни туркумлаш, танлаш ва илмий таҳлил қилишнинг умумий тамойиллари (принциплари)</i>	<i>7</i>
<i>II боб. Қадимги замон тарихи манбалари</i>	<i>20</i>
<i>(Милоддан аввалги VI — милоднинг V асрлари)</i>	
Асосий ижтимоий-сиёсий воқеалар	20
Манбалар	24
1. Қадимги Эрон манбалари	24
2. Қадимги ҳинд манбалари	33
3. Қадимги юнон ва Рим манбалари	34
Иккинчи қисм	42
<i>III боб. VI—VIII асрлар тарихи манбалари</i>	<i>42</i>
Муҳим сиёсий воқеалар	42
Манбалар	46
1. Қадимги турк манбалари	46
2. Хитой манбалари	50
3. Сўғд тилидаги манбалар	54
<i>IV боб. IX—XV асрлар тарихига оид манбалар</i>	<i>57</i>
Асосий ижтимоий-сиёсий воқеалар	57
Манбалар	68
1. Ҳуқуқий ҳужжатлар ва ёзишмалар	68
2. Мўғул ва хитой тилларидаги ёзилган манбалар	107

3. Араб тилида ёзилган манбалар	111
4. Форс тилидаги манбалар	142
V боб. XVI—XIX асрлар даври тарихи манбалари	185
Муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар	185
Манбалар	187
1. Эски ўзбек тилидаги манбалар	187
2. Форс-тожик тилидаги манбалар	199
3. География ва космографияга оид асарлар	246
4. Ўзбек халқининг шаклланишига оид манбалар	259
VI боб. Биографик ва мемуар асарлар	262
1. Биографик асарлар	263
2. Мемуар асарлар	297
VII боб. Сайёҳлар ва элчиларнинг эсдаликлари	306
1. Сайёҳларнинг эсдаликлари	306
2. Рус элчилари ва ҳарбий мутахассисларининг эсдалик- лари	314
Сўнги сўз.....	348

Аҳмедов Бўрибой.

Ўзбекистон тарихи манбалари (Қадимги замон ва ўрта асрлар): Тарих муаллимлари, талабалар ва юқори синф ўқувчилари учун қўлланма.—Т.: «Ўқитувчи», 2001.—352 б.

ББК 63.3(5У)я73+
63.3(0)3я73

БЎРИБОЙ АҲМЕДОВ
ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ МАНБАЛАРИ
(Қадимги замон ва ўрта асрлар)

Тошкент «Ўқитувчи» 2001

Махсус муҳаррир т.ф.д., проф. **О. С. Содиков**

Таҳририят мудистри *С. Мирзахўжаев*

Муҳаррирлар *С. Мирзахўжаев, Р. Мирхолиқов*

Техник муҳаррирлар: *М. Суркова, Т. Грешникова*

Бадий муҳаррир *М. Калинин*

Мусахҳиҳ *А. Иброҳимов*

ИБ № 7765

Теришга берилди 19.01.2001. Босишга рухсат этилди 6.04.2001. Бичими 84×108¹/₃₂. Кегли 10, 9 шпонли. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 18,48. Шартли кр.-отт. 18,9. Нашр. т. 17,87. 10000 нусхада босилди. Буюртма № 8542.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30.
Шартнома № 07–68–99.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошполиграф-комбинати. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 2001.

Мактаб кутубхонаси жамғармасига киритилган. Бепул.